

Abu Abdullah Muhammad ibn Ahmad al-Salihi

# LEVELS OF HADITH NARRATORS

## Volume 1

Tashkent – 2020

Responsible editor:  
*Doctor of historical sciences, professor*  
**Ubaydullah Uvatov**

Translators:  
*Candidate of Historical Sciences, Associate Professor*  
**Doniyor Muratov**

*Researcher, Lecturer*  
**Sherzodjon Umaraliev**

Reviewers:  
*Doctor of Historical Sciences, Associate Professor*  
**Davronbek Maxsudov**

*Candidate of Historical Sciences, Associate Professor*  
**Durbek Rahimjonov**

This book gives a brief account of the lives of the hadith narrators and hadith scholars whose names are mentioned in nine reliable collections of hadith called "Sihahi tis'a". This information is one of the valuable and necessary knowledge that anyone engaged in the science of hadith should know. The book "Levels of Hadith Narrators" consists of four volumes, and this book in your hands is the first part of the work.

Мазкур китобда «Сихоҳи тисъа» номи билан аталувчи ишонарли тўққиз ҳадис тўпламларида исмлари зикр қилинган ҳадис ровийлари ва муҳаддисларнинг ҳаёти қисқача ёритиб ўтилади. Ушбу маълумотлар ҳадис илми билан шуғулланувчи ҳар бир киши билиши лозим бўлган қимматли ва зарурий билимлардан ҳисобланади. «Ҳадис илми олимлари» асари тўрт жилддан иборат бўлиб, қўлингиздаги ушбу китоб асарнинг биринчи қисмидир.

Levels of Hadith Narrators / Abu Abdullah Muhammad ibn Ahmad al-Salihi.

Ҳадис ровийлари табақалари / Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Солиҳий.

**МУҚАДДИМА**

Мазкур китобда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари, тобейлар ва улардан кейинги олимларнинг ҳадис ҳофиз<sup>1</sup>ларидан бир қисми ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган. Ушбу маълумотлар эса ҳадис илми билан шуғулланувчи ҳар бир киши билиши лозим бўлган зарурий билимлардан биридир.

Ушбу асарнинг муаллифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Солиҳий бўлиб, олим 1305-йилда Дамашқ шаҳрида туғилган<sup>2</sup>. Ҳадис илмига оид дастлабки билимини ўз отаси Аҳмад ибн Абдулҳодийдан олган. Сўнгра у замонасининг етук ҳадис олимлари Исо Мутаъбим, Абу Бакр ибн Абдуддоим Солиҳий, Саъдуддин Яҳё ибн Муҳаммад, Аҳмад ибн Абу Толиб Ҳажжор ва Қози Шарофиддин ибн Ҳасан кабилардан сабоқ олади. Олим шунингдек тафсир, фикҳ, қироат ва луғат илмларида ҳам пешқадам бўлган. Муаллиф 1354-санада вафот этган. Унинг жанозасида бир неча олимлар қаторида Ҳофиз Шамсиддин Заҳабий ҳам ҳозир бўлган.

Муаллиф ўз китобида Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадиси шарифларини ёйишда хизмат қилган саҳобаи киромлар, ҳадис илми пайдо бўлишида муҳим вазифаларни бажарган тобейий ва табаъ тобейийларлар ҳаёти ва фаолиятини қисқача ёритиб ўтади. Шунингдек, муаллиф асарда ишонарли тўққиз ҳадис тўплами «Сихоҳи тисъа»да исми зикр қилинган, жами 1155та ровийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганган. Ушбу ровийлар рўйхати Абу Бакр Сиддиқдан бошланиб, асарнинг тўртинчи жилдида 1256-йилда туғилган муаллифнинг устози Абул Ҳажжож Юсуф Миззийда тугайди.

«Ҳадис ровийлари табақалари» асарида ровийлар рўйхати табақаларга ажратилган ҳолда, уларнинг яшаб ўтган даврлари кетма-кетлиги асосида тузилган. Бу эса ўз навбатида ўқувчига ровийларни ўрганиш ва уларни асардан қидириб топишида бир қанча енгилликларни туғдиради.

Қўлингиздаги ушбу китоб «Ҳадис илми олимлари» асарининг биринчи жилди таржимаси бўлиб, мазкур жилдда 350та ҳадис ровийсининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилади.

**Тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов**

<sup>1</sup> Ҳофиз-ҳадис илмидаги атама бўлиб, ҳадис илмида чуқур билимга эга бўлган, билган маълумотлари билмаган маълумотларидан кўп бўлган олимга нисбатан қўлланилади.

<sup>2</sup> Ҳофиз Шамсиддин Заҳабий. Тазкира ал-хуффо. 4-жилд. 1508-рақам.

**МУАЛЛИФ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ**

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдулҳодий Солиҳий 705/1305-йилда Дамашқ шаҳрида таваллуд топган. Солиҳийлар сулоласидан бўлгани сабабли Солиҳий нисбаси билан танилган. Солиҳийлар сулоласи 1283-йилда Қуддусдан Дамашқ шаҳрига кўчиб ўтади. Муаллифга қадар ушбу сулоладан замонасининг етук муҳаддис ва фақиҳлари етишиб чиққан. Хусусан, олимнинг отаси Аҳмад ибн Абдулҳодий Куръон ҳофизи, машҳур тасаввуф намоёниси ва муҳаддис бўлган.

Муаллиф ҳадис, фикҳ, тафсир, кироат ва наҳв илмларида пешқадам бўлган. Ҳадис илми таълимини дастлаб отасидан олади. Сўнгра Камолиддин Солиҳийнинг қизи Зайнабдан бир қанча ҳадис китобларидан «ижоза» олишга эришади. Ҳадис илми бўйича фаолиятини кенгайтирган ҳолда Исо Мутъим, Абу Бакр Аҳмад ибн Абдуддоим Солиҳий, Саъдуддин Яҳё ибн Муҳаммад ибн Саъд, Аҳмад ибн Абу Толиб Солиҳийлар ҳузурида ҳадис эшитади.

Абу Абдуллоҳ Солиҳий ўзининг замондошлари орасида «рижол» (ровийлар илми) ва «илал» (ҳадис иллатлари) илмларини пухта эгаллаган муҳаддис сифатида машҳур бўлган. Муаллифнинг мазкур асари «Табакоту улама ал-ҳадис» (Ҳадис олимлари табақалари) деб номланади.

Абу Абдуллоҳ Солиҳий турли илмларга оид 75та асар ёзиб қолдирган. Уларнинг қатта қисми ҳадис илмига бағишланади. Олимнинг ҳадис илмига оид бир неча жуздан иборат йирик асарларидан «ал-Иълум фи зикри машойихил аймматил аълум», «Таълиқа ғала Сунанил Байҳақил кубро», «Таълиқо ғалал Илал ли Ибни Аби Ҳотам», «Шарҳу китобил Илал», «ал-Умда фил ҳуффоуз» ва «ал-Калом ғала аҳодисил баҳри ҳуват туҳур мауху»ларни келтириш мумкин. Шунингдек, олимнинг тафсирга оид «Муснад», фикҳга оид «ал-Аҳком ал-кубро» ва «Қоваиду усулил фикҳ» асарлари ҳамда наҳв илмида ибн Моликнинг «Тасҳил» ва «Алфия» номли икки асарга ёзган шарҳлари машҳур.

Муаллиф 755/1354-йил Жумодул аввал ойининг 14-санасида вафот этган. Ибн Касирнинг «ал-Бидоя ван ниҳоя» асарида Абу Абдуллоҳ Солиҳий уч ой давом этган иситма ва ич кетиш касаллигининг кучайиши сабабли вафот топганини келтиради. Ибн Касирнинг ёзишича, олимнинг сўнги сўзи шаҳодат калимасини айтиш бўлган<sup>3</sup>.

Олимнинг жанозасини муҳаддислар имоми Шамсиддин Заҳабий ўқиб берган. Жаноза нутқида имом Заҳабий: «Мен ундан кўп фойда олганман», деб айтгани ривоят қилинади.

*Таржумонлар*

<sup>3</sup> Ибн Касир. Ал-Бидоя ван ниҳоя, 14-жилд. –Б.210.

## ТАБАҚОТ ЖАНРИ

«Муҳаддис» сўзи луғатда ҳадис ривоят қилувчи маъносини билдириб, истилоҳда ҳадисларни тўплаш, саралаш ва шарҳлаш билан шуғулланадиган олимни билдиради. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан кейин ҳадисларни саралаш, жамлаш, шарҳлаш ишларини олиб борган ва ровийлар ҳақида муайян билимга эга бўлган олимларнинг даражалари турлича бўлсада, уларнинг барчаси муҳаддис деб аталган.

Муҳаддислар ҳаёти ва илмий фаолиятини ўрганишга бағишланган турли асарлар муҳаддисларнинг ўзлари томонидан ёзилган. Ҳадис ривоят қилган кишилар (муҳаддислар ҳам) ҳақидаги маълумотларни ўрганувчи илм «илм рижол ал-ҳадис» (кишилар илми) деб юритилади. Бу соҳада ҳадис ривоят қилган аёллар ҳам ўрганилади. Ҳадис илмида «кишилар илми» деб аталишининг сабаби ҳадис ривоят қилувчиларнинг аксарияти эркак кишилар бўлгани инобатга олинган. Бу илмда ровийларнинг аҳволи, ривоятларини қабул қилиш-қилмаслик, яшаган замони, устози ва шогирдлари ҳамда исми-шарифи, лақаблари ўрганилади.

Ҳадис илмига оид манбаларда ровийнинг шахсиятини билиш асосан икки йўл орқали ўрганилади:

1) ровийлар тарихи;

Бунда муҳаддислар ҳадис ровийларининг туғилиши, шайхларидан ҳадис эшитган вақти, бирор жойга сафар қилган пайти, вафот этган саналари ҳақидаги маълумотларни ўрганиши назарда тутилади. Чунончи, имом Суфён Саврий: «Ровийлар ёлғон ишлатишни бошлаганда, уларга қарши тарихдан фойдаландик», деганидан бу илм муҳаддис учун долзарб аҳамият касб этганини билиш мумкин.

2) ровийларнинг исмлари;

Ровийлар шахсиятини аниқлаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида иснодларда зикр этилган шахсларнинг таржимаи ҳоллари таълиф этилган асарлар пайдо бўлган. Уларда ҳадис ровийларининг исмлари кўрсатиб ўтилган. Ровийлар ўз исмлари билан бошқалардан ажралиб турганлар. Бироқ бир-бирига ўхшаш исмлар кўп бўлгани учун муҳаддислар уларни ажратиш олиш йўллари ишлаб чиқиб, ўзига хос қоидалар жорий қилганлар ҳамда бу борада алоҳида асарлар ёзилган.

Ровийларнинг ҳаётини, ҳадис илмидаги мавқеини ўрганишга бағишланган асарларнинг турлари кўпайиб, улардан ровийларнинг лақабига, насабига, юрт ва шаҳарларини билишга, олимларнинг туғилиши ва вафот этган санасига, ровийларнинг кунясини ўрганувчи ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратилди. Шунингдек, исмларида ноаниқлик бўлган ровийлар, муҳаддислар табақаси ҳамда ишончли ва заиф ровийлар, жарҳ ва таъдили, ҳадисдаги иллатлар, саҳобийлар ва бошқа ровийларга бағишланган асарлар ҳам таълиф этилди.

Бу манбалар орасида табақот жанридаги асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки муҳаддислар табақани ҳадис ривоят қилган ровийларни ажратиш олиш учун қўллайдилар.

«Табақот» сўзи араб тилида табақалар ва даражалар маъносини билдиради. Ҳадис ровийларининг даражалари асосида ёзилган тўпламлар табақот деб юритилган. Яъни бунда ёшда, иснодда ёки фақат иснодда бир-бирига яқин бўлган кишилар бир шайхдан ҳадис эшитгани ҳақида маълумот берувчи асарлар назарда тутилган бўлиб, исноддаги кишиларнинг исми ёки кунyasi бир-бирига ўхшаш бўлади ва бир кишининг иккинчи киши деб ҳисобланишига олиб келади. Табақотни билиш бу каби ҳолатларнинг олдини олади ҳамда анъана услубида ривоят қилиш мақсадини тушунтиради.

Шунингдек, саҳобийлар бир-биридан ёш жиҳатидан фарқ қилсаларда, бир табақада ҳисобланадилар. Масалан, Анас ибн Молик каби ёш саҳобийлар жаннатийлиги башорат қилинган 10 нафар саҳобий (ашараи мубашшара) билан бир даражада туради. Агар исломга кирганликлари эътибори билан гуруҳларга ажратилса, ҳамма саҳобийлар ҳам бир даражада бўлмайди.

Ровийлар табақаси икки қисм: саҳобийлар ва саҳобий бўлмаганларга бўлинади.

Бу илм билан шуғулланаётган киши ровийларнинг туғилган ва вафот этган-йиллари, уларнинг устоз ва шогирдлари ҳақида аниқ билимга эга бўлиш тақозо этилади. Ибн Ҳажар «Тақриб ат-тахзиб» асарида муҳаддисларни 12 табақага ажратган. Бу табақа олти китоб асосида тузилган. Улар:

1. Саҳобийлар;
2. Саид ибн Мусайяб каби катта тобейлар;
3. Ҳасан Басрий, Ибн Сирин каби ўрта тобейлар;
4. Зухрий, Қатода каби асосий ривоятлари ўрта тобейлардан бўлган табақа;
5. Саҳобийлардан бир ёки икки ҳадис ривоят қилган кичик тобейлар, баъзи ўринларда уларнинг саҳобийлардан эшитганлари собит бўлмаган;
6. Ибн Журайж каби бешинчи табақа билан асрдош бўлиб, саҳобийлар билан учрашмаганлар;
7. Молик ибн Анас, Суфён Саврий каби табаа тобейларнинг каттаси;
8. Ибн Уяйна, Ибн Улайя каби ўрта табаа тобейлар;
9. Язид ибн Ҳорун, Шофеий, Абу Довуд Таёлисий, Абдураззоқ каби кичик табаа тобейлар;
10. Аҳмад ибн Ҳанбал каби тобейларни кўрмаган, ривояти табаа тобейлардан бўлганлар табақаси;
11. Зухалий, Бухорий каби ўрта табақа;
12. Термизий каби табаа тобейларнинг кичикларидан дарс олган табақа.

Бу келтирилганлардан биринчи ва иккинчи табақалар ҳижрий 100/718-йилдан аввал вафот этган. Учинчидан саккизинчисигача эса, ҳижрий 100/718-йилдан сўнг вафот этган. Қолганлари ҳижрий 200/816-



йилдан кейин вафот этган. Шунингдек, баъзи аҳли илмлар ривоят асрини 300/913-йилда ниҳоясига етган деб қайд этади, чунки бу олти ишончли ҳадис тўпламлари муаллифлари яшаган даврдир. Улардан ташқари, Бақи ибн Махлад (ваф. 276/889 й.), Исмоил Қози (ваф. 282/895 й.), Муҳаммад ибн Исмоил Абу Бакр Исмоилий (ваф. 289/902 й.), Баззор (ваф. 292/905 й.) ва бошқалар шу даврда фаолият олиб бориб, ҳадис асарларини ёзганлар. Шунинг учун ҳофиз Заҳабий мутақаддим ва мутааххир олимлар орасини ажратувчи қилиб 300/913-йилни белгилаган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ривоят қилиш асри бешинчи ҳижрий аср ниҳоясигача давом этган. Чунки Байхақий, Хатиб, Ибн Абдулбар, Ибн Ҳазм ва бошқа ҳофизларнинг асарларида ўзлари таҳриж қилган ҳадислар мавжуд. Шунинг учун ҳофиз Заҳабийнинг муайян чегарани кўрсатганини ҳадис илмида «олтин аср»ни ажратиб берган деб таъвил қилиш мумкин.

Муҳаддисларнинг табақаси бўйича ёзилган машҳур асарлар қаторига Ҳайсам ибн Адийнинг (ваф. 207/822 й.) «Табақот ал-фуқаҳо вал-муҳаддисин», Ибн Мадиний номи билан танилган Али ибн Жаъфар Саъдий Басрий (ваф. 234/849 й.), Халифа ибн Хайёт Усфурий (ваф. 240/855 й.), имом Аҳмад ибн Али ибн Шуайб Насоий (ваф. 303/915 й.), Абу Аруба Ҳарроний номи билан танилган Хусайн ибн Муҳаммад ибн Абу Маъшар Мавдуд Суламий (ваф. 318/930 й.) «ат-Табақот» номли асарларини таълиф этганлар. Ибн Манда номи билан танилган Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Қосим Абдий Исфаҳонийнинг (ваф. 470/1077 й.) «ал-Мустаҳраж мин кутуб ан-нос лит-тазира ва ал-мустатраф мин аҳвол ар-рижол лил-маърифат» ёки «ат-Табақот» асарлари ҳам шулар жумласидандир.

Ибн Саъд номи билан танилган Муҳаммад ибн Саъд Басрийнинг (ваф. 230/845 й.) «ат-Табақот ал-кубро» асари бу соҳада ёзилган энг машҳур асар ҳисобланади.

Шунингдек, баъзи муҳаддислар муайян табақани танлаб олиб, улар бўйича китоб ёзишни йўлга қўйганлар. Бунга Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Абу Ҳотим Розий Ҳанзалийнинг (ваф. 277/890 й.) «Табақот ат-тебийн», Аҳмад ибн Ҳорун ибн Рух Абу Бакр Бардижийнинг (ваф. 301/913 й.) «Табақот ал-асмо ал-муфрада мин ас-саҳоба ва ат-тобийн ва асҳоб ал-ҳадис», Маслама ибн Қосим Абу Қосим Андалусийнинг (ваф. 353/964 й.) «Табақот ал-муҳаддисин» каби асарларини келтириш мумкин.

Айтиб ўтилганлардан ташқари, табақот жанридаги баъзи асарлар борки, уларда муайян жой номи асос қилиб олиниб, у ерда яшаганларга бағишланган. Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Тамим Абу Араб Қайравонийнинг (ваф. 333/944 й.) «Табақот уламо Ифриқия ва Тунис», Муҳаммад ибн Ҳорис ибн Асад Хашанийнинг (ваф. 366/977 й.) «Табақот уламо Ифриқия» (бу асар Абу Арабнинг «Табақот уламо Ифриқия ва Тунис» асари билан бирга нашр қилинган), Абу Шайх Ибн Ҳайён номи билан танилган Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаъфар Абу Муҳаммад Ансорий Исфаҳонийнинг (ваф. 369/980 й.) «Табақот ал-муҳаддисин би

Исфахон ва-л-воридин алайҳа», Солих ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Абу Фазл Симсор Ҳофиз Муаммар Ҳамадонийнинг (ваф. 384/994 й.) «Табақот ал-Ҳамадонийин» каби асарлари шулар жумласидандир.

Баъзи олимлар фақат муҳаддисларга ёки муайян даражага етишганларга бағишлаб асар ёзишни йўлга қўйганини кўраемиз. Бунга имом Муслим ибн Ҳажжож Қушайрийнинг (ваф. 261/875 й.) «Табақот рувот ал-ҳадис», Ибн Абд Макдисий номи билан танилган Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуҳодий Абу Абдуллоҳнинг (ваф. 744/1343 й.) «Табақот уламо ал-ҳадис» асарларини мисол келтирсак бўлади. Имом Заҳабий (ваф. 748/1347 й.) «Тазкира ал-ҳуффоз» асарини ровийлар табақаси бўйича ёзиб, саҳоба ва тобейларнинг таржимаи ҳолини келтириб, улардан кейин келган 21 табақа ҳақида маълумот беради. Унда ҳофиз Юсуф ибн Абдуллоҳ Миззийгача (ваф. 742/1341 й.) бўлган ровийларни санаб ўтиб, жами 1176 нафар ровийнинг таржимаи ҳолини келтирган. Бу асар кўп маротаба нашр қилинган. Заҳабийнинг шогирди ҳофиз Муҳаммад ибн Али Абу Маҳосин Хусайний Димашқий (ваф. 765/1364 й.) «Табақот ал-ҳуффоз»га «Зайл» ёзади. Ҳофиз Муҳаммад ибн Муҳаммад Ҳошимий Маккий (ваф. 871/1466 й.) бу асарга «Мустадрак» асарини бағишлаган.



**КИРИШ**

**Асар номланишининг ўзига хослиги.** «Ҳадис илми олимлари» асари ҳадис ровийлар тўғрисида қисқача маълумотлар бериб ўтиши билан фарқланади. Асардаги ровийлар табақаларга ажратилган ҳолда уларнинг таржимаи ҳоллари берилади. Маълумки, ҳадис олимлари одатига кўра ровийлар таржимаи ҳолига оид китоблар «хуффо» (ҳадис ҳофизлари), «рувот» (ровийлар) ёки «муаддисин» (муҳаддислар) каби номлар билан аталган. Масалан, Шамсиддин Заҳабийнинг «Тазкиротул хуффо», Аттобийнинг «Табақотул руватил ҳадис» ёки Ибн Даббоғнинг «Табақотул хуффо» ва «Табақотул муҳаддисин» асарларида ровийлар хуффо, рувот ёки муҳаддисин шаклида номланган. Аммо Абу Абдуллоҳ Солиҳий ушбу асарни «Табақотул уламо ал-ҳадис» (Ҳадис олимлари табақалари) деб номлайди. Асарни номлашда ишлатилган «уламо ал-ҳадис» лафзи бошқа шу турдаги китоб номларида учрамайди. Бунинг сабаби сифатида олимнинг ҳадис ровийлари фаолиятига бағишланган «Тарожумул хуффо» номли яна бир асарнинг унга нисбат берилишини келтириш мумкин. Чунки ибн Носириддиннинг «ар-Раддул вофир», Суятийнинг «Буғютул вуъот» ва Хайриддин Зириклийнинг «Аълум» асарларидан Абу Абдуллоҳ Солиҳийнинг «Табақотул уламо ал-ҳадис» асарининг ўрнига «Тарожумул хуффо» номли бошқа бир асар нисбат берилади. Эҳтимол, ушбу асар муҳаддислар орасида юқоридаги ном билан машҳур бўлган. Мазкур асарни таҳқиқ қилган олимлар Ақром Буший ва Иброҳим Зибак фикрича, «уламо ал-ҳадис» лафзи ҳадис илми билан шуғулланган барча ровий, ҳофиз ва муҳаддис маъноларини ўзида мужассам этади. Шу боис муаллиф асарни «Табақотул уламо ал-ҳадис» деб номлаган.

**Асарда қўлланилган ҳаволалар.** Муаллиф асарда номлари машҳур бўлган манбалардан иқтибос олишда махсус белгилардан фойдаланган. Масалан, машҳур ҳадис тўпмаларига қуйидагича ҳаволалар беради:

- ب – «Саҳиҳи Бухорий»;
- م – «Саҳиҳи Муслим»;
- د – «Сунани Абу Довуд»;
- ت – «Сунани Термизий»;
- س – «Сунани Насоий»;
- ق – «Сунани ибн Можа»;
- . – тўрт Суна тўпламлари;
- ع – ишонарли олти ҳадис тўпламлари.

**Ровийларнинг таржимаи ҳоли ёритилиш услуби.** Абу Абдуллоҳ Солиҳий асарда ровийларнинг таржимаи ҳолини аксар ўринда қуйидаги тартибда ёритади:

- ровийнинг илмдаги мартабаси (имом, ҳофиз ва муқриъ каби);
- унинг аждодлари;
- туғилган санаси;
- ровий туғилган ва фаолият юритган жой номи;

- ровийнинг ҳадисларни эшитишни бошлаган-йили;
- ровий ҳадис эшитган устозлари;
- унинг машҳур шогирдлари;
- баъзида фикҳдаги мазҳаби;
- ҳатто унинг эгаллаган касб-ҳунари;
- агар ровийнинг ҳадисга оид асари мавжуд бўлса, асарнинг номи;
- ровийнинг жарҳ ва таъдил олимлари томонидан эътироф этилган таърифларини келтиради.

Якунда ровийнинг вафоти тўғрисида маълумот билан унинг таржимаи ҳолини ёритишни тамомлайди.

Хулоса қилиб айтганда, «Ҳадис илми олимлари» асари ҳадис илмига қизиқувчи барча китобхон ва илмий изланувчиларга қимматли маълумотларни тақдим этувчи асарлар сирасига киради. Мазкур асар ўзининг ровийлар тўғрисида мухтасар шаклда маълумот бериш ва уларни табақаларга ажратиш каби услублари билан ўқувчига ҳадис ровийлари тўғрисида қисқа ва аниқ маълумотларга улашиш имконини беради.

Азиз ўқувчи, муаллифлар жамоаси сиздан китобда учраши мумкин бўлган нуқсон, хато ва камчиликлар учун олдиндан узр сўраган ҳолда келтирилган маълумотлар Сизга манзур ва мақбул бўлади, деб умид қилади.

*Таржимонлар*

## **БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ ТАБАҚА РОВИЙЛАРИ**

Ушбу икки табақа саҳобаи киромлардан бошланиб, уларнинг бошида Абу Бакр Сиддиқ туради ва тобеийлардан Рибъий ибн Ҳирош Ғатафоний билан тугайди. Муаллиф биринчи ва иккинчи табақа вакиллари бир қаторда зикр қилиб ўтади ва иккинчи табақа ровийлари айнан қайси ровийдан бошланиши ҳақида маълумот бермайди. Шунингдек, муаллиф номлари машҳур бўлган саҳобаи киромлар ҳаёти борасида жуда қисқа тўхтаб ўтади.

### **САҲОБАЛАР ТАБАҚАСИ**

#### **1. Абу Бакр Сиддиқ**

Абу Бакр Сиддиқнинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Абу Қуҳофа Усмон Кураший Таймий бўлиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ўринбосари, ғордаги ҳамроҳи ва энг яқин саҳобаси ҳисобланади.

У киши ҳижрий 13-йили, жумодул охир ойининг 22-куни 63 ёшида вафот этган.

#### **2. Умар ибн Хаттоб**

Амир ал-муъминин Абу Ҳафс Умар ибн Хаттоб Адавий. Лақаблари «Форуқ» бўлган.

Умар ибн Хаттоб ҳукмронлиги даврида ислом дини ривожланди ва кўплаб диёрларга ислом етиб борди.

Ҳижрий 23-йили, Зул-ҳижжа ойининг охирларида 63 ёшида вафот этди.

#### **3. Усмон ибн Аффон**

Амир ал-муъминин, Абу Амр Усмон ибн Аффон Умавий. Лақаблари «Зун-нуройн» бўлган.

Ислом уммати орасида ягона Мусҳафни жорий қилган. У зотнинг ҳукмронлиги даврида Хуросон ва Мағриб диёрлари фатҳ этилган.

Ҳижрий 35-йили, зул ҳижжа ойининг ўн саккизинчи кунида Судон ибн Ҳумрон томонидан ўлдирилган. Шу пайтда Усмон ибн Аффон саксон ёшдан ошган эди.

#### **4. Али ибн Абу Толиб**

Амир ал-муъминин, Абу Ҳасан Али ибн Абу Толиб Ҳошимий. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг куёви ва ислом лашкаридаги моҳир чавандози.

Ҳижрий 40-йили, рамазон ойининг ўн еттинчи куни, олтмиш ёшдан ўтганида вафот этди.

### **5. Абдуллоҳ ибн Масъуд**

Мазкур зот раббоний олим, Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Масъуд Хузалий бўлиб, илк мусулмон бўлган саҳобийлардан биридир. Оналарининг исми Умму Абд бўлган.

Халифа Умар у киши ҳақида шундай деган: «(Абдуллоҳ ибн Масъуд) илмга тўла кўзача каби».

Мадина шаҳрида ҳижрий 32-йилда олтмиш ёшида вафот этган.

### **6. Убай ибн Каъб**

У киши Абу Мунзир Убай ибн Каъб Ансорий Ҳазрабий Нажжорий бўлиб, қориларнинг саййиди ҳисобланади.

Бадр жангида қатнашган, бундан ташқари Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам билан барча муҳим воқеаларда бирга бўлган. Вафот этган кунда Халифа Умар ибн Абдулазиз шундай деган эди: «Мусулмонларнинг саййиди вафот этди».

Ҳайсам ибн Адий ва бошқа олимларнинг фикрига кўра ҳижрий 19-йилда Мадина шаҳрида вафот этган. Воқидий, Ибн Намир, Зухалий ва бошқа олимларнинг сўзларига кўра ҳижрий 22-йилда вафот этган.

### **7. Абу Зарр Ғифорий**

У киши Абу Зарр Жундуб ибн Жунода Ғифорий бўлиб, биринчи бўлиб исломга кирган саҳобийлардан бири ҳисобланади.

Пайғамбарликнинг бошида бешинчи бўлиб мусулмон бўлган. Сўнг юртига қайтиб боради ва кейинчалик Мадинага кўчиб ўтади.

Бадр жангида қатнашмаган. Жуда қувватга тўла баҳодир инсон бўлган.

Вафотидан олдин у киши ҳижрий 32-йилгача Робоза кишлоғида истиқомат қилган.

### **8. Муоз ибн Жабал**

У киши Абу Абдурахмон Муоз ибн Жабал Ансорий Ҳазрабий бўлиб, раббоний олим ҳисобланади.

Ўн саккиз ёшида Ақаба байъатида бўлган. Бадр ва бошқа барча жангларда қатнашган.

У кишига Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Муоз! Аллоҳга қасамки, мен сени яхши кўраман», деганлар.

Ҳижрий 18-йилда ўттиз беш ёшида Ғовр деган жойда ўлат касаллиги сабабли вафот этган.

### **9. Саъд ибн Абу Ваққос**

У киши Абу Исҳоқ Саъд ибн Абу Ваққос Зухрий бўлиб, бир қанча жангларда амир бўлган. Жаннат башорати берилган ўн улуғ зотдан бири. Аллоҳ йўлида биринчи бўлиб камондан ўқ узган зот ҳам шу кишидир.

Дуоси ижобат бўладиган инсонлардан бўлиб, турли фитналардан узокда юрган. Шунинг учун Сиффин жангида ҳам Али тарафда ҳам, Муовия тарафда ҳам бўлмаган.

Ҳижрий 55-йили вафот этган.

### **10. Абу Мусо Ашъарий**

Мазкур ровий Абу Мусо Абдуллоҳ ибн Қайс ибн Сулайм ибн Ҳазор Ашъарийдир.

Маккалик муҳожир саҳобалардан бўлиб, Хайбар фатҳи вақтида Жаъфар ибн Абдулмуттолиб билан бирга келган. Шундан кейин Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам у кишини Муоз ибн Жабал билан бирга Яманга юборганлар. Кейинчалик Умар даврида Куфа ва Басра шаҳарларига волийлик қилган.

Қуръонни қироат билан ўқишда у киши пешқадамлардан бўлган. Басра аҳолисига Қуръон қироатини ва фикҳни ўргатди. Шу билан бирга ўз илмига амал қиладиган олимлардан эди.

Ҳижрий 44-йилнинг зул-ҳижжа ойида вафот этган.

### **11. Абу Дардо**

Мазкур ровийнинг тўлиқ исми Абу Дардо Уваймир ибн Зайд Ансорий Хазрабий бўлиб, раббоний олим ва умматнинг ҳакими эди. Баъзи манбаларда Уваймир ибн Абдуллоҳ бўлган. Ва яна бир манбада ибн Саълаба ҳам дейилади.

Манбаларда келишича, у киши Бадр кунидан кейин мусулмон бўлган. Сўнг Уҳудда қатнашган. Шу куни енгил жароҳат олади. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламдан Қуръон каримни ёд олган. Шом юрти аҳолисининг алломаси, Дамашқ аҳлига Қуръонни ва фикҳни ўргатган устоз ва уларнинг қозиси эди.

Масжидга кирган вақтида подшоҳларга қандай катта жамоа одамлар эргашгани каби одамлар у зотдан савол сўраб, илм олиш мақсадида шундай эргашар эдилар.

Ҳижрий 32-йили вафот этган.

### **12. Абдуллоҳ ибн Салом**

Ушбу ровийнинг тўлиқ исми Абу Юсуф Абдуллоҳ ибн Салом ибн Ҳорис Исроилий бўлиб, олим зотлардан бўлган.

Мусулмон бўлишидан олдин исми Ҳусайн эди. Исломга киргандан сўнг Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам унга Абдуллоҳ деб исм қўйганлар.

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келган вақтларида мусулмон бўлган. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам у кишига жаннат башоратини берганлар.

Мазкур зот ҳақида Қуръони каримдаги икки оят нозил бўлган. Улар Аҳқоф сурасининг ўнинчи ва Раъд сурасининг қирқ учинчи оятлари эди.

Ҳижрий 43-йилда вафот этган.

### 13. Оиша бинти Абу Бакр

Мазкур ровий уммул-муъминин Умму Абдуллоҳ Оиша бинти Абу Бакр бўлиб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг энг суюкли аёллари бўлганлар. Мазкур ровий пок эканлигини таъкидлаб етти қават осмон тепасидан оят нозил бўлган.

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам Оиша бинти Абу Бакрга Бадр ғазотидан кейин уйланганлар. Онамиз Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам билан саккиз-йилу беш бирга яшаганлар. Жуда кучли илм соҳиби бўлиб, саҳобаларнинг энг машҳур фақиҳларидан эдилар.

Урва ибн Зубайр айтади: «Тиб илмида у кишидан кўра олимроқ инсонни кўрмадим».

Шунингдек, Урва: «Инсонлар орасида Оишадан кўра Қуръони каримни, фарзлар, ҳалол ва ҳаром, шеърийат, араб тили ва насаб илмлари бўйича олимроқ кишини кўрмадим»- деб ҳам айтган.

Оиша ҳижрий 57-йили вафот этган.

### 14. Имрон ибн Ҳусойн

Абу Нужайд Имрон ибн Ҳусойн Ҳузойй Абу Ҳурайра билан бир вақтда ислом динини қабул қилган. Умар ибн Хаттоб томонидан Басра аҳолисига дин илмларини ўтгатиш учун юборилган олимлар орасида Мазкур ровий ҳам бор эдилар. Саҳобаларнинг энг доно ва фозилларидан бўлиб, у кишига фаришталар салом берар эдилар.

Ҳасан Басрий Аллоҳ таолога қасам ичиб айтар эди: «Басра аҳолисига Имрон ибн Ҳусойндан кўра фойдалироқ киши келмаган».

Ҳижрий 52-йили вафот этган.

Мазкур-йилда Абу Айюб Ансорий, Абу Бакра Сақафий, Каъб ибн Ужра, Муовия ибн Ҳудайж Амирлар ҳам вафот этган. Булардан беш нафари Сиффин жангида қатнашмаган саҳобалардан эдилар. Абу Айюб Ансорийнинг вафоти борасида хилоф бор.

### 15. Зайд ибн Собит ибн Заҳҳок

Абу Саъид Зайд ибн Собит ибн Заҳҳок Ансорий Ҳазражий Нажжорий Қуръон ўқитувчиси бўлган. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ваҳий котиблари бўлган.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам Мадина шаҳрига келганларида ислом динини қабул қилди. У бу вақтда ўн бир ёшда эди. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам у кишига яҳудий тилини ўрганишни буюрди. У бу ишни чиройли қилиб бажарди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ваҳий котиблари бўлди, Қуръони каримни мукамал ёд олди, мерос масалаларида ҳукмлар берди, Хандак ва кейинги ғазотларда қатнашди.

Абу Бакр Сиддиқ Зайдни Қуръони каримни жамлашга лойиқ деб билди. У киши бу масалада катта меҳнат сарфлади. Кейинчалик Усмон унинг омонатдорлиги, мустаҳкам иймони, кучли хотираси ва чиройли ёзишига ишониб, Мусҳаф тайёрлашга ҳам уни масъул этди.



Зайд ибн Собит кўлида кўп инсонлар Қуръони каримни ёд олдилар. Улар орасида Ибн Аббос ва Абу Абдурахмон Сулабийлар бор эди.

Умар ҳажга отланганда Зайд ибн Собитни Мадинада ўринбосар қилиб кетар эди.

Абдуллоҳ ибн Аббос у киши ҳақида: «Зайд ибн Собит илми кучли инсонлардан эди», деб айтган.

Зайд ибн Собит вафот эганида Абу Ҳурайра шундай деган эди: «Ислоҳ умматининг алломаси вафот этди. Илоҳим Ибн Аббос унга ўринбосар бўлсин!»

Мазкур саҳоба ҳижрий 45-йили вафот этди. Бошқа манбаларда 54 ёки 55-йили вафот этгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

### **16. Абу Ҳурайра**

Абу Ҳурайранинг тўлиқ исми Абдурахмон ибн Соҳр Давсий Ямоний бўлиб, Қуръони карим ҳофиси ва фақиҳ саҳобалардан бўлган. Мусулмон бўлишидан олдин исми Абдушамс эди.

Хайбар жанги тугаб, Хайбар фатҳ этилган кунларнинг бирида Мадинага келган.

Имом Бухорий: «Абу Ҳурайрадан саккиз юздан ортиқ инсонлар ҳадис ривоят қилган» – деб айтган.

Имом Шофеий эса: «Абу Ҳурайра ўз даврида ҳадис ривоят қилган олимларнинг энг кучлиги эди»,– деб айтган.

Бир гуруҳ олимлар фикрига кўра ҳижрий 58-йили, бошқа гуруҳ олимлар фикрига қараганда 59-йили вафот этган.

### **17. Абдуллоҳ ибн Умар**

Мазкур ровийнинг тўлиқ исми Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Умар ибн Ҳаттоб Адавий Маданий бўлиб, фақиҳ ва илм ва амалда пешволардан бири бўлган.

Хандақ ғазотида қатнашган, Ризвон байъатида Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламга байъат берган.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳни солиҳ киши деб сифатлаганлар.

Имом Саврий айтади: «Умарга жамоатда, яқка ҳолатда эса ўғлига эргашилади».

Ибн Ҳанафия айтади: «Ибн Умар бу умматнинг алломаси эди».

Жобир айтади: «Бизнинг орамизда унга мол-дунё келганда унга моил бўлганлар бор, фақат Абдуллоҳ ибн Умар бундан мустасно».

Мазкур саҳоба ҳижрий 74-йилнинг бошларида вафот этган.



### 18. Абдуллоҳ ибн Аббос

Абу Аббос Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб Ҳошимий олим имом, илмда денгиз каби бўлган. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам амакиларининг ўғли бўлган. Шунингдек, Аббосий халифаларнинг отаси ҳисобланади.

Абдуллоҳ ўн уч ёшлигида Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам вафот этадилар. Вафотларидан олдин Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ёш Абдуллоҳнинг ҳақиқага шундай дуо қилганлар: «Эй Аллоҳим уни динда фақиҳ қил ва таъвил илмини унга билдир!»

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтади: «Ибн Аббос Қуръоннинг қандай яхши таржимонидир».

Абу Воил айтади: «Али Ибн Аббосни ҳаж сафарига масъул қилди. Бир куни Ибн Аббос хутба қилди. Агар мазкур хутбани турклар ва юнонлар эшитганларида (арабчани билмасалар ҳам) ислом дини қабул қилган бўлар эдилар. Хутбадан кейин жамоага Нур сурасини ўқиб, уни тафсир қилиб берди».

Қатода уторрифдан нақл қилади: «Ибн Аббоснинг шундай деганини эшитдим: «Бир соат илм мунозараси туни билан ибодат қилгандан яхшидир».

Абдуллоҳ ибн Аббос ҳижрий 68-йили Тоиф шаҳрида вафот этган. Жанозасини Муҳаммад ибн Ҳанафийя ўқийди. Жанозадан кейин: «Бугун умматнинг раббонийси вафот этди» – деб айтади.

### 19. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос

Абу Муҳаммад Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Амр Қураший Саҳмий раббоний олим бўлган.

У отаси билан бирга Макка фатҳ бўлишидан олдин Мадинага кўчиб ўтган. Отаси ундан ўн бир ёш катта бўлган.

Абдуллоҳ кўп рўза тутадиган ва кечаларини ибодат билан ўтказадиган, Аллоҳнинг каломини кўп тиловат қиладиган инсон бўлган.

Абу Ҳурайра Абдуллоҳ ибн Амрнинг илми қанчалар кучли эканини эътироф этар эди ва: «У ҳадисларни ёзиб олар эди. Мен ёзмас эдим» – дер эди.

Абдуллоҳ ибн Амр отасини фита замонида қилган ишлари сабабли маломат қилар эди. Отасига оқ бўлишдан қўрқиб, у киши билан кам бирга бўлар эди. Сиффин жангига келади лекин жанг қилмайди.

Абдуллоҳ ибн Амр аҳли китобларнинг кўп асарларини ўқиб-ўрганиб чиққан эди.

Абдуллоҳ ибн Амрнинг отаси ўғлига кўп мол-мулк қолдирган эди. Ўзини ҳам кўплаб қуллари ва хизматкорлари, Тоиф шаҳрида қиймати миллион дирҳам бўлган Ваҳат деб номланган катта боғи ҳам бор эди.

Абдуллоҳ ҳижрий 65-йили Фустат шаҳри қамал қилинган кунларида Мисрда вафот этган. Марвон ибн Ҳакам ва Ибн Зубайр лашкари ўртасида бўлаётган жанг сабабли жаноза намозига кўп инсонлар кела олмайди. Шу сабали ўз ҳовлисида дафн этилади.

## 20. Уқба ибн Омир Жуҳаний

Уқба ибн Омир Жуҳаний Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг машҳур саҳобаларидир.

Мазкур саҳоба олим фақиҳ, Қуръони карим қориси, мерос илмидан хабардор, фасоҳатли, балиғ шоир, қадри баланд ва кўп ҳадис ривоят қилган инсон бўлган.

Ибн Юнус айтади: «Уқба ибн Омир ўз қўли билан ёзган мусхаф ҳозирги кунда ҳам мавжуд».

Муовия даврида Миср ҳокими бўлган. Кейинчалик ҳокимликдан озод қилинган. Ҳижрий 47-йили денгиз бўйлаб ғазотга чиққан.

Уқба ибн Омир ҳижрий 58-йили вафот этган.

## 21. Жобир ибн Абдуллоҳ

Абу Абдуллоҳ Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром Ансорий Мадина шаҳрининг муфтийси бўлган.

Ақба байъатида қатнашган етмиш нафар ансорларнинг энг охиргиси ҳисобланади. Отаси ёш Жобирни сингилларига жавобгар қилиб кетгани учун Бадр ва Уҳуд жангларида қатнаша олмайди. Бир фикрга кўра Бадр жангида қатнашган. Ўзидан ҳам куйидагича ривоят қилинади: «Бадр кунида сув ташиб турганман». Имом Абу Довуд шундай ривоят қилади.

Хандақ ғазотида ва Ризвон байъатида қатнашган. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламдан кўп ҳадисларни ривоят қилган. Тўқсон тўрт йил умр кўрган ва умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолган.

Жобир ҳижрий 78-йили вафот этган.

## 22. Абу Саид Худрий

Абу Саид Саъд ибн Молик ибн Синон Ансорий Ҳазражий Маданий саҳобаларнинг олимларидан бўлган. Ризвон байъатида қатнашган.

Мазкур саҳобадан кўп ҳадислар ривоят қилинган. Бир муддат муфтийлик ҳам қилган.

Отаси Уҳуд жангида ҳалок бўлган.

Абу Саид Худрий саксон олти йил умр кўрган. Ҳижрий 74-йилнинг бошида вафот этган.

## 23. Анас ибн Молик

Абу Ҳамза Анас ибн Молик ибн Назр ибн Замзам Ансорий Нажжорий Маданий Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг хизматини қилган. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларидан бошлаб вафот этгунларича бирга бўлган. У зотдан кўп ҳадисларни ривоят қилган. Бир аср умр кўрган ва саҳобалар орасида энг охири вафот этган саҳоба ҳисобланади.

Жумхур уламолар фикрига кўра ҳижрий 93-йили вафот этган. Бошқа манбаларда 92 ва 90-йиллар деган маълумотлар ҳам келади.

## ТОБЕЙЛАР ТАБАҚАСИ

### 24. Алқама ибн Қайс

Абу Шибл Алқама ибн Қайс Нахайй Куфий Ироқ фақиҳи бўлган. Мазкур саҳоба Иброҳим Нахаййнинг тоғаси ва Имом Асваднинг амакиси ҳисобланади.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам билан бир даврда туғилган. Жоҳилия даврини ҳам кўрган. Ибн Масъуддан Куръони карим ва фикҳдан таълим олган.

Абдурахмон ибн Язид айтади: «Ибн Масъуд: «Мен нима ўқиган бўлсам Алқама уни ўқиган, нимани билсам ўшани Алқама билади».

Ҳижрий 62-йили вафот этган.

### 25. Абу Муслим Хавлоний

Абу Муслим Абдуллоҳ ибн Сувайб Хавлоний ибодатгўй, тақводор фақиҳ бўлган. Шом диёрининг райҳонаси бўлган.

Мазкур ровийни Асвад Ансий оловга ташлатади. Лекин омон қолади. Буни Шурахбил ибн Муслим ўз асарида келтириб ўтган.

Абу Бакр Сиддиқ даврида Мадинага кўчиб ўтади.

Умар, Муоз, Абу Убайда ва бошқа кўплаб кибор саҳобалардан ҳадис ривоят қилган.

Мазкур ровийдан Абу Идрис Хавлоний ва бошқа олимлар ҳадис ривоят қилганлар. Кароматлари ва фазилатлари кўп бўлган.

Тақрибан ҳижрий 62-йилда вафот этган.

Ибн Саъд ва бошқа тарихчи олимлар: «Язид ибн Муовия даврида вафот этган»,— деб айтганлар.

### 26. Масруқ ибн Аждаъ

Абу Оиша Масруқ ибн Аждаъ Ҳамадоний Куфий ўз даврининг кўзга кўринган олимлардан бири, фақиҳ аллома.

Унинг отаси ўша даврда яманлик отлиқлардан бўлган.

Имом Масруқ баҳодир Амр ибн Маъдиқариба синглисининг ўғли бўлган.

Умар, Али, Муоз, Ибн Масъуд, Убай ибн Каъб каби улуг саҳобалардан таълим олган ва улардан ҳадис ривоят қилган.

Бу кишидан эса Иброҳим, Шаъбий, Абу Зухо, Абу Исҳоқ ва бошқа кўплаб машҳур олимлар ҳадис ривоят қилганлар.

Оиша Масруқни ўғил қилиб олган эди. Икки оёғи қавариб кетгунича ибодат қилар эди.

Ибн Мадиний айтади: «Абдуллоҳ ибн Масъуд шогирдалридан бирортасини Масруқдан афзал деб билмайман. Чунки у Абу Бакр Сиддиқнинг ортида намоз ўқиган».

Имом Масруқ ҳижрий 63-йили вафот этган.

### **27. Абида ибн Амр Салмоний**

Абида ибн Амр Салмоний Муродий Куфий фақиҳ олим бўлган.

Макка фатҳи даврида Яманда мусулмон бўлган, лекин саҳобий бўлишга улгурмаган. Мазкур зот нисбати берилаётган Салмон у Салмон ибн Ножия ибн Муроддир.

Али ва Ибн Масъудлардан ҳадис ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса Ибн Сирийн, Шаъбий, Нахайй ва бошқа кўплаб олимлар ҳадис ривоят қилганлар.

Имом Ижлий айтади: «Абида ибн Амр Абдуллоҳ ибн Масъуднинг Қуръонни ўргата оладиган ва фатво берадиган шогирдлардан бири эди».

Мазкур тобей хижрий 72-йили вафот этган.

### **28. Убайд ибн Умайр**

Мазкур ровийнинг тўлиқ исми Абу Осим Убайда ибн Умайр ибн Қатода Лайсий Маккий бўлиб, Умар, Убай ибн Каъб, Абу Зар Ғифорий, Али, Оиша ва бошқа кўплаб саҳобалардан ҳадис ривоят қилган.

Убайд ибн Умайрдан эса Ато ибн Абу Рабоҳ, Ибн Абу Мулайка, Амр ибн Динор, Абу Зубайр ва бошқа йирик олимлар ҳам ҳадис ривоят қилганлар.

У киши қадри баланд, воиз имом бўлган. Хижрий 74-йили вафот этган.

### **29. Каъб ал-Ахбор**

Мазкур тобей Каъб ибн Мотиъ Ҳимярий ҳисобланади. Турли илмларни ўзида жамлаган олим, мусулмон бўлишидан олдин аҳли китобларнинг йирик олимларидан бири бўлган.

Абу Бакр Сиддиқ даврида мусулмон бўлган. Амир ал-муъминин Умар даврида Ямандан келган. Каъбдан саҳобалар ва улардан кейинги зотлар ҳам илм олганлар. Қуръони карим ва ҳадис бўйича саҳобалардан таҳсил олган.

Усмон даврида вафот этган.

Каъб ал-Ахбордан бир гуруҳ тобей олимлар мурсал ҳолатда ҳадис ривоят қилганлар. Мазкур олимдан нақл қилинган ҳадислар «Саҳиҳи Бухорий» ва бошқа ҳадис китобларида ҳам келтирилган.

### **30. Асвад ибн Язид ибн Қайс**

Абу Амр Асвад ибн Язид ибн Қайс Нахайй пешво, фақиҳ, ибодатли ва такводор олим бўлган. Куфа шаҳридан етишиб чиққан олимлардан бири бўлиб, Алқаманинг жияни, Фақиҳ Иброҳим Нахаййнинг тоғаси ва Абдурахмон ибн Язиднинг акаси бўлган.

Умар, Али, Муоз ибн Жабал, Ибн Масъуд, Ҳузайфа, Билол ва бошқа катта саҳобалардан ҳадис ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса ўғли Абдурахмон ибн Асвад, Иброҳим Нахайй, Абу Исҳоқ ва бошқа кўплаб олимлар ривоят қилган.

Абу Толиб Аҳмад ибн Ҳанбалдан, Асвад ибн Язид сиқа ва яхши инсонлардан бўлган, деган ривоятни келтирган.

Ибн Улайя Маймун ибн Ҳамзадан нақл қилб айтади: «Асвад ибн Язид саксон мартадан хаж ва умра қилган».

Ҳижрий 75-йилда вафот этган.

### **31. Абдурахмон ибн Ғанм Ашъарий**

Мазкур тобейи фақиҳ, Фаластин халқининг буюк устози бўлган.

Умар, Муоз ибн Жабала ва бошқа саҳобалардан ҳадис ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса Абу Саллом Мамтур, Ражо ибн Ҳайва, Макхул, Исмоил ибн Убайдуллоҳ ва бошқа олимлар ривоят қилган.

Умар Абдурахмон ибн Ғанм Ашъарийни инсонларга фикҳ илмини ўргатиш учун Шом юртига юборган.

Мазкур олим Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам тириклик чоғларида таваллуд топган. Отаси саҳоба бўлган. Бир маълумотга кўра Абурахмон ибн Ғанм ҳам саҳоба бўлган.

Абу Мусхир Ғассоний: «(Абдурахмон ибн Ғанм) тобейиларнинг бошидир», – деб айтган.

Ҳижрий 78-йилда Жобир ибн Абдуллоҳ билан бир вақтда вафот этган.

### **32. Касир ибн Мурра Ҳазрабий**

Касир ибн Мурра Ҳазрабий Ҳимсий машҳур фақиҳ бўлган. Доимо илм талабида юрган имом бўлган.

Мазкур ровийга Бадр ғазотида қатнашган етмиш саҳобий билан учрашиш бахти насиб этган.

Муоз ибн Жабал, Абу Дардо, Убода ибн Сомит ва мазкур саҳобалар табақасидаги улуғ олимлардан ҳадис ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса Абу Зоҳирийя, Холид ибн Маъдон, Макхул, Сулайм ибн Омир, Абдурахмон ибн Жубайр ва бошқа бир гуруҳ олимлар ҳадис нақл қилганлар. Имом Насоий: «Касир ибн Мурранинг (ҳадис илмида) ҳеч қандай нуқсони йўқ», – деб айтган.

### **33. Жубайр ибн Нуфайр**

Жубайр ибн Нуфайр Ҳазрабий Ҳимсий Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик чоғларида таваллуд топган.

Жубайр ибн Нуфайр ҳадисларни Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Абу Зар, Абу Дардо ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Мазкур ровийдан ўғли Абдурахмон, Холид ибн Маъдон, Макхул, Сулайм ибн Омир ва бошқа шу каби олимлар ҳадислар ривоят қилганлар. Улуғ олимлардан бўлган.

Имом Бухорий Жубайр ибн Нуфайр катта саҳобалардан тадлис қилган деб ҳисоблагани учун мазкур тобейидан ҳадис ривоят қилмаган.

Ҳижрий 80-йилда вафот этган.

### 34. Аслам

Абу Зайд Аслам Адавий мавлоси<sup>4</sup> Умар ибн Хаттоб, Абу Бакр Сиддик, Муоз ибн Жабал, Абу Убайда ибн Жарроҳ ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Аслам қоратанли инсон бўлган. Ҳижрий 11йили Умар ҳажга борганида у кишини сотиб олган. Аслам Айнун Тамр шахридан бўлган деган маълумот ҳам мавжуд.

Мазкур ровийдан эса ўғли Зайд ибн Аслам, Нофё, Муслим ибн Жундублар ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳижрий 80-йилда Мадина шахрида вафот этган.

### 35. Алқама ибн Ваққос

Алқама ибн Ваққос Лайсий Утворий Маданий насл-насабли сиқа ровий бўлган.

Умар, Оиша, Абдуллоҳ ибн Аббос сингари улуғ саҳобалардан ҳадис ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса ўғли Амр, Абдуллоҳ, Имом Зухрий, Муҳаммад ибн Иброҳим Таймий ва Ибн Абу Мулайка каби олмилар ривоят қилганлар.

Алқама ибн Ваққос ҳижрий 80-йилдан кейин вафот этган.

### 36. Сувайд ибн Ғафала

Абу Умайя Сувайд ибн Ғафала Нахайй Куфий парҳезкор олим бўлган.

Фил-йилида таваллуд топган. Баъзи манбаларда ундан икки-йил ўтиб таваллуд топган деган маълумот ҳам мавжуд. Мадина шахрига келганида мусулмонлар Пайғамбар саллоллоху алайҳи ва салламни дафн қилиб қайтаётган бўлади. Ярмак жангида қатнашган.

Абу Бакр Сиддик, Умар, Убай ибн Каъб ва бошқа саҳобалардан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан эса Иброҳим Нахайй, Салама ибн Куҳайл, Абда ибн Абу Лубоба ва бошқалар ривоят қилган.

Ҳижрий 81-йилда вафот этган.

### 37. Умму Дардо

Умму Дардо Абу Дардонинг аёли бўлиб, фақиҳ, олима, ибодатгўй, чиройли, кенг илмли ва оқила аёл бўлган.

Кўп ҳадисларни Абу Дардодан ривоят қилган. Бундан ташқари Салмон Форсий ва Оишалардан ривоят қилган.

Умму Дардодан Макхул, Солим ибн Абу Жаъд, Зайд ибн Аслам, Исмоил ибн Убайдуллоҳ, Абу Ҳозим Маданий, Ато Кайхороний ва бошқа олимлар ҳадислар ривоят қилганлар.

<sup>4</sup> Агар қул бирор киши томонидан озод қилинса, улар бир-бирига нисбатан мавло дейилади.



Ҳижрий 81-йилда ҳаж қилган. Эри вафот этганда Муовиядан совчи келади. Умму Дардо буни қабул қилмайди.

### **38. Саид ибн Мусайиб**

Шайхулислов Абу Муҳаммад Саид ибн Мусайиб Махзумий имом, Мадина фақиҳи ва тобейларнинг саййиди бўлган.

Саид ибн Мусайиб 13-ҳижрий санада Умар ибн Хаттоб тахтга ўтирганидан икки-йил ўтиб таваллуд топган.

Умарнинг хутбасини эшитган. Усмон, Зайд ибн Собит, Оиша, Саъд ибн Абу Ваққос, Абу Ҳурайра ва бошқа саҳобалардан ҳадис эшитган.

Саид ибн Мусайиб Абу Ҳурайранинг қизига уйланган. У кенг илмли, ўзи фақиҳ ва фақат ҳақни гапирувчи олим бўлган. Абдуллоҳ ибн Умар айтади: «Аллоҳга қасамки, у (Саид ибн Мусайиб) фатво бера оладиган инсонлардан биридир».

Қатода: «Саид ибн Мусайибдан кўра олимроқ бирор инсонни кўрмадим» – деб айтган. Имом Зухрий, Макхул ва бошқа олимлар ҳам шундай деб айтган.

Имом Ибн Мадиний: «Тобейлар орасида Саид ибн Мусайибдан кўра илми кенгроқ олимни билмайман. Менинг наздимда у тобейларнинг энг улуғидир».

Бу киши рўзани тутишга қаттиқ эътибор берган. Умри давомида қирқ марта ҳаж қилган.

Подшоҳдан келадиган совғаларни қабул қилмас эди. Ўзининг тўт юз динор пулини ёғ ва шунга ўхшаш нарсалар савдоси билан шуғулланиш учун ишлатар эди.

Саид ибн Мусайиб мурсал қилган ҳадислар ҳаммаси саҳиҳ бўлган. Буни Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа олимлар ҳам тасдиқлашган. Олимнинг шунга ўхшаш фазилатлари жуда кўп.

Саид ибн Мусайиб вафот этган сана бўйича уламолар орасида турли фикрлар мавжуд. Булардан энг кучли фикр ҳижрий 94-йил ҳисобланади. Бундан ташқари ҳижрий 91, 92, 89-йиллар деган фикрлар ҳам мавжуд. Ибн Мадиний, Яхё ибн Маин, Мадоинийлар: «Ҳижрий 105-йил вафот этган», – деб айтадилар. Имом Ҳоким: «Ҳадис уламоларининг кўплари шу фикрда» – деган бўлса ҳам, бу энг кучсиз фикрдир.

### **39. Абу Идрис Хулоний**

Фақиҳ Абу Идрис Оизуллоҳ ибн Абдуллоҳ Хулоний Дамашқий илм ва амал ўртасини жамлай олган олимлардан бири бўлган. Хунайн-йилида таваллуд топган.

Муоз ибн Жабалдан ҳадис эшитган. Бу маълумотни Ибн Абдулбар ўз асарида келтириб ўтган.

Абу Дардо, Абу Зар Ғифорий, Ҳузайфа, Убода ибн Сомит, Авф ибн Молик, Абу Ҳурайралардан ҳадис ривоят қилган.



Абу Идрисдан эса Имом Зухрий, Макхул, Робиа ал-Қосир, Яхё ибн Яхё Ғассоний, Юнус ибн Майсара ва бошқа уламолар ҳадислар ривоят қилган.

Дамашқ халқининг воизи, насиҳатгўйи ва қозиси бўлган.

Абу Довуд айтади: «Абу Дардо ва Убода ибн Сомитлардан ҳадис эшитган».

Макхул айтади: «Абу Идрисдан кўра олимроқ кишини кўрмадим».

Саид ибн Абдулазиз айтади: «Абу Идрис Абу Дардодан кейин Шом диёрининг энг кучли олими эди».

Имом Зухрий эса: «Абу Идрис Шом диёрининг энг кучли фақиҳларидан эди»,– деб айтган.

Ҳижрий 80-йилда вафот этган.

#### **40. Зир ибн Ҳубайш**

Имом Абу Марям Зир ибн Ҳубайш Асадий Куфий 120 йил умр кўрган.

Ҳадисларни Умар, Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Али, Ҳузайфалардан ривоят қилган.

Ундан эса Осим ибн Баҳдала, Аъмаш, Ибн Абу Холид ва бошқа кўзга кўринган олимлар ривоят қилганлар. Булар орасидан Осим ибн Баҳдала у зотдан Куръони каримни ҳам ўрганган, устозини мақтаб шундай деган: «Зир ибн Ҳубайш араб тилин энг яхши биладиган олимлардан эди. Абдуллоҳ ибн Масъуд у кишидан араб тили бўйича баъзи нарсаларни сўрар эди».

Зир ибн Ҳубайш ҳижрий 82-йили вафот этган.

#### **41. Абдурахмон ибн Абу Лайло**

Имом Абу Исо Абдурахмон ибн Абу Лайло Ансорий Куфий машҳур фақиҳ бўлган. Халифа Умар даврида Мадинада таваллуд топган. Умар махсиларига масх тортаётганига гувоҳ бўлган.

Усмон, Али, Ибн Масъуд, Абу Зар Ғифорий ва яна бир гуруҳ олимлардан ҳадис ривоят қилган.

Ибн Сирин айтади: «Абдурахмон ибн Абу Лайло билан ўтирдим. Уни шогирдлари худди амирни эъзозлагандек эъзозлар эди».

Ҳажжож у кишини қозилик мансабига сайлайди. Кейинчалик вазифасидан озод этади. Ҳажжож Алини ҳақорат қилишга у кишини мажбурлаб калтаклатади. У зот бу гапларни очик-ойдин айтмайди. Сўнг Ибн Ашъас бидан бирга йўлга чиқади. Ҳижрий 83-йили сувга чўкиб ҳалок бўлади.

#### **42. Абу Абдурахмон Суламий**

Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Ҳабиб ибн Рубаййиа Куфий Куфа халқидан чиққан олим бўлган ва уларга Куръони каримни ўргатган. Мартабаси улуғ, ишончли ровий ва имом бўлган.

Усмон, Али, Абдуллоҳ ибн Масъудга Қуръони каримни ўқиб берган ва улардан эшитган. Умарга ҳам ўқиб берган. Усмон давридан бошлаб Қуръони каримни ўқитишга бошлиқ этиб тайинланган. Бу вазифани ҳижрий 73-йилда Бишр ибн Марвон Ироқда волий бўлиб турган вақтида вафот этгунича бажарган.

Мазкур ровийга Имом Осим Қуръонни ўқиб берган. Иброҳим Нахайй, Суддий, Саид ибн Жубайрим ва бошқалар у кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

#### **43. Шурайх ибн Ҳорис ибн Қайс**

Қози Абу Умайя Шурайх ибн Ҳорис ибн Қайс Киндий Куфий машҳур фақиҳ бўлган. Муҳазрам<sup>5</sup>лардан бўлган.

Умар у кишини Куфа қозиси этиб сайлаган. Кейинчалик Али у кишини шу мансабда қолдиради.

Шурайх ҳадисларни Умар, Али, Абдуллоҳ ибн Масъудлардан ривоят қилган.

У кишидан эса Имом Шаъбий, Иброҳим Нахайй, Ибн Сирин ва бошқа бир гуруҳ олимлар ривоят қилганлар.

Ҳажжож даврида вафотидан бир-йил олдин қозилиқдан бўшайди. Умрининг сўнгида ёши бир юз йигирма ёш бўлган.

Кучли фақиҳ, шоир, насаб илми билимдони ва ҳазилкаш инсон бўлган.

Ҳижрий 87-йилда вафот этган. Баъзи манбаларда 80-йил деган маълумот ҳам учрайди.

#### **44. Шурайх ибн Ҳони**

Абу Миқдом Шурайх ибн Ҳони Мазҳижий Куфий муҳазрамлардан бўлган.

Ҳадисларни асосан Али, Оиша, Умар ибн Хаттоб ва бошқа кўплаб саҳобалардан ривоят қилган.

У кишидан эса ўзининг икки ўғли Муҳаммад ва Миқдом, Имом Шаъбий ва бошқалар ривоят қилганлар. Бундан ташқари Али қўшинининг қўмондоларидан бўлган.

Имом Шурайх бир юз йигирма йил умр кўриб, ҳижрий 78-йили Сижистонда ўлдирилади.

#### **45. Абу Воил**

Куфа шайхи ва олими Абу Воил Шақиқ ибн Салама Асадий Куфий улуғ муҳазрамлардан бири ҳисобланади.

Умар, Усмон, Али, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша ва бошқа саҳобалардан ҳадис ривоят қилган.

---

<sup>5</sup> Муҳазрам - жоҳилия даврида ва ислом келгандан кейинги даврда ҳам яшаган инсон. Бироқ Расулulloҳ (с.а.в)ни кўрмай имон келтирган.

У кишидан эса Аъмаш, Мансур, Ҳусойн ва бошқа инсонлар ривоят қилганлар. Тарихий манбаларда Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам тириклик чоғларида мусулмон бўлган, деган маълумот келади.

Иброҳим Нахайй айтади: «Шақиқ-у сабабли бизга балолар келмайдиган улуғ инсон эди».

Муҳаммад ибн Фузайл отасидан нақл қилиб айтади: «Мен Шақиқдан Қуръони каримни икки ойда ёд олганини эшитганман». Бу у кишининг ғоятда заковатли бўлганини билдиради.

Ҳижрий 82-йилда вафот этган.

#### **46. Қабиса ибн Зувайб**

Абу Саид Қабиса ибн Зувайб Ҳузойй Маданий Дамашқий машҳур фақиҳ бўлган. Султон Абдулмаликнинг яқин кишиларидан бири бўлган.

Ҳадисларни Абу Бакр, Умар, Абу Дардо ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса Макхул, Зухрий, Ражо ибн Ҳайва, Абу Қилоба ва бошқалар ривоят қилганлар.

Ибн Лаҳиа Имом Зухрийдан ривоят қилади: «Қабиса ибн Зувайб бу умматнинг олимларидан эди».

Макхул айтади: «Қабиса ибн Зувайбдан кўра олимроқ инсонни кўрмаганман».

Имом Шаъбийдан ривоят қилинади: «Зайд ибн Собитнинг қазоси бўйича Қабиса энг олим инсон эди».

Манбаларда келишича, у киши туғилганда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламдан дуо олиш учун олиб келинган экан.

Қабиса ибн Зувайб ҳижрий 86-йили вафот этган.

#### **47. Сафвон ибн Муҳриз**

Сафвон ибн Муҳриз Мозаний Басрий илмига амал қилувчи олимлардан бири эди.

Ҳадисларни Абу Мусо Ашъарий, Имрон ибн Ҳусойн, Ҳаким ибн Ҳизомлардан ривоят қилган.

Сафвон ибн Муҳриздан эса Собит Буноний, Қатода, Бакр Музаний, Осим Аҳвал, Жомий ибн Шаддод ва бошқа кўплаб олимлар ривоят қилганлар.

Имом Ибн Саъд айтади: «Сафвон ибн Муҳриз тақволи ва фазилатли сиқа ровийдир».

#### **48. Қайс ибн Абу Ҳозим**

Имом Абу Абдуллоҳ Қайс ибн Абу Ҳозим Аҳмасий Бажалий Куфий Куфалик муҳаддис олимлардан бири бўлган.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва салламни кўриш ва у зотга байъат бериш учун Мадина йўлга чиқади. У йўлда эканида Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам вафот этадилар.

Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Абу Убайда ибн Жаррох, Абдуллох ибн Масъуд ва бошқа улуғ саҳобалардан ҳадислар ривоят қилган.

У кишидан Баён ибн Бишр, Аъмаш, Исмоил ибн Абу Холид, Мужоҳид ва бошқа кўплаб олимлар ривоят қилганлар. Бошқа олимлар Қайс ривоят қилган ҳадисларни ҳужжат ўрнида келтирганлар.

Ҳижрий 97-йили вафот этган. Баъзи манбаларда 98-йилда оламдан ўтгани тўғрисида маълумотлар ҳам мавжуд.

#### **49. Абу Олия Риёхий**

Абу Олия Руфайъ ибн Михрон Риёхий Басрий фақиҳ ва Қуръони карим устози бўлган. Тамимдаги Риёх деган жойда истикомат қилган аёлнинг кули бўлган.

Абу Бакрни кўрган. Убай ибн Каъб ва бошқа кориларга Қуръони каримни ўқиб берган. Ҳадисларни Умар, Абдуллох ибн Масъуд, Али, Оиша ва бошқа саҳобалардан эшитиб ривоят қилган.

У кишидан Қатода, Холид Ҳизо, Довуд ибн Абу Ҳинд, Авф Аъробий, Робий ибн Анас, Абу Амр ибн Ало ва яна бир гуруҳ олимлар ривоят қилган.

Абу Бакр ибн Абу Довуд: «Саҳобалардан кейин Қуръони каримни Абу Олиядан кўра яхшироқ биладиган олим йўқ. Абу Олиядан кейин Саид ибн Жубайр туради».

Энг кучли фикрга кўра ҳижрий 93-йили вафот этган. 90-йил деган маълумотлар ҳам мавжуд.

#### **50. Урва ибн Зубайр ибн Аввом**

Абу Абдуллох Урва ибн Зубайр ибн Аввом Қураший Асадий Маданий Мадинанинг энг кучли олимларидан бўлган.

Отасидан унча кўп ҳадис ривоят қилмаган. Асосан Зайд ибн Собит, Усома ибн Зайд, Саид ибн Зайд, Ҳаким ибн Ҳизом, Оиша, Абу Ҳурайралардан ҳадис ривоят қилган. Оиша бинти Абу Бакрдан фикҳни ҳам ўрганган.

Урва ибн Зубайрдан ўғиллари: Ҳишом, Муҳаммад, Усмон, Яҳё, Абдуллох, набираси Умар ибн Абдуллох, Имом Зухрий, Абу Зинод, Ибн Мункадир, Солиҳ ибн Кайсон, асраб олган фарзанди Асвад ва бошқа кўплаб олимлар ривоят қилганлар.

Сийрат илми билимдони, ҳофиз олим бўлган. Имом Зухрий айтади: «Уова ибн Зубайр илмида суви мўл кўл бўлган денгизга ўхшар эди».

Ҳишом айтади: «Отам узоқ вақт рўза тутар эди. Вафот этаётганда ҳам рўзадор эди».

Ҳазрати Усмон даврида таваллуд топган. Ҳижрий 94-йилда вафот этган.

### **51. Абу Салама ибн Абдурахмон ибн Авф**

Абу Салама ибн Абдурахмон ибн Авф Зухрий Маданий етук хофиз бўлган. Куняси исми бўлган, деб Имом Молик айтиб ўтган. Баъзи манбаларда эса Абдуллоҳ бўлган деб айтилади.

Отасидан унча кўп ҳадис ривоят қилмаган. Асосан, Усмон, Абу Қатода, Абу Усайд, Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Ҳассон ибн Собит ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Абу Саламадан эса Солим Абу Назр, Саъд ибн Иброҳим Қозий, Абу Зинод, Зухрий, Яҳё ибн Саид, Яҳё ибн Абу Касир, Муҳаммад ибн Амр ва яна бир гуруҳ олимлар нақл қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос билан илмда мунозара қиладиган катта тобейлардан бири бўлган.

Имом Зухрий айтади: «Илмда денгиз бўлган тўрт олим бор. Улар Урва ибн Зубайр, Ибн Мусаййиб, Абу Салама, Убадуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утбалар».

Ҳижрий 94-йилда вафот этган. Баъзи манбаларда ҳижрий 104-йилда вафот этган деб ҳам келади.

### **52. Абу Бакр ибн Абдурахмон**

Абу Бакр ибн Абдурахмон ибн Ҳорис ибн Ҳишом Кураший Махзумий Маданий машҳур етти фақиҳнинг бири. Саҳиҳ маълумотга кўра куняси исми бўлган. Бошқа фикрга кўра Аҳмад бўлган. Ака-укалари кўп бўлган.

Ҳадисларни отасидан, Аммор ибн Ёсир, Абу Масъуд Бадрий, Оиша бин Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Абдурахмон ибн Мутиъ ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

У кишидан эса «Абу Бакрнинг мавлоси<sup>6</sup>», деб ном олган Ҳаким ибн Утайба, Имом Зухрий, Амр ибн Динор, ўғиллари Абдуллоҳ, Абдулмалик, Умар, Салама; жияни Қосим ибн Муҳаммад ибн Абдурахмон; Абдулвоҳид ибн Айман ва бошқа йирик олимлар нақл қилганлар.

Жамал кунида ёшини кичик деб ҳисоблаганлари учун Урва билан уни Толха ибн Убайдуллоҳ ва Зубайр ибн Аввомларнинг лашкаридан четлатишади.

Саховатли, художўй ва пархезкор имом бўлган. Абу Бакр ибн Абдурахмонга нисбатан «Курайшнинг роҳиби» деб айтар эдилар. Ибн Саъд: «Унинг кўзи ожиз бўлган» – деб айтади.

Мадина шаҳрида «Фақиҳлар-йили» – ҳижрий 94-йилда вафот этган.

---

<sup>6</sup> Мавло - хизматкор

### **53. Муторриф ибн Абдуллоҳ ибн Шиххир**

Имом Абу Абдуллоҳ ибн Муторриф ибн Абдуллоҳ ибн Шиххир Омирий Ҳараший Басрий мартабаси улуғ саййид, илм ва амалда бош бўлган.

Ҳадисларни отасидан, Али, Аммор, Имрон ибн Ҳусойн, Оиша бинти Абу Бакр, Иёз ибн Ҳимор, Абдуллоҳ ибн Муғоффал ва бошқа олимлардан ривоят қилган.

У кишидан эса укаси Язид Абу Аъло, Ҳумайд ибн Ҳилол, Собит Буноний, Қатода ва бошқа олимлар ривоят қилган.

Ибн Саъд айтади: «Муторриф бир неча ҳадисларни Убай ибн Каъбдан ривоят қилган. Сика ровий бўлган. Фазилатли, пархезкор, оқил ва одобли инсон бўлган».

Имом Ижлий айтади: «Ибн Ашъаснинг фитнасидан Басрада фақат Муторриф ибн Шиххир ва Ибн Сирийн, Куфада эса Хайсама ибн Абдурахмон ва Иброҳим Нахайй омон қолди».

Имом Ибн Ҳиббон айтади: «Муторриф ибодат, тақво ва таркидунёчилик аҳлидан бўлган. Одамларга билдирмай ибодат қилишни ўзига одат қилган эди».

Ҳижрий 95-йилда вафот этган.

### **54. Амр ибн Маймун**

Имомнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Амр ибн Маймун Авдий Мазҳажий Ямоний бўлган. Куфага кўчиб келиб яшаган.

Абу Бакр Сиддиқ даврида Муоз ибн Жабал билан бирга келган ва у кишидан бир қанча ҳадисларни ривоят қилган. Бундан ташқари, Умар, Али, Абдуллоҳ ибн Масъудлардан бир қанча ҳадислар ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса Абу Исҳоқ, Ҳусойн, Абда ибн Абу Лубоба, Муҳаммад ибн Сувқо ва бошқа олимлар нақл қилганлар.

Абу Исҳоқ айтади: «Юз маротаба умра ва ҳаж қилган. Агар ҳадис ривоят қилмоқчи бўлса, аввало Аллоҳ таолони зикр қилар эди».

Ҳижрий 94 ёки 95-йилда вафот этган.

### **55. Абу Усмон Нахдий**

Абу Усмон Абдурахмон ибн Милл Нахдий Басрий Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам даврида туғилган. Умар даврида пойтахтга келиб, у зотдан, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Ҳузайфалардан ҳадис эшитган.

У кишидан эса Қатода, Холид Ҳизоъ, Ҳумайд, Довуд ибн Абу Ҳинд, Сулаймон Таймий ва бошқа олимлар ривоят қилган.

Ярмук кундаги жангда қатнашган. Жоҳилият даврида икки марта ҳаж қилган. Кейин мусулмон бўлган. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг омилларига закотни берган. Салмон Форсийга ўн икки-йил давомида шогирд бўлган. Кўп рўза тутадиган ва кечалари коим бўладиган инсон бўлган. Ҳушидан кетгунича ибодат қилар эди.

Сулаймон Таймий: «У кишини гуноҳ қилмайдиган киши» деб ўйлайман» – деб айтган.



Абу Усмон Нахдий ҳижрий 100-йилда вафот этган.

### **56. Абу Ражо Уторидий**

Абу Ражо Имрон ибн Милҳон Уторидий Басрий мухозромлардан бўлиб, тобейи уламоларнинг энг катталаридан бири бўлган.

Макка фатҳ этилиши даврида мусулмон бўлган. лекин Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва салламни кўришга муяссар бўлмаган. Пойтахтга кейинроқ келади ва Умар, Али, Имрон ибн Ҳусойн, Абу Мусо Ашъарий ва бошқа саҳобалардан ҳадис эшитган ва ривоят қилган.

Абу Мусо Ашъарийдан Қуръон қироатини ўрганган. Сўнг Абдуллоҳ ибн Аббосга ўқиб берган. Кейинчалик Абу Ашҳаб Уторидий ва бошқалар Мазкур ровийнинг ўзига ҳам ўқиб берган.

Мазкур ровийдан эса Айюб, Ибн Авн, Авф, Салму ибн Зарир, Жарир ибн Ҳозим, Саид ибн Абу Аруба, Соҳр ибн Жувайрийя, Маҳдий ибн Маймун ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Кўп намоз ўқийдиган ва тиловат қиладиган ибодатли шайх бўлган.

Бир юз йигирма йил умр кўрган. Ҳижрий 107-йилда (105,108-йил деган маълумотлар ҳам учрайди).

### **57. Зайд ибн Ваҳб Жуханий**

Абу Сулаймон Зайд ибн Ваҳб Жуханий Куфий мухазрам имомлардан бўлган. Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам вафотидан бир неча кун ўтиб Мадина шаҳрига келган.

Бир қанча ҳадисларни Умар, Али, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Зар Ғифорий, Ҳузайфа ва бошқалардан ривоят қилган.

У кишидан эса Ҳусойн, Абдулазиз ибн Руфайъ, Аъмаш, Исмоил ибн Абу Холид ва яна бир қанча олимлар ривоят қилган.

Илми кўп сиқа ровий бўлган. У ривоят қилган ҳадисларни олимлар ҳужжат қилиб келтирганлар.

Тақрибан ҳижрий 84-йил вафот этган.

### **58. Маърур ибн Сувайд**

Абу Умайя Маърур ибн Сувайд Асадий Куфий узоқ умр кўрган сиқа ровийлардан бири бўлган. Бир юз йигирма йил умр кўрган.

Умар, Абу Зар Ғифорий, Абдуллоҳ ибн Масъуд каби саҳобалардан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан эса Осим ибн Баҳдала, Аъмаш, Восил Аҳдаб, Муғира Яшқурий ривоят қилганлар.

Маърур ибн Сувайдни Яҳё ибн Маин ва бошқа машҳур олимлар сиқа ровий деб ҳисоблашган.



### **59. Мурра Тоййиб**

Одамлар Мурра Хойр деб ҳам атаганлар. Тўлик исми Мурра ибн Шароҳил Ҳамдоний Куфий ибодатгўй муфассир бўлган.

Ҳадисларни Абу Бакр, Умар, Абу Зар Ғифорий, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Мусо Ашъарий каби саҳобалардан ривоят қилган.

У кишидан эса Аслам Куфий, Исмоил Суддий, Зубайд Ёмий, Ато ибн Соиб, Исмоил ибн Абу Холид, Ҳусойн ибн Абдурахмон ва бошқа олимлар ривоят қилган. Тафсир илми билан ҳам шуғулланган. Мурра Тоййибни Яҳё ибн Маин сиқа ровий деб ҳисоблаган.

Айтилишича, пешоналари тупроқ бўлиб кетгунича сажда қилар экан.

Ҳижрий 90-йилларда вафот этган.

### **60. Молик ибн Авс ибн Ҳадасон**

Абу Саид Молик ибн Авс Насрий Маданий. Муҳазрамлардан бўлиб, Абу Бакр Сиддиқни кўрган. Саҳоба бўлган деган фикр ҳам мавжуд.

Умар, Усмон, Али, Толҳа ибн Убайдуллоҳ ва бошқа саҳобалардан ҳадислар ривоят қилган.

У кишидан эса Ибн Мунқадир, Икрима ибн Холид, Зухрий ва бошқалар ривоят қилганлар.

У илмда сабот билан турган олим ва арабларнинг энг фасихларидан бўлган. Шунингдек, Байтул-мақдис фатҳида қатнашган.

Ҳижрий 92-йилда вафот этган.

### **61. Абу Амр Шайбоний**

Мазкур ровийнинг тўлик исми Абу Амр Саъд ибн Иёс Куфий бўлиб, насаби Шайбон ибн Саълаба ибн Укобага етиб боради.

Абу Амрнинг айтишича: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар этиб юборилганда мен Козима деган жойда туяларни ҳайдаб юрардим».

Яна айтадики: «Қодисийя кунида қирқ ёшда эдим».

Ҳадисларни Али, Абдуллоҳ ибн Масъуд ва Ҳузайфалардан ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса Мансур, Аъмаш, Ибн Абу Холид, Сулаймон Таймий, Валид ибн Айзор, Амр ибн Абдуллоҳ Абу Муовия Нахайй ва яна бир қанча олимлар ривоят қилганлар.

Абу Амр Шайбоний ҳижрий 98-йили бир юз йигирма ёшида вафот этган.

### **62. Абдуллоҳ ибн Муҳайриз**

Абу Муҳайриз Абдуллоҳ ибн Муҳайриз ибн Жунода ибн Ваҳб Қураший Жумаҳий Маккий машҳур алломалардан бири бўлиб, Байтул Макдисда истиқомат қилган.

Ҳадисларни Убода ибн Сомит, Абу Маҳзун Муаззин, Муовия, Абу Саид Худрий ва бошқа олимлардан ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса Макхул, Зухрий, Ҳисон ибн Атийя ва Иброҳим ибн Абу Убла каби олимлар ривоят қилганлар.

Кўп ибодат қиладиган олим бўлган. Ражо ибн Ҳайва айтади: «Агар Мадина халқи ўзларининг энг ибодатли инсони Абдуллоҳ ибн Умар билан фахрлансалар, биз Ибн Муҳайриз билан фахрланамиз. Аллоҳга қасамки мен уни тирик туришини ер аҳолиси учун омонлик деб ўйлайман».

Уммавий халифа Сулаймон ибн Абдулмалик давригача яшаган. Ҳижрий 99-йилда вафот этган.

### **63. Абу Рофеъ Соиғ**

Мазкур ровийнинг тўлиқ исми Абу Рофеъ Нуфайъ Маданий бўлиб, Умар оиласининг мавлоси бўлган. Жоҳилийя даврини ҳам кўрган.

Асосан Убай ибн Каъб, Умар ибн Хаттоб, Абу Мусо Ашъарий, Абу Ҳурайра, Каъбул Ахбор ва бошқа саҳобалардан ҳадислар нақл қилган.

Мазкур ровийдан эса Ҳасан Басрий, Собит Буноний, Ато ибн Абу Маймуна, Қатода, Али ибн Зайд ибн Жудъон каби олимлар ривоят қилган.

Аҳмад ибн Абдуллоҳ Ижлий ва бошқа олимлар Абу Рофеъни сиқа ровий деб ҳисоблаганлар.

Анас ибн Молик билан деярли бир даврда вафот этган.

### **64. Рибъий ибн Ҳирош**

Рибъий ибн Ҳирош Ғатафоний Абсий Куфий илмига амал қиладиган олим бўлган.

Умар, Али, Ҳузайфа, Абу Мусо ва бошқа саҳобалардан ҳадис эшитган. Умар билан Жобияда бирга бўлган.

У кишидан эса Мансур, Абдулмалик ибн Умайр, Абу Молик Ашжаий ва бошқа уламолар ривоят қилганлар.

Рибъий ибн Ҳирош умри давомида ёлғон гапирмагани ҳақида маълумотлар мавжуд. Ўзи жаннатий ё дўзахий эканини билмагунича ҳеч қачон кулмасликка қасамёд қилган экан.

Уни сиқа ровий экани, пешво экани ва ривоят қилган ҳадислари билан ҳужжат қилса бўлишига иттифоқ қилинган.

Рибъий ибн Ҳирош ҳижрий 101-йили вафот этган.

**УЧИНЧИ ТАБАҚА<sup>7</sup>**

Мазкур табақа тобейлар орасида ўрта табақа бўлиб, бошида Ҳасан Басрий туради. Учинчи табақанинг катта қисми Язид ва Ҳишом ҳукмронлиги даврларида яшаб ўтган ровийларини ўз ичига олади.

**65. Ҳасан ибн Абу Ҳасан Ясор**

Шайхул ислом Имом Абу Саид Ҳасан Басрий Зайд ибн Собитнинг мавлоси бўлган. Баъзи манбаларда Жамил ибн Қутбанинг мавлоси бўлгани зикр қилинади. Онасининг исми Хайра бўлиб, Умму Саламанинг мавлоси бўлган.

Мадинада ўсиб улғайган, Қуръони каримни халифа Усмон даврида ёд олган ва у зотнинг хутбаларини бир неча бор эшитган. Усмон қамал қилинган кунларида ўн тўрт ёшда бўлган. Улғайгач илм олиш ва унга амал қилишга қаттиқ бел боғлаган.

Доимо шижоатли инсонлар орасида, хусусан, Қатрий ибн Фужоа билан бирга зикр қилинган.

Муовия даврида Хуросон волийси Робиъ ибн Зиёднинг котиби бўлган. У мартабаси улуғ, ўхшаши йўқ, маърузаси таъсирли ва балоғатли илм денгизларидан бўлган.

Ҳадисларни Усмон, Имрон ибн Ҳусойн, Муғира ибн Шўба, Абдурахмон ибн Самуро, Самуро ибн Жундуб, Абу Бакра ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

У кишидан эса Қатода, Айюб, Ибн Авн, Юнус, Холид Ҳаззоъ, Ҳишом ибн Ҳассон, Ҳумайд Товил, Жарир ибн Ҳозим, Шайбон Нахвий, Язид ибн Иброҳим Тустарий, Муборак ибн Фазола, Робиъ ибн Собих, Абон Аттор, Қурра ибн Холид ва шулар каби машҳур олимлар кўплаб ҳадисларни ривоят қилганлар.

Имом Ибн Саъд: «Ҳасан Басрий турли фанларни яхши билган кучли олим, улуғ мартабали инсон, сиқа ровий, сўзи ҳужжат, омонатдор, ибодатга эътиборли, кўп марта ҳаж қилган, кўркам ва чиройли инсон бўлган» – деб айтган. Сўзини сўнгида: «Ҳасан Басрийнинг мурсал ҳадислари ҳужжат ўрнида ўтмайди»,– деб ҳам айтган.

Абу Ҳотим ибн Ҳиббон эса: «Ҳасан Басрий Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг бир юз йигирма нафар саҳобалари билан учрашган. Тобейларнинг Қуръони карим, фикҳ ва адаб бўйича алломаларидан бўлган. Басра халқининг энг ибодатли ва зоҳидларидан эди. Ҳадисларни ривоят қилишда тадлис қилар эди мазмунидаги у зотга қилинган таъналардан холи эди».

Ҳижрий 110-йил саксон саккиз ёшида вафот этган.

<sup>7</sup> Муаллиф асарнинг бошида келган ровийларни биринчи ва иккинчи табақа вакилларига ажратмаган. Табақаларга ажратишни мазкур учинчи табақа вакилларида бошлайди (Таржимон).

### **66. Абу Шаъшаъа**

Абу Шаъшаъа Жобир ибн Зайд Аздий Басрий машхур алломалардан бири ва Абдуллох ибн Аббоснинг шогирди бўлган.

Мазкур ровийдан Қатода, Айюб, Амр ибн Динор ва бошқа олимлар ривоят қилганлар.

Абдуллох ибн Аббос айтади: «Агар Басра халқи Жобир ибн Зайд гапирганда кулоқ солиб турганларида эди, уларга Аллох таолонинг китобидаги нарсаларни билишга шуни ўзи етар эди».

Амр ибн Динор айтади: «Жобир ибн Зайддан кўра фатволар бўйича олимроқ инсонни кўрмадим».

Ибн Ҳиббон айтади: «Қуръони каримни яхши биладиган тобейлардан, Басра халқининг фақиҳларидан эди. У ҳижрий 93-йилда Анас ибн Молик билан бир жумъа кунида вафот этган».

Мазкур ҳижрий 93-йилда вафот этган мазмунидаги фикрни Аҳмад ибн Ҳанбал, Фаллос ва Имом Бухорийлар ҳам айтиб ўтганлар.

Воқидий ва Ибн Саъд каб олимлар эса ҳижрий 103-йилда вафот этган, деб айтганлар.

### **67. Абу Хайр Марсад ибн Абдуллох**

Абу Хайр Марсад ибн Абдуллох Язаний Мисрий машхур фақиҳ ва Миср халқининг муфтийси бўлган. Язан Ҳимяр ҳудудида жойлашган.

Ҳадисларни Айюб Ансорий, Абу Басра Ғифорий, Уқба ибн Омир Ҳуханий (Мазкур ровийдан фикҳни ҳам ўрганган), Зайд ибн Собит, Абдуллох ибн Амр ва яна бир қанча олимлардан ривоят қилган.

Абу Хайрдан эса Абдурахмон ибн Шумоса, Жаъфар ибн Робиъа, Язид ибн Ҳабиб ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар.

Ибн Юнус айтади: «Ўз даврида Абу Хайр Язаний Миср халқининг муфтийси бўлган». Ҳижрий 90-йилда вафот этган.

### **68. Иброҳим Таймий**

Абу Асмо Иброҳим ибн Язид ибн Шарик Таймий Куфий ибодатли олим бўлган. Ҳадисларни ўз отасидан, Ҳорис ибн Сувайд, Амр ибн Маймун Авдий ва бошқа уламолардан ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса баён ибн Бишр, Юнус ибн Убайд, Аъмаш ва яна бир гуруҳ олимлар ривоят қилганлар. Сика ровийлардан бўлган.

У Ҳажжож Золим томонидан ўлдирилган. Бошқа манбада ҳибсхонада ўлиб қолгандеган маълумот келади. Ўлим вақтида қирқ ёшга етмаган бўлган.

Аъмаш айтади: «Иброҳим Таймийнинг шундай деганини эшитдим: «Мен икки ойдан бери таомланмадим». Бу сўзни сендан ҳеч ким эшитмасин.

Ҳижрий 92-йилда Анасдан олдин вафот этган.

### 69. Иброҳим Нахайй

Абу Имрон Иброҳим ибн Язид ибн Қайс ибн Асвад Нахайй Куфий Ироқлик машхур фақиҳ бўлган.

Алкама, Масрук, Асвад ва яна бир гуруҳ уламолардан ҳадислар ривоят қилган. Гўдаклигида Оиша бинти Абу Бакр олдига кириб юрган.

Иброҳим Нахаййдан эса Ҳаммод, Ҳакам, Саммок, Ибн Авн, Аъмаш, Мансур ва кўплаб бошқа олимлар ривоят қилганлар.

Муғира айтади: «Иброҳим Нахаййни худди амирни ҳурмат қилгандек ҳурмат қилар эдик».

Имом Аъмаш айтади: «Иброҳим Нахайй намоз ўқиб бўлиб бизнинг олдимизга келар ва бир муддат худди касал одамдек бўлиб қолар эди».

Шунингдек, «Иброҳим ҳадис илмида саррофлардек эди. Машхурликдан сақланар эди. Суяниб ҳам ўтирмас эди».

Имом Шаъбий Иброҳим Нахаййнинг ўлимини эшитганида: «Ўзидан кейин ўзига ўхшашини қолдириб кетмади», деган.

Баъзи инсонлар Саид ибн Жубайрдан фатво сўраганида у шундай деган экан: «Орангизда Иброҳим Нахайй бўлатуриб, мендан фатво сўрайсизларми?»

Ҳижрий 95-йилнинг охирида вафот ёши улуғ ҳолида вафот этган.

### 70. Али ибн Ҳусайн

Абу Ҳасан Али ибн Ҳусайн ибн амир ал-муъминин Али ибн Абу Толиб Ҳошимий Маданий Зайнул обидин номи билан машхур бўлган.

Карбалога касал ҳолида келади, шунда Умар ибн Саъд унга ишора қилиб: «Бунга қаршилик қилманглар» – деб айтади. Ўша пайтда йигирма ёшдан ошган бўлган.

Ҳадисларни ўз отасидан, амакиси Ҳасандан, Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Ибн Аббос, Ибн Умар ва яна бир қанча саҳобалардан ривоят қилган.

Мазкур ровийдан эса ўғиллари Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али, Зайд, Умар, Абдуллоҳ, Зайд ибн Аслам, Зухрий ва бошқалар нақл қилганлар.

Имом Зухрий айтади: «Али ибн Ҳусайндан кўра фақиҳроқ бўлган инсонни кўрмаганман. Лекин у киши кам ҳадис ривоят қилган. Аҳли байтнинг энг афзалларидан, чиройли тоат қиладиганларидан ва Халифа Абдулмаликка энг маҳбубларидан бўлган».

Абу Ҳозим Аърож айтади: «У кишидан кўра афзалроқ хошимийни кўрмадим».

Имом Молик айтади: «Али ибн Ҳусайн вафот этгунича бир кеча-кундузда минг ракъат намоз ўқир эди. Шундай ибодат қилгани учун ҳам Зайнулобидин деб номланган».

Тарихий манбаларда яширин садақа қилиши ҳақида кўп маълумотлар келган. Ҳижрий 94-йилнинг робий ал-аввал ойида вафот этган.

### 71. Яхё ибн Яъмар

Абу Сулаймон Яхё ибн Яъмар Адвоний Басрий машхур фақиҳ ва Марвнинг қозиси бўлган.

Ҳадисларни Абу Зар Ғифорий, Аммор, Оиша бинти Абу Бакр (булардан ўзи эшитмасдан ривоят қилган), Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абу Асвад Дийлий ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

У зотдан эса Абдуллоҳ ибн Бурайда, Қатода, Яхё ибн Уқойл, Ато Хуросоний, Сулаймон Таймий, Исҳоқ ибн Сувайд Адавий нақл қилганлар.

Абу Довуд айтади: «Яхё ибн Яъмар Оиша бинти Абу Бакрдан ҳадис эшитмаган».

Айтилишича, Яхё ибн Яъмар бу фанда биринчи бўлиб китоб ёзган инсон бўлган.

Араб тилин яхши билган фақиҳлардан бири бўлган. Араб тилини Абу Асвад Дуалийдан ўрганган.

Ҳажжож Золим у кишини бирор ишга тайинламаган. Қутайба ибн Муслим у кишига Хуросон қозилигини топширган. Қозилигида бир қанча ноиблари бўлган. У май ичди деган хабар Қутайбага етиб келганда уни қозиликдан бўшатади.

Яхё ибн Яъмарнинг ҳадислари саҳиҳлига ва сиқа ровий эканлигига уламолар иттифоқ қилганлар.

### 72. Саид ибн Жубайр

Саид ибн Жубайр Волибий Куфий Аҳли байтнинг мавлоси бўлиб, машхур уламолардан бири, кучли фақиҳ ва Қуръони карим устози бўлган. Тарихий маълумотларда қоратанли бўлган дейилади.

Абдуллоҳ ибн Аббос, Ади ибн Ҳотам, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Муғоффал ва бошқа саҳобалардан ҳадис эшитган.

Абу Жаъфар ибн Иёс, Айюб, Аъмаш каби муҳаддислар у кишидан кўплаб ҳадисарни нақл қилганлар.

Энг машхур фикрга кўра ҳижрий 95-йили уни қирқ тўққиз ёшида Ҳажжож қатл қилдиради. Ўлими вақтида эллик ёшдан ўтган эди деган маълумот ҳам мавжуд.

Куфалик мусулмонлар ҳаж қилгани келганида Абдуллоҳ ибн Аббосдан бирор масъалада савол сўрашса: «Орангизда Саид ибн Жубайр йўқми»,– деб сўрар эди.

Бир куни Каъба ичида туриб бир рақъатда Қуръони каримни бутунлай хатм қилгани манбаларда келтирилган.

Маймун ибн Меҳрон айтади: «Саид ибн Жубайр вафот этди. Ер юзида унинг илмига эҳтиёжи тушмайдиган бирор инсон йўқ».



### 73. Муҳаммад ибн Сирин

Раббоний олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Сирин Анас ибн Моликнинг мавлоси бўлган. Отаси Сирин асли Жаржароялик бўлган.

Абу Ҳурайра, Имрон ибн Ҳусойн, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар каби саҳобалардан ҳадислар эшитган ва уларни ривоят қилган.

У кишидан эса қуйидаг олимлар ривоят қилганлар: Айюб, Ибн Авн, Қурра ибн Холид, Абу Ҳилол Муҳаммад ибн Сулайм, Авф, Ҳишоим ибн Ҳассон, Юнус, Маҳдий ибн Маймун, Жарир ибн Ҳозим ва бошқалар.

Чуқур илмли олим, таъбир илмида аллома, тақвода пешволардан бўлган. Онасининг исми София бўлиб, Абу Бакрнинг озод қилган чўрилари бўлган.

Муварриқ Ижлий шундай дейди: «Муҳаммад ибн Сириндан кўра тақада фақиҳроқ, фикҳда тақволироқ инсонни кўрмадим».

Ибн Авн айтади: «Ибн Сирин, Қосим ва Ражо ибн Ҳайва каби олимларни кўрмаганман».

Абу Авона шундай деган: «Ибн Сиринни бзорда ҳам Аллоҳ таолони зикр қилиб юрганини кўрдим. Уни бирор киши Аллоҳни зикр қилмасдан юрганини бирор киши кўрмаган».

Айтилишича, ўлим ҳақида нимадур айтилса барча аъзолари ҳаракатланмай қолар эди.

Юнус айтади: «Муҳаммад ибн Сирин ҳазилкаш инсон бўлган».

Ибн Ҳиббон энг пархезкор тобейлардан, Басра фақиҳ ва обидларидан бири бўлган. Тушни таъбир қилар эди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ўттиз нафар саҳобаси билан учрашган.

Ҳижрий 110-йилнинг шаввол ойида Ҳасан Басрий вафотидан юз кун ўтиб вафот этган.

Ибн Ҳиббон айтади: «Унинг қабри Басрада бўлиб, Ҳасан Басрий қабрининг ёнида. Бу машҳур жой бўлиб, кўпчилик томонидан зиёрат қилинади. Ўзим ҳам бир неча бор зиёрат қилганман».

### 74. Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба

Зарир Абу Абдуллоҳ Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд Ҳузалий Маданий машҳур етти фақиҳдан бири.

Қуйидаги саҳобалардан ҳадис ривоят қилган: Абу Ҳурайра, Оиша бинти Абу Бакр, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абу Саид Худрий ва бошқа саҳобалар.

Ундан эса дўсти Ирок ибн Молик, Зухрий, Солиҳ ибн Кайсон ва Абу Зинод каби уламолар нақл қилганлар.

Фикҳ ва ҳадис бўйича етук олим бўлиши билан бирга моҳир шоир бўлган. Шунингдек, Умар ибн Абдулазизнинг тарбиячиси ҳам бўлган.

Имом Зухрий шундай деган: «Илм денгизларидан бири бўлган».

Ҳижрий 98-йилда вафот этган.

### 75. Имом Шаъбий

Абу Амр Омир ибн Шароҳил Ҳамдоний Куфий тобейларнинг улуғ олими бўлган. Куфадаги Ҳамдон қабиласидан бўлган.

Ҳижрий 17-йили халифа Умар даврида таваллуд топган. Ҳофиз, фақиҳ, қунтли қомусий олим ва имом бўлган.

Кўпинча шундай дер экан: «Мен оқ қоғозга бирор нарса ёзмас эдим. Бирор киши ҳадис айтса ўша ҳадисни ёдлаб олар эдим. Қайтадан айтишини ёқтирмайман».

Ҳадисларни Али, Имрон ибн Ҳусойн, Жарир ибн Абдуллоҳ, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос, Оиша бинти Абу Бакр, Абдуллоҳ ибн Амр, Адий ибн Ҳотам, Муғира ибн Шўба, Фотима бинт Қайс ва бошқа кўплаб олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса қуйидаги олимлар ривоят қилганлар: Исмоил ибн Абу Холид, Довуд ибн Абу Ҳинд, Закариё ибн Абу Зоид, Мужолид, Аъмаш, Абу Ҳанифа, Ибн Авн, Юнус ибн Абу Исҳоқ, Суррий ибн Яҳё ва бошқалар.

Ижлий айтади: «Имом Шаъбий мурсал қилган ҳадислар саҳиҳ. Чунки у фақат саҳиҳ ҳадисларнигина мурсал қилган».

Жаможим воқеасида Шаъбий Абдурахмон ибн Ашъас тарафида қатнашган. Шаъбий Ҳажжожнинг кўлига тушиб қолганда Ҳажжож уни кечиради.

Имом Шаъбий шундай деган: «Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг беш юз саҳобалари билан учрашганман».

Макхул шундай деган: «Шаъбийдан кўра олимроқ инсонни кўрмаганман».

Сулаймон Таймий Абу Мижлаздан шундай ривоят қилади: «Мен Шаъбий, Саид ибн Мусаййиб, Товус, Ато ибн Абу Рабоҳ, Ҳасан Басрий ва Муҳаммад ибн Сиринлардан кўра фақиҳроқ инсонни кўрмаганман».

Ибн Уяйна шундай деган: «Уламолар уч нафардир: Абдуллоҳ ибн Аббос ўз замонида, Шаъбий ўз замонида, Саврий ўз даврида».

Шаъбий шундай дегани манбаларда келади: «Шеърларни жуда кам биламан. Агар тўхтамай биладиган шеърларимни айтсам бир ойгагина етади».

Машхур фикрга кўра, олим ҳижрий 104-йили вафот этган.

### 76. Солим ибн Абдуллоҳ

Тўлиқ исми Абу Умар Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб Адавий Умарий Маданий бўлиб, фақиҳ, сўзи ҳужжат бўлган. Амал ва илм, такво ва шараф ўртасини жамлай олган илм аҳлларида бири бўлган.

Отаси ва қуйидаги саҳобалардан ҳадис эшитган ва ривоят қилган: Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Рофеъ ибн Хадиж, Сафина ва Саид ибн Мусаййиб.

У кишидан эса Амр ибн Динор, Зухрий, Убайдуллоҳ ибн Умар, Солиҳ ибн Кайсон, Мусо ибн Уқба, Ҳанзала ибн Абу Суфён ва бошқа олимлар ривоят қилганлар.

Ранги қора, хулқи гўзал, яшаши камтарона бўлган. Тавозе қилиб жундан бўлган кийим кийиб юрган. Фазилатлари кўп бўлиб, уни отаси жуда яхши кўрган.

Молик ибн Анас шундай деган: «Ўз вақтида фазилат ва тақвода олдин ўтган солиҳларга Солимдан кўра ўхшаш инсон бўлмаган».

Айтилишича, Солим ибн Абдуллоҳ Сулаймон ибн Абдулмаликнинг олдига эски ва ямоқ кийимларда кирганида подшоҳ уни тахтига ўтиришга таклиф қилган.

Ҳижрий 106-йили вафот этган.

### **77. Абу Солиҳ Саммон**

Абу Солиҳ Зақвон Саммон Маданий Жувайрийя Ғатафонийянинг мавлоси бўлган. Куфага ёғ ва сарёғ олиб келар эди.

Усмон қамал қилиниши ва Дор воқеаларига гувоҳ бўлган.

Саъд ибн Абу Ваққосдан баъзи ҳадисларни сўраган. Абу Ҳурайра, Оиша бинти Абу Бакр, Абдуллоҳ ибн Аббос ва бошқа саҳобалардан ҳадис эшитган ва ривоят қилган.

У кишидан эса ўғли Суҳайл, Аъмаш, Сумай, Зайд ибн Аслам, Букайр ибн Ашаж, Яҳё ибн Саид ва бошқалар ривоят қилган.

Имом Аҳмад шундай деган: «Абу Солиҳ шубҳасиз сиқа бўлган, инсонлар орасида энг улуғ ва тўғрисўзларидан бири».

Аъмаш айтади: «Абу Солиҳдан мингта ҳадис эшитганман».

Ҳижрий 101-йилда вафот этган.

### **78. Товус ибн Кайсон**

Тўлиқ исми Абу Абдурахмон Товус ибн Кайсон Ямоний Жанадий бўлиб, пешво олимлардан бўлган.

Қуйидаги саҳобалардан ҳадисларни эшитган ва ривоят қилган: Зайд ибн Собит, Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Зайд ибн Арқам, Абдуллоҳ ибн Аббос ва бошқалар.

У кишидан эса ўғли Абдуллоҳ, Зухрий, Иброҳим ибн Майсара, Абу Зубайр, Абдуллоҳ ибн Абу Нажих, Ҳанзала ибн Абу Суфён ва бошқа олимлар ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос шундай деган: «Мен Товусни жаннатий деб ўйлайман».

Амр ибн Динор: «Товусга ўхшаган бирор кишини кўрмаганман».

Иброҳим ибн Майсара шундай деган: «Товусдан бошқа унинг олдига аслзода ва паст табақали инсон бир хил бўлган кишини учратмадим».

Товус илм, амал ва тақвода бош бўлган. Яман амири у кишига беш юз динор юборади. У буни қабул қилмайди. Товус Яман аҳолисининг муфтийси ва шайхи бўлган. Кўп маротаба ҳаж қилган.

Вафоти ҳижрий 106-йили Маккада тарвия кунидан бир кун олдин содир бўлади. Жанозасини Ҳишом ибн Абдулмалик ўқийди.

### **79. Ато ибн Ясор**

Раббоний олим Абу Муҳаммад Ато ибн Ясор Маданий Уммулмуъминин Маймуна онамизнинг мавлоси ва йирик уламолардан бўлган. Фақиҳ Сулаймон, Абдуллоҳ ва Абдулмаликнинг акаси бўлган.

Ҳадисларни Зайд ибн Собит, Абу Айюб Ансорий, Оиша бинти Абу Бакр, Усома ибн Зайд, Абу Ҳурайра ва бошқа кўплаб саҳобалардан ривоят қилган.

Қуйидаги олимлар у кишидан ҳадислар нақл қилганлар: Зайд ибн Аслам, Ҳилол ибн Абу Маймуна, Шарик ибн Абу Намр.

Ҳижрий 103-йили вафот этган. Бошқа манбада эса 90-йиллар атрофида дейилган.

### **80. Сулаймон ибн Ясор**

Сулаймон ибн Ясор мадиналик машҳур фақиҳ ва кучли олим бўлган.

Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Аббос, Маймуна онамиз ва яна бир қанча саҳобалрдан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан эса Амр ибн Динор, Зухрий, Солим Абу Назр, Яҳё ибн Саид, Солиҳ ибн Кайсон ва бошқалар ривоят қилганлар.

Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳанафия шундай деган: «Сулаймон ибн Ясор Саид ибн Мусаййибдан кўра фаҳми тез бўлган».

Молик ибн Анас айтади: «Сулаймон ибн Ясор инсонлар орасидаги уламолардан бўлган».

Ҳижрий 104-йили вафот этган. Яна бир манбада 107-йил экани айтилган.

### **81. Мужоҳид ибн Жабр**

Тўлиқ исми Абу Ҳажжож Мужоҳид ибн Жабр Махзумий Маккий бўлиб, имом, муфассир, ҳофиз ва Қуръони карим устози бўлган. Соиб ибн Абу Соиб Махзумийнинг мавлоси бўлган.

Саъд ибн абу Ваққос, Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Умму Ҳониъ, Абдуллоҳ ибн Амр, Абдуллоҳ ибн Аббос каби саҳобалрадан ҳадис эшитган ва ривоят қилган. Ибн Аббосга бир муддат шогирд бўлган ва унга Қуръони каримни ўқиб берган. Илмни ўзида жамлаган инсонлардан бири бўлган.

У кишидан эса Қатода, Ҳакам, Амр ибн Динор, Мансур, Аъмаш, Айюб, Ибн Авн, Умар ибн Зар ва яна кўплаб олимлар ривоят қилган.

Мужоҳид ибн Жабр айтади: «Абдуллоҳ ибн Аббосга Қуръони каримни уч марта ўқиб берганман. Ҳар оятни ўқиганда «Бу оят нима сабадан нозил бўлган?», «Қандай нозил бўлган?», деб сўрар эдим».

Мужоҳид ибн Жабрга Ибн Касир, Абу Амр ибн Ало ва Ибн Муҳайсин каби машҳур қорилар Куръони каримни ўқиб берганлар.

Қатода айтади: «Тафсир фанида энг олим киши бу Мужоҳиддир».

Ибн Журайж шундай деган: «Мужоҳиддан ҳадис эшитишим мен учун оилам ва молимдан ҳам азизроқдир».

Ҳижрий 103-йили 83 ёшида вафот этган.

Ҳофиз Абу Нуайм «Ҳуля» китобида Муҳаммад ибн Ҳумайд Розийдан, у Абдуллоҳ ибн Абдулқуддусдан, у эса Аъмашдан, Мужоҳид Ҳорут ва Морут фаришталарин икки тоғ каби кўрганини ва ўлишига бир баҳя қолганини ривоят қилади.

## 82. Холид ибн Маъдон

Абу Абдуллоҳ Холид ибн Маъдон Калоий Ҳимсий кучли илм соҳиби ва пешво бўлган.

Саҳобалардан Савбон, Муовия, Абу Умома, Микдом ибн Маъдикариба, Жубайр ибн Нуфайр, Касир ибн Мурралардан ҳадис эшитган ва ривоят қилган.

Муоз ибн Жабал ва бошқа катта саҳобаларни ҳадисларини мурсал қилган.

У кишидан Бужайр ибн Саъд, Савр ибн Язид, Ҳариз ибн Усмон, Сафвон ибн Амр, қизи Абда ва яна бошқа уламолар ривоят қилганлар.

Сафвон шундай деган: «Холид ибн Маъдон етмиш саҳобий билан учрашганини ўзидан эшитганман».

Бужайр эса шундай деган: «Илмга Холид каби қизиқадиган олимни кўрмадим. У тўплаган билимларини тугмали ва боғичли бир мусҳафда жамлаган эди».

Саврий айтади: «Холид ибн Маъдондан бирор кишини устун қўймайман». У кунига қирқ минг маротаба тасбеҳ айтиши манбаларда келган.

Ҳижрий 104-йилда (ёки 103-йилда) вафот этган.

## 83. Абу Қилоба

Тўлиқ исми Абу Қилоба Абдуллоҳ ибн Зайд Жармий Басрий бўлиб, машҳур имомлардан бири бўлган.

Ҳадисларни Самура ибн Жундуб, Собит ибн Заҳҳок, Анас ибн Молик Нажжорий, Анас ибн Молик Каъбий, Заҳдам ибн Музорриб, Амр ибн Салима ва яна кўпчиликдан ривоят қилган.

Ҳузайфа, Оиша бинти Абу Бакр ва яна бир гуруҳ саҳобалар ҳадисларини мурсал қилган. Оишадан қилинган ривоят Имом Муслимнинг «Саҳих»ида келади.

У кишидан эса Айюб, Ҳумайд, Яҳё ибн Абу Касир, Холид Ҳаззо, Осим Аҳвал, Довуд ибн Абу Ҳинд ва бошқа уламолар ривоят қилганлар.

Қозилик таклиф қилинганда рад этади ва юртидан чиқиб кетади. Шомга келиб, Дароя деган жойга жойлашади. Мартабаси баланд олим бўлган. Умар ибн Абдулазиз уни ҳурмат қилар эди.



Дин йўлида кўп имтиҳонларга учрайди. Чунки қозилик таклиф қилинганда Шомга қочиб кетади. Ҳижрий 104 ёки 107-йилда Мисрдаги шийпонда вафот этган. Бу вақтда қўли ва оёғи ишламас, кўзлари кўрмас эди. Шу холида ҳам у ҳамд айтар ва шукр қилар эди.

Ибн Ҳиббон шундай деган: «Абу Қилоба тобейларнинг обидлари ва зоҳидларидан эди. Қозиликка тайинланишдан кўрқиб Басрадан қочади. Шомга бориб работларда тунаб юради. Кичкина ўғилчаси билан чегара атрофида оғир касалликка чалингунича юрган. Шундай кейин қўли ва оёқлари ишламай, кўзлари кўрмай қолган. Шундай бўлса ҳам қуйидаги дуодан бошқа нарсани айтмаган: «Аллоҳим! Менга берган неъматларинг ва бошқа махлуқотларга бермай менга берганларингни шукрини адо қилишимга етадиган ҳамд айтишимни насиб қил».

#### **84. Абу Бурда ибн Абу Мусо Ашъарий**

Тўлиқ исми Абу Бурда Омир ибн Абу Мусо Ашъарий бўлиб, кучли фақиҳлардан бири.

Шурайҳдан кейин Куфага қози бўлган. Кўп ҳадис ривоят қилган аллома бўлган.

Ҳадисларни отаси, Али ибн Абу Толиб, Зубайр ибн Аввом, Ҳузайфа, Абу Ҳурайра ва бошқа кўплаб саҳобалардан ривоят қилган.

Ундан қуйидаги олимлар ривоят қилганлар: ўғли Билол Амир, невараси Бурайда ибн Абдуллоҳ, Букайр ибн Ашаж, Собит Буноний, Қатода, Абу Исҳоқ Шайбоний, Абу Исҳоқ Сабиий ва бошқалар.

Имом Ижлий айтади: «Абу Бурда сиқа ровий, асли куфалик ва тобейлардан».

Ибн Уяйна шундай деган: «Умар ибн Абдулазиз Абу Бурда ибн Абу Мусодан «Ёшингиз нечида?», деб сўради. У: «Икки ашуд» яъни қирқ ва қирқ» деб жавоб берди».

Абу Нуайм, Халифа, Абу Убайд, Ибн Ҳиббон ва бошқа уламолар фикрларига кўра ҳижрий 104-йилда вафот этган. Имом Воқидий фикрига кўра 103-йил вафот этган.

#### **85. Икрима Барбарий**

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Икрима Барбарий Маданий Ҳошимий бўлиб, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг мавлоси бўлган. Аллома имом бўлган.

Ҳадисларни мавлоси, Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Уқба ибн Омир, Абу Саид Худрий ва яна бир қанча саҳобалардан ривоят қилган.

Имом Насойининг китобида Алидан қилинган ривояти ҳам мавжуд.

Икримадан жуда кўплаб олимлар ривоят қилганлар. Улар орасида Айюб, Савр ибн Зайд, Савр ибн Язид, Холид Ҳаззо, Довуд ибн Абу Ҳинд ва Осим Аҳвал каби олимлар мавжуд. Абдуллоҳ ибн Аббос тириклик пайтида ҳам турли масалаларда фатво берар эди.

Абу Шаъша Икрима ҳақида, «У инсонларнинг энг олимидир», деб айтган.



Қатода эса шундай деган: «Тафсир бўйича энг олим киши бу Икримадир».

Шаҳр ибн Ҳавшадан ривоят қилинади: «Икрима умматнинг алломасидир».

Икрима томонидан нақл қилинган ҳадисларни Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё, Бухорий ва жумҳур уламолар ҳужжат ўрнида келтирганлар. Фақат Имом Молик ва Имом Муслим китобларида келтиришмаган.

Ҳижрий 105-йилда Мадина шаҳрида вафот этган. Баъзи манбаларда ҳижрий 106, 107-йиллар деган маълумотлар ҳам келади.

### **86. Қосим ибн Муҳаммад**

Тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абу Абдурахмон Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ Қураши Таймий Маданий.

Аммаси Оиша бинти Абу Бакр, Абдуллоҳ ибн Аббос, Муовия, Фотима бинти Қайс, Абдуллоҳ ибн Умар каби саҳобалардан ҳадислар эшитган ва ривоят қилган.

Ундан эса ўғли Абдурахмон, Зухрий, Ибн Мункадир, Ибн Авн, Робиъа Рай, Афлаҳ ибн Ҳумайд, Ҳанзала ибн Абу Суфён, Айюб Сухтиёний ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар.

Отаси қатл қилингандан кейин аммасининг тарбиясини олган ва ундан фикҳни ҳам ўрганган.

Ибн Уяйна шундай деган: «Ўз замонасининг энг олими Қосим ибн Муҳаммад эди».

Ибн Маданий эса шундай деган: «У икки юзга яқин ҳадис ривоят қилган».

Ибн Саъд шундай деган: «Қосим имом, фақиҳ, сиқа, пархезкор, кўп ҳадис ривоят қилган олим ва улуғ мартабали инсон бўлган».

Сухтиёний шундай деган: «Қосимдан афзал кишини кўрмадим. Юз минг мерос қилиб кетди. Бунинг ҳаммаси ҳалол бўлган».

Ҳижрий 106-йилда ёки 107-йилнинг бошида вафот этган.

### **87. Абдурахмон ибн Ҳурмуз Аърож**

Тўлиқ исми Абу Довуд Абдурахмон ибн Ҳурмуз Аърож бўлиб, Робиа ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб Ҳошимий Маданийнинг мавлоси бўлиб, муқриъ<sup>8</sup>, хофиз ва бир қанча асарлар муаллифи ҳисобланади.

Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Бухайна, Абу Саид Худрий ва яна бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

У кишидан эса Зухрий, Абу Зинод, Солиҳ ибн Кайсон, Яҳё ибн Саид, Ибн Лаҳиъа ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар.

Абдурахмон ибн Ҳурмуз муқриъ, сиқа олим бўлган. Умрининг сўнгида Искандарийя чегарасига бориб яшаган. Ҳижрий 117-йилда ваот этган.

<sup>8</sup> Муқриъ – Қуръони каримни таълим берувчи устоздир.

### 88. Ато ибн Абу Рабоҳ

Имом Абу Муҳаммад ато ибн Абу Рабоҳ ибн Аслам Кураший Макка халқининг муфтийси ва муҳаддис олими. Шунингдек,

Халифа Усмон даврида таваллуд топган. Умар даврида туғилган, деган қараш ҳам мавжуд.

Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абу Саид Худрий, Умму Салама ва бошқа саҳобалрдан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан эса Айюб, Ҳусайн Муаллим, Ибн Журайж, Ибн Исҳоқ, Авзой, Абу Ҳанифа, Ҳаммом ибн Яҳё, Жарир ибн Ҳозим ва бошқа муҳаддис ва фақиҳлар ривоят қилганлар.

Жингалак сочли қора танли инсон бўлган, фасоҳатли, чуқур илм соҳиби бўлган.

Абу Ҳанифа шундай деган: «Ато ибн Абу Рабоҳдан кўра афзал кишини кўрмадим».

Ибн Журайж эса шундай деган: «Ато ибн Абу Рабоҳ йигирма-йил тунларини ибодат билан ўтказган. Намозини мукамал адо этган».

Авзой шундай деган: «Ато вафот этганида Ер юзидаги барча инсонлар унда рози эди».

Абдуллоҳ ибн Аббос шундай деган: «Эй Макка халқи орангизда Атодек олим бўлатуриб менинг олдимга келасизми?!»

Абу Жаъфар Боқирдан ривоят қилинади: «Атодан кўра ҳаж амалларини яхши биладиган инсон Ер юзида йўқ».

Олимнинг юқоридагилардан ташқари фазилатлари ҳам жуда кўп.

Энг асосли фикрга кўра ҳижрий 114-йилнинг Рамазон ойида вафот этган.

### 89. Маймун ибн Мехрон

Имом Абу Айюб Маймун ибн Мехрон Рикқий Жазира халқининг олими бўлиб, Куфада бир аёл уни озод қилади ва ўша аёл билан яшаб қолади ва Жазирани ватан қилиб олади.

Абдуллоҳ ибн Умар, Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос ва бошқа саҳобалардан ҳадис ривоят қилган.

Умар ибн Хаттоб, Зубайр ибн Аввом ва бошқа саҳобалардан ҳадисларни мурсал қилган.

У кишидан эса Абу Бишр, Хусойф, Жаъфар ибн Бурқон, Ҳажжож ибн Артот, Солим ибн Абу Муҳожир, Авзой, Абу Малих Рикқий, Маъқал ибн Убайдуллоҳ ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: «Маймун ибн Мехрон Икримадан кўра сиқароқ ҳисобланади».

Абу Малих айтади: «Маймун ибн Мехрондан кўра афзалроқ олимни кўрмадим».

Уни Умар ибн Абдулазиз Жазира қозилигига ва хирожини йиғишга масъул қилмоқчи бўлади. Шунда Маймун: «Ундан кўра бармоғим кесилгани яхшироқ эди. Мен Умар ибн Абдулазиз учун ҳам, бошқаси учун ҳам волий бўлмайман».

Манбаларда ўн етти кун ичида ўн етти минг ракат намоз ўқигани ҳақида маълумот келади.

Саксон ёшдан ошиб ҳижрий 117-йили вафот этган.

### 90. Нофё

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Нофё Адавий Маданий бўлиб, пешво уламолардан.

Ҳадисларни Абдуллоҳ ибн Умар, Оиша бинти Абу Бакр, Абу Ҳурайра, Умму Салама, Рофё ибн Хадиж, Абу Лубоба ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Ундан қуйидаги олимлар ривоят қилганлар: Айюб, Абдуллоҳ ибн Умар, Ибн Авн, Ибн Журайж, Авзой, Молик, Лайс, Уқайл ва бошқалар.

Имом Бухорий шундай деган: «Санадларнинг энг тўғриси: Молик Нофёдан, у эса Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилган санад».

Имом Аҳмад: «Агар Солим ва Нофё ихтилоф қилиб қолсалар бирини бошқасидан устун қўймайман».

Нофё ривоят қилган ҳадислар жуда кўп. Тавозеъли инсон бўлган. Ҳаётида бир марта ҳам фатво бермаган.

Юнус ибн Язидга Нофё: «Сизнинг Зухрийингиздан ким менга узр айтади? Мени олдимга келганда Ибн Умардан ҳадис айтаман. Уни эшитиб Солимнинг олдига боради-да: «Буни отангиздан эшитганмисиз» деб сўрайди. Солим: «Ҳа»,– деб жавоб берса, уни Солимдан ривоят қилади-да мени зикр қилмайди. Ваҳоланки, буни мендан эшитган бўлади» – деб айтган.

Ибн Ҳиббон шундай деган: «Нофё мутқин<sup>9</sup> олимлардан эди».

Ҳижрий 117-йилда вафот этган.

### 91. Ваҳб ибн Мунаббих

Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Ваҳб ибн Мунаббих Санъоний яманлик олим бўлган. Ҳижрий 34-йили таваллуд топган. Унинг отаси Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам тирикликларида мусулмон бўлган.

Қуйидаги саҳобалардан ҳадис ривоят қилган: Абу Ҳурайра (кўп эмас), Абдуллоҳ ибн амр, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абу Саид Худрий, Жобир ибн Абдуллоҳ ва бошқалар.

У Китоб илмини ҳам яхши билган. Икки Саҳиҳ китобдаги у ривоят қилган ҳадис акаси Ҳаммамдан нақл қилинган. Ҳаммам Абу Ҳурайрадан ривоят қилган машҳур нусха бўлиб, унинг катта қисми Саҳиҳи Бухорийда мавжуд. Мазкур китобни Ҳаммамдан Маъмар ривоят қилган. Ҳаммам умри узун бўлиб, 130-йилларгача яшаган.

Ваҳбдан жияни Абдусамад, Амр ибн Динор, Исроил Абу Мусо, Симок ибн Фазл, Авф Аъробий, баъзи қариндошлари ва уламолар кўплаб ҳадислар нақл қилганлар. Чуқур илм эгаси бўлган.

<sup>9</sup> Мутқин-маълум бир соҳани ёки бир нечасини охиригача ўрганган олим.

Имом Ижлий: «Сика тобейй, Санъо шаҳри қозиси бўлган» – деб айтган.

Мусни ибн Сабоҳ шундай деган: «Ваҳб йигирма-йил хуфтондаги таҳорати билан бомдодни ўқиган».

«Тарихи Дамашқ» асарида каттагина қисмида Ваҳб ибн Мунаббихнинг таржимаи ҳоли берилган.

Ҳижрий 114-йилнинг бошида вафот этган.

## **92. Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ**

Тўлиқ исми Абу Бакр Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Абу Мулайка Зуҳайр ибн Абдуллоҳ ибн Жудъон Қураший Таймий Маккий бўлиб, имом, Ҳарам шайхи, Абдуллоҳ ибн Зубайр даврида Макка қозиси ва Ҳарам муаззини эди.

Ҳадисларни бобоси, Оиша бинти Абу Бакр, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Умму Салама ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Ундан эса Амр ибн Динор, Айюб, Ибн Журайж, Язид ибн Иброҳим, Жарир ибн Ҳозим, Нофъ ибн Умар Жумаҳий, Абу Омир Хаззо, Абдулвоҳид ибн Айман, Лайс ибн Саъд ва бошқалар ривоят қилганлар.

Ҳасоҳатли, сўзи ҳужжат ва фақиҳ имом бўлган.

Айюб Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳдан нақл қилади: «Мени Абдуллоҳ ибн Зубайр Тоифга қози қилиб юборди. Абдуллоҳ ибн Аббосдан баъзи масалаларни сўрар эдим».

Ҳижрий 117-йили вафот этган.

## **93. Абдуллоҳ ибн Бурайда**

Ҳофиз Абу Саҳл Абдуллоҳ ибн Бурайда ибн Ҳусойб Асламий Марвазий машҳур хуросонлик олим, Марв қозиси бўлган. Умар даврида таваллуд топган.

Ҳадисларни отаси, Оиша бинти Абу Бакр, Самура ибн Жундуб, Имрон ибн Ҳусойн, Абу Мусо Ашъарий, Абу Асвад Дилий, Муғира ибн Шоъба, Абдуллоҳ ибн Муғоффал каби саҳобалардан ривоят қилган. Абдуллоҳ ибн Масъуд билан ҳам учрашгани асарларда келган.

Ундан ривоят қилган олим ва муҳаддислар қуйидагилар: Журайрий, Ҳусайн Муаллим, Муқотил ибн Ҳайён, Ҳусайн ибн Воқид ва бошқалар.

Унинг ҳадислари билан ҳужжат келтириш мумкинлигига уламолар томонидан иттифоқ қилинган.

Юз йил умр кўрган. Ҳижрий 115-йили вафот этган. Жуда кўп инсонларга илм берган.

## ТҮРТИНЧИ ТАБАҚА

### Тобейлар табақасининг учинчиси

#### 94. Макхул

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Макхул ибн Абу Муслим Ҳузалий бўлиб, дамашклик олим, фақиҳ, ҳофиз бўлган. Ҳузайл қабиласилик аёлнинг мавлоси эди. Асли Қобулдан. Баъзи маълумотларга кўра у Кисронинг авлодларидан, ховлиси Дамашқда бўлган.

Кўп ҳадислари мурсал эди. Убай ибн Каъб, Убода ибн Сомит, Оиша бинти Абу Бакр ва баъзи улуғ саҳобаларнинг ҳадисини тадлис қилар эди.

Ҳадисларни Абу Умома, Восила, Анас ибн Молик, Маҳмуд ибн Робиъ, Абдурахмон ибн Ғанам, Абу Идрис Хавлоний, Абу Саллом Мамтур ва бошқалардан ривоят қилган.

Ундан эса қуйидаги муҳаддислар ривоят қилганлар: Айюб ибн Мусо, Ало ибн Ҳорис, Савр ибн Язид, Ҳажжож ибн Артот, Авзойи, Саид ибн Абдулазиз ва бошқалар.

Ибн Исҳоқ шундай деган: «Макхулнинг: «Илм излаб Ерни айланиб чиқдим» – деганини эшитдим».

Абу Ҳотам: «Шомда Макхулдан кўра фақиҳроқ инсонни билмайман»,– деб айтган.

Саид ибн Абдулазиз шундай деган: «Макхул: «Ўрганган нарсаларим ҳеч қачон эсимдан чиқармайман»,– деб айтди».

Саид шундай деган: «Макхул Зухрийдан кўра фақиҳроқ бўлган».

Ҳижрий 113-йили вафот этган. 112-йил деган маълумот ҳам мавжуд.

#### 95. Зухрий

Абу Бакр Муҳаммад ибн Муслим ибн Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Шихоб ибн Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Зухра ибн Килоб Қураший Зухрий Маданий пешво олим ва ҳофизларнинг байроғи бўлган.

Ҳижрий 50-йилда тавллууд топган.

Абдуллоҳ ибн Умар, Саҳл ибн Саъд, Анас ибн Молик, Маҳмуд ибн Робиъ, Ибн Мусаййиб, Абу Умома ибн Саҳл ва шу табақадаги муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса Уқайл, Юнус, Зубайдий, Солиҳ ибн Кайсон, Маъмар, Шуайб ибн Абу Ҳамза, Авзойи, Лайс, Молик, Ибн Абу Зиъб, Амр ибн Ҳорис, Ибн Уяйна, Иброҳим ибн Саъд ва яна кўплаб олимлар ривоят қилганлар.

Имом Абу Довуд айтади: «Икки минг икки юз дона ҳадис ривоят қилган. Уларнинг ярми муснад».

Маъмар айтади: «Зухрий Абдуллоҳ ибн Умардан икки ҳадисни эшитган».

Зухрий шундай деган: «Ибн Мусаййиб билан саккиз-йил бирга дарс қилганмиз».

Абу Зинод: «Имом Зухрий билан кўп уламолардан дарс олганмиз. У доим ўзи билан тахтачалар ва қоғозлар олиб юрар, эшитган нарсаларини

ёзиб олар эди»,– деб айтган. Бундан ташқари Қуръони каримни саксон кунда ёдлаб олгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Лайс шундай деган: «Зухрийдан кўра бир қанча илмларни биладиган олимни кўрмадим».

Лайс Зухрийдан қуйидаги гапини нақл қилган: «Мен ўрганган нарсаларни эсдан чиқармаганман».

Қуйида уламолар томонидан Имом Зухрийга берилган таърифларни келтириб ўтамиз:

Умар ибн Абдулазиз: «Зухрийдан кўра ўтган суннатни яхши билувчи олим йўқ».

Имом Молик эса: «Ибн Шиҳоб тирик экан Ер юзида унга ўхшаш олим йўқ. У энг кучлиси»,– дея Зухрийни мақтаган.

Айюб Сухтиёний: «Зухрийдан олимроқ инсонни кўрмаганман».

Амр ибн Динор: «динор ва дирҳамлар Зухрийга қандай қадрсиз бўлганидек ҳеч кимга қадрсиз бўлмаган. Улар тезак билан бир даражада эди».

Яна Лайс айтади: «Энг саховатли кишилардан эди». Яна бир гапида: «Имом Зухрий асални кўп ер эди. Олмани емас эди».

Имом Зухрийнинг ўзидан қуйидагилар нақл қилинган:

«Ким ҳадис ёдлаб хурсанд бўлишни истаса майиз есин;

Ҳофиз олим қирқ-йилда бир марта туғилади;

Аллоҳ таолога энг махбуб ибодат бу илмдир».

Алломининг юқоридагилардан ташқари фазилатлари жуда кўп. Ибн Асокир ўз китобида батафсил келтириб ўтган. Зухрий ҳижрий 124-йилда вафот этган.

## 96. Амр ибн Динор

Абу Муҳаммад Амр ибн Динор Жумаҳий Маккий ҳофиз, имом, Ҳарам олими бўлган. Ҳижрий 46-йилда таваллуд топган.

Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Жобир ибн Абдуллоҳ, Бажола ибн Абада, Анас ибн Молик, Абу Шаъсаъ, Товус ва яна бир қанча уламолардан ҳадис эшитган ва ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, Ибн Журайж, икки Ҳаммод, икки Суфён, Варқо ва бошқалар ривоят қилганлар.

Шўба шундай деган: «Амр ибн Динор каби олимни кўрмадим».

Қаттон ва Имом Аҳмад: «У Қатодадан ҳам собитроқ олимдир»,– деб айтганлар.

Ибн Абу Нажих эса: «Амр ибн Динордан кўра фақихроқ инсон йўқ. Ато ҳам, Мужоҳид ҳам, Товус ҳам ундай эмас» – дея Амр ибн Динорни мақтаган.

Ибн Уяйна шундай деган: «Шубҳасиз у сика. Тунни учга бўлиб олган эди. Бир қисмида ухлар, бирида ҳадис ўқир яна бирида эса намоз ўқир эди».

Имом Дорукутний: «Амр ибн Динор ҳофиз муҳаддислардан» – деб айтган.



Ибн Ҳиббон эса: «Тобейлар, динда фазилатли бўлган инсоннинг энг мутқинларидан бўлган» – деб айтган.

Вокидий Амр ибн Динор саксон йил умр кўрганини айтган.

Ҳижрий 126-йилда вафот этган.

### **97. Абу Исҳоқ Сабиъий**

Абу Исҳоқ Амр ибн Абдуллоҳ Сабиъий Ҳамадоний Куфий хофиз муҳаддис ҳамда машҳур уламолардан бири.

Али хутба қилаётганларини кўрган.

Ҳадисларни Зайд ибн Арқам, Абдуллоҳ ибн Амр, Адий ибн Ҳотам, Барро ибн Озиб, Масруқ ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Ундан Аъмаш, Шўъба, Саврий, Исроил, Зухайр, Абу Ахвас, Зоида, Шарик, Абу Бакр ибн Айёш, Ибн Уяйна ва яна кўплаб муҳаддислар ривоят қилганлар.

Қуръони каримни Абу Абдурахмон Суламий ва Асвад ибн Язидларга ўқиб берган. Абу Исҳоққа Имом Ҳамза ўқиб берган.

Муовия салтанати даврида Румга қилинган ғазотда қатнашган. Буни эслаб: «Муовия мендан отамга бериладиган маош ҳақида сўради. Мен уч юз дирҳам эканини айтдим. Менга ҳам шуни тайинлади».

Абу Исҳоқ ўттиз саккиз нафар саҳобийдан ҳадис эшитгани ривоят қилинади.

Абу Ҳотим шундай деган: «Сика, кўп ҳадис ривоят қилишда Имом Зухрийга ўхшайди».

Аҳмад ибн Абда шундай деган: «Абу Довуд Таёлисийни шундай деганини эшитдим: «Ҳадисни фақат тўрт кишидан ўрганиш керак эканини билдик. Улар: Зухрий, Қатода, Абу Исҳоқ, Аъмаш. Қатода ҳадислардаги ихтилоф бўйича, Зухрий иснод бўйича, Абу Исҳоқ эса Али ва Абдуллоҳ ибн Масъудларнинг ҳадислари бўйича, Аъмашда эса юқоридаги фазилатлардан ҳаммаси бор эди. Буларнинг ҳар бири камида тўрт минглаб ҳадис билган».

Абу Исҳоқ кўп рўза тутадиган, кечалари намозни қанда қилмайдиган, кўп ҳадис ривоят қилган, илм йўлида уйланмаган олим бўлган.

Жумҳур уламолар фикрига кўра ҳижрий 127-йилда вафот этган. Абу Нуайм фикрига кўра 128-йилда вафот этган.

### **98. Ҳабиб ибн Абу Собит**

Тўлиқ исми Абу Яҳё Ҳабиб ибн Абу Собит Куфий бўлиб, хофиз ва фақиҳ бўлган.

Ҳадисларни Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар, Анас ибн Молик, Абу Абдурахмон Суламий, Абу Воил, Саид ибн Жубайр ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Ундан эса Мисъар, Шўба, Саврий, Абу Бакр ибн Айёш ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар.

Ибн Мадиний Ҳабиб ибн Абу Собит Оиша бинти Абу Бакрдан ҳадис эшитганини айтиб ўтган.

Имом Бухорий уни Урва ибн Зубайрдан ҳадис эшитмаганини зикр қилган.

Яна бир олим эса: «Ҳабиб ибн Абу Собит ва Ҳаммоод ибн Абу Сулаймон Куфа халқининг икки фақиҳи бўлган», деб айтган.

Абу Яҳё Қаттот шундай деган: «Ҳабиб ибн Абу Собит билан Тоифга бордим. Борганимизда бизни худди Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламни кутиб олгандек кутиб олишди».

Имом Бухорий ва бошқа олимлар ҳижрий 119-йилда вафот этганини айтганлар. Бошқа бир ривоятда эса ҳижрий 122-йилда вафот этгани айтилади.

### 99. Ҳакам ибн Утайба

Абу Амр Ҳакам ибн Утайба Киндий Мавло Куфий фақиҳ ва хофиз бўлган.

Абу Жухайфа Сувоий, Шурайх Қози, Абу Воил, Иброҳим, Ибн Абу Лайло, Саид ибн Жубайр ва бошқа уламолардан ривоят қилган.

Ундан эса Мисъар, Авзоий, Ҳамза Зайёт, Шўъба, Абу Авона ва бошқа олимлар ривоят қилган.

Абда ибн Абу Лубоба шундай деган: «Мана бу икки тепалик орасидагилар Ҳакамдан кўра фақиҳроқдир».

Аҳмад ибн Ҳанбал эса шундай деган: «Иброҳим борасида инсонларнинг энг асосли илм соҳиби бу Ҳакамдир».

Ибн Уяйна шундай деган: «Куфада Ҳакам ва Ҳаммоод каби Куфадан олим бўлмаган».

Ижлий эса шундай деган: «Ҳакам сиқа ва фақиҳ бўлган, суннат соҳиби, эргашишга арзийдиган».

Лайс ибн Абу Сулайм: «Ҳакам Имом Шаъбийдан кўра фақиҳроқ эди».

Ҳижрий 115-йилда вафот этган. 114-йилда вафот этган деган қараш ҳам мавжуд.

### 100. Ражо ибн Ҳайва

Имомнинг тўлиқ исми Абу Наср Абу Миқдом Ражо ибн Ҳайва Киндий Шомий бўлиб, Шом аҳолисининг устози ва давлатдаги энг улуғ инсонлардан бўлган.

Ҳадисларни Муовия, Абдуллоҳ ибн Амр, Абу Умома, Жобир ибн Абдуллоҳ, Қабиса ибн Зуайб ва яна бир қанча олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Ибн Авн, Савр ибн Язид, Ибн Ажлон ва бошқа уламолар ривоят қилганлар.

Матор Варроқ: «Раждан кўра фақиҳроқ шомлик инсонни кўрмаганман» – деб айтган.

Макхул эса: «Ражо Шом аҳолиси орасида уларнинг саййиди ҳисобланади» – деб айтган.

Маслама Амир шундай деган: «Ражо ва унга ўхшаган инсонлар сабабидан бизга нусрат берилади».

Ибн Саъд эса: «Фазилатли сика, чуқур илм эгаси бўлган» – дея мақтаган.

Ражо Сулаймон ибн Абдулмаликка Умар ибн Абдулазизни салтанат тахтига сайлашни тавсия қилган.

Ҳижрий 112-йилда кексайгач вафот этган.

### **101. Умар ибн Абдулазиз**

Амир ал-муъминин Абу Ҳафс Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам Қураший Умавий султон Язид даврида Мадинада таваллуд топган. Отаси Мисрга волий бўлганида ўша ерда ўсиб улғайган.

Қуйидаги инсонлардан ҳадис ривоят қилган: Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Анас ибн Молик, Абу Бакр ибн Абдурахмон, Ибн Мусаййиб, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ва яна бир гуруҳ олимлар.

Ундан эса ўғиллари Абдуллоҳ ва Абдулазиз, Зухрий, Ҳумайд, Айюб, Иброҳим ибн Абла, устозлари Абу Бакр ибн Ҳазм ва Абу Салама ибн Абдурахмон каби олимлар ривоят қилганлар.

Унинг онаси Умму Осим бинти Осим ибн Умар ибн Хаттобдир.

У мужтахид имом, ҳужжат, ҳофиз, художўй, улуғ мартабали, адолат ва такво бўйича зарбул-масал қиладиган инсон бўлган.

Ўзи кўркам, соқоли чиройли, озғиндан келган, пешонасида ёшлигида от тепкисининг изи бор, шу сабабдан «Ашажжу Бани Тамим», деб аталган.

Имом Шофеий ва бошқа олимлар айтади: «Хулафои рошидинлар бешта: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али ва Умар ибн Абдулазиз».

Абу Жаъфар Боқир шундай деган: «Бани Умайянинг саййиди Умар ибн Абдулазиздир. Қиёмат кунида унинг ўзи бир уммат бўлиб тирилади».

Маймун ибн Мехрон шундай деган: «Умар ибн Абдулазиз олдидаги уламолар унинг шогирдларидек эди».

Молик ибн Динор шундай деган: «Мени инсонлар зоҳид деб аташади. Ҳақиқий зоҳид бу унинг олдида дунё оқиб келганда карамаган Умар ибн Абдулазиздир».

Мазкур олимнинг бундан бошқа фазилатлари ҳам бисёр.

Салтанат ҳукмдори бўлганидан кейин таквоси янада кучайди. Айниқса, яқинларига нисбатан жуда талабчан бўлди, кўпларини эгаллаб турган мансабларидан бўшатди. Натижада, улар норози бўлиб уни заҳарлашади.

Дайри Самъон деган жойда вафот этган. Қабри ўша ерда. Одамлар томонидан зиёрат қилинади. Вафоти ҳижрий 101-йилнинг Ражаб ойида содир бўлган. Бу вақтда у қирқ ёшда бўлган.

Ҳасан Басрийга Умарнинг вафоти хабари етганда: «Инсонларнинг энг яхшиси вафот этибди» деб айтган.

### 102. Амр ибн Мурра

Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Амр ибн Мурра Муродий Жамалий Куфий умрининг сўнгида кўзи ожиз бўлиб қолган.

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо, Ибн Мусаййиб, Ибн Абу Лайло, Мурра Тоййиб ва бошқа олимлардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса Зайд ибн Абу Унайса, Мисъар, Шўба, Суфён, Қайс ибн Робий каби уламолар ривоят қилганлар.

Саботли олим, икки мингга яқин ҳадис ривоят қилган муҳаддис бўлган.

Мисъар шундай деган: «Ундан афзал олим билан учрашмаганман», – дея Амр ибн Муррани мақтаган.

Ибн Махдий эса: «У куфалик ҳофизлардан бири эди», – деб айтган.

Шўба: «Амр ибн Мурра намоз ўқиётганини кўриб намозини тугатганида гуноҳлари кечирилса керак деб ўйлаган эдим» – деб айтган.

Абдулмалик ибн Майсара Имом Амрнинг дафн кунида: «Уни Ер юзидаги инсонларнинг энг яхшиси деб ўйлар эдим» – деб айтган.

Ҳижрий 116-йилда вафот этган.

### 103. Қосим ибн Мухаймира

Абу Урва Қосим ибн Мухаймира Ҳамдоний Куфий пешво олим бўлган. Куфадан Дамашққа кўчиб келиб яшаган.

Абу Саид Худрий, Алқама ибн Қайс, Шурайх ибн Ҳониъ ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Ундан эса куйидаги муҳаддислар ривоят қилганлар: Ҳассон ибн Атийя, Амр ибн Абу Зоида, Авзой, Абдурахмон ибн Язид ибн Жобир, Саид ибн Абдулазиз ва бошқалар.

Яҳё ибн Маин ва яна бир қанча уламолар уни сиқа ровий деб ҳисоблашган. Имом Бухорий ундан ҳадис нақл қилмаган.

Илмига амал қиладиган олимлардан эди. Инсонларни тарбия қилар, озига қаноат қилар эди. Ўзи бу ҳақида: «Ўзимда етишмовчилик бўлса ҳам уйимнинг эшигини ёпмадим».

Ҳайсам ибн Адий берган маълумотга кўра ҳижрий 111-йилда вафот этган.

### 104. Қатода ибн Диома

Ҳофиз Абу Хаттоб Қатода ибн Диома ибн Қатода ибн Азиз Садусий Басрий муфассир олим бўлган. Кўзи ожиз бўлиб туғилган.

Абдуллоҳ ибн Саражис, Анас ибн Молик, Ибн Мусаййиб, Муоза, Абу Туфайл ва кўплаб бошқа олимлардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса Мисъар, Ибн Абу Аруба, Шайбон, Шўба, Маъмар, Абон ибн Язид, Абу Авона, Ҳаммод ибн Салама ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар.

Қуйида баъзи олимлар Қатода ҳақида айтган гапларни келтирилади:

Маъмар: «Қатода Саид ибн Мусаййибнинг олдида уч кун яшади .  
Учинчи куни Саид ибн Мусаййиб: «Эй аъмо кетавер мендаги ҳамма  
илмни олиб бўлдинг»,– деб айтган».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Қатода тафсир ва уламолар ўртасидаги  
ихтилофлар бўйича олимдир»,– деб, фикҳ ва ҳифзини ҳам мақтайди ва:  
«Ундан ўтиб кетадиган олимни топишингиз мушкул» – дея сўзини  
тугатади.

Саврий: «дунёда Қатода каби олим бўлганмикан».

Ибн Маин: «Саид ибн Жубайрдан ҳам, Мужоҳиддан ҳам ҳадис  
эшитмаган».

Бакр ибн Абдуллоҳ: «Биз кўрган олимлар орасидаги энг хотираси  
кучлигини кўриш кимни хурсанд қилса Қатодага қарасин».

Олимнинг ўзи ҳақида: «Бирор муҳаддисга, қайтадан айтиб беринг,  
деб айтмаганман. Бирор нарсани эшитсам уни дарҳол ёдлаб олар эдим».

Ибн Мусаййиб: «Олдимизга Ироқдан Қатодадан кўра хотираси  
кучли инсон келмади».

Ибн Ҳиббон: «Қатода туғилганда кўзи ожиз эди. Илмга бор кучини  
берди. Натижада замонининг энг кучли ҳофиз ва Қуръони карим ҳамда  
фикҳ бўйича олимларидан бирига айланди. У мудаллис ҳам бўлган».

Қатода кучли хотираси ва ҳадис бўйича илми билан бирга араб  
тили, араблар урф-одатлари ва насл-насаб илми бўйича бош бўлган.

Меъёрни биладиган мудаллис эди. Чунки: «Ҳамма нарсада меъёр  
бўлади. Фақат гуноҳларда эмас (чунки унинг ози ҳам кўп)» – деб юрар  
эди.

Уламолар ундан ривоят қилинган ҳадислар билан хужжат келтириш  
мумкинлигига иттифоқ қилганлар.

Ҳижрий 118-йили Восит деган жойда эллик саккиз ёшида вабодан  
вафот этган.

### **105. Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ҳорис**

Имомнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Иброҳим ибн  
Ҳорис Таймий Маданийдир.

Абу Саид Худрий, Жобир ибн Абдуллоҳ, Алқама ибн Ваққос, Исо  
ибн Толҳа ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган.

Ундан эса Яҳё ибн саид Ансорий, Муҳаммад ибн Амр, Ҳишом ибн  
Урва, Авзой, Муҳаммад ибн Исҳоқ ва бошқа муҳаддислар ривоят  
қилганлар.

Улуғ мартабали, саботли фақиҳ олим бўлган.

«Амаллар ниятларга боғлиқ» ҳадисини шу киши ривоят қилган.

Ҳижрий 120-йилда вафот этган.

### 106. Абу Жаъфар Боқир

Тўлиқ исми Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн Боқир Ҳошимий Алавий Маданий машҳур уламолардан бири.

Ҳадисларни отаси, Жобир, Абу Саид Худрий, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ва яна бир қанча саҳобалрдан ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Аббос, Оиша бинти Абу Бакр ва Умму Саламанинг ҳадисларини мурсал қилган.

Ундан эса Жаъфар ибн Муҳаммад Содик, Амр ибн Динор, Аъмаш, Авзой, Ибн Журайж, Қурра ибн Холид ва яна кўплаб уламолар ривоят қилганлар.

Ҳижрий 56-йилда таваллуд топган. Ўз даврида Бани Ҳошимнинг энг улуғи бўлган. Бир кеча-кундузда юз эллик ракат намоз ўқир эди.

Абу Нуайм ва яна бир гуруҳ олимлар ҳижрий 114-йилда вафот этганини айтганлар. 117-йил деган фикр ҳам мавжуд.

### 107. Собит ибн Аслам Буноний

Абу Муҳаммад Собит ибн Аслам Буноний Басрий муктадо имом бўлган.

Абдуллоҳ ибн Умар, Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Муғоффал Музаний Абдуллоҳ ибн Зубайр, Ҳаммод ибн Зайд ва шу каби олимлардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан Шўба, Ҳаммод ибн Салама, Ҳаммам ибн Яҳё, Жаъфар ибн Сулаймон, Ҳаммод ибн Зайд ва бошқалар ривоят қилган.

Ибн Мадиний шундай деган: «У икки юз элликка яқин ҳадис ривоят қилган».

Бакр ибн Абдуллоҳ эса: «Ким ўз даврининг энг ибодатли кишисини кўрмоқчи бўлса, Собит бунонийга қарасин».

Шўба эса шундай деган: «Собит Буноний ҳар куни Қуръони каримни қироат қилар эди. Бир умр рўза тутган».

Ҳаммод ибн Зайд: «Собит қовурғалари бир-бирига киришиб кетадиган даражада йиғлаётганини кўрдим».

Жаъфар ибн Сулаймон: «Собит шу даражада йиғладики кўзлари чиқиб кетай деди. Бу ҳақида сўралганда: «Агар йиғламаса булардан нима фойда»,– деб даволанишдан бош тортди.

Ҳижрий 123-йили саксон ёшдан ошганда вафот этган. 127-йил деган қараш ҳам мавжуд.

Ибн Ҳиббон шундай деган: «Абу Муҳаммад Собит ибн Аслам Буноний Бунона ибн Саъд ибн Луаъй ибн Ғолибнинг фарзандалиданди. Анас ибн Моликга қирқ-йилд шогирд бўлган. Басра аҳолисининг энг ибодатли олимлари кечаси-ю кундузи кўп намоз ўқиш бўйича энг сабрли инсон эди. Бундан ташқари махфий тақво соҳиби бўлган. Ҳижрий 127-йил 86 ёшида вафот этган».



### **108. Абдуллох ибн Динор**

Имомнинг тўлиқ исми Абу Абдурахмон Абдуллох ибн Динор Умарий Маданий бўлган.

Ҳадисларни Абдуллох ибн Умар, Анас ибн Молик, Сулаймон ибн Ясор, Абу Солих Саммондан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, Молик, икки Суфён, Варқо, Исмоил ибн Жаъфар ва яна бир қанча олимлар ривоят қилганлар.

Саботли сика ровийлардан бўлган.

Ибн Ҳиббон шундай деган: «У Мадина халқининг мутқин ва қориларидан эди». ҳижрий 127-йилда вафот этган.

### **109. Абдурахмон ибн Қосим**

Тўлиқ исми Абу Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ Қуроший Таймий Маданий бўлиб, улуғ фақиҳ ва муҳаддис бўлган.

Ҳадисларни отаси, Умарнинг мавлоси Аслам, Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Зубайрлардан эшитган ва ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, Суфён, Авзой, Молик ва Ибн Уяйна каби уламолар ривоят қилганлар.

Тақводор имом, улуғ мартабали киши бўлиб, Жаъфар Содикнинг тоғаси бўлган.

«Ўз даврининг энг афзал олимларидан эди»,– деб Ибн Уяйна айтган.

Абу Ҳотам ибн Ҳиббон шундай деган: «У Мадина халқининг энг аслзодаларидан ва мутқинларидан, Қурайшнинг обид ва солихларидан бўлган».

Оиша бинти Абу Бакр тириклигида туғилган. Ҳижрий 126-йилда Валид ибн Язиддан фатво сўраш учун элчи бўлиб кетаётганида Ҳаврон номли жойда вафот этган.

### **110. Абу Зубайр**

Тўлиқ исми Абу Зубайр Муҳаммад ибн Муслим ибн Тадрус Маккий бўлиб ҳофиз бўлган. Ҳаким ибн Ҳизом Қураший Асадийнинг мавлоси бўлган.

Абдуллох ибн Аббос, Абдуллох ибн Умар, Абу Туфайл, Саид ибн Жубайр ва яна бир қанча олимлардан ҳадис ривоят қилган. Имом Муслимнинг китобида Оиша бинти Абу Бакрдан ривоят қилган ҳадиси мавжуд. Лекин у мунқотеъга ўхшайди.

Ундан эса Айюб, Шўба, Суфён, Ҳаммод ибн Салама, Молик, Лайс ва яна бир гуруҳ уламолар ривоят қилганлар. Уларнинг охиргиси Суфён ибн Уяйна ҳисобланади.

Яъло ибн Ато шундай деган: «Абу Зубайр бизга ҳадис айтиб берар эди. У инсонларнинг энг оқили ва хотираси кучлиги эди».

Ато ибн Абу Рабоҳ айтади: «Биз Жобир ибн Абдуллоҳдан ҳадис эшитар эдик. Дарсдан сўнг шогирдлар музокара қилар эдик. Абу Зубайр орамизда ҳадисни энг яхши ёд олганимиз бўлар эди».

Абу Зубайр ҳофиз, ҳадиси кўп ва мудаллис бўлган.

Уни Ибн Маин, Насоий ва бошқа олимлар уни сиқа деб ҳисоблаганлар.

Имом Муслим Абу Зубайр ривоят қилган ҳадислар билан кўп бора далил келтирган. Имом Бухорий эса бошқа ровий билан бирга нақл қилган.

Абу Зуръа ва Абу Ҳотим: «Унинг ривоятлари хужжат ўрнида ўтмайди»,– деб айтганлар.

Айюб: «Бизга Абу Зубайр, Абу Зубайр, Абу Зубайр ҳадис айтди»,– деб айтган. Аҳмад ибн Ҳанбал: «Бу билан уни кўп ҳадис ривоят қилганини билдирган»,– деб бунга изоҳ берган.

Фаллос ва бошқа муаррихлар олимнинг ҳижрий 128-йилда вафот этганини айтганлар.

### **111. Муҳаммад ибн Мункадир**

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мункадир ибн Абдуллоҳ ибн Ҳудайр Қураший Таймий Маданий бўлиб, сиқа имом, илмига амал қиладиган олим бўлган. Абу Бакр Сиддиқ ва Умарларнинг биродари бўлган.

Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос, Анас ибн Молик, Жобир, Ибн Мусайиб ва бошқалардан ҳадис эшитган ва ривоят қилган.

Ундан эса ўғли Ибн Мукадир, Шўба, Маъмар, Ровҳ ибн Қосим, икки Суфён, Молик ва яна бир қанча уламолар ривоят қилганлар.

Ибн Уяйна шундай деган: «Ростгўйлик маъданларидан эди. Унинг олдига солиҳлар келар эди.

Ҳумайдий эса: «Ибн Мукадир ҳофиз муҳаддисдир»,– деб айтган.

Имом Бухорий, Ибн Мункадир Оишадан ҳадис эшитганини айтган.

Имом Молик: «У қориларнинг саййид эди. Бирор киши ундан ҳадис эшитса албатта йиғлар эди»,– деб айтган.

Айтилишича, бир кеча у таҳажжуд намозини ўқиб роса йиғлайди. Йиғисининг сабабини сўраганларида «Улар ҳисоб қилиб юрмаган нарсалари Аллоҳ томонидан уларга кўрсатилди» мазмунидаги оятни ўқиганини айтган.

Воқидий олимнинг ҳижрий 130-йилда вафот этганини айтган.

У Ато ибн Абу Рабоҳ билан бир даврда яшаган, лекин улардан кечроқ вафот этган.

### 112. Яхё ибн Абу Касир

Имом Абу Наср Яхё ибн Абу Касир Тоъий Ямомий Машхур алломалардан бири.

«Саҳиҳи Муслим»да Абу Умомадан, «Сунани насойй»да Анас ибн Моликдан ҳадислари келтирилган. Булар мурсал ҳадислар. Шунингдек, Абу Салама ибн Абдурахмон, Абу Қилоба, Имрон ибн Ҳиттон, Ҳилол ибн Абу Маймуна ва бошқалардан ривоят қилган.

Ундан қуйидаги ровийлар нақл қилганлар: ўғли Абдуллоҳ, Икрима ибн Аммор, Маъмар, Ҳишом Дастуваий, Авзойй, Ҳаммам ибн Яхё, Абон ибн Язид, Айюб ибн Утба ва бошқалар ривоят қилганлар.

Шўба шундай деган: «У Зухрийдан кўра ҳадисларни чиройли ривоят қилади».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Агар Зухрий билан Яхё ўртасида фарқ бўлиб қолса, Яхёнинг фикри тўғри».

Абу Ҳотим эса: «У сиқа, имом, фақат сиқа ровийдан ривоят қилади».

Айюб Сухтиёний: «Ер юзида Яхё ибне Абу Касир каби олим қолмаган».

Дорокутний ўзининг «Илал», китобида шундай деган: «Яхё ибн Абу Касир тадлис қилиши билан машхур бўлган».

Ҳижрий 129-йилда вафот этган.

### 113. Язид ибн Абу Ҳабиб

Абу Ражо Язид ибн Ҳабиб Аздий Басрий машхур фақиҳ ва пешво олим бўлган.

Ҳадисларни Абдуллоҳ ибн Ҳорис Зубайдий, Абу Туфайл, Саид ибн Абу Ҳинд, Ирок ибн Молик ва бошқа уламолардан ривоят қилган.

Ундан эса Саид ибн Абу Айюб, Ҳайва ибн Шурайх, Яхё ибн Айюб, Муҳаммад ибн Исҳоқ, Лайс ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар.

Ибн Юнус шундай деган: «У Миср халқининг муфтийси бўлган, оқил ва ҳалим инсон бўлган. Биринчи бўлиб Мисрда илм беришни, ҳалол-ҳаромни инсонларга танитиш ва турли масалаларни ўргатишни бошлаган. Бундан олдин одамлар асосан тарғиб, турли фитналар ва урушлар ҳақида сўзлашар эди».

Лайс эса: «Язид бизнинг олимимиз ва саййидимиздир»,– деб мақтаган.

Язид асли нубиялик бўлиб, қоратанли бўлган.

Ҳижрий 53 санада таваллуд топган.

Ибн Лаҳиъа шундай деган: «Язид худди кўмир парчасидек эди, (қоратанли бўлишига қарамай) сиқа ровий, кўп ҳадис ривоят қилган ҳофиз эди».

Ҳижрий 128-йилда вафот этган.

#### 114. Айюб ибн Абу Тамима Кайсон

Имом Абу Бакр Айюб ибн Абу Тамима Кайсон Сухтиёний Басрий аллома имомлардан, хофиз муҳаддислардан ҳисобланади. Бундан ташқари мавлолардан бўлган.

Амр ибн Салама Жармий, Абу Олия Риёхий, Саид ибн Жубайр, Абу Қилоба, Абдуллоҳ ибн Шақиқ, Ибн Сириин ва яна бошқалардан ҳадис эшитган ва ривоят қилган.

У кишидан эса Шўба, Маъмар, икки Ҳаммод, икки Суфён, Муътамир ибн Сулаймон, Ибн Улайя ва бошқа муҳаддислар нақл қилганлар.

Ибн Мадиний шундай деган: «У саккиз юзга яқин ҳадис ривоят қилган».

Шўба эса: «Айюб уламоларнинг саййиди бўлган».

Ибн Уяйна: «Айюбга ўхшаган олим билан учрашмаганман»,– деб айтган.

Ҳаммод ибн Зайд ҳам: «У мен бирга ўтирган олимлар орасида энг афзали ва суннатга қаттиқ амал қиладиганидир»,– дея уни мактаб ўтган.

Ҳасан Басрий: «Айюб Басра шаҳри йигитларининг саййидидир» – деб айтган. Ибн Саъд эса: «Айюб сиқа, ҳадис илмида саботли, бир қанча илмларни ўрганган, сўзи ҳужжат ва адолатли инсон бўлган» – деб айтган. Абу Ҳотим ҳам: «У сиқа ровий, унинг ўхшадини топиш қийин»,– дея унинг сиқа ровий эканини таъкидлаб ўтган.

Ҳишом ибн Урва: «Басрада Айюбдек олимни кўрмадим» – деб айтган.

Саид ибн Омир Зубайй шундай деган: «Айюб Сухтиёний бутун кечаси намоз ўқир, лекин буни яширар эди. Тонг отганда ўша пайтда тургандек овоз чиқариб кўяр эди».

Ҳаммод эса: «Айюбдан кўра табассуми чиройли инсонни кўрмадим» – деб айтган.

Ҳижрий 131-йилда вабо туфайли вафот этган. Бу вақтда у олтмиш уч ёш эди.

#### 115. Зайд ибн Аслам

Имом Абу Абдуллоҳ Зайд ибн Аслам Умарий Маданий фақиҳ олим бўлган.

Ҳадисларни Абдуллоҳ ибн Умар, Салама ибн Акваъ, Жобир ибн Абдуллоҳ, Анас ибн Молик, Ато ибн Ясор, Али ибн Ҳусайн ва яна бир қанча уламолардан ривоят қилган.

Ундан эса Имом Молик, Ҳишом ибн Саъд, икки Суфён, Даровардий ва бошқалар ривоят қилганлар.

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам масжидларида олимнинг дарс ҳалқаси бўлган.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Абу Ҳозим Аърож: «Зайд ибн Асламнинг илм мажлисида қирқ фақиҳ катнашар эди. Буларнинг энг оддий хислати қўлидагини бўлишиш эди. Улар орасида фойдаси йўқ ишда тортишаётган икки кишини кўрмаганмиз».

Яна бир гапида Абу Ҳозим: «Зайд ибн Аслам вафот этганини кўрмайин. Ундан кўра дини ва ўзи учун хотиржам инсон йўқ эди»,– деб айтади. Кейинроқ унга Зайднинг ўлим хабари етиб келади. У бунга шоҳид бўла олмайди.

Зайд ибн Аслам ёзган тафсир бўлиб, уни ўғли Абдурахмон ривоят қилган. Зайд илмига амалқиладиган олимлардан эди.

Имом Молик шундай деган: «Ибн Ажлоннинг «Зайд ибн Асламни хурмат қилганимчалик хурмат қилмаганман».

Ибн Ҳиббон эса: «Абу Усома Зайд ибн Аслам Умар ибн Хаттобнинг мавлоси бўлган. У мутқинлардан эди».

Ибн Маин Зайд ибн Асламни Абу Ҳурайра ва Жобирлардан ҳадис эшитмаганини ўз асарида келтирган.

Ҳижрий 136-йилда вафот этган.

### **116. Абу Ҳозим**

Абу Ҳозим Салама ибн Динор Махзумий Мадиний Аърож кучли ва тақволи воиз, мадиналик олим бўлган.

Ҳадисларни Саҳл ибн Саъд Соидий, Ибн Мусаййиб, Нўъмон ибн Абу Айёш, Абу Солиҳ Саммон ва яна бир қанча уламолардан эшитган ва ривоят қилган.

Ундан эса Имом Молик, икки Суфён, икки Ҳаммод, Абу Замра ва бошқалар ривоят қилганлар.

Ибн Хузайма шундай деган: «Ўз замонасида унга ўхшаш олим бўлмаган».

Абу Ҳозим илми кўп саботли, мартабаси улуғ, фазилатлари кўп инсон бўлган. Миллати форс бўлиб, онаси румлик бўлган.

Ибн Ҳиббон: Абу Ҳозим Аърож Мадина халқининг художўй ва зоҳидларидан бўлган. Таркидунё қилиб яшаган. Яширинча тақво, ибодат билан холи қолишни афзал билган. Асли форслик бўлиб, Мадинада ҳикоялар айтиб берган.

Ҳижрий 140-йилда вафот этган.

### **117. Сафвон ибн Сулайм**

Имом Абу Абдуллоҳ Сафвон ибн Сулайм Зухрий Маданий мавлолардан бўлиб, фақиҳ ва улуғ уламолардан бири эди.

Ҳадисларни Абдуллоҳ ибн Умар, Анас ибн Молик, Ибн Мусаййиб, Жобир ибн Абдуллоҳ ва мавлоси Ҳумайд ибн Абдурахмон каби олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Ибн Журайж, Имом Молик, икки Суфён, Иброҳим ибн Саъд, Абу Замра ва бошқалар ривоят қилганлар.

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: «У сиқа ровий бўлиб, Аллоҳнинг яхши бандаларидан. Унинг ҳадисларини ўртага қўйиб ёмғир сўралади. Унинг зикри билан осмондан ёмғир ёғадиган инсон эди».

Айтилишича, унинг пешанаси кўп сажда қилганидан кавариб кетган.

Ибн Ҳиббон: «Сафвон ибн Сулайм Мадина халқининг художўйлари ва қориларидан эди». Ҳижрий 132-йилда вафот этган.

### 118. Абу Зинод

Тўлиқ исми Абу Зинод Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Заквон Маданий бўлиб, мадинаолик машҳур фақиҳлардан эди.

Ҳадисларни Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Жаъфар, Абу Умома ибн Саҳл, Ибн Мусаййиб, Аърождан (бу кишидан жуда кўп ривоят қилган) ривоят қилган.

Ундан эса Имом Молик, Шуайб ибн Ҳамза, Лайс, икки Суфён ва ўғли Абдурахмон ривоят қилган.

Лайс ибн Саъд: «Унинг орқасида уч юзта фикҳ ўрганувчиси ва шеър ўрганувчисини эргашиб юрганини кўрдим. Кейинроқ уларнинг барчаси Робиъа Ройга шогирдликка ўтиб кетишди»,– деб айтган.

Аҳмад ибн Ҳанбал эса: «У Робиъадан кўра олимроқ. Суфён уни ҳадисдаги Амир ал-муминин деб атар эди»,– деб айтган.

Мусъаб Зубайрий: «Абу Зинод Мадина халқининг фақиҳи бўлган, ёзиш ва ҳисоб илмини яхши билган. Ҳишом ибн Абдулмаликнинг ҳузурига Мадина шаҳри ҳужжатлари ҳисоб-китоби бўйича элчи бўлиб борган. Робиа билан рақобатлашган».

Иброҳим ибн Мунзир шундай деган: «У Робиъа дарра урилишга сабабчи бўлган. Шундан кейин Абу Зинодга уй қуриб беради. Шундан кейин уни кечиради».

Абу Ҳотим ибн Ҳиббон айтади: «Абу Зинод Мадина халқининг фақиҳ ва художўйларидан эди. Бир асари бўлган лекин сақланиб қолмаган».

Абу Зинод ҳижрий 131-санада вафот этган. 130-йил деган маълумот ҳам мавжуд.

### 119. Абдулмалик ибн Умайр

Абу Умар Абдулмалик ибн Умайр Куфий пешво олимлардан бўлган.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Жобир ибн Самура, Жундуб ибн Абдуллоҳ, Адий ибн Ҳотим, Ибн Зубайр, Риббий ибн Ҳирош ва бошқалар.

Ундан эса Зоида, икки Суфён, Исроил, Жарир, Убайда ибн Ҳумайд, Зиёд Баккой ва бошқа муҳаддислар ҳадис келтирганлар.

Имом Шайбидан сўнг Куфа шаҳрига қози бўлган. Кўзга кўринган олимлардан бўлиб, икки шайх (Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф) ҳадисларидан баъзиларини ҳужжат ўрнида келтирганлар.



Баъзи манбаларда у кейинчалик адашган дейилади. Бу тўғри эмас. Чунки юз-йилдан ортиқ умр кўргани сабабли охирида баъзи қарашлари ўзгарган бўлиши мумкин.

Имом Насоий: «Унда ёмонлик йўқ»,– деб айтган.

Абу Ҳотим эса: «У ҳофиз бўлмаган» – деган.

Имом Аҳмад ҳам унинг ривоятларида баъзи чалкашликлар борлиги туфайли танқид қилган.

Ҳижрий 136-йилда вафот этган.

### **120. Убайдуллоҳ ибн Абу Жаъфар**

Имом Абу Бакр Убайдуллоҳ ибн Абу Жаъфар Мисрий Мағрибий кучли фақиҳ бўлган.

Ҳадисларни Абу Салама ибн Абдурахмон, Аърож, Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Умар, Ато ибн Абу Рабоҳ ва яна бир гуруҳ олимлардан эшитиб ривоят қилган.

Ибн Юнус айтади: «Тақволи ва ибодатли олим бўлган».

Ҳижрий 60-йилда таваллуд топган.

Ундан Ҳайва ибн Шурайх, Амр ибн Ҳорис, Саид ибн Абу Айюб, Лайс, Ибн Лаҳиъа ва бошқа олимлар ривоят қилган.

Ибн Саъд: «Ўз даврининг сиқа ровийларидан бўлган» – деб айтган.

Абу Ҳотим: «У Язид ибн Абу Ҳабиб даражасидаги сиқа ҳисобланади»,– деган.

Сулаймон ибн Абу Довуд айтади: «Убайдуллоҳ ибн Абу Жаъфардан бошқа тақводор олимни кўрмадим».

Ҳижрий 136 ёки 132-йилда вафот этган.

### **121. Яҳё ибн Саид**

Тўлиқ исми Абу Саид Яҳё ибн Саид ибн Қайс ибн Амр Ансорий Маданий Нажжорий бўлиб, шайхулисом, Мадина қозиси, Халифа Мансур даврида қозиларга бошлиқ бўлган.

Ҳадисларни Анас ибн Молик, Соиб ибн Язид, Абу Умома ибн Саҳл, Ибн Мусаййиб, Қосим ибн Муҳаммад ва бошқа олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Имом Молик, Шўба, икки Суфён, икки Ҳаммод, Ибн Муборақ, Яҳё Қаттон ва шу қабилар ривоят қилганлар.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Айюб Сухтиёний: «Ўзимдан кейин Мадинада Яҳё ибн Саиддан кўра фақиҳроқ олимни қолдирмадим».

Яҳё Қаттон: «У Зухрийдан олдин туради. Зухрийда уламолар ихтилоф қилганлар. Унда ихтилоф қилишмаган».

Саврий: «У ҳофиз муҳаддислардан эди».

Абу Ҳотим: «Зухрийдан ўзиб кетадиган сиқа ровий бўлган».

Ибн Мадиний: «У уч юзга яқин ҳадис ривоят қилган. Кунyasi Абу Наср бўлган».

Ижлий: «Сиқа, фақиҳ, солиҳ олим бўлган».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «У инсонларнинг энг саботлиси».

Ҳишом ибн Урва: «У ишончли ва адолатли эди».

Жарир ибн Абдулҳамид: «Яҳё ибн Саиддан кўра аслзода шайхни учратмаганман».

Ҳаммод ибн Зайд: «Яҳё ибн Саид ўтирган жойида ҳам «Аллоҳумма саллим саллим» деб ўтирар эди».

Язид ибн Ҳорундан ривоят қилинади: «Яҳё ибн Саиддан уч мингта ҳадис ёд олдим. Кейинроқ касал бўлиб қолиб, ярмини эсан чикариб қўйдим».

Ҳижрий 143-йилда Ҳошимийя шаҳрида вафот этган.

## 122. Зайд ибн Абу Унайса

Имом Ҳофиз Абу Усома Зайд ибн Абу Унайса Руҳовий саботли уламолардан бири бўлган.

Ҳадисларни Саид Мақбурий, Шаҳр ибн Ҳавшаб, Ҳакам, Талҳа ибн Мусорриф ва яна бир гуруҳ олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Абу Ҳанифа, Мисъар, Молик, Убайдуллоҳ ибн Амр, Холид ибн Абу Язид ва бошқа олимлар ривоят қилганлар.

Йигитлик вақтида Жазира шаҳрида ҳижрий 124 ёки 125 ҳижрий-йилда вафот этган. У Авзойи каби олимлар табақасидан. Бу ўринда келтирилганига олдинроқ вафот этгани сабаб бўлган.

## 123. Абдулкарим ибн Молик Жазарий

Абу Саид Абдулкарим ибн Молик Жазарий Ҳарроний фақиҳ ва ҳофиз бўлган. Бани Умайянинг мавлоларидан бўлган.

Ҳадисларни Саид ибн Мусаййиб, Саид ибн Жубайр, Товус ва яна бир қанча олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Маъмар, Суфён, Молик, Ибн Уяйна каби олимлар ривоят қилганлар.

Имом Насоий ва яна бир қанча олимлар Абдулкарим ибн Молик Жазарийни сиқа деб ҳисоблаганлар. Шунингдек, ҳофиз сифати ҳам берилган.

Ҳижрий 127-йилда вафот этган.

Абдулкарим ибн Абу Мухориқ ҳақида маълумотлар қуйидагича:

Абу Умайя Абдулкарим ибн Абу Мухориқ Басрий шайх ва халқ тарбиячиси бўлган. Уламолар наздида заиф ровий бўлган.

Қуйидаги олимлардан ҳадис ривоят қилган: Анас ибн Молик, Мужоҳид, Саид ибн Жубайр.

Ундан эса икки Суфён, Ҳаммод ибн Салама, Молик ва бошқалар ривоят қилганлар.

У фақиҳ бўлган. У Самийянинг табақасидаги уламолардан. Бу ерда иккисининг орасини ажратиш учун зикр қилинди.

#### 124. Али ибн Зайд ибн Жудъон

Имом Абу Ҳасан Али ибн Зайд ибн Жудъон Таймий Кураший Басрий Аъмо Басралик етук олимлардан бири.

Ҳадисларни Анас ибн Молик, Урва ибн Зубайр, Ибн Мусаййиб, Абу Усмон Наҳарий ва бошқалардан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, икки Суфён, икки Ҳаммод, Абдулворис, Ибн Улайя каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Кўзи ожиз ҳолда туғилган. Илм булоқларидан бўлган. Шиа мазҳабида бўлган.

Абу Зуръа ва Абу Ҳотим: «У кучли ровий эмас» – деб айтганлар.

Аҳмад ибн Ҳанбал ва Яҳё шундай деган: «У заиф ровий бўлган».

Имом Термизий: «У ростгўй бўлган. Баъзи мавкуф ҳадисларни марфуъ қилган» – деб айтади.

Мансур ибн Зазон эса: «Ҳасан Басрий вафот этганда Али ибн Зайддан унинг ўрнини эгаллашини илтимос қилган эдик».

Имом Муслим бошқа ровий билан бирга келган ҳадисларини ўз асарида келтирган.

Ҳижрий 129-йилда вафот этган. 131-йил деган маълумот ҳам мавжуд.

#### 125. Мансур ибн Зазон

Имом Абу Муғира Мансур ибн Зазон Воситий Сақафий машҳур алломалардан бири.

Ҳадисларни Анас ибн Молик, Муҳаммад, Ато, Абу Олия ва бошқа уламолардан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, Ҳушайм, Абу Авона, Холф ибн Халифа каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

У сиқа, ҳужжат, солих, ибодатгўй ва обрўли инсон бўлган.

Ҳушайм шундай деган: «Агар Мансур ибн Зазонга ўлим фариштаси остонангда турибди дейилса у ўз амалларини кўпайтирмайди. Тонг отгандан бошлабаср намозини ўқиғунича намоз ўқир, асрдан кейин шомгача тасбиҳ қайтарар эди».

Ўзидан қилинган ривоятда у ҳар куни шом ва хуфтон орасида намоз ўқир, намозида Қуръони каримдан Наҳл сурасигача тиловат қилар эди.

Аббод ибн Аввом шундай деган: «Мансур ибн Зазоннинг жанозасида қатнашдим. Алоҳида турган насронийлар, яҳудилар ва мажусийлар бор эди. Одам кўплиги учун тоғам кўлимдан тутиб олган эди».

Ҳижрий 131-йилда вафот этган.

### 126. Мансур ибн Муътамир

Имом Ҳофиз Ҳужжат Абу Аттоб Мансур ибн Муътамир Сулабий Куфий кўзга кўринган уламолардан бири.

Абу Воил, Рибъий ибн Ҳирош, Иброҳим Саид ибн Жубайр, Мужоҳид, Шаъбий, Абу Ҳозим Ашжаий ва шулар табақасидаги тобейлардан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, Шайбон, икки Суфён, Шарик, Фузайл ибн Иёз каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Шўба Мансур ибн Муътамирнинг бирор марта ҳам ҳадисни ёзмаганини айтиб ўтган.

Ибн Маҳдий эса шундай деган: «Куфада Мансурдан кўра ҳофизроқ олим йўқ эди».

Зоида: «Мансур ибн Муътамир қирқ-йил рўза тутган, кечалари ибодат билан ўтказган. Тонг отгач кўзларига сурма қўяр, сочларига ёғ сулар эди. Онаси унга . У эса жавобан: «Нима қилганимни ўзим яхши биламан»,– деб жавоб берар эди»,– деб ривоят қилган.

Ироқ амири Юсуф ибн Умар Куфа шаҳри қозилигига тайинлашга ҳаракат қилади. У рад этади. Уни боғлаб қўйишади. Кейинроқ озод қилишади.

Ижлий шундай деган: «Мансур ибн Муътамир Куфалик олимлар орасида саботлиларидан бўлиб, унда бирор киши ихтилоф қилмаган. Солиҳ, художўй инсон бўлган. Қозиликка мажбур қилинганда икки ой қозилик қилган. Унда бироз шиаликка моиллик бўлган. Кўп йиғлаганидан кўзи хира бўлиб қолган эди».

Ҳижрий 132-йилда вафот этган.

### 127. Муғира ибн Миқсам

Ҳофиз Абу Ҳишом Муғира ибн Миқсам Зиббий Куфий Аъмо мавлолардан бўлган. Кўзи ожиз бўлиб туғилган. Фақиҳ ва ҳофиз бўлиб, доноликда намуна бўлган.

Ҳадисларни Абу Воил, Шаъбий, Нахайй, Мужоҳид ва яна бир қанча олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, Зоида, Исроил, Абу Авона, Жарир, Ибн Фузайл, Ҳушайм ва бошқа олимлар ривоят қилганлар.

Шўба шундай деган: «Ҳаммод ибн Сулаймондан кўра хотираси кучли бўлган».

Жарир Муғиранинг ўзидан ривоят қилади: «Қулоқларим эшитган ҳамма нарса эсимдан чикмайди».

Аҳмад ибн Ҳанбал унинг фақат Иброҳимдан қилган ривоятини заиф деб билган. «У доно, ҳофиз ва суннат соҳиби» – деб айтган.

Ижлий айтади: «Сика ровий бўлиб, Иброҳимдан ривоят қилганда мурсал қилган. Агар эшитган ҳадиси мавқуф бўлиб қолса айтган олимларг бунини билдириб қўйган. Иброҳим шогирдларининг фақиҳларидан бўлган. Усманий бўлган. Алига ҳам алоқаси бор».

### 128. Ҳусойн ибн Абдурахмон Суламий

Тўлиқ исми Абу Ҳузайл Ҳусойн ибн Абдурахмон Суламий Куфий бўлиб ҳофиз муҳаддис ҳисобланади. Мансур ибн Муътамир амакиваччаси бўлган.

Ҳадисларни Жобир ибн Самура Имора ибн Рувайба, Ибн Абу Лайло, Абу Воил, Зайд ибн Ваҳб ва яна бир қанча олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, Абу Авона, Абсар, Али ибн Осим каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

У сиқа, ҳужжат санади олий бўлган ҳофиз бўлган.

Тўқсон уч йил умр кўрган. Ҳижрий 136-йилда ваот этган.

### 129. Ҳишом ибн Урва

Имом Абу Мунзир Ҳишом ибн Урва ибн Зубайр ибн Аввом Қураший Маданий кучли фақиҳ, сўзи ҳужжат ҳофиз бўлган.

Ҳадисларни ушбулардан ривоят қилган: отаси, амакиси Абдуллоҳ ибн Зубайр, аёли Фотима бинти Мунзир ва бошқа уламолар.

Ундан эса Шўба, Имом Молик, икки Суфён, икки Ҳаммод, Ибн Нумайр, Яҳё Қаттон, Абу Усома, Убайдуллоҳ ибн Мусо ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Ҳишом: «Абдуллоҳ ибн Умар менинг бошимни силаб ҳаққимга дуо қилган эди»,– деб айтган.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Вухайб: «Шаҳримизга Ҳишом ибн Урва келди. У худди Ҳасан Басрий ва Ибн Сиринга ўхшар эди».

Ибн Саъд: «У саботли, сиқа ва кўп ҳадис ривоят қилган ровийдир».

Абу Ҳотим: «У сиқа, ҳадис фанида пешво олим бўлган».

Яъқуб ибн Шайба: «Ҳишом ибн Урва сиқа, саботли олим. Ироққа кўчиб кетгунига қадар бирор киши уни инкор қилмаган. Чунки у ҳадисни соддалаштириб ривоят қилар эди. Бу шаҳри аҳолисига ёқмайди. У отасидан ривоят қилаётганини айтмас, фақат матнни ўзини айтар эди. Отасидан баъзи ҳадисларни мурсал қилар эди».

Усмон Доримий: «Мен Ибн Маинга: «Сиз учун қай бири афзал: Ҳишом ибн Урвами ёки Зухрийми?», У: «Иккиси ҳам бир даражада. Бири бошқасидан паст эмас».

Ибн Ҳиббон: «Ҳишом ибн Урванинг куняси Абу Мунзир бўлган, Абу Бакр деган фикр ҳам мавжуд. У Зубайр ибн Аввом билан бирга ўтирган. Жобир ва Абдуллоҳ ибн Умарларни кўрган. Мадина халқининг ҳофиз ва мутқинларидан эди. Диндаги фазилат ва тақво соҳибларидан бўлган».

У ҳижрий 146-йили Бағдодда саксон ёшида оламдан ўтди.

### 130. Юнус ибн Убайд

Имом Абу Абдуллоҳ Юнус ибн Убайд Абдий Басрий мавлолардан. Ҳофиз ва машҳур олимлардан бири бўлган.

Анас ибн Моликни кўрган. Ҳасан Басрий, Ибн Сирин, Иброҳим Таймий, Ҳумайд ибн Ҳилол, Зиёд ибн Жубайр ва бошқа олимлардан ҳадис эшитган.

Ундан эса Шўба, икки Суфён, икки Ҳаммод, Абдулворис, Бишр ибн Муфаззол, Ҳушайм ва яна бир қанча олимлар ривоят қилганлар.

У: «Бирор нарсани ёзиб олмаганман»- деб айтар эди.

Абу Ҳотим шундай деган: «У Сулаймон Таймийдан кўра улуғроқ. Таймий Юнус ибн Убайднинг даражасига етмаган».

Ҳаммод ибн Зайд: «Юнус ибн Убайд касал бўлиб қолади. Шунда Айюб: «Сиздан кейин яшашнинг нима қизиғи бор»,– деб айтган».

Саид ибн Омир эса: «Юнус ибн Убайддан кўра афзалроқ инсонни кўрмадим» – деб айтиб ўтган.

Ҳишом ибн Ҳассон айтади: «Юнус ибн Убайддан бошқа Аллоҳ таолонинг розилигини истаб илм ўрганган кишини кўрмадим».

Муоз ибн Муоз шундан деган: «Ҳижрий 139-йилда Юнус ибн Убайднинг жанозасини ўқиб берганман».

### 131. Довуд ибн Абу Ҳинд

Имом Абу Муҳаммад Довуд ибн Абу Ҳинд Басрий саботли олим бўлган.

Анас ибн Моликни кўрган.

Абу Олия, Ибн Мусаййиб, Абу Усмон Наҳадий, Шаъбий ва Икрима каби уламолардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, икки Ҳаммод, Ибн Улайя, Яхё Қаттон, Язид ибн Ҳорун каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

У Басра олимларининг энг хотираси ўткирларидан бўлиб. Имом Бухорий ва бошқа олимлар унинг ҳадислари билан ҳужжат келтирганлар.

Язид ибн Зурайъ шундай деган: «У Басра халқининг муфтийси бўлган».

Довуд ибн Абу Ҳинд Ғайлон Қадарий билан мунозара қилиб, баҳсда ютган.

Ибн Абу Адий: «довуд ибн Абу Ҳинд қирқ-йил рўза тутганини оиласи ҳам билмаган. У ипак мато тўқувчи бўлган. Ишга кетаётиб овқатини олиб кетган. Йўлда уни садақа қилиб юборган. Кечаси қайтиб оиласи билан таомланган» – деб айтган.

Айтилишча, у Сарахсда туғилган.

У ҳаждан қайтаётиб 140-йилнинг бошида вафот этган. У илмда ва амалда бош бўлган.



### 132. Мусо ибн Уқба

Ҳофиз Мусо ибн Уқба Маданий Зубайр ибн Аввомнинг мавлоларидан бўлган.

Ҳадисларни саҳобия Умму Холид бинти Холид, Урва, Солим, Абу Салам ибн Абдурахмон, Аърож ва бошқа уламолардан ривоят қилган.

«Ал-Мағозий», китобини ёзган.

Ундан эса Ибн Журайж, Имом Молик, Ибн Уяйна, Ҳотим ибн Исмоил, Ибн Муборак, Абу Замра, Муҳаммад ибн Фулайх ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Воқидий шундай деган: «Мусо ибн Уқба фақиҳ ва муфтий бўлган».

Аҳмад ибн Ҳанбал эса: «Мусо ибн Уқбанинг «Мағозий» китобини ўқинглар. Чунки у сиқа ровий бўлган» – деб айтган.

Абу Ҳотим ҳам: «У солиҳ киши» – деб айтган.

Ҳижрий 141-йилда вафот этган.

### 133. Солиҳ ибн Кайсон

Ҳофиз Солиҳ ибн Кайсон Мадина уламоларидан бири бўлиб, Умар ибн Абдулазиз фарзандларининг тарбиячиси бўлган.

Абдуллоҳ ибн Умарни кўрган лекин у кишидан ҳадис эшитмаган.

Ҳадисларни Урва ибн Зубайр, Нофеъ, Абу Қатоданинг мавлоси Солим, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ, Зухрий каби олимлардан ривоят қилган.

Илм олишда Имом Зухрий билан шерик бўлганлар. У ёши улғайган пайтда илм олишни бошлаган.

Ундан эса Ибн Журайж, Имом Молик, Сулаймон ибн Билол, Иброҳим ибн Саъд, Суфён ибн Уяйна каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Аҳмад ибн Ҳанбалдан Солиҳ ибн Кайсон ҳақида сўрашди. У: «Бай-бай. Жуда яхши олим» – деб жавоб берди.

У юз ёшдан ошгани ҳақида баъзи манбаларда зикр қилинган. Воқидий: «Ҳижрий 140-йилдан кейин оламдан ўтган», – деб айтган.

### 134. Холид Ҳаззо

Ҳофиз Абу Манозил Холид Ҳаззо ибн Меҳрон Басрий басралик муҳаддислардан. Асли этикдоз бўлмаган. Этикдўз усталар олдида ўтиргани учун «Ҳаззо», деб лақаб олган.

Асосан, Абдуллоҳ ибн Шақиқ, Абу Усмон Нахдий, Абдурахмон ибн Абу Бакра, Ҳафса бинти Сириин ва Муҳаммад ибн Сириин каби олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса устози Ибн Сириин, Бишр ибн Муфаззал, Абу Исҳоқ Фазорий, Ибн Уяйна, Ибн Улайя ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар. Уларнинг энг охиргиси Абдулваҳҳоб ибн Ато бўлган.

У сиқа ва саботли олимлардан эди.

Аҳмад ибн Ҳанбал, Ибн Маин ва бошқа уламолар уни сиқа деб ҳисоблашган. Унинг ҳадисларини Саҳиҳ китоблар соҳибларининг ҳаммаси ҳужжат сифатида келтирганлар.

Абу Ҳотим «У билан ҳужжат келтириш мумкин эмас», деган. Лекин унинг бу сўзи бошқа бирор кучли олим томонидан қабул қилинмаган.

Ҳижрий 142 ёки 141-йилда вафот этган.

### 135. Осим ибн Сулаймон

Ҳофиз Абу Абдурахмон Осим ибн Сулаймон Аҳвал Басрий Мадоин шаҳрининг қозиси бўлган.

Ҳадисларни Абдуллоҳ ибн Саржис, Анас ибн Молик, Абу Олия, Муоза Адавия каби олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, Ибн Муборак, Абу Муовия, Язид ибн Ҳорун ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Кўп ҳадис ривоят қилган сиқа ровийлардан эди.

Ибн Мадиний ва бошқа олимлар уни сиқа деб ҳисоблашган.

Саврий шундай деган: «Олимлар орасида ҳофизлари тўртта: Исмоил ибн Абу Холид, Осим Аҳвал, Яҳё ибн Саид Ансорий, Абдулмалик ибн Абу Сулаймон». Улар орасига Аъмашни қўшмаган.

Осим Аҳвал кўпинча рўзадор бўлиб юрган. Хуфтон намозини ўқиганидан сўнг одамлардан ажраб бомдод намозигача ибодат қилиб чиқар эди.

Ҳижрий 142-йилда оламдан ўтган.

### 135. Сулаймон ибн Тархон

Имом Абу Муътамир Сулаймон ибн Тархон Таймий Қайсий Басрий мавлолардан бўлган. Шайхулислом ва ҳофиз бўлган. У Бани Таймда туғилмаган. У ерга кўчиб келган.

Ҳадисларни Анас ибн Молик, Абу Усмон Нахдий, Ҳасан Басрий, Товус ва шу каби олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, икки Суфён, Ибн Муборак, Язид ибн Ҳорун, Ансорий, Ҳавза ибн Халифа ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Шўба шундай деган: «Сулаймон Таймийдан кўра ростгўйроқ инсонни кўрмадим. Агар Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида гапирмоқчи бўлса ўзгариб кетар эди».

Муътамир: «Отам қирқ-йил давомида бир кун рўза тутиб, бир кун тутмай яшади. Шу-йиллар давомида у бомдод намозини хуфтондаги таҳорат билан ўқир эди».

У тўқсон етти йил умр кўрган.

Яҳё Қаттон: «Аллоҳдан Сулаймон Таймийчалик кўрқадиган инсонни кўрмадим».

Саид ибн Омир Зиббий: «Сулаймон Таймий ҳар саждасида Аллоҳ таолога етмишта тасбеҳ айтар эди».

Рақабба ибн Масқола: «Раббимни тушимда кўрдим. У Зот менга: «Сулаймон Таймийнинг мазорини обод қил»,– деб айтди».

Ибн Ҳиббон эса: «Сулаймон Таймий Басра халқининг ҳудожўй ва солихларидн эди. Суннатларга амал қилиб уларга риоя қиладиган, унга амал қилганларга ёрдам берадиган инсонлардан эди. Қирқ-йил хуфтон намозининг таҳорати билан бомдодни ўқиган. Озгина мудроқдан ҳам кўп ухлашда ҳам таҳорат қилиш керак деб ҳисоблар эди».

Ҳижрий 143-йилнинг Зулқайда ойида оламдан ўтади.

### 137. Ҳумайд Товил

Тўлиқ исми Абу Убайда Ҳумайд ибн Абу Ҳумайд Тирувайх Товил Басрий ҳофиз ва сиқа муҳаддис бўлган.

Ҳадисларни Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Шақиқ, Ибн Абу Мулайка, Бакр ибн Абдуллоҳ, Ҳасан Басрий ва шу каби олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, икки Суфён, икки Ҳаммод, Ибн Улайя, Яҳё Қаттон, Ансорий ва бошқалар ривоят қилганлар.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Ҳаммод ибн Салама: «Ҳумайд Товил Собит Бунонийга нима ўргатган бўлса у ҳаммасини ўрганган. Анас ибн Моликдан ривоят қилган ҳадисларнинг ҳаммасини у Собитдан эшитган».

Айтилишча, у Анас ибн Моликдан йигирмадан ортиқ ҳадис эшитган.

Асмаий: «Уни кўрганман. У узун эмас эди. Икки қўллари узун эди».

Айтилишича, қўшнилари орасида бўйи паст Ҳумайд деган одам яшаган. Шундан ажратиш учун уни «Товил» яъни «Узун», деб аташган.

Ибн Ҳиббон: «У аслида бўйи қисқа бўлгани учун Товил лақаби билан машҳур бўлган. Араблар нарсаларни тескариси билан номлашади. Ҳалоқатни ғалаба деб ҳам номлашади».

Юнус: «Аллоҳ таоло орамизда Ҳумайд Товилга ўхшаган инсонларни кўпайтирсин».

Яна Ибн Ҳиббон: «Ҳумайд тадлис қилар эди»

У туриб намоз ўқиётганида тўсатдан вафот этган. Бу ҳижрий 142-йилнинг охирларида содир бўлган.

### 138. Абу Исҳоқ Шайбоний

Имом Ҳофиз Абу Исҳоқ Сулаймон ибн Феруз Куфий Шайбоний Бани Шайбон қабиласининг мавлоларидан бўлган.

Абдуллоҳ ибн Абу Авфо, Зир ибн Ҳубайш, Шаъбий, Нахайй, Икрима каби олимлардан ҳадислар ривоят қилган.

Ундан қуйидагилар ривоят қилганлар: Шўба, Суфён, Жарир ибн Абдулҳамид, Али ибн Мисҳар, Ибн Уяйна, Жаъфар ибн Авн ва бошқалар. Устозларидан Абу Исҳоқ Сабиъий ҳам ундан ривоят қилган.

Сиқа ровийлардан бўлган.

Ҳижрий 138 ёки 139-йилда вафот этган. 141-йил деган қараш ҳам мавжуд.

### **139. Исмоил ибн Абу Холид**

Имом Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Исмоил ибн Абу Холид Бажалий Куфий мавлолардан бўлган.

Ибн Абу Авфо, Абу Жухайфа Сувоий, Торик ибн Шихоб, Қайс ибн Ҳозим, Амр ибн Ҳурайс, Зирр ибн Ҳубайш каби уламолардан ҳадис эшитган ва ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, икки Суфён, Абу Усома, Язид ибн Ҳорун, Ибн Нумайр, Яҳё Қаттон, Яъло ибн Убайд, Убайдуллоҳ ибн Мусо ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

У хужжат, мутқин, кўр ҳадис ривоят қилган амалли олим бўлган. Тегирмончилк билан кун кечирган.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Абу Исҳоқ Сабиъий: «Исмоил ибн Абу Холид илмни бир кўтаришда ичиб кўйган».

Муҳолид Имом Шаъбийдан ривоят қилади: «Исмоил ибн Абу Холид илмни ютиб юборган».

Яҳё ибн Саид: «Суфён уни яхши кўрар эди».

Яъқуб ибн Шайба: «Саботли ва сифо олим бўлган».

Абу Ҳотим: «Шаъбийнинг шогирдларидан бирортасини ундан кучли деб ҳисобламайман».

Ҳижрий 145-йили оламданг ўтган.

### **140. Сулаймон ибн Михрон**

Шайхулислов Имом Абу Муҳаммад Сулаймон ибн Михрон Асадий Коҳилий Куфий Аъмаш ҳофиз ҳисобланади.

Асли Рай ўлкасидан бўлган.

Анас ибн Моликни кўрган ва ундан бир қанча ҳадислар ёд олган.

Ҳадисларни Ибн Абу Авфо, Абу Воил, Зир, Абу Амр Шайбоний, Маърур ибн Сувайд, Наҳайи каби олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, икки Суфён, Зоида, Вакеъ, Убайдуллоҳ ибн Мусо, Яъло ибн Убайд, Абу Нуайм ва бошқалар ҳадис келтирганлар.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Ибн Мадиний шундай деган: «У бир минг уч юзга яқин ҳадис ривоят қилган».

Ибн Уяйна: «Уламолар орасида Аъмаш Аллоҳ таолонинг каломини энг яхши ўқийдигани, ҳадисни энг кучли ёд олгани ва мерос масалаларини энг яхши биладигани эди».

Фаллос: «Инсонлар Аъмашни тўғрилигидан Мусҳаф деб номлашар эди».

Яҳё Қаттон: «Аъмаш ислом динининг энг буюк алломаси».

Хурайбий: «Аъмашдан кейин ундан кўра кўп ибодат қиладиган инсон қолмади».

Вакеъ: «Етмиш-йил мобайнида Аъмаш бирор марта ҳам аввалги такбирга улгурмай қолмаган».

Аъмашнинг бундан ташқари фазилатлари жуда кўп. У илмда ва амалда бош бўлган.

У ҳижрий 148-йилнинг Робиулаввал ойида саксон етти ёшида вафот этган.

#### **141. Саид ибн Иёс**

Абу Масъуд Саид ибн Иёс Журайрий Басрий ҳофиз муҳаддис бўлган.

Абу Туфайл, Абу Усмон Наҳдий, Абу Назра, Абдуллоҳ ибн Шақиқ, Абдуллоҳ ибн Бурайда ва бошқа олимлардан ҳадис келтирган.

Ундан эса Ибн Муборак, Бишр ибн Муфаззал, Ибн Улайя, Абу Усома, Язид ибн Ҳорун ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: «У Басра аҳлининг муҳаддиси бўлган».

Абу Ҳотим айтади: «Ўлимидан олдин хотираси бироз кучсизлашган».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Ибн Улайядан «Журайрий хато қилганми», деб сўрадим. У: «Йўқ. Қариганда бироз хотираси кучсизлашган» – деб жавоб берди.

Ибн Абу Адий эса: «Биз ёлғон гапирмаймиз. Журайрийдан ҳадис эшитганмиз. У баъзида чалкашар эди».

Язид шундай деган: «Ҳижрий 142-йили Басрага бордим. У ерда Журайрийдан ҳадис эшитдим. Ундан бирор хато топмадик».

Ҳижрий 144-йилда оламдан ўтган.

#### **142. Абдулмалик ибн Абу Сулаймон**

Абдулмалик ибн Абу Сулаймон Арзамий Куфий йирик сика муҳаддис бўлган.

Ҳадисларни Анас ибн Молик, Саид ибн Жубайр, Ато ибн Абу Рабоҳ ва яна бир гуруҳ олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Жарир Зиббий, Исҳоқ Азроқ, Ҳафс ибн Ғиёс, Яҳё Қаттон, Ибн Нумайр, Абдураззоқ ва бошқалар ривоят қилганлар.

У саботли ҳофиз олимлардан эди.

Абдурахмон ибн Маҳдий айтади: «Шўба Абдулмаликнинг ҳифзидан ҳайратга тушар эди».

Шўба «Шуфъа ҳадиси» сабабли уни танқид қилган. У бунга эътибор бермаган.

Аҳмад ибн Ҳанбал ва Имом Насоий ҳамда бошқа уламолар Абдулмалик ибн Абу Сулаймонни сика ровий деб ҳисоблашган.

У ривоят қилган ҳадисни Имом Бухорий ҳужжат сифатида келтирмаган. Лекин далил сифатида қабул қилган.

Ҳижрий 145-йилда кекса ҳолида вафот этган.

### 143. Робиъа ибн Абу Абдурахмон

Имом Абу Усмон Фаррух Робиъа ибн Абу Абдурахмон Таймий Маданий фақиҳ бўлган. Олиункадирнинг мавлоларидан эди.

Ҳадисларни Анас ибн Молик, Ҳанзала ибн Қайс, Соиб ибн Язид, Ибн Мусаййиб ва Қосим каби олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Суфён, Имом Молик, Авзой, Сулаймон ибн Билал, Исмоил ибн Жаъфар, Абу Замра Анас ибн Иёз ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

У пешво, фақиҳ, олим, фикҳ ва ҳадис бўйича ҳофиз бўлган.

Лайс Яҳё ибн Саиддан ривоят қилади: «Робиъадан кўра фаросатли кишини учратмаганман».

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Муоз ибн Муоз шундай деган: «Саввор ибн Абдуллоҳ Қози шундай деганини эшитдим: «Робиа Ройдан кўра олимроқ кишини кўрмадим», мен: «Ҳасан Басрий ҳам Ибн Сирийин ҳамми?» деб сўрадим. У: «Ҳасан Басрий ҳам, Ибн Сирийин ҳам», деди. Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа олимлар уни сиқа деб ҳисоблаганлар.

Абу Ҳотим ибн Ҳиббон: «Робиъа ибн Абу Абдурахмон Мадина халқи фақиҳ ва ҳофизларидан. Олимлар тарихи, улар орасидаги фасоҳатлилари тўғрисида жуда яхши билган. Имом Молик ундан фикҳни ўрганган».

Мусъаб Забирий: «У Мадинада фатво эгаси бўлган».

Ибн Мажишун: «Робиъадан кўра Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам суннاتини маҳкам ушлаган инсонни кўрмадим».

Убайдуллоҳ ибн Умар: «Робиъа ибн Абу Абдурахмон муаммоларимиз ечимини, олим ва энг афзалимиз эди».

Имом Молик эса: «Қосим ва Солим вафот этишгнадан кейин қозилик иши Робиъага ўтди. Саффоҳнинг олдига келганда унга совға саломлар олиб келишни буюрди. У қабул қилмади».

«Тарихи Бағдод» ва «Тарихи Дамашқ» асарларида Робиъа ибн Абу Абдурахмон ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Ҳижрий 136-йили оламдан ўтган.



## БЕШИНЧИ ТАБАҚА

### 144. Абдуллоҳ ибн Авн

Имом Ҳофиз Абу Авн Абдуллоҳ ибн Авн ибн Артобон Басрий мавлолардан бўлиб, Басра халқининг устози эди.

Саид ибн Жубайр, Абу Воил, Нахайй, Мужоҳид, Ҳасан Басрий, Қосим ибн Муҳаммад ва шу каби олимлардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса Ҳаммод ибн Зайд, Ибн Улайя, Исҳоқ Азроқ, Язид ибн Ҳорун, Абу Осим, Ансорий, Муслим ибн Иброҳим ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар. У илмига амал қиладиган олим, ибодат ва художўйликда бош, обрўли инсон бўлган.

Ибн Маҳдий шундай деган: «Ироқда Абдуллоҳ ибн Авндан кўра суннатни яхши биладиган олим бўлмаган».

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Қурра: «Биз Ибн Сирийнинг тақвосидан ҳайратланар эдик. Ибн Авннинг тақвоси уни унуттириб юборди».

Шўба: «Айюб, Ибн Авн ва Юнус каби бошқа олимни учратмаганман».

Ҳишом ибн Ҳассон: «Икки кўзим Ибн Авн каби алломани кўрмаган».

Ибн Муборак: «Ибн Авндан афзал бирор кишини кўрмадим».

Яна Шўба: «Ибн Авннинг шак қилиши бошқасининг аниқ билишидан кўра яхшироқ».

Авзой: «Агар Ибн Авн ва Суфён вафот этсалар одамлар тенг бўлиб қоладилар».

Ибн Маин: «Ибн Авн ҳар соҳада сиқа ҳисобланади».

Бир гуруҳ олимлар фикрига кўра ҳижрий 151-йилнинг Ражаб ойида вафот этган. Бу фикрга кўра Ибн Авн мазкур табақадан тушиб қолиши керак бўлади.

### 145. Убайдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳафс

Имом Ҳофиз Абу Усмон Убайдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳафс ибн Осим ибн Умар ибн Хаттоб Адавий Маданий сўзи ҳужжат уламолардан. Абдуллоҳ, Осим ва Абу Бакр деган укалари бўлган.

Ҳадисларни асосан Қосим, Солим, Ато, Нофеъ, Мақбарий, Зухрий каби олимлардан ривоят қилган. Саҳобия Умму Холид бинти Холиддан бир дона ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса Шўба, икки Суфён, Яхё Қаттон, Бишр ибн Муфаззол, Абу Усома, Абдулваҳҳоб Сақафий, Абдураззоқ ва бошқа муҳаддислар нақл қилганлар.

У солиҳ, ибодатли, илми кўп инсон бўлиб, Ибн Ҳасаннинг фитнасига аралашмаган.

Ибн Маин шундай деган: «Убайдуллоҳ Қосимдан, Қосим Оиша бинти Абу Бакрдан. Мазкур силсила дур қадалган олтинга ўхшайди».

Имом Насоий эса: «У сиқа ва саботли олим» – деган.

Абу Ҳотим: «Аҳмад ибн Ҳанбалдан Имом Молик, Айюб ва Убайдуллоҳ ҳақида, Нофеъдан ривоят қилишда уларнинг қайси бири кучлироқ, деб сўрадим. У: «Убайдуллоҳ энг кучлиги, хотираси энг кучлиги ҳам шу ва энг кўп ҳадис ривоят қилган ҳам шу» – деб жавоб берди.

Аҳмад ибн Солих: «Мен учун Убайдуллоҳ Нофеъдан ривоят қилиш борасида Имом Моликдан устун»,– деб айтган.

Ибн Маиндан Убайдуллоҳ ва Имом Молик ҳақида сўрашганида у: «Иккиси тенг. Бири бошқасидан паст эмас» – деб жавоб берган.

Ибн Ҳиббон айтади: «Абу Усмон Убайдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳафс Қурайш қабиласининг энг шарафлиларидан, Мадинанинг энг фазилатли ва мутқин инсонларидан эди».

Ҳижрий 147-йили Мадинада вафот этган.

#### **146. Уқайл ибн Холид**

Ҳофиз Ҳужжат Абу Холид Уқайл ибн Холид ибн Уқайл Умавий Айлий Усмоннинг мавлоларидан бўлган.

Ҳадисларни Қосим, Солим, Икрима, Ирок ибн Молик, Амр ибн Шуайб каби олимлардан ривоят қилган. Кўпроқ зуҳрийдн ривоят қилган.

Ундан эса жияни Салома ибн Рух, Яхё ибн Айюб, Лайс, Муфаззол ибн Фузола, Ибн Лаҳиа ва бошқа мисрлик уламолар ривоят қилганлар.

Зухрий билан бир неча маротаба бир туянинг устида алмашиб кетганлар.

Дўсти Юнус шундай деган: «Зухрийнинг ҳадисларини Уқайл каби ҳеч ким билмайди».

Аҳмад ибн Ҳанбал эса: «Уқайл Юнусга нисбатан кам хато қилган».

Ибн Маин ва бошқа олимлар уни сиқа ровий эканини айтганлар.

Ҳижрий 144-йилда Мисрда вафот этган. 142-йилд деган қараш ҳам мавжуд.

#### **147. Юнус ибн Язид**

Ҳофиз Абу Язид Юнус ибн Язид Айлий Муовиянинг мавлоси бўлган. Жуда кўп ҳадис ривоят қилган сиқа ровий бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Икрима, Қосим, Солим, Зухрий ва бошқалар.

Ундан эса Жарир ибн Ҳозим, Лайс, Ибн Ваҳб, Усмон ибн Умар ибн Форис ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Аҳмад ибн Солих шундай деган: «Зухрийдан ривоят қилинган ҳадислар борасида Юнусдан ҳеч ким устун эмас».

Имом Зухрий Айлага келса Юнус ибн Язидникида қолар, Мадинага ҳам бир туяда бирга кетишар эди.

Аҳмад ибн Ҳанбал уни сиқа ровий деб атаган.

Юнус ибн Язиднинг ўғли отаси ҳижрий 152-йилда вафот этганини айтган

#### **148. Муҳаммад ибн Валид Зубайдий**

Ҳофиз Абу Ҳузайл Муҳаммад ибн Валид Зубайдий қози бўлган. Шомлик олимлардан бири.

Ушбуладан ҳадис ривоят қилган: Азҳар ибн Саид Ҳарозий, Рошид ибн Саъд Мукройи, Макхул, Амр ибн Шуайб, Зухрий.

У Зухрийнинг энг саботли шогирдларидан ёки энгкучлиги бўлган.

Ундан қуйидагилар ривоят қилган: Авзойи, Яҳё ибн Ҳамза, Муҳаммад ибн Ҳарб, Бақийя, Мунаббих ибн Усмон ва бошқалар.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Зухрий: Мендаги бор илми Муҳаммад ибн Валид олишга эришди».

Авзойи: «Зухрий борасида Зубайдийдан кўра кучли олим йўқ».

Абу Довуд: «Унинг ҳадисларида хато йўқ».

Ибн Саъд: «Шом аҳли орасида ҳадис ва фатво бўйича етук олим бўлган».

Зубайдий: «Зухрий билан Русофада 10 йил яшаганман».

Етмиш ёшида ҳижрий 149-йилнинг Муҳаррам ойида вафот этган.

#### **149. Ҳишом ибн Ҳассон**

Имом Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Ҳишом ибн Ҳассон Аздий Қурдусий Басрий мавлолардан бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ҳасан Басрий, Ибн Сирин, Икрима, Ҳумайд ибн Ҳилол, Ҳафса, Ато ва яна бир қанча олимлар.

Ундан ҳадисларни икки Суфён, икки Ҳаммод, Рух ибн Убода, Абу Осим, Маккий ибн Иброҳим, Абдураззоқ каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Ибн Уяйна шундай деган: «Ҳасан Басрий ҳадисларини энг яхши биладиган инсон бўлган».

Ҳаммод ибн Салама Ибн Сириннинг ҳадислари бўйича ундан ҳеч кимни устун қўймаган. У мингга яқин ҳадис ривоят қилгани айтилади.

Фаллос айтади: «У кўп йиғлайдиган олимлардан бўлган».

Ўзидан ривоят қилинишича илмимдаги насибам зараримга ҳам, фойдамга ҳам эмас бўлса эди.

Маккий ибн Иброҳим олимнинг ҳижрий 148-йили вафот этганини айтган

#### **150. Ҳишом Дастувойи**

Тўлиқ исми Ҳофиз Ҳужжат Абу Бакр Ҳишом ибн Абу Абдуллоҳ Санбар Дастувойи Рабайи Басрий мавлолардан бўлган. Савдогарлик қилган. Дастуводан келтирилган кийимларни сотган. Шунинг учун Соҳиб Дастувойи деб номланган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Қатода, Яҳё ибн Абу Касир, Ҳаммод ибн Абу Сулаймон, Матор Варроқ ва бошқалар.

Ундан куйидаги ровийлар ривоят қилганлар: Муҳаммад ибн Адий, Абдурахмон ибн Махдий, Абу Довуд, Муслим ибн Иброҳим, Абу Амр Ҳавзий ва бошқалар.

Шўба шундай деган: «Инсонлардан Ҳишом Дастувоийдан бошқа бирортасини Аллоҳнинг розилигини тилаб илм ўқиган деб айта олмайман. У Қатода ва унинг ҳадисларини мендан кўра яхши билади».

Абу Довуд Тоялисий эса: «Ҳишом Дастувоий ҳадис борасида амир ал-муминин бўлган».

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Унда кучли олим бўлмайди. Ўхшашлари келиши мумкин».

Ибн Саъд: «У ҳужжат ва сиқа бўлган».

Шоз ибн Файёз: «Ҳишом Дастувоий йиғлайвериб кўзлари касал бўлиб қолган» – деб айтган.

Ҳишомнинг ўзи: «Биз ҳадисларимиз сабабли нажот топиб қолсак керак»,– деб айтган.

Яну у: «Олим одам қандай қилиб бемалол кулиб юришиадан ҳайратланаман», деб айтган.

Ҳижрий 153-йилда оламдан ўтган. 154-йил деган қараш ҳам мавжуд.

### **151. Муҳаммад ибн Ажлон**

Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ажлон Маданий пешво олимлардан бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Анас ибн Молик, отаси Ажлон, Икрима, Муҳаммад ибн Каъб, Нофеъ, Амр ибн Шуайб ва бошқалар.

Ундан эса икки Суфён, Бакр ибн Музор, Бишр ибн Муфаззол, Абдуллоҳ ибн Идрис, Яҳё Қаттон, Абу Осим ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Илмига амал қиладиган олим, обрўли инсон бўлиб, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида дарс халқаси бўлган.

Ибн Уяйна ва бошқа олимлар уни сиқа деб ҳисоблаган.

Хотираси жуда кучли бўлмаган.

Ибн Муборақдан ривоят қилинади: «Мадинада Муҳаммад ибн Ажлондан бошқа уламолар жуда ўхшаш инсон йўқ. Уни уламолар орасидаги ёқут тошга ўхшатаман».

Ибн Ҳиббон айтади: «Муҳаммад ибн Ажлон Мадина халқининг энг яхшиларидан бўлган».

Муҳаммад ибн Ажлон Ибн Ҳасан билан бирга чиқиб кетади. Ибн Ҳасан қатл этилгач, Мадин ҳокими уни ҳам дарра урдирмоқчи бўлади. Шунда унга Ҳасан Басрий шу ишни қилганда уни ҳам дарра урдирар эдингми деб савол беришади. У: «Йўқ», деб жавоб беради. Шунда: «У Мадина халқи орасида Ҳасан Басрий каби», деб айтилади. Ҳоким авф этади.

Муҳаммад ибн Ажлоннинг онаси уни уч-йил қорнида кўтариб юрган.

Имом Бухорий ва Муслимлар ундан бирорта ҳадис ривоят қилишмаган.

Ҳижрий 148-йилда оламдан ўтган.

152 Жаъфар ибн Муҳаммад

Имом Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Али ибн Хусайн ибн Али ибн Абу Толиб Алавий Маданий Содиқ Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг олим авлодларидан бири бўлган. Онаси Қосим ибн Муҳаммаднинг қизи, бувиси эса Асмо бинти Абдурахмон ибн Абу Бакр бўлган. Шунинг учун: «Мени Абу Бакр икки марта дунёга келтирган», деб гапириб юрган.

Ҳадисларни бобоси Қосим, отаси Абу Жаъфар Боқир, Убайдуллоҳ ибн Абу Рофеъ, Урва ибн Зубайр, Ато, Нофеъ каби олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Имом Молик, икки Суфён, Ҳотим ибн Исмоил, Яҳё Қаттон, Абу Осим Набил ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Ҳижрий 80-йилда туғилган. Шунинг учун Саҳл ибн Саъдни кўрган бўлиш эҳтимоли бор.

Имом Шофей, Ибн Маин ва бошқа олимлар уни сика деб айтганлар.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Абу Ҳотим: «Сика. Ўхшашини топиш қийин».

Ибн Ҳиббон: «Аҳли байтнинг улуғларидан, Табаа тобейларнинг художўйларидан, Мадина халқининг олимларидан бўлган».

Абу Ҳанифа: «Жаъфар ибн Муҳаммаддан кўра фақихроқ олимни кўрмаганман».

Ҳайёж ибн Бистом: «Жаъфар ибн Муҳаммад фақирларни шу даражада таомлантирар эдики ўз оиласига ҳеч нарса қолмас эди».

Унинг фазилат ва хислатлари жуда кўп. Масалан, у шундай дер эди: «Мен Али ибн Абу Толибнинг мени шафоат қилишини умид қилмайман. Абу Бакр шафоатини умид қиламан. Чунки у мени икки марта дунёга келтирган».

Ҳижрий 148-йилда вафот этган.

Имом Бухорийдан бошқа барча олимлар унинг ҳадисларини ҳужжат ўрнида келтирганлар.

### 153. Абу Ҳанифа

Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ибн Зуто Таймий Куфий мавлолардан бўлган. Ироқнинг машҳур фақиҳи эди.

Ҳижрий 80-йилда тавллад топган.

Анас ибн Молик билан Куфага келганда бир неча марта кўрганлар. Буни Ибн Саъд Сайф ибн Жобирдан ривоят қилган. Сайф ибн Жобир буни Абу Ҳанифадан эшитган экан.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ато, Нофеъ, Абдурахмон ибн Хурмуз Аърож, Адий ибн Собит, Салама ибн Кухайл, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али, Қатода, Амр ибн Динор, Абу Исҳоқ ва бошқалар.



Зуфар ибн Ҳузайл, Довуд Тоий, Абу Юсуф, Муҳаммад, Асад ибн Амр, Ҳасан ибн Зиёд Луълубий, Нух Жомеъ, Абу Мутиъ Балхий ва бошқа олимлар Абу Ҳанифадан фикҳни ўрганганлар.

Ўзи эса Ҳаммод ибн Абу Сулаймондан ўрганган эди.

Ундан куйидаги ровийлар ривоят қилганлар: Вакеъ, Язид ибн Ҳорун, Саъд ибн Солат, Абу Осим, Абдураззоқ, Убайдуллоҳ ибн Мусо, Абу Нуайм, Абу Абдурахмон Муқриъ ва бошқалар.

У тақводор, пешво, олим, ибодатли, обрўли инсон бўлган. Султон ҳадяларини қабул қилмаган. Балки ўзи тижорат қилиб яшаган.

Зирор ибн Суруд айтади: «Язид ибн Ҳорундан «Саврий фақиҳроқми ёки Абу Ҳанифами», деб сўрашди. У: «Абу Ҳанифа фақиҳроқ, Суфён ҳадисга кучли», деб жавоб берди.

Ибн Муборак: «Абу Ҳанифа энг кучли фақиҳдир» – деб айтган.

Шофеий айтади: «Инсонлар фикҳда Абу Ҳанифанинг боқимандаларидир», деб айтган.

Язид шундай деган: «Абу Ҳанифадан кўра тақводор ва оқилроқ инсонни учратмадим».

Абу Довуд эса: «Аллоҳ Абу Ҳанифани Ўз раҳматига олсин! У ҳақиқий олим эди», деб айтган.

Бишр ибн Валид Абу Юсуфдан ривоят қилади: «Абу Ҳанифа билан бирга кетаётган эдик. Йўлимизда бир киши шеригига: «Бу Абу Ҳанифа, кечаси ухламайди», деганини эшитдик. Шунда устозим: «Аллоҳга қасамки. қилмаган нарсам ҳақида гапирилмайди» деди ва кечаларини намоз, дуо ва тавба билан ўтказадиган бўлди».

Олимнинг бундан ташқари ҳам фазилат ва хислатлари жуда кўп.

Ҳижрий 150-йилнинг Ражаб ойида вафот этган.

#### **154. Абдулмалик ибн Абдулазиз**

Имом Ҳофиз Абу Валид Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж Маккий Ҳарамнинг фақиҳи бўлган. Абу Холид Румий Уммавий номи билан ҳам машҳур. Бир қанча асарлар муаллифи ҳисобланади.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: отаси, Мужоҳид (кўп эмас), Ато ибн Абу Рабоҳ, Маймун ибн Меҳрон, Амр ибн Шуайб, Нофеъ, Зухрий ва бошқалар.

Ундан эса икки Суфён, Муслим ибн Холид, Ибн Улайя, Ҳажжож ибн Муҳаммад, Абу Осим, Руҳ, Вакеъ, Абдураззоқ ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Ҳижрий етмишинчи-йилларда таваллуд топган. Энг сўнги саҳобалар билан кўрганлар лекин улардан ҳадис эшитмаган.

Кўплаб уламолар у зотга куйидагича таърифлар берганлар:

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай даган: «Илм чашмаларидан бири эди. У ва Ибн Аруба биринчи бўлиб китоб ёзган олимлардир».

Абдураззоқ: «Ибн Журайждан кўра чиройли намоз ўқийдиган олимни кўрмадим. Агар намоз ўқиётганини кўрсанг Аллоҳ таолодан кўрқаётганини билар эдинг».



Ибн Мадиний: «Ато ибн Абу Рабоҳни Ибн Журайждек ҳеч ким билмас эди».

Баъзи камчиликлари ҳам бўлган.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «У Амр ибн Шуайбдан ҳам, Абу Зиноддан ҳам ҳеч нарса эшитмаган».

Жарир: «Ибн Журайж мутъани ҳалол санар эди. У олтмишта аёлга уйланган».

Ибн Журайж ўзи шундай деган: «Мен Зухрийдан ҳадис эшитмаганман. Бир китобини ёдлаганман. У кейин ижозат берган».

Мужоҳиддан икки хил қироатни эшитгани айтилади.

Абдулваҳҳоб ибн Ҳаммам Ибн Журайждан ривоят қилади: «Атодан ўн саккиз-йил илм ўрганганман».

Бир гуруҳ тарихчилар фикрига кўра ҳижрий 150-йилда вафот этган. Ибн Мадиний эса 149-йилда оламдан ўтганини айтиб ўтган.

Ибн Журайж умрининг сўнгида Басрага кўчиб келган ва шу ерда ҳадис айтган.

### **155. Муҳаммад ибн Абдурахмон**

Имом Абу Абдурахмон Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абу Лайло фақиҳ ва мукриъ бўлиб, Куфа қозиси ва муфтийси эди.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Шаббий, Ато, Ҳакам, Нофъ, Амр ибн Мурра ва яна бир гуруҳ олимлардан ривоят қилган.

Отаси кибор тобейилардан бўлган. Бахтга қарши отасидан ҳадис эшитиш насиб этмаган.

Ундан эса Шўба, икки Суфён, Зоида, Вакеъ, Хурайбий, Абу Нуайм ва бошқалар ривоят қилганлар.

Аҳмад ибн Юнус шундай деган: «Ибн Абу Лайло дунёдаги энг зўр фақиҳ бўлган».

Ижлий эса: «У фақиҳ, тўғрисиўз, суннат соҳиби, ҳадиси мақбул, қори, Қуръони каримни яхши биладиган олим бўлган. Имом Ҳамза унга ўқиб берган».

Абу Зуръа шундай деган: «У жуда ҳам кучли олим эмас».

Аҳмад ибн Ҳанбал эса: «Унинг ҳадиси музтариб», деб айтган.

Абу Ҳафс Аббор олимнинг ўзидан ривоят қилади: «Атонинг олидига кирдим. У мендан баъзи нарсаларни сўрай бошлади. Мен жавоб бердим. Менинг жавобларимни шогирдлари қабул қилишмаганга ўхшар эди. Шунда у: «Нимага қабул қилмаяпсиз!? Ахир у мендан кучлироқ-ку»,– деб айтди».

Олимнинг бундан ташқари фазилатлари жуда кўп бўлган. Ҳижрий 148-йилнинг Рамазон ойида оламдан ўтган.

### 156. Жаъфар ибн Бурқон

Имом Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Бурқон Килобий Рикқий мавлолардан бўлиб, Жазиранинг муфтийси ва муҳаддиси бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Язид ибн Асом, Маймун ибн Меҳрон, Ато, Ибн Шихоб.

Ундан қуйидаги ровийлар ривоят қилганлар: икки Суфён, Зухайр ибн Муовия, Вакеъ, Касир ибн Ҳишом, Абу Нуайм ва бошқалар.

Имом Зухрийдан ҳадис эшитиши борасида бироз гумон бор.

Саврий шундай деган: «Ундан афзалини кўрмаганман».

Имом Насоий эса: «Унда бирор ёмонлик йўқ», деб айтган.

Ҳижрий 154-йилда оламдан ўтган.

### 157. Муҳаммад ибн Исҳоқ

Имом Ҳофиз Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ясор Муттолибий Маданий «Мағозий» китобининг муаллифи ҳисобланади.

Қайс ибн Махрома ибн Муттолиб ибн Абдуманофнинг мавлосидир.

Анас ибн Молик билан кўрганлар.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: отаси, амакиси Мусо, Фотима бинти Мунзир, Қосим, Ато, Аърож, Муҳаммад ибн Иброҳим Таймий, Амр ибн Шуайб, Нофеъ, Абу Жаъфар Боқир, Зухрий ва бошқалар.

Ундан қуйидаги ровийлар ривоят қилганлар: Жарир ибн Ҳозим, икки Ҳаммод, Иброҳим ибн Саъд, Сиёд ибн Абдуллоҳ Баккой, Салама Аброш, Абдулаъла Сомий, Муҳаммад ибн Салама Ҳарроний, Юнус ибн Букайр, Язид ибн Ҳорун, Аҳмад ибн Холид Ваҳбий, Яъло ибн Убайд ва бошқалар.

Мағозий, тарихни билишда олим, ўз нафсида ростгўй, ҳадислари ҳасан бўлган олим эди.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Ибн Маин: «У Абу Салама ибн Абдурахмон ва Абон ибн Усмондан ҳадис эшитган. Усиқа лекин ҳужжат эмас».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Ҳадиси ҳасан ҳисобланади».

Ибн Мадиний: «Менинг наздимда унинг ҳадиси саҳихдир».

Насоий: «Унчалик кучл ровий эма».

Дороқутний: «Унинг ҳадиси билан ҳужжат келтирилмайди».

Ибн Ҳиббон: «Муҳаммад ибн Исҳоқ ҳадис илмига жонини берган, илмини юксалтиришга ҳаракат қилган олимлардан бўлган. Бунга эрганлар ҳам эди. Ўзи кўрганлар шайхлардан, уларнинг шайхларидан ҳадис нақл қилган. Баъзида ўзининг устозларидан ривоят қилган шайхлардан ҳам нақл қилган. Ҳадисларнинг келишини яхши биладиган ва матнларини асл ҳолида етказа оладиган олим бўлган».

Шўба айтади: «У ҳадисда муъминларнинг амири бўлган».

Имом Молик у ҳақида жуда кўп яхши гапларни айтган.

Язид ибн Ҳорун эса: «Агар мен подшоҳ бўлганимда Муҳаммад ибн Исҳоқни муҳаддисларга амир қилиб қўйган бўлар эдим».

Ибн Уяйна: «Муҳаммад ибн Исҳоқни ёмонлаган бирор кишини кўрмадим».

Баъзи манбаларда қадарий бўлгани айтилган.

Ибн Абу Адий: «Хўроз уруштирар эди», деб айтган.

Ҳижрий 151-йилда вафот этган.

### **158. Муқотил ибн Ҳайён**

Ҳофиз Абу Бистом Муқотил ибн Ҳайён Балхий Хаззоз хуросонлик олим бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Шаъбий, Икрима, Мужоҳид, Абдуллоҳ ибн Бурайда, Солим ибн Абдуллоҳ, Муслим ибн Ҳайсом, Заҳҳок ва бошқалар.

Ундан қуйидаги ровийлар ривоят қилганлар: устозларидан бири Алқама ибн Марсад, Букайр ибн Маъруф, Иброҳим ибн Адҳам, Ибн Муборак, Муҳорибий, Исо Ғунжор ва бошқалар.

У содиқ, яхши имом, суннат соҳиби ва обрўли инсон бўлган.

Абу Муслим Хуросоний юруш қилган вақтида Қобулгақочади, ўша ерда халқни ислом динига чақиради, мусулмонлар кўпаяди.

Ибн Маин ва Абу Довуд уни сиқа бҳдеб атаганлар.

Насоий унда ёмонлик йўқ деб айтган.

Муфассир Муқотил ибн Сулаймон ҳам шу даврда яшаган. Уни ёлғонсхчилик ва кўрмаган инсонидан ҳадис келтиришда айбалашган. Унинг ҳадислари ривоят қилинмаслигига иттифо қилинган.

### **159. Ҳусайн ибн Заквон**

Мавло Ҳусайн ибн Заквон Авзий Басрий машҳур хофиз ва муаллимлардан бўлган.

Ҳадисларни Ибн Бурайда, Ато, Амр ибн Шуайб, Қатода, Яҳё ибн Абу Касир ва бошқалардан ривоят қилган.

Ундан қуйидаги ровийлар ривоят қилганлар: Иброҳим ибн Таҳмон, Ибн Муборак, Абдулворис, Яҳё Қаттон, Ғундар, Язид ибн Зурайъ, Рух ибн Убода ва бошқалар.

Ибн Маин, Абу Ҳотим, Насоий ва бошқа олимлар уни сиқа деб ҳисоблашган.

Ҳижрий 140-йилларда вафот этган.

### **160. Савр ибн Язид**

Ҳофиз Абу Холид Савр ибн Язид Калоий Ҳимсий Қадарий саботли олим бўлган.

Ҳадисларни Холид ибн Маъдон, Рошид ибн Саъд, Ражо ибн Ҳайва, Амр ибн Шуайб, Ҳабиб ибн Убайд ва шу каби олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Ибн Уяйна, Бақийя, Исо ибн Юнус, Яҳё Қаттон, Абу Осим, Абдураззоқ ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Яҳё Қаттон айтади: «Ундан ишончлироқ шомлик олимни кўрмаганман».

Абу Ҳотим айтади: «Шубҳасиз ростгўй ва ҳофиз муҳаддис бўлган». Вакеъ шундай деган: «Ҳадиси саҳиҳ, кўрган олимларим ичида энг ибодатга маҳками эди».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Қадарий бўлган. Шунинг учун Ҳимс халқи уни қабул қилишмаган. Лекин уни ҳадисини қабул қилса бўлади».

Ҳижрий 153-йилда вафот этган. 155-йил деган қараш ҳам мавжуд.

### **161. Муовия ибн Солиҳ**

Имом Абу Амр Муовия ибн Солиҳ Ҳазрабий Ҳимсий фақиҳ, Андалус қозиси бўлган. У ерга Андалус волийси Абдурахмон ибн Муовия билан қочиб борган. Умрининг охирида ҳаж қилган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Шурайх ибн Абид, Макхул, Зиёд ибн Абу Савда, Абу Зоҳирийя, Абдурахмон ибн Жубайр ибн Нуфайр, Робиъа Қасир ва бошқалар.

Ундан қуйидаги ровийлар ривоят қилганлар: Лайс, Ибн Ваҳб, Ибн Маҳдий, Маъан, Асад ибн Мусо, Абу Солиҳ Котиб ва бошқалар.

Шогирдлари у билан Минода учрашиб қолишади. Содик уламолардан эди.

Имом Бухорий унинг ҳадисини ҳужжат қилиб келтирмаган. Ундан бошқа олимлар ҳужжат қилиб келтирганлар. Ким у ҳақида ёмон гап айтган бўлса далил келтира олмаган.

Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа олимлар уни сиқа ровий деб ҳисоблашган.

Ибн Адий шундай деган: «У менинг наздимда ростгўй ровий».

Ҳижрий 158-йили ҳаж амалларини бажариб бўлганидан кейин оламдан ўтган.

### **162. Ҳариз ибн Усмон**

Ҳофиз Абу Усмон Ҳариз ибн Усмон Раҳабий Машриқий Ҳимсий ҳимслик машҳур муҳаддисдир. Уни кичик тобейлар орасида бўлиши унда Алига нисбатан душманлиги бор мазмунидаги гумон бўлгани учун.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Абдуллоҳ ибн Буср Мозаний, Холид ибн Маъдон, Рошид ибн Саъд, Абдурахмон ибн Майсара, ҳабиб ибн Убайд ва бошқалар.

Ундан эса Бақийя, Яҳё Қаттон, Ҳажжож Аъвар, Абу Ямон, Али ибн Айёш, Одам ибн Абу Иёс, Яҳё ибн Солиҳ, Али ибн Жаъд ва шу каби муҳаддислар ривоят қилганлар.

Шомда, Ироқда икки юздан ортиқ ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳотим айтади: «У ҳақида гапирилган гаплар нотўғри, менимча. Ундан бошқа шомлик бирор кучлироқ олимни билмайман».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Ҳариз шубҳасиз сиқа бўлган», деб айтади.

Абу Ямон: «Одамларга ёмонлик қилар эди. Кейинчалик бу ишини ташлаган».

Али ибн Айёш олимнинг ўзидан ривоят қилади: «Мен Алини сўкаманми!? Уни ҳеч қачон сўкмаганман».

Ҳижрий 163 ёки 162-йили вафот этган.

### **163. Саид ибн Абу Аруба**

Имом Ҳофиз Абу Назр Саид ибн Абу Аруба Мехрон Адавий Басрий машҳур уламолардан бири.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ҳасан Басрий, Муҳаммад ибн Назра Абдий, Абу Ражо Утторий, Назр ибн Анас, Қатода, Матор Варрок ва бошқалар.

Ундан қуйидаги ровийлар ривоят қилганлар: Бишр ибн Муфаззол, Ибн Улайя, Гундар, Яхё ибн Саид, Руҳ ибн Убода, Убдлвахҳоб ибн Ато, Саид ибн Омир Зубай, Абу Осим Ансорий ва бошқалар.

Ибн Маин, Насоий ва бошқалар уни сиқа ровий бўлганини айтганлар.

Басрада биринчи бўлиб ҳадисларни бобларга бўлиб китоб ёзган олим ҳисобланади.

Аҳмад ибн Ҳанбал эса: «У ёзмаган балки ёдлаб олган», деб айтган.

Ибн Маин: «У Қатодадан ривоят қилган энг кучли ровий. Унга Ҳишом ва Шўбалар шерик бўлганлар».

Абу Авона шундай деган: «Бизнинг давримизда Саид ибн Абу Арубдан хотираси кучли олим йўқ эди».

Аҳмад ибн Ҳанбал эса: «Қатода ва Саид ибн Абу Аруба қадарий бўлганлар лекин буни яшириб юрганлар», деб айтади.

Ўлимидан ўн-йилча олдин хотираси заифлашгани айтилган.

Ҳижрий 158-йилда вафот этган.

### **164. Абдурахмон ибн Амр**

Шайхулислов Абу Амр Абдурахмон ибн Амр ибн Юҳмад Авзой Димашқий ҳижрий 88-йили таваллуд топган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ато, Қосим ибн Мухаймара, Шаддод ибн Аммор, Робиъа ибн Язид, Зухрий, Муҳаммад ибн Иброҳим Таймий, Яхё ибн Абу Касир ва бошқалар.

Муҳаммад ибн Сирин билан ўлим тўшагида эканида кўрганлар. Ундан ҳам ҳадис эшитган.

Ундан қуйидаги ровийлар ривоят қилганлар: Шўба, Ибн Муборак, Валид ибн Муслим, Ҳикл ибн Зиёд (шогирдлари орасида энг кучлиги шу), Яхё ибн Ҳамза, Яхё Қаттон, Абу Осим, Абу Муғира, Муҳаммад ибн Юсуф Фирёбий ва бошқалар.

Умрининг охирида Байрутга сафар қилиб ўша ерда яшаган. Асли Сабий Санад деган жойдан бўлган.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Валид ибн Мазид шундай деган: «Баълабаққада туғилган. Онасининг уйида фақир ва етим ҳолида ўсган. Ҳатто подшоҳлар ҳам ўз фарзандларини унинг тарбиясидек тарбиялашга ҳаракат қилганлар. Ундан бирор ошиқча сўзни эшитмаганман. Қаҳқаҳа отиб кулганини

кўрмаганман. Агар охират ҳақида гапирса мажлисда йиғламаган қолмас эди».

Айюб ибн Сувайд: «Авзой Ямомага сафар қилиб чиқди. Унга Яхё ибн Абу Касир: «Басрага тезроқ борсанг Ҳасан Басрий ва Ибн Сирин билан кўришасан», дейди. У: «Басрага борсам Ҳасан Басрий вафот этган, Ибн Сирин ўлим тўшагида эди».

Хурайбий: Авзой ўз даврининг энг фазилатли олими эди.

Абу Исғоқ Фазорий: «Бу умматга ким яхши деб сўрашганида Авзойни танлаган бўлар эдим».

Абу Мисҳар: «Авзой тунларини намоз, тиловат ва йиғи билан ўтказар эди».

Муҳаммад ибн Касир Массисий шундай деган: «Авзой: «Биз Аллоҳ таоло Аршининг устида дер эдик, суннатда Аллоҳ таолонинг сифатлари ҳақида нима келган бўлса шунга иймон келтирамиз».

Ҳоким айтади: «Авзой ўз асрининг умумий имоми, Шом халқининг хос имоми эди».

Шом ва Андалус халқи бир муддат Авзойнинг мазҳабида бўлган. Мансур уни улуғлар ва мавъизаларига борар эди.

Ҳижрий 157-йилнинг Сафар ойида вафот этан.

Уқба ибн Алқама Байрутий шундай деган: «Авзой уйдаги ҳаммомга киради. Хотини кўмир солинган идишни олиб киради. Устидан эшикни ёпиб чиқиб кетади ва ишлари билан машғул бўлиб қолади. Кўмир ёниб у ўлиб қолади». Уни қўлини қиблага қаратиб ётган ҳолида топдик.

Абу Мисҳар: «Эшикни атайин ёпиб қўйган. Саид ибн Абдулазиз унга қул озод қилишни буюрган. У ўзидан кейин олти диноргина қолдирган. У соҳил девонида ёзиб қўйилган эди».

### **165. Абдурахмон ибн Язид**

Тўлиқ исми Абу Утба Абдурахмон ибн Язид ибн Жобир Аздий Дамашқий Дороний бўлиб, фақиҳ имом бўлган.

Ҳадисларни Абу Саллом Мамтур, Абу Ашъас Санъоний, Абдуллоҳ ибн Омир Яҳсубий, Зухрий ва бошқалардан ривоят қилган.

Ундан эса Ибн Муборак, Валид, Муҳаммад ибн Шуайб ибн Шабур, Умар ибн Абдулвоҳид, Ҳусайн Жуъфий ва бошқалар ривоят қилганлар.

Халифа Мансур олдига чакирганида боради. У вақтда мартабаси улуғ олим, шомлик пешволардан бўлган.

Ибн Маин, Абу Ҳотим ва бошқа муҳаддислар Абдурахмон ибн Язидни сиқа ровий деб ҳисоблашган.

Валид ибн Абдулмаликнинг даврида отаси билан от миниб юрган. Абу Мисҳар уни кўрганини айтган.

Ҳижрий 153-йилда вафот этган.



### 166. Амр ибн Ҳорис

Машхур олим Абу Умайя Амр ибн Ҳорис ибн Яъкуб Мисрий хофиз ва фақиҳ бўлган. Қайс ибн Саъд ибн Убоданинг мавлоси эди.

Ҳадисларни Абу Ҳурайрининг мавлоси Абу Юнус, Ибн Абу Мулайка, Амр ибн Динор, Абу Ушшона Маофирий, Қатода, Язид ибн Абу Ҳабиб ва бошқалардан ривоят қилган.

Ундан эса Имом Молик, Лайс, Бакр ибн Музор, Ибн Ваҳб ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар.

17-18 ёшлигиданоқ фатво бера бошлаган.

Саид ибн Абу Марям тоғасидан ривоят қилиб айтади: «Амр ибн Ҳорис мисрий уйдан чиққанда инсонлар саф-саф бўлиб ундан Қуръони карим, ҳадис, фикҳ, шеър, араб тили ва ҳисоб илмларига алоқадор саволларни ундан саъраш учун турганларини кўрар эди. Амир Солиҳ ибн Али уни ўғли Фазлнинг тарбиячиси этиб сайлаган эди. Шунинг учун у тўла-тўқис ҳаёт кечирган».

Абу Ҳотим Розий эса: «Амр ибн Ҳорис инсонлар орасида ўз даврида энг хотираси кучли, бу борада тенги йўқ инсон бўлган».

Ибн Ваҳб шундай деган: «Ундан кўра хотираси кучли инсонни кўрмаганман».

Аҳмад ибн Солиҳ эса: «Амр ибн Ҳорисдан кейин Мисрда Лайсга ўхшаш олим туғилмаган».

Ҳижрий 148-йили шаввол ойида вафот этган.

Туғилган санасида ихтилофлар мавжуд: 92, 94-йиллар деган қарашлар мавжуд.

### 167. Ҳайва ибн Шурайх

Тўлиқ исми Абу Зуръа Ҳайва ибн Шурайх Тужибий Мисрий бўлиб, пешво имом, Миср ерларидан чиққан устозлардан ҳисобланади.

Ҳадисларни Робийа ибн Язид Қасир, Уқба ибн Муслим, Язид ибн Абу Ҳабиб, Абу Юнус Сулайм ибн Жубайр ва бошқа уламолардан ривоят қилган.

Ундан эса Ибн Муборак, Ибн Ваҳб, Абу Осим, Абу Абдурахмон Муқриъ, Абдуллоҳ ибн Яҳё Бурулуссий, Ҳониъ ибн Мутаваккил Искандарий ва бошқа олимлардан ривоят қилган.

Имом Аҳмад ва бошқа олимлар уни сиқа ровий деб ҳисоблаганлар.

Обрўли инсон бўлган. Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Ибн Муборак: «Менга Ҳайва ибн Шурайхни сифатлаб беришди. Уни кўрганимда сифатлаганларидан кўра устунроқ эканини билдим».

Ибн Ваҳб: «Ҳайва-йилига олтмиш динар маош олар эди. Уйига келгунича борини садақа қилиб юборар эди. Уйига келиб тўшакнинг остини қараса маоши тўлиқ ҳолда турган бўлар эди. Буни амакисининг ўғли эшитиб буни синаб кўради. Келиб уйига қараса пул йўқ бўлади. Буни Ҳайвага айтади. Шунда у: «Мен Раббимга ишониб қиламан. Сен эса синаб кўриш учун қилгансан»- деб жавоб беради».

Аҳмад ибн Саҳл Урдуний Холид ибн Физрдан ривоят қилади: «Ҳайва ибн Шурайх кўп йиғлаб дуо қиладиган инсон бўлиб аҳволи жуда ночор эди. Бир куни унга: «Агар Аллоҳга дуо қилиб сўрасанг аҳволинг яхшиланар эди»,– деб айтдим. У ўнг ва чапга қараб ҳеч кимни кўрмагач кўлига бир ёғочни олдида: «Аллоҳим уни олтинга айлантир « – деб дуо қилди. Тўсатдан унинг кўлида олдин бирор марта ҳам кўрмаган чиройли тилла пайдо бўлди. Уни менга отдида: «дунёда бирор яхшилик йўқ. Фақат охират учун ишлатилганида фойда бор – деб айтди-да менга ўгирилиб сўзини давом эттирди – У Зот бандаларига нима фойдалироқ эканини яхши билади». Мен: «Буни нима қилай»,– деб сўрадим. У эса: «Ўзинга нафақа қил»,– деб жавоб берди. Мен уни қайтаришимни айтармикан деб ўйлаган эдим».

Ҳижрий 158-йилда вафот этган. 159-йили вафот этган деган қараш ҳам мавжуд.

### 168. Ҳажжож ибн Артот

Имом Абу Артот Ҳажжож ибн Артот Нахайй Куфий машҳур алломалардан бири. Имом Шаъбийдан бир ҳадис эшитган.

Асосан, Ҳакам, Ато ибн Абу Рабоҳ, Амр ибн Шуайб ва яна бир гуруҳ олимлардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса Суфён, Шўба, Ҳаммод ибн Зайд, Ибн Муборак, Ғундар, Ҳафс ибн Ғиёс, Абдураззоқ ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар. Шунингдек, устози Мансур ибн Муътамир ҳам ҳадис ривоят қилган.

Ўн олти ёшида фатво бера бошлаган. Кейинроқ Басра қозилигига тайинланган. Илм булоқларидан бўлган. Лекин ҳадисларида тадлис бор.

Бундан ташқари унда мағрурлик ва бошлиқликка эргашиш бор эди. Бу ҳақида у: «Мени шарафга қизиқиш ҳалок қилди»,– дер эди.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Яҳё Қаттон: «Ибн Исҳоқ ва Ҳажжож ибн Артот бир даражадаги уламолар».

Абу Ҳотим: «У ростгўй инсон эди. Тадлис ҳам қилар эди».

Саврий: «Ҳажжождан бошқа биладиган нарсасини яхши англайдиган инсон қолмади».

Ибн Маин: «Унчалик кучли бўлмаган ростгўй ровий бўлган».

Яҳё ибн Одам: «Бизга Абу Шихоб Абдуроббиҳи ибн Нофё айтган эди: «Шўба менга: «Ҳажжож ибн Артот ва Ибн Исҳоқдан ҳадис эшит. Чунки иккаласи ҳам ҳофиз муҳаддислардир».

Ҳаммод ибнЗайд: «Ҳажжож Саврийдан кўра кўп ҳадис ривоят қилган».

Баъзи камчиликларини ҳам уламолар зикр қилганлар:

Имом Насоий: «Кучли ровий эмас»

Имом Дороқутний ва бошқа олимлар: «У ривоят қилган ҳадис билан хужжат келтирилмайди».

Ҳижрий 149-йилда вафот этган.

### 169. Мисъар ибн Кидом

Абу Салама Мисъар ибн Кидом Ҳилолий Куфий ҳофиз имом, машҳур муҳаддислардан бири.

Ҳадисларни Адий ибн Собит, Ҳакам ибн Утайба, Қатода, Амр ибн Мурра ва шу табақадаги бошқа олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса Ибн Уяйна, Яҳё Қаттон, Муҳаммад ибн Бишр, Яҳё ибн Одам, Абу Нуайм, Халлод ибн Яҳё ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар.

Муҳаммад ибн Бишр шундай деган: «Мисъар минга яқин ҳадис билган. Улардан ўнтасидан бошқа ҳаммасини ёзиб олганман».

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Яҳё Қаттон: «Мисъардан кўра саботли олимни кўрмадим».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Сиқа ровий Шўба ва Мисъарга ўхшаган бўлади».

Вакеъ: «Мисъар иккиланиши бошқанинг аниқ билишига ўхшайди».

Шўба: «Мисъарни бир ишни мукамал қилгани учун «Ал-Мусҳаф» деб номлар эдик. Басраликлар наздида Ибн Авн қандай бўлса, куфаликлар наздида у худди шундай».

Муҳаммад ибн Мисъар: «Отам Куръони каримнинг ярмини ўқимасдан ухламас эди».

Хурайбий: «Мисъардан бошқа деярли ҳамма олимга таъна етказилган».

Яна бир олим: «Мисъар илм ва тақво ўртасини жамлаган олим бўлган».

Маъан: «Мисъар доимо юксалиб борганига гувоҳ бўлганман».

Ибн Маин: «Мисъар бир ҳадис сабабидан бирор жойга сафар қилмаган».

Шоир айтганидек:

*Ким ўзига солиҳ шерик излар*

*Мисъар ҳалқасига у тез келар.*

*Унда бордир сакинат, виқор*

*Ҳамма аъзоларга доим иффат ёр.*

Мисъар ҳижрий 150-санада вафот этган.

### 170. Маъмар ибн Рошид

Абу Урва Маъмар ибн Рошид Аздий Басрий мавлолардан бўлган, сўзи ҳужжат бўлган имом, ва яманлик олим бўлган.

Ҳадисларни Зухрий, Қатода, Амр ибн Динор, Зиёд ибн Илоқа, Яҳё ибн Абу Касир, Муҳаммад ибн Зиёд Жумаҳий ва бошқа олимлардан ривоят қилган.

Ундан эса икки Суфён, Ибн Муборак, Ғундар, Ибн Улайя, Язид ибн Зурайъ, Абдулаъло ибн Абдулаъло, Ҳишом ибн Юсуф, Абдураззоқ ва бошқа муҳаддислар ривоят қилганлар. шунингдек устозларидан Айюб ва Абу Исҳоқ ҳам ривоят қилган.

Кўплаб уламолар у зотга қуйидагича таърифлар берганлар:

Имом Аҳмад: «Бирор кишини Маъмарга солиштирган бўлсам, ундан Маъмар устун эканини билдим».

Ибн Маин: «Зухрий борасида энг асосли илмга эга инсонлардан бири Маъмар ҳисобланади».

Абдураззоқ: «Маъмардан ўн мингта ҳадис ёзиб олганман».

Ибн Ҳиббон: «Ҳасан Басрийнинг жанозасига борган. Шу-йилдан бошлаб мутқин фақиҳлар ва тақволи хофизларданилм ўрганишни бошлаган».

Ибн Журайж: «Маъмардан илм ўрганинглари. Чунки бу даврда бундан кшра билимли олим қолмади».

Абдураззоқ: «Маън ибн Зоид Маъмарга тилло юборади. У рад этади ва буни ҳеч кимга билдирмайди».

Маъмарнинг ўзи ҳам шундай деган: «Ҳасан Басрий вафот этган-йилдан бошлаб илм ўрганишни бошладим. Ўн тўрт ёшимда Қатоладан ҳадис эшитдим. Ўша вақтда эшитганларим қалбимга муҳрланиб қолди. Имом Зухрийнинг олдида Русофада эканида борганман».

Энг асосли фикрга кўра хижрий 153-йилда вафот этган. 152 ва 154-йиллар деган қарашлар ҳам мавжуд. Яманда биринчи бўлиб китоб ёзган олим ҳам шу зот эди. У зотга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!

### **171. Муҳаммад ибн Абдурраҳмон**

Тўлиқ исми Абу Ҳорис Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Муғира ибн Ҳорис ибн Абу Зиъб Ҳишом ибн Шўба Қураший Омирий Маданийдир. Буюк муҳаддислардан, тақводор зотлардан бири бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Икрима, Аббоснинг мавлоси Шўба, Саид Макбурий, Шураҳбил ибн Саъд, Зухрий, Нофеъ, Солиҳ ва шу кабилар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: ибн Муборак, Яҳё Қаттон, Абу Нуайм, Қаънабий, Асад ибн Мусо, Аҳмад ибн Юнус, Али ибн Жаъд ва бошқалар.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Ибн Абу Зиъб саҳоба Саид ибн Мусайябга ўхшар эди». Аҳмадга «Унга ўхшаган одам қолдими», деганида «Йўқ» деб жавоб берган. Шунингдек, Аҳмад: «Моликдан афзал эди. Лекин, Молик ровийларни жуда қаттиқ саралар эди», деб айтган.

Воқидий бундай деган: «У хижрий саксонинчи-йилда туғилган. Одамлар ичида энг тақводори, афзали эди. Унга қадарий бўлган деган тухмат тошлари отилган. Лекин, қадарий бўлмаган. Ўзи уларни ёмон кўрар эди. Бутун тунни намоз билан бедор ўтказар эди. Ибодатга берилган зот бўлган. Унга «ертага Қиёмат бўлади» дейилган тақдирда ҳам бундан ортиқ амал қила олмас эди.

Менга инисининг айтишича кун ора рўза тутар, кўзлари киртайиб қолган, кечки овқат ўрнига нонни ёғга ботириб ер экан. Бир кўйлак ва бир ридо билан ёзу қишни ўтказар экан. Доимо ҳақ гапни айтадиган мард инсон бўлган. Ҳадисини ёддан айтар, китобга қарамас, Жумага эрта бориб ҳаммадан кейин чиқиб кетар экан. Яна, у сафодаги аждоқларидан

қолган ҳовлига бориб у ердаги ижарачилардан ҳақ олар, оқ сочларини бўямас экан. Ибн Ҳасан танилиб бошлагач унинг хизматини қилган. Амир Ҳасан ибн Зайд унга ҳар ойда беш динор жўнатар экан. Мадинага Жаъфар ибн Сулаймон ҳоким бўлгач унга юз динор жўнатган. Ундан ўн динорга кийим сотиб олиб олиб умр бўйи уни кийиб юрган. Шу кийимда Бағдодга келган. Одамлар кўярда кўймай унга минг динор берганлар ва буни қабул қилмагунча кўйишмаган. Қайтгач Куфада вафот этган».

Аҳмад бундай деган: «У Моликдан такводорроқ ва ҳақиқатга қаттикроқ курашадиган инсон бўлган. Халифа Мансурнинг ҳузурига кириб ҳақ гапни айтишдан кўрқмаган. Унга «дарвозангдан зулм уфуриб турибти», деб айтган.

Ибн Ҳиббон: «Ибн Абу Зиъб Мадинанинг энг обид, қори ва фақиҳларидан бўлган. Мадинадалиқлар ичида ҳақ гапни кўпроқ айтадиган одам бўлган», деб айтган.

Мисъаб Зубайрий: «Ибн Абу Зиъб Мадина фақиҳи бўлган» деган.

Абу Нуайм айтади: «Абу Жаъфар ҳаж қилган-йили мен ҳам ҳажга борганман. Унинг ёнида ибн Абу Зиъб ва Молик ҳам бор эди. Амир ёнига ибн Абу Зиъбни чақиртирди. Кейин Дорун Надвада ёнига ўтказиб унга «Ҳасан ибн Зайд ҳақида фикринг қандай?», деб сўради. У «Адолат қилишга ҳаракат қилган», деб жавоб берди. Кейин амир «Мен ҳақимда нима дейсан?», деди. Амир саволини такрорлади. Шунда у «Ушбу муборак уй ҳаққи (Каъбани назарда тутмоқда) сен золимсан», деб жавоб берди. Шунда Рабиъ унинг соқолидан тутган эди амир Абу Жаъфар «Ей Абу Лахно, уни кўйиб юбор», деди ва унга уч юз динор беришларини амр этди».

Ҳижрий 159-йилда вафот этган.

## 172. Шўба ибн Ҳажжож

Абу Бистом Шўба ибн Ҳажжож ибн Вирд Аздий Атакий ҳазратлари Басрада яшаб ўша ерда ҳадис айтган.

Ҳасан Басрий ҳазратларидан кўп масалалар эшитган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Муовия ибн Қурра, Амр ибн Мурра, Ҳакам, Салама ибн Кухайл, Анас ибн Сирин, Яҳё ибн Абу Касир, Қатода ва бошқалар.

Ундан ривоят қилганлар: Айюб Сихтиёний, Саврий, ибн Муборак, Ғундар, Одам, Аффон, Абу Довуд, Сулаймон ибн Ҳарб, Али ибн Жаъд ва бошқалар.

Ибн Мадиний унинг икки минга яқин ҳадислари борлигини айтган.

Саврий бундай дер эди: «Шўба ҳадис илмида мўминлар сардоридир».

Имом Шофеий: «Шўба бўлмаганида Ироқда ҳадис илми ривожланмас эди», деб айтган.

Абу Баҳр Бакровий айтади: «Шўбадан кўра Аллоҳга кўпроқ ибодат қиладиган одамни билмайман. Териси суягига ёпишиб қорайиб кетгунига қадар ибодат қилган».



Умар ибн Ҳорун: «Шўба жуда кўп рўза тутадиган зот бўлган» деган.

Абу Қатан айтади: «Шўба руку ёки сажда қилса намоздалигини унутиб қўйдиёв, деб ўйлар эдим».

Яхё Қаттон бундай деган: «Шўба жуда кўнгли бўш одам бўлган. Ёрдам сўраб келган одамга имкон борича ёрдамани аямаган».

Имом Ҳоким Шўбанинг таржимаи ҳолида қуйидагиларни айтган: «У Анас ибн Молик ва Амр ибн Саламаларни кўрган. Тўрт юзта тобейлардан дарс олган. Тобейлардан Саъд ибн Иброҳим, Мансур ибн Муътамир, Аъмаш, Айюб, Довуд ибн Абу Ҳинд ундан ҳадис ривоят қилган».

Абу Зайд Ҳаравий: «Шўба ҳижрий саксон иккинчи-йилда таваллуд топган» деб айтган.

Абу Қутайба айтади: «Куфага келганимда Суфён менга «Устозимиз Шўба нима қиляптилар?», деди».

Ҳаммод ибн Зайд агар Шўбадан ривоят қилса: «Буюклар буюги, фазилатли Абу Бистом Шўбанинг бизга айтишича», дер экан.

Шўба ҳазратларининг ўзи бундай дер экан: «Ҳадисларда ровийларни ноаниқ қилганимдан кўра осмондан йиқилиб ўлганим афзал». Шунингдек, «Ҳадис ўрганаман деган одам бор будидан айрилади. Онамнинг жомини ети динорга сотишга ҳам мажбур бўлганман», дер экан.

Аҳмад ибн Ҳанбал бундай деган: «Шўбанинг бир ўзи ҳадис илмида бутун бошли бир жамоага тенг келган».

Ибн Мадиний: «Шўба ровийлар борасида тенги йўқ бўлган. Суфён эса ҳар бир мавзуга ҳадис топишда кучли бўлган» деб айтган.

Асмаий айтади: «Шоирлик бобида Шўбадан олимроқ одамни кўрмаганман. У менга «Тириммоҳдан бир муддат шеърийат илмини ўрганганман», деб айтган».

Абу Довуднинг келтиришича Шўба бундай деган: «Шеър бўлмаганида Шаъабийни олиб келган бўлар эдим».

Абу Зайд Ансорий: «Ҳар бир уламо Шўбага бориб тақалади», деб айтган.

Абу Қатан ҳазратлари Шўбанинг қуйидаги гапларини келтиради: «Енг кўрқадиган нарсам ҳадиснинг ҳаққини адо эта олмай дўзахга кириб кетаманми деган ўйлардир». Шунингдек, «Мухаддис бўлгандан кўра, ўтинчими, ҳаммомчими бўлганимда эди», дер экан.

У кишининг фазилатлари жуда кўп бўлган.

Ҳижрий 160-йилда вафот этган.

Ҳишом Дастувоий тўғрисида маълумот юқорида ўтди.



### 173. Масъудий

Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Абдуллоҳ ибн Масъуд Ҳузалий Куфий фақиҳ зотлардан бири бўлиб Абу Умайс Утбанинг иниси бўлади.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Авн ибн Абдуллоҳ, Али ибн Ақмар, Алқама ибн Марсад, Саид ибн Абу Бурда, Зиёд ибн Илоқа, Амр ибн Мурра ва бошқалар.

Ундан ҳадис тинглаганлар: ибн Муборак, ибн Уяйна, ибн Маҳдий, Абу Муғира Ҳимсий, Язид ибн Ҳорун, Жаъфар ибн Авн, Абу Довуд, Абу Нуайм, Муқриъ, Али ибн Жаъд ва бошқалар.

У давлат ишларига ҳам аралашган. Эғнига қора чакмон кийиб, белида ханжар олиб юрган. Бошида эса узун бош кийими бўлган. Шунинг учун ҳам баъзи уламолар ундан ҳадис олмаганлар. Умрининг охирида ёддан айтган баъзи ҳадисларини бошқачароқ қилиб айта бошлаган.

Аҳмад, ибн Маин ва ибн Мадиний уни ишончли ровий эканини айтганлар.

Ибн Нумайр: «У ишончли муҳаддис бўлган. Охирги айтган ҳадисларида эса бироз ўзгаришлар бўлган», деб айтган.

Насоий эса: «Ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқ», деб айтган.

Абу Ҳотим айтади: «У ибн Масъудда ривоят қилинган ҳадислар борасида замондошларининг энг билимдони бўлган. Фақат вафотидан бир, ёки икки-йил олдин хотираси панд бера бошлаган».

Шўба уни ростгўй ровий эканлигини таъкидлаган.

Ҳижрий 160-йилда вафот этган.

### 174. Зиёд ибн Саъд

Абу Абдурраҳмон Зиёд ибн Саъд Хуросоний ҳазратлари ибн Журайжнинг шериги бўлади.

Амр ибн Динор, Зухрий, Амр ибн Муслим Жанадийдан ҳадис тинглаган.

Ундан Молик, ибн Уяйна, Абу Муовия ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилган.

Жуда ёш вафот этган. Насоий унинг ишончли муҳаддислардан бўлганини айтган.

Ибн Уяйнанинг айтишича Зухрийдан ривоят қилинган ҳадислар борасида энг кучлиси бўлган.

### 175. Қурра ибн Холид

Басранинг катта муҳаддисларидан бири бўлган.

Ибн Сирин, Абу Ражо Уторидий, Ҳасан Басрий, Язид ибн Шиххир кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан қуйидагилар ривоят қилган: Ҳарамий ибн Умора, Зайд ибн Хубоб, Абу Омир Ақадий, Яҳё Қаттон, Бакр ибн Баккор, Муслим ибн Иброҳим ва бошқалар.

Қаттон: «Устозларимиз ичида энг ишончлиси эди», деб айтган.  
Ҳижрий 154-йилда вафот этган.

### 176. Жарир ибн Ҳозим

Абу Назр Жарир ибн Ҳозим Аздий ҳазратлари Басранинг катта муҳаддис алломаларидан бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Абу Ражо Уторидий, Ҳасан, ибн Сирин, Товус, Ато, ибн Абу Мулайка, Нофеъ ва Ҳумайд ибн Ҳилол.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: ўғли Ваҳб, устози Айюб Сихтиёний, икки Суфён, ибн Ваҳб, Шайбон ибн Фаррух, Абу Рабиъ Заҳроний, Абу Наср Таммор ва бошқалар.

Мусо ибн Исмоилнинг айтишича Ҳаммод ибн Салама ҳазратлари Жарир ибн Ҳозимни бошқача ҳурмат қилар экан.

Ваҳб айтади: «Шўба отамнинг олдига масала сўраб келар экан».

Ваҳб отасининг куйидаги сўзларини келтирган: «Ҳасан Басирдан ети-йил дарс олдим. Ундан бир кун ҳам айрилганим йўқ». Шунингдек, Ваҳб: «Отам Амр ибн Алога қироат қилиб берганида уотамга «Сени ўқишинг Мааддникдан яхшироқ экан», деб айтган.

Ҳижрий 177-йилда тўқсон ёшларда оламдан ўтган. У: «Анас вафот этганда мен беш ёшда эдим», деб айтган. Шунингдек, хажга борганида Маккада Абу Туфайлнинг жанозасида қатнашганини айтган.

### 177. Язид ибн Иброҳим

Асли Эроннинг Тустар шаҳридан. Юз мингдан ортиқ ҳадисни тўлиқ матни ва санадлари билан ёддан билган. Куняси Абу Саид бўлиб Басрий нисбаси ҳам мавжуд.

Ҳасан, Муҳаммад ибн Сирин, ибн Абу Мулайка, Ато, Абу Зубайр ва Қатодалардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан ҳадис ривоят қилган муҳаддислар: Вакиъ, ибн Маҳдий, Аффон, Абулвалид, Қаънавий, Абу Салама Минқорий, Ҳудба, Шайбон ва бошқалар.

Имом Аҳмад ва бошқалар уни ишончли ровийлар сафига киритган. Шунингдек, Аффон у кишини кўкларга кўтариб таъриф қилган.

Ибн Мадинийнинг эътироф этишича Ҳасан ва ибн Сиринлар уни маълум ва машҳур муҳаддислар сафига киритганлар.

Ибн Қониъ уни ҳижрий 162-йилда вафот этганлигини айтган. Бошқа манбааларда 161-йилда вафот этганлиги қайд қилинган. Аллоҳ ўтган азизларни раҳмат қилган бўлсин!

### 178. Муборак ибн Фазола

Буюк муҳаддислардан бири. Куняси Абу фазола бўлиб, «Қуроший», «Адавий» ва «Басрий» нисбалари бор. Қурайшликларнинг озод қилинган кулларидан бири. (Халифа ибн Хайёт уни Зайд ибн хаттобнинг озод қилган кули эканлигини айтган бўлса, Муҳаммад ибн Саъд унинг Умар

ибн Хаттобнинг озод қилган қулларидан бири эканлигини зикр қилган). Шунингдек, ўз даврида Басранинг катта уламоларидан бири саналган.

Муборак ибн Фазола саҳоба Анас ибн Моликни намоз ўқиётганда кўрганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Ҳасан, Бакр ибн Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Мункадир, Собит каби кўплаб муҳаддис уламолардан ҳадис ривоят қилган.

Муборак ибн Фазоладан ҳадис ривоят қилган ровийлар кўп бўлиб, шулардан асосийлари қуйидагилар: Вакиъ, Аффон, Муслим, Сулаймон ибн Ҳарб, Саъдавайх, Худба, Шайбон ва бошқалар.

Яҳё Қаттон уни доимо ўзгача ҳурмат билан ёдга олган.

Ибн Муин ўзининг «Таҳзибул Камол»,асарида эса «У солих кишилардан биридир», деб айтган.

Абу Довуд Таёлисий бундай деган: «Кўпинча ҳадисларни кимдан олганлигини очикламай кетган. (Ҳадис илмида ровийларни очикламай кетиш «тадлис», дейилади, бундай ҳадисни ривоят қилган одамни эса «мудаллис», деб аталади). Лекин, бордию ҳадис ривоятида «ҳаддасано» (бизга ҳадисни айтиб берди) сўзини ишлатган бўлса ўша ҳадиснинг ровийлари аниқ келтирилган бўлади».

Аффон уни ишончли ровийлар қаторида санаб «У парҳезкор такводорлардан бири бўлган», деб айтган.

Имом Аҳмад у ҳақда бундай деган: «Ҳасандан ривоят қилган ҳадислари ишончлидир».

Муборак ибн Фазоланинг ўзи «Ҳасандан ўн уч-йил дарс олдим», деб эслайди.

Абу Ҳотам: «У мен учун Робиъ ибн Сабиҳдан афзалроқ», деган.

Имом Насоий у кишининг ҳадисларини «заиф»,ҳадислар қаторига кўшган.

Ибн Адий эса: «деярли барча ҳадисларини тўғри деган фикрдаман», деган.

Кўпчилик уламолар уни хижрий 164-йилда вафот этганлигини тасдиқлайди. Ибн Саъд эса «165-йилда вафот этган», деб айтган.

### **179. Ҳаммом ибн Яҳё**

Машҳур ровийлардан бири. Ҳадис илмида «Ҳофиз» деган юксак номга сазовор бўлганлардан. Куняси Абу Абдуллоҳ бўлиб, баъзан Абу Бакр атамаси билан ҳам учрайди. Азднинг Авз деб аталадиган қабиласидан бўлиб шу ерлик аҳолилардан бири унинг озод қилган ҳожаси ҳисобланади. Отаси Басрада қассоблик билан шуғулланган.

Ҳасан, Ато, Нофеъ, Абу Жамра, Яҳё ибн Абу Касир каби кўпчилик муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса ибн Маҳдий, Ҳиббон, Аффон, Ҳажжож ибн Минҳол, Мусо ибн Исмоил, Худба ва Шайбон ибн Фаррух ҳадис ривоят қилган.

Имом Аҳмад: «У барча ҳадис ривоятчилари учун маълум ва машҳурдир», деб айтган.

Ҳаммом ибн Яҳё у борасида Басрада ҳадис пешволаридан бири бўлиб, кўпчилик унинг ишончли ровий эканлигини эътироф этган.

Абу Ҳотим у ҳақда қуйидаги фикрларни билдирган: «У ишончли ровийлардан бири. Қанча ҳадисни ёддан билганлиги ҳақида эса аниқ маълумотлар мавжуд эмас».

Табузакий шундай деган: «Мен ҳаммомнинг «Умрим давомида нимаики яхши амал қилган бўлсам уни Аллоҳ учун ва савоб умидида қилганман. Фақат ҳозирги шу гапим ортиқча бўлди холос», деганини эшитганман».

Ҳаммом ибн Яҳё бир юз олмиш тўртинчи ҳижрий сананинг Рамазон ойида оламдан ўтган.

### 180. Абон ибн Язид

Ишончли ровийлардан бири бўлиб, асли Басралик. Абу Язид кунyasi билан машҳур. Унга нисбатан «Аттор» (атр билан шуғулланувчи) атмаси ҳам ишлатилади.

Ҳасан Басрий, Абу Имрон Жавний, Қатода, Амр ибн Динор, Яҳё ибн Абу Касир, Будаил ибн Майсаралардан ҳадис ривоят қилган. Бироқ Ҳасан Басрийдан ривоят қилган ҳадислари кўп эмас.

Абон ибн Язиддан эса, Абу Довуд, Ҳиббон, Муслим, Аффон, Мусо Табузакий, Ҳудба, Шайбон ибн Фаррух кабилар ҳадис ривоят қилганлар.

Имом Аҳмад: «Барча муҳаддислар наздида маълум ва машҳур ровийлардан бири саналади», деб айтган.

Ибн Маин ва Насойлар ишончли ровийлар сирасига киритганлар.

Ижлий бундай деган: «У ишончли ровий саналади. Шу билан бирга уни қадарийлардан деган гап бўлсада, ўзи бу мавзуда гап очмаган».

Аҳмад ибн Зухайр айтади: «Ибн Маиндан Абон ва Ҳаммом ҳақида фикри сўралганида «Яҳё ибн Саид Абондан ривоят қилар ва уни Ҳаммомдан афзал деб билар эди. Менга эса Ҳаммом афзалроқ», деб жавоб берган».

Абу Ҳотим: «Унинг ҳадислари нотўғри эмас» деган.

Абон ибн Язиднинг вафоти тўғрисидаги аниқ маълумотларни эса манбаалардан ўрганиб чиқиш керак.

### 181. Ҳаммод ибн Салама

Тўлиқ исми Ҳаммод ибн Динор Абу Салама. Араб тили, ҳадис борасида Ислом оламининг етук алломаларидан бири ҳисобланади. У асли Басралик бўлиб газмол савдоси билан шуғулланган.

Тоғаси Ҳумайд Тавил, шунингдек, ибн Абу Мулайка, Абу Жамра Зубайй, Муҳаммад ибн Зиёд Жумаҳий, Анас ибн Сирийн, Абу Имрон Жавний, Қатода, Симок ибн Ҳарб, Собит Буноний каби кўплаб муҳаддислардан ҳадис тинглаган.

Ҳаммод ибн Саламадан ҳадис ривоят қилган муҳаддислар ичида қуйидагилар бор: ибн Муборақ, Қаттон, ибн Махдий, Аффон, Қаънабий, Абдульаъло ибн Ҳаммод, Шайбон ибн Фаррух, Ҳудба ва бошқалар.

Шуъба шундай деган: «Ҳаммод ибн Салама менга Аммор ибн Абу Аммордан ҳадис айтар эди».

Вухайб: «У бизни ичимизда пешво ва энг билимдонимиз эди», деб айтган.

Аҳмад ибн Ҳанбал бундай деган: «Ҳаммод ибн Салама ҳаммадан кўра Собит Бунонийни яхшироқ таниган ва Ҳумайддан ривоят қилган ровийларнинг ичида энг машҳуридир».

Ибн Маин уни ишончли ровийлардан эканлигини келтирган.

Шихоб ибн Муаммар: «Ҳаммод ибн Салама абдоллардан бири бўлган», деб айтган.

Ҳаммод ибн Салама роҳматуллоҳи алайҳи ибн Абу Арубадек ҳадис бобида биринчи китоб тасниф қилган олимлардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, у араб тили, фикҳ, нутқ илмида тенги йўқ, суннатни маҳкам тутган табаррук зотлардан бири бўлган.

Ибн Маҳдий айтади: «Ҳаммод ибн Саламага ўлим эслатилганида кўрққанидан ҳеч нарса қила олмайдиган даражада қарахт аҳволга тушар эди».

Аффон шундай деган: «Зоҳиран Ҳаммод ибн Саламадан кўпроқ ибодат қиладиганларни кўрган бўлсамда, яхшиликда, Қуръон тиловатида, Аллоҳ учун амал қилишда унга ўхшашини учратмадим».

Юнус Муаддиб уни намоз ўқиётган вақтида вафот этганлигини айтган.

Кўпчилик муҳаддислар айтадиларки «Агар кимдир Ҳаммод ибн Салама тўғрисида ёмон гапни айтса унинг мусулмон эканлигида шубҳа бордир».

У зотнинг фазилатлари ҳақида жуда кўп маълумотлар бор. Аллоҳ Ўзи рози бўлсин!

Ҳаммод ибн Салама ҳазратлари ҳижрий 167-йили Қурбон ҳайити куни саксон ёшлар чамасида оламдан ўтган.

## 182. Суфён ибн Саид ибн Масрук

«Шайхул Исломи», «Ҳофизлар саййиди», «Фақиҳ» деган мақомларга сазовор бўлган бу муборак зотнинг кунялари Абу Абдуллоҳ бўлиб «Саврий», «Куфий» нисбалари билан машур бўлган. Савр бу Музор қабиласига тегишли, Ҳамдонга эмас.

Ҳадис ўрганган устозлари: аввало оталари, Зубайд ибн Ҳорис, Ҳубайб ибн Абу Ҳорис, Асвад ибн Қайс, Зиёд ибн Илоқа, Муҳориб ибн Дисор ва бошқалар.

Ҳадис илмида шогирдлари эса қуйидагилар: Ибн Муборак, Яҳё Қаттон, ибн Ваҳб, Вакиъ, Фирёбий, Қабиса, Абу Нуайм, Муҳаммад ибн Касир, Аҳмад ибн Юнус ва яна кўплаб олиму фузалолар.

Кўпчилик муҳаддислар, жумладан Шўба ва ибн Маинлар «Суфён ҳадис борасида мўминларнинг раҳбаридир», деган гапни айтганлар.

Ибн Муборак шундай деган: «Бир минг бир юз устоздан илм ўргандим. Уларни ичида энг афзали Суфёндир».



Шўба: «Суфён мендан кўра кўпроқ ҳадис билади ва зеҳни ҳам ўткирроқдир», деган.

Варқо эса бундай деган: «Суфён ўз даврининг яғонаси бўлган».

Имом Аҳмад у зот ҳақларида: «Мен учун ундан кўра ҳеч ким афзал бўла олмайди», деган илиқ гапларини айтганлар.

Қаттон жумладан шундай деган: «Ундан кўра кўпроқ ҳадисларни матни ва тўлиқ ровийлари билан биладиган муҳаддисни кўрмаганман. Қайси ҳадис ҳақида савол берсам ҳам қийналмай жавоб берар эди».

Абдурраззоқ ҳазратлари Суфён Саврийнинг «Қалбимдаги ҳеч бир омонатга хиёнат қилинмаган», деган гапларини келтирган.

Авзойи ҳам Суфён Саврий ҳақида фикр билдириб бундай деган: «Суфёндан бўлак уммат ичида барча ишонадиган ва бирдек қабул қиладиган одам қолмади».

«Ер юзида Суфёндан кўра олимроқ одамни билмайман», деган эди ибн Муборак.

Вакиъ эса «Суфён илмда денгиздир», дер эди.

Қаттон шунингдек: «Суфён ҳар томонлама Моликдан устундир», деган фикрни билдирган.

Абу Усома шундай деган: «Ким сенга Суфёнга ўхшаш олимни кўрганман деса унга ишонмагин».

Суфён Саврийнинг шундай гаплари бор: «Илмим фойда бериши у ёқда турсин, зарар бермаслигининг ўзи ҳам катта гап. Энг кўрқадиганим ўзимдаги ҳадис илми жавобгарлигидир». Шунингдек, бундай деганлар: «Агар ният тўғри бўлса ҳадис ўрганишдан афзал амал бўлмайди».

У зотнинг фазилятлари жуда кўп. Бу ҳақда ибн Жавзий алоҳида бир китоб тасниф қилган.

Солиҳ Жазара айтади: «Суфённинг зеҳни Моликникидан яхшироқ бўлган ва ундан кўпроқ ҳадис билган. Лекин, Молик ҳадис ўрганишда одамларни саралар эди. Суфён ҳазратлари Шўбага қараганда ҳадисларнинг матни ва ровийлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлган. Суфён айтган ҳадислар ўттиз мингга бўлган бўлса, Шўбанинг ҳадислари сони ўн минг атрофида бўлган».

Суфён Саврий ҳижрий 97-йили таваллуд топган ва ёшлигиданок илм ўргана бошлаган. Дастлаб илмни отасидан олган. Чунки, отаси Куфа уламоларидан бири бўлган.

Суфён Саврий ҳижрий 161-йилнинг Шаъбон ойида вафот этган.

### 183. Молик ибн Анас

Мазкур ровийнинг тўлиқ исмлари Молик ибн Анас ибн Молик ибн Абу Омир ибн Амр ибн Ҳорисдир. Ҳадис илми билимдонларидан бири. Юз мингдан ортиқ ҳадисларни матни ва ровийлари борасида тўлиқ маълумотга эга бўлган муҳаддислардан бири. У зотни аҳли илмлар «Шайхул Ислому», «Уммат билимдони», дея улуғлашган. Кунялари Абу Абдуллоҳ бўлиб, «Асбаҳий», «Маданий» нисбалари билан машҳур бўлган. Мадиналик муҳаддислардан бири саналади. Толҳанинг биродари



бўлмиш Усмон ибн Убайдуллоҳ Таймий Мадиналик муҳаддисларни биринчи ўринга қўйган.

Ҳадис ўрганган устозлари: Нофё, мақбурий, Нуайм Мужмир, Зухрий, омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр, ибн Мункадир, Абдуллоҳ ибн Динор ва бошқалар.

Ҳадис ривоят қилган шогирдлари: ибн Муборак, Қаттон, ибн Маҳдий, ибн Ваҳб, ибн Қосим, Қабнабий, Абдуллоҳ ибн Юсуф, Саид ибн Мансур, Яҳё ибн Яҳё Нисёбурий, Яҳё ибн Яҳё Андалусий, Яҳё ибн Букайр, Қутайба, Абу Мисъаб Зухрий, Абу Ҳузофа Саҳмий ва яна бир қанча муҳаддислар.

Имом Молик ҳазратлари Мадинага келганларида Ато ибн Абу Рабоҳни кўрган.

Абдуллоҳ ибн Аҳмад айтади: «Отамдан «Зухрий шогирдлари ичида энг илмлиси ким?» деб сўраганимда «Молик ҳар соҳада илмли бўлган» деб жавоб бердилар».

Ибн Маҳдий хаазратлари ҳеч кимни Моликдан устун билмас ва «У Ҳакам ва Ҳаммоддан кўра фақиҳроқдир», дер эди.

Имом Шофеий ҳазратлари эса бундай деганлар: «Уламолар ичида Молик йўлчи юлдуз кабидир. Молик ва ибн Уяйна бўлмаса Ҳижозда илм қолмайди».

«Молик ва Лайс бўлмаганида адашиб кетган бўлар эдик», деган эди ибн Ваҳб.

Шўба айтади: «Нофёнинг вафотидан бир-йил ўтиб Мадинага келдим. Қарасам бу ерда Молик дарс берар экан».

Имом Молик ҳазратларининг қуйидаги гапларига эътибор қаратинг: «Етмишта уламо рухсат берганларидан кейингина фатво бера бошлаганман».

Имом Шофеийнинг қуйидаги гаплари бор: «Ер юзида Моликнинг «Муватто» сидантўғрироқ китоб йўқ».

Имом Моликнинг вафот этганликлари тўғрисидаги хабар ибн Уяйнага етганида «дунёда ҳеч ким у кишичалик илмий мерос қолдирмаган», деган эканлар.

Ибн Маин: «Айюб ва Убайдуллоҳдан кўра менга Молик афзалроқ», деб айтган.

Вухайб бундай деган: «Ҳадис билимдонларининг раҳбари Моликдир».

Жиянлари бўлмиш Исмоил ибн Абу Увайс у зотни шундай хотирлайди: «Тоғам Молик ҳар доим фатво айтишидан олдин «лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаҳ», дер эди».

Абу Бакр Шофеий Қози Исмоилнинг бундай деганларини келтирган: «Абу Мисъабнинг бундай деганини эшитганман: «Молик йигирма беш-йил одамларга аралашмаган. Ундан нега бундай қилганини сўраганида «Ёмон ишни кўриб қолиб кейин уни тўғирлаб ўтиришга вақтим кетиб қоладими деб кўрққанман», деб жавоб берган».

Ибн Вахб айтади: «Хижрий 148-йили хажга бордим. Ҳар тонгда бир жарчи «Фатвони фақат Молик ва Абдулазиз Можишунлар беради», дер эди».

Абу Ҳотим ибн Ҳиббон Бустий бундай деган: «Молик роҳимаҳуллоҳ табаа тобейлар ичида энг олими, энг катта фақиҳ ва солиҳ инсонларнинг бири эди. У зот суннатни маҳкам тутган, энг кўп ҳадис билганлардан бири эди. Бордию, суннатга хилоф қилганларни, уни ўзгартирмоқчи бўлганларни кўрса уларга қарши қаттиқ курашар эди. Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини ҳар қандай бидъатлардан, одатлардан устун билган. Ҳар хил нотўғри қиёсларни кўйиб фақат суннатдан сўзлар эди».

Маъннинг айтишича, имом Молик Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва салламнинг гапларини айтишда «ё» ва «то», ҳарфларига алоҳида аҳамият қаратган. (Чунки, мазкур икки ҳарф нуқтасиз ёзилганда бир хил шаклга эга бўлади ва уларни фарқлаб бўлмай қолади).

Имом Молик саксон олти йил умр кўрганлар.

Ишончли манбааларга кўра у зотнинг туғилган саналари деб хижрий тўқсон учинчи-йил кўрсатилган. Айрим манбааларда эса тўқсон иккинчи-йил эканлиги келтирилган. Яна баъзиларида тўқсон олтинчи-йил деб кўрсатилган. Вафотлари эса хижрий 179-йилга тўғри келади.

#### **184. Иброҳим ибн Таҳмон**

Ҳадис соҳаси буюкларидан бири бўлган Мазкур ровийнинг кунялари Абу Саиддир. Аввал Ҳиротда, кейинчалик Нишопурда яшаган. Хуросон катта уламоларидан бири ҳисобланади.

Ҳадис соҳасидаги устозлари: Симок ибн Ҳарб, Амр ибн Динор, Муҳаммад ибн Зиёд Жумаҳий, Абу Жамра, Собит Буноний, Абу Исъҳоқ ва шу кабилар.

Иброҳим ибн Таҳмондан ҳадис ривоят қилган муҳаддислар: ибн Муборак, Ҳафс ибн Абдуллоҳ, Маън бин Исо, Холид ибн Наззор Айлий, Муҳаммад ибн Синон Авақий, Абу Ҳузайфа Наҳдий ва Саъд ибн Язид Фарро.

Иброҳим ибн Таҳмондан устозлари ҳам ҳадис ривоят қилган. Шулардан Абу Ҳанифа ва Сафвон ибн Сулаймларни келтиришимиз мумкин.

Исъҳоқ ибн Роҳавайҳ айтади: «Ҳадислари саҳиҳдир. Хуросонда ундан кўпроқ ҳадис биладиган одам бўлмаган».

Абу Ҳотимнинг келтиришича ҳадислари саҳиҳ, муржийларнинг бири бўлган.

Имом Аҳмаднинг айтишича жаҳмийларга қарши қаттиқ курашган муржийлардан бўлган.

Абу Зуръа бундай деган: «Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ёнларида эдим. У бир касаллик туфайли ёнбошлаб олган эди. Шунда Иброҳим ибн Таҳмон ҳақида гап кетди. У ўтириб олдида «Солиҳлар ҳақида гап кетганда ёнбошлаш ярамайди», деб айтди».

Иброҳим ибн Таҳмон умрининг охирги қисмида Маккада яшаган. Ҳижрий 163-йилда вафот этган.

### 185. Исроил ибн Юнус

Тўлиқ исми Абу Юсуф ибн Абу Исҳоқ Сабийъий бўлиб Куфада яшаган. Ҳадис илмида пешволардан бири, муҳаддислар истилоҳида «ҳофиз» бўлган кишидир.

Кўпроқ бобосидан, шунингдек, Зиёд ибн Илоқа, Симок ибн Ҳарб, Мансур ибн Муътамир каби муҳаддислардан ҳадис эшитган.

Ҳадис ўрганган шогирдлари: ибн Маҳдий, Абу Нуайм, Муҳаммад ибн Юсуф Фирёбий, Абдуллоҳ ибн Ражо Ғудоний, Аҳмад ибн Юнус, Али ибн Жаъд ва бошқалар.

Ҳадис бобида гапи олинадиган, ишончли муҳаддислардан бири бўлган. У ҳақдаги бошқа гапларга эътибор қаратиб ўтирилмайди.

Исо ибн Юнус айтади: «Биродарим Исроил менга «Отам Исҳоқнинг ҳадисларини худди Қуръон ўргангандек тинглар эдим», деб айтди».

Ибн Маин ва бошқалар Исроил ибн Юнусни ишончли ровийлар қаторида санашган.

Яҳё Қаттон: «Исроил ҳадисда Абу Бакр ибн Айёшдан устун туради», деган.

У киши ҳижрий 162-йили оламдан ўтган. Айрим манбааларда 161-йилда вафот этганлиги келтирилган.

### 186. Зоида ибн Қудома

У зот ҳадис илми билимдонларидан, гапи олинадиган муҳаддислардан саналган. Кунyasi Абу ас-Солт бўлиб, «Сақафий» ва «Куфий» нисбалари бўлган.

Ҳадисда устозлари: Зиёд ибн Илоқа, Абдулмалик ибн Умайр, Мансур, Симок, Мусо ибн Абу Оиша ва шу қабилар.

Ибн Уяйна, Ҳусайн Жуъфий, ибн Маҳдий, Муовия ибн Амр, Абу Нуайм, Толқ ибн Ғанном, Абу Ҳузайфа Наҳдий, Аҳмад ибн Юнус ва бошқалар у кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳадисда даражаси Шўба каби муҳаддислар билан бир қаторда туради.

Абу Довуд Таёлисий у ҳақда шундай деган: «У бидъатчиларга ҳадис айтмас эди».

Абу Усома: «У энг ростгўй ва яхши инсонлардан бири бўлган», дея таъкидлаган.

Абу Ҳотим ар-Розий эса: «Суннатни маҳкам тутган ишончли ровийлардан бири» деб айтган.

Айрим маълумотларда Рум ерларига яқин жойда вафот этганлиги қайд қилинган. Ҳижрий 161-йилнинг бошларида вафот этган. Туғилган санаси маълум бўлмасада, айримлар уни кексайиб вафот этганлигини келтирганлар.

### 187. Ҳасан ибн Солих

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Ҳасан ибн Солих ибн Ҳай Ҳамдоний Куфий бўлиб, тақводор, фақиҳ ва ўз даврининг пешво зотларидан саналган. Исроил билан бир-йилда, яъни юзинчи ҳижрий-йилда туғилган. Муҳаддис Али ибн Солихнинг туғганлар эгизаги бўлган.

Салама ибн Куҳайл, Абдуллоҳ ибн Динор, Мансур ибн Муътамир, Исмоил ибн Абдурраҳмон Суддий, Симок ибн Ҳарб ва яна бир қанча муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Ҳасан ибн Солихдан эса Вакиъ, Яҳё ибн Одам, Яҳё ибн Фузайл, Убайдуллоҳ ибн Мусо, Абу Нуайм, Қабиса, Аҳмад ибн Юнус, Али ибн Жаъд ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Нуайм у ҳақда шундай деган: «Саккиз юз муҳаддисдан ҳадис ёзиб олдим. Шулар ичида Ҳасан ибн Солихдан афзалини кўрмадим».

Абу Ҳотим: «У ишончли ровий, юз мингдан ортиқ ҳадисни матнлари ва ровийлари билан тўлиқ билган ва ҳадисида камчиликлар кузатилмайди», деган.

Имом Аҳмад ҳам уни ишончли ровийлар сирасига киритган.

Абу Заръа у кишини сифатлаб жумладан шундай деган: «У ишончли бўлиши билан бирга, ҳадисларида нуқсон йўқ, фақиҳ, ибодатгўй ва парҳезкор бўлган».

Вакиъ уни Саид ибн Жубайрга ўхшатган.

Ибн Адийнинг у ҳақда «Унинг бирортаҳадисни нотўғри айтганини билмайман», деган гапи бор.

Ҳасан ибн Солих ҳижрий 167-йилда вафот этган. Тутинган иниси Али эса ҳижрий 154-йилда оламдан ўтган.

### 188. Шайбон ибн Абдурраҳмон

Куняси Абу Муовия бўлиб асли Тамимдан. Шу ерлик бир киши уни озод қилган. «Нахвий», деган нисбаси бўлиб, Басрада яшаб ижод қилган. Ҳадис бобида «ҳофиз»лардан. Амирлардан бири Довуд ибн Алининг фарзандларига тарбия берган.

Манбааларда келишича «Нахвий», нисбаси Азд қабиласи таркибига кирувчи Нахв ибн Шумс жамоасидан келиб чиққанлиги учун берилган. Ибн Абу Довуд ва бошқалар эса бу ном араб тили билимдони бўлганлиги учун берилганлигини таъкидлашган.

Ҳасан Басрийдан озгина ҳадис ривоят қилган. Бундан ташқари, Қатода, Ҳакам, Ҳилол ал-Ваззон, Яҳё ибн Абу Касир, Зиёд ибн Илоқа ва Мансур ибн Муътамирлардан ҳам ҳадис ривоят қилган.

Шайбон ибн Абдурраҳмондан ҳадис ривоят қилган муҳаддислар қуйидагилар: Ҳасан ибн Мусо ал-Ушайб, Ҳусайн Маррузий, Убайдуллоҳ ибн Мусо, Юнус ибн Муҳаммад Муаддиб, Одам ибн Абу Иёс, Али ибн Жаъд ва бошқалар.

Ибн Маин ва бошқалар уни ишончли муҳаддис деб айтган.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «У барча ҳадис билимдонлари наздида маълум ва машҳурдир», деб айтган.

Ёқуб ибн Саддусий шундай деган: «У Қуръони каримнинг нозил бўлган шевалари ва ўқилиш услублари соҳасида етакчи билимдонлардан саналган».

Ҳижрий 164-йилда саксон ёшлар атрофида вафот этган.

### 189. Саид ибн Абдулазиз

Куняси Абу Муҳаммад бўлиб «Таннухий», нисбаси билан машҳур. Дамшқнинг энг катта фақиҳларидан бири саналади. Ҳадис бўйича юксак мақомга эга.

Ибн Омирдан Қуръони карим бўйича ижоза олган. Ҳажга бориб Ато ибн Абу Рабоҳдан масала сўраган. Вояга етиб Нофеъ, Рабиъа ибн Язид, Зухрий, Қатода, Билол ибн Саъд кабилардан ҳадис тинглаган.

Саид ибн Абдулазиздан ҳадис ривоят қилган муҳаддислар: ибн Муборак, ибн Маҳдий, Абдурраззоқ, Яҳё Вуҳозий, Абу Осим, Абу Муғира Ҳимсий, Абу Мусъҳир Ғассоний, Абу Наср ат-Таммор, Яҳё бин Башир Жаририй ва бошқалар.

Ҳижрий тўқсонинчи-йилда туғилган.

У зот: «Мен ҳадисни ёзиб ўтирмайман» дер эди.

Ибн Маин: «Унинг гапи ҳужжатдир», деган.

Имом Аҳмад бундай деганлар: «Шомда ҳадиси энг саҳиҳ одам шудир».

Имом Ҳоким: «Ҳижоз аҳлида энг пешқадами, фақиҳроқ олими ва омонатдори Молик бўлганидек у ҳам Шом аҳлининг имомидир», деб айтган.

Абу Назр Фародийсий бундай деган: «Намозда кўз ёшлари бўйрага оққанини эшитар эдим».

Саид ибн Абдулазизнинг ўзлари «Ҳар намозда менга жаҳаннам кўринади», деб айтганлар. Шунингдек у киши кечаларини бедор ўтказар ва «Бу дунёда жим туриб тинглаш ва орифга айланганидан кейингина гапиришдан бошқа яхшилик йўқ», дер эдилар. Жамоат намозига улгурмай қолсалар ҳам йиғлар эдилар.

У зот аниқроқ маълумотларга қараганда ҳижрий 167-йилда вафот этган. Айримларида 163-йилдалиги келтирилган.

### 190. Сулаймон ибн Муғира

Юз мингдан зиёд ҳадиси шарифни матни, ровийлари билан тўлиқ ёддан билган. Барча муҳаддисларга маълум ва машҳур бўлган ҳадис билимдони. Куняси Абу Саид бўлиб Қайс кабиласидан бўлган. Басраликлар томонидан озод қилинган.

Ҳасан Басрий, ибн Сирин, Ҳумайд ибн Ҳилол, Собит Буноний ва кўплаб улуғ зотлардан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан ҳадис ривоят қилганлар қуйидагилар: ибн Муборак, Қаттон, ибн Маҳдий, Абу Салама, Асад ибн Мусо, Қаънабий, Шайбон ибн Фаррух ва бошқалар.



Ибн Маин у кишини ишончли ровийлардан бири эканлигини айтган.

Имом Аҳмад ҳам у кишини мажхул муҳаддислардан эмаслигини таъкидлаган.

Шўба: «У Басраликларнинг энг олим кишисидир», деб айтган.

Хурайбий бундай деган: «Басраликлар ичида ундан афзалини кўрмадим».

Сулаймон ибн Ҳарб ҳадис айтганида «Бизга бу ҳадисни адолатли, ҳаммага бирдек манзур бўлган, ишончли ва омонатдор Сулаймон ибн Муғира айтиб берди», дея сифатлаган.

Ҳижрий 165-йилда оламдан ўтган.

### **191. Шуайб ибн Абу Ҳамза**

Муҳаддислар ичида гапи ҳужжат бўладиган, ҳадис лафзларида адашмайдиган зотлардан бири. Тўлиқ исми Абу Бишр Шуайб ибн Динор ал-Умавий бўлиб Ҳимслик бир киши томонидан озод қилинган.

Ҳадис ривоятида устозлари: Нофеъ, Зухрий, ибн Мункадир, Абдулвахҳоб ибн Бухт, Икрима ибн Холид ва бошқалар.

Шуайб ибн Абу Ҳамзадан ҳадис ривоят қилган муҳаддислар: ўғли Бишр, Валид ибн Муслим, Абу ал-Ямон, Али ибн Айёш ва шу кабилар.

Зеҳни ўткир, хуснихати жуда чиройли бўлган. Имом Зухрийнинг оғизларидан чиққан кўпгина тавсияларни султон Ҳишом ибн Абдулмалик учун қоғозга кўчириб берган.

«Маккагача Зухрийга йўлдош бўлдим. Сафар давомида Қуръони каримни тўлиқ ундан ўтказиб олдим», деб айтган эди Шуайб.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «У Уқайл ва Юнусдан афзал, Зубайдийнинг даражасидаги муҳаддисдир. Ровийлари тушиб қолган ҳадисларни жуда кам ривоят қилган» деб айтган.

Алий ибн Айёш Ҳимсий айтади: «Шуайб биз ҳурмат қиладиган инсонлардан бири эди. Жуда кам ҳадис ривоят қилган. Ибодат бобида ҳам бутунлай бошқача одам бўлган».

Яҳё Вухозий у кишининг ҳижрий 163-йилда вафот этганлигини айтган бўлса Язид ибн Абду Роббиҳ 162-йилда оламдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотни келтирган.

### **192. Абдулазиз ибн Абдуллоҳ**

Салама исми фарзанди бўлган. Нисбаси «Таймий», бўлиб, бир вақтлар Мадиналик Абу Абдуллоҳ Можишун унинг ҳожаси бўлган.

Зухрий, Абдуллоҳ ибн динор, Саъд ибн Иброҳим, Ваҳб ибн Кайсон, Абдуррахмон ибн Қосим ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса ибн Маҳдий, Абу Нуайм, Ҳажжож ибн Минҳол, Абдулазиз ибн Абдуллоҳ Увайсий, Али ибн Жаъд, Яҳё ибн Букайр, Аҳмад ибн Юнус ва бошқа кўплаб муҳаддислар ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳақиқий Аллоҳнинг назари тушган уламолардан бири бўлган.



Кунларнинг бирида Жаҳмнинг гапани эшитиб қолиб «Бу уйсиз вайроналик ва маъносиз феъл атвордан бошқа нарса эмас», деб айтган.

Ибн Ваҳб айтади: «Ҳажга борганимда бир кишининг «Одамларга Молик ва Абдулазиз ибн Абу Саламаларгина фатво беради», деганини эшитдим».

Аҳмад ибн Комил у кишининг ёзган китоблари бўлиб уларни ибн Ваҳб ривоят қилганини келтирган.

Ибн Маин ва бошқалар у кишининг ишончли муҳаддислардан бири эканлигини айтган.

Абулвалид Таёлисий: «У вазир бўлишга арзийдиган одам бўлган», деган.

Ибн Ҳиббон у ҳақда жумладан бундай деган: «У Мадиналик фақиҳлардан бири бўлиб Макка ва Мадиналик фақиҳлар йўлидан юрар, уларнинг гапларини ҳимоя қилар, усулий қоидалари асосида бошқа масалаларга ечим топар эди. Ҳижрий 166-йилда Ироқда вафот этган».

Бошқа манбааларда 164-йилда вафот этганлигини айтганлар.

### 193. Фулайх ибн Сулаймон

Тўлиқ исми Фулайх ибн Сулаймон Абу Яҳё ал-Адавий бўлиб бир пайтлар Мадиналик Абдулмалик исмли киши унинг ҳожаси бўлган.

Нуайм Мужмир, Ибн Умарнинг озод қилгани Нофеъ, Зухрий, Аббос ибн Саҳл Соидий, Саъд ибн Ҳорис, Абада ибн абу Лубоба ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан ҳадис ривоят қилганлар: Абу Довуд Таёлисий, Сурайж ибн Нўмон, Яҳё ибн Солиҳ Вуҳозий, Саид ибн Мансур, Абу ар-Рабиъ Зухроний ва унинг ўғли Муҳаммад, Муҳаммад ибн Жаъфар Варконий ва бошқалар.

Ростгўй муҳаддислардан бири бўлган. Шундай бўлсада кўпчилик муҳаддислар наздида мажхул киши саналган.

Ибн Маин: «У кучли муҳаддис бўлмаган», деб айтган.

Абу Довуд эса: «Айтганлари ҳужжат ўрнига ўтмайди», деган.

ининг Мадиналикларнинг ишончли ровийларидан бири бўлганлигини ва кўплаб ҳадисларни ёддан билганлигини келтирган.

Кўпчилик унинг айтганларини ҳужжат ўрнида келтирган.

Фулайх ибн Сулаймон 168-йилда Мадинада вафот этган.

### 194. Лайс ибн Саъд

Миср диёрининг олими ва пешвоси бўлган, муҳаддислар имоми саналмиш Мазкур ровийнинг куняси Абу Ҳорисдир. Мисрда туғилиб ўсган.

Ато ибн Абу Рабоҳ, ибн Абу Мулайка, Нофеъ, Саид Мақбарий, Зухрий, Абу Зубайр, Мишроҳ ибн Ҳаъан, Абу Қобил Маофирий, Язид ибн Абу Ҳабиб, Жаъфар ибн Рабиъа ва бир неча зотлардан ҳадис ривоят қилган.

Устозлари Муҳаммад ибн Ажлон, ибн Ваҳб, Саъд ибн Абу Марям, унинг котиби Абдуллоҳ ибн Солиҳ, Яхё ибн Букайр, Яхё ибн Яхё НИСобурий, Яхё ибн Яхё Қуртубий, Қутайба ибн Саид, Муҳаммад ибн Румаҳ, Исо ибн Ҳаммод, Абу Жаҳм Боҳилий ва бошқалар у кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳижрий 113-йилда ўн тўққиз ёшида ҳаж амалини бажарган ва кўплаб катта уламолардан дарс олган.

Имом Шофеий у кишидан дарс олмаганига доимо афсусланиб юрар ва «У Моликдан кўра фақиҳроқ эди. Лекин, шогирдлари мазҳабини давом эттира олишмади», дер эди. Бундан ташқари имом Шофеий у кишининг суннатга Моликдан кўра кўпроқ эргашадиган зот бўлганини келтирган.

Яхё ибн Букайр: «У Моликдан фақиҳроқ бўлган. Лекин, омад Моликка кулиб боққан», деган.

Муҳаммад ибн Румаҳ шундай деган: «Лайснинг бир-йиллик даромади саксон минг динор эди. Лекин, ҳеч қачон (закот берадиган даражадаги бойликни ўзида олиб қолмагани учун) закот бермаган».

Саид ибн Абу Айюбнинг бундай деганлари келтирилган: «Молик билан Лайс бир жойда бўлиб қолганида борми, Молик Лайснинг олдида шунчалар жим бўлиб қолар эдики агар Лайс хоҳласа Моликни дуч келган одамга сотиб юбора олар эди».

Асрам имом Аҳмаднинг қуйидаги гапларини келтиради: «Мисрликларнинг ичида Лайсга тенг келадигани йўқ. На Амр ибн Ҳорис ва на бошқаси».

Яхё ибн Маин айтади: «Саид Мақбурийдан ривоят қилинган ҳадислар борасида Лайс ибн Саъд ривоят қилган ҳадислари энг ишончлисидир».

Имом Дорақутний: «Мақбурийнинг шогирдлари ичида у энг ишончлиси бўлган» деб айтганлар.

У кишининг фазилатлари жуда кўп. Тўлиқроқ маълумот учун Хатиб Бағдодийнинг «Тарих» асари ва бошқаларга мурожаат қилиш мумкин.

Лайс ибн Саъд ҳижрий 175-йилда Шаъбон оyi ўрталарида Жума кечаси саксон бир ёшида оламдан ўтган. Аллоҳ у зотни Ўз раҳматига буркасин!

### 195. Қайс ибн Рабиъ

Камида юз минг ҳадисни ёддан билган ушбу муборак зотнинг куняси Абу Муҳаммад бўлиб «Асадий», «Куфий» нисбалари бор. Кўпчилик наздида ҳадислари заиф бўлсада катта уламолардан бири бўлган.

Амр ибн Мурра, Хубайб ибн Абу Собит, Алқама ибн Марсад, Зиёд ибн Илоқа, Муҳориб ибн Дассор ва шу каби Куфаликлардан ҳадис ривоят қилган ва Куфадан ташқарига чиқмаган.

Суфён, Шўба, Исъҳоқ Салулий, Осим ибн Али, Муҳаммад ибн Баккор Райён, Али ибн Жаъд, Яхё Ҳиммоний ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Шўба у ҳақида мақтов гапларни айтган.

Аффон эса уни ишончли ровийлардан эканини гапирган.

Ёқуб ибн Шайба бундай деган: «У барча устозларимиз наздида ростгўйдир. Китоби фойдали ва зехни жудаям яхши бўлган».

Имом Аҳмад у ҳақида илиқ фикрларни билдирган.

Ибн Маин эса ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқлигини айтган.

Имом Насоий: «Ундан ривоят қилмаган маъқул» деб айтган.

Ибн Адий у ҳақида бундай деган: «Ҳадисларини ривоят қилишнинг зиёни йўқ. Чунки, аксар ривоятлари тўғридир. Бу борада Шўбанинг фикрларини маъқуллайман».

Абулвалиднинг келтиришича, Қайс ибн Рабиънинг жанозасида қатнашган бир дўсти «Унга ўхшаш одам қолмади», деб айтган.

Муҳаммад ибн Убайд Танофусий айтади: «Бизнинг наздимизда Қайс ҳазратлари Саврийдан кам бўлмаган. Фақат, бир муддат ҳоким бўлганида бир кишига жазо тайинлаган ва у мазкур жазо туфайли ўлиб қолган. Кейин уни ҳокимликдан четлатганлар».

Абулвалид: «Қайсдан олти мингта ҳадисни ёзиб олдим», деб айтган.

Қайс ибн Рабиъ ҳижрий 167 ёки 168-йилда вафот этган.

У ҳақидаги танқидлар ҳаддан зиёд қаттиқ қўллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

### **196. Яхё ибн Айюб**

Куняси Абу Аббос бўлиб, асли Мисрлик бўлган. Мисрликлар ичида фақиҳ олимлардан саналган.

Ҳадис борасидаги устозлари: Абу Қабил Ҳуяй ибн Ҳоний, Язид ибн Абу Ҳубайб, Букайр ибн Ашаж, Жаъфар ибн Рабиъа, Ҳумайд ат-Тавил, Рабиъа Раъй ва бошқалар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: ибн Ваҳб, Зайд ибн Ҳубоб, Абу Абдуррахмон Муқриъ, Саид ибн Абу Марям, Саид ибн Уфайр ва бошқалар. Устози ибн Журайж ҳам ундан ҳадис ривоят қилган.

Ибн Адий бундай деган: «У Мисрликлар ичида энг фақиҳроғи ва билимдони бўлган. Мисрда қози бўлган деган маълумотлар ҳам бор. У мен учун ишонарли муҳаддислардан биридир».

«Доимо илм талабида юрадиганлардан бири бўлган. Макка, Мадина, Шом, Миср ва Ироқ аҳлидан ҳадис ривоят қилган» деб айтган ибн Юнус.

Ибн Маин ҳадиси яроқли эканлигини айтган.

Имом Аҳмад бўлса, зехнининг унчалик яхши эмаслигини очиклаган.

Ҳижрий 168-йилда оламдан ўтган.

### 197. Ҳаммод ибн Зайд

Тўлиқ исми Абу Исмоил Ҳаммод ибн Зайд ибн Дирҳам ал-Аздий бўлиб, бир пайтлар Басралик Азрақ Зарир деган кишининг хизматкори бўлган. Илми дарё, Ислом оламида катта олимлардан бири бўлган.

Абу Имрон Жавний, Муҳаммад ибн Зиёд, Абу Жамра Зубайй, Анас ибн Сирийн, Амр ибн Динор, Собит Буноний ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Қатода билан учрашмаган.

Ибн Маҳдий, Мусаддад, Қаворирий, Муҳаммад ибн Абу Бакр Муқаддамий, ибн Мадиний, Аҳмад ибн Микдом ва шу каби кўплаб муҳаддислар у кишидан ҳадис ривоят қилганлар.

Ибн Маҳдий шундай деган: «Шу асрда инсонларнинг энг олимлари тўртта бўлган: Саврий, Молик, Авзой ва Ҳаммод ибн Зайд».

Ибн Маиннинг айтишича Ҳаммод ибн Зайддан кўра бирор ишончли киши бўлмаган.

Яҳё бин Яҳё: «Ундан кўра хотираси яхши одамни кўрмадим», деб айтган.

Имом Аҳмад айтади: «У мусулмонларнинг пешвоси, тақводор зотлардан бўлган. У мен учун Ҳаммод ибн Саламадан кўра афзалроқдир».

Ибн Маҳдий бундай деган: «Суннатни ундан кўра яхшироқ биладиган одамни кўрмадим. Ўз замонасида Ҳаммод, Молик ва Суфёндан кўра олимроқ одамни билмайман. Басрада энг фақиҳ одам Ҳаммод эди».

Ҳасан ибн Али Муаммарий айтади: «Сулаймон ибн Айюбнинг келтиришича Абдуррахмон ибн Маҳдий «Ҳаммод ибн Зайддан кўра олимроқ одамни учратмадим. Ҳатто Суфён ва Моликдан ҳам олимроқ эди», деб айтган».

Язид ибн Зарий: «У мусулмонларнинг етакчисидир», деб айтган.

Ибн Ҳиббон бундай дейди: «Унинг кўзи кўрмайдиган бўлган ва барча ҳадисларни ёддан айтган».

Ибн Таббў: «Ҳаммод ибн Зайддан кўра ақиллироқ одамни кўрмаганман», деган.

Ибн Хирошнинг айтишича ҳадис ривоятида бирорта ҳам хато қилмаган экан.

Ижлий айтади: «Унинг китоби бўлмаса ҳам тўрт мингдан ортиқ ҳадисни ёддан айтар эди».

Абу Ҳотимнинг келтиришича Сулаймон ибн Ҳарб Ҳаммод ибн Зайднинг қуйидаги гапларини келтирган: «Жаҳмийлар осмонда илоҳ йўқ деган гапга ўралашиб қолганлардир».

Иброҳим ибн Саид Жавҳарий айтади: «Абу Усоманинг «Ҳаммод ибн Зайдга қараганимда унда Кисронинг одобинию Умарнинг фикҳини кўргандек бўламан», деганини эшитганман».

Ҳаммод ҳижрий 98-йилда туғилган. Вафоти эса 179-йилнинг Рамазон ойига тўғри келади.

### 198. Абу Ҳамза Суккарий

Исми Муҳаммад, отаси Маймун Марвазий ҳисобланади. Хуросоннинг етук муҳаддис алломаларидан бири саналади.

У киши Зиёд ибн Илоқа, Абу Исҳоқ, Абдулмалик ибн Умайр, Мансур ибн Муътамир ва кўплаб муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар ушбулардир: ибн Муборак, Абдон ибн Усмон, Нуайм ибн Ҳаммод ва бошқалар.

Ҳадис илмида ишончли ровийлардан бири, тенги йўқ олим, бағрикенг, сахий ва ширинсўз бўлган. Шунинг учун ҳам одамлар уни «Суккарий», (Шакар сўзли) деб аташган.

Ибн Маин ва бошқалар уни ишончли ровийлар қаторида санашган.

Абу Ҳамза Суккарийнинг ўзи бундай деган: «Ўттиз-йилдан бери фақат меҳмон келгандагина тўйиб овқатланганман».

Аббос ибн Мисъаб: «Абу Ҳамза дуоси ижобат бўладиган зотлардан эди», деб айтган.

Ибн Ҳиббон айтади: «Абу Ҳамза Суккарий Марвдан бўлиб у ердаги энг катта муҳаддислардан биридир».

Ҳижрий 167-йилда вафот этган.

### 199. Варқо ибн Умар ибн Кулайб

Куныси Абу Бишр бўлиб ишончли муҳаддислардан бири ҳисобланади. Асли Куфалик бўлсада бошқа кўпгина шаҳарларда ҳам яшаган.

Варқо ибн Умар ҳадисларни Амр ибн Динор, Муҳаммад ибн Мункадир, Абу Исҳоқ, Убайдуллоҳ ибн Абу Язид Маккий, Мансур ибн Муътамир каби муҳаддислардан ривоят қилган.

У кишидан эса Исҳоқ ал-Арзақ, Шабоба, Абу Довуд, Қабиса, Абу Абдурраҳмон Муқриъ, Абу Ғассон Наҳдий, Фирёбий ва Али ибн Жаъдлар ҳадис ривоят қилганлар.

Имом Аҳмад шундай деган: «У ишончли ровийлардан бири бўлиб суннатни маҳкам тутганлардан биридир».

Абу Довуднинг айтишича Шўба унга «Сен Варқонинг олдига боришинг керак. Унга ўхшашини бошқа ердан топа олмайсан», деб айтган экан.

Абу Довуд Сижистоний айтади: «Варқо суннатни маҳкам тутган. Лекин, унинг баъзи қарашлари муржиаларникига ўхшар эди».

Яҳё Қаттон у киши ҳақида анча гапларни айтган экан.

Абу Мунзир Исмоил ибн Умар айтади: «Варқони зиёрат қилгани борганимизда у ўлим тўшагида ётган экан. У такбир айтар, Аллоҳни яқкалигини айтиб зикр қилар эди. Одамлар кўпайишни бошлаганда ўғлига «Ўрнимга алик олиб тургин. Роббимдан мени чалғитиб қўйишлари мумкин» деб айтди».

Ҳижрий иккинчи асрнинг 60-йилларида вафот этган.



## 200. Нофeъ ибн Умар Қураший

«Жумахий» ва «Маккий» нисбалари билан танилган мазкур ровий ҳам юз минглаб ҳадиси шарифларни ёддан билган ва ўз замонасида Макканинг катта муҳаддисларидан саналган.

Ибн Абу Мулайка, Саид ибн Абу Ҳинд ва Амр ибн Динордан ҳадис тинглаган.

У кишидан ҳадис ривоят қилганлар қуйидагилар: Яҳё ибн Саид, ибн Маҳдий, Халлод ибн Яҳё, Саид ибн Абу Марям, Мухриз ибн Салама, Довуд ибн Умар, Заббий ва бошқалар.

Ибн Маҳдий ва имом Аҳмад уни машҳур муҳаддислардан эканлигини айтган.

Ибн Саъднинг айтишича ҳижрий 169-йилда Маккада вафот этган.

## 201. Шарик ибн Абдуллоҳ

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Шарик ибн Абдуллоҳ Нахайй Куфий бўлиб, катта уламолардан бўлган ва қозилик вазифасида ҳам фаолият юритган.

Ҳадис ўрганган устозлари: Абу Сахра Жомеъ ибн Шаддод, Жомеъ ибн Абу Рошид, Салама ибн Куҳайл, Абу Исъҳоқ, Зиёд ибн Илоқа, Симок ибн Ҳарб ва шу кабилар.

У зотдан ҳадис ривоят қилганлар: Аббон ибн Тағлаб, Муҳаммад ибн Исъҳоқ, Қутайба, Али ибн Ҳужр, Исъҳоқ ибн Абу Исроил, Шайбанинг икки ўғли бўлмиш Абу Бакр ва Усмон, Ҳаннод ибн Сарий ва бошқалар. Исъҳоқ ал-Арзақнинг эътироф этишича ундан тўққиз минг ҳадисни ўрганган экан.

Абдуллоҳ ибн Муборак: «У ўз юртида Суфёндан кўра ҳадисни яхшироқ билган», деб айтган.

Исо ибн Юнус айтади: «Ўз илмига амал қилишда Шарикдан кўра тақводор одамни кўрмаганман».

Жузжоний унинг эслаб қолиш қобилияти унчалик яхши эмаслигини айтган.

У зот илмда денгиз, фақиҳ, буюк муҳаддис ва чиройли нутқли бўлган. Имом Бухорий ва имом Муслим унинг ишончли ровийлардан эканлигини айтган.

Ибн Маин ҳам уни ишончли ровийлардан деб билган.

Ҳижрий 177-йилда Зулқаъда ойида саксон икки ёшида оламдан ўтган.

## 202. Зухайр ибн Муовия

Отасининг исми Ҳудайж бўлган. Куняси Абу Ҳайсама бўлиб «Жуъфий» ва «Куфий» нисбалари билан танилган. Араб ярим оролининг етук олимларидан бири бўлган.

Асвад ибн Қайс, Абу Исъҳоқ, Симок ибн Ҳарб, Ҳумайд ат-Тавил, Абу Зубайр, Зиёд ибн Илоқа ва шу табақадаги муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.



Зухайрдан эса Абу Довуд, Ҳасан ибн Мусо ал-Ушайб, Абу Нуайм, Абу Жаъфар Нуфайлий, Аҳмад ибн Юнус, Яхё ибн Яхё Тамимий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

У зот ҳам етук муҳаддислардан бири саналган.

Ибн Уяйна: «Куфада унга ўхшаши йўқ», деб айтган.

Муоз ибн Муоз бундай деган: «Аллоҳга қасамки, мен учун Саврийдан кўра Зухайр ишончлироқдир».

Шуайб ибн Ҳарб: «У мен учун йигирмата Шўбага ўхшаганлардан афзалроқдир», деган.

«Абу Исъҳоқ кексайиб қолгач ундан ҳадис ривоят қилган бўлсада унинг ўзи ишончли ровийдир», деган Абу Заръа.

Манбааларда келишича Зухайр Араб ярим оролига хижрий 164-йилда келган ва бир юз етмиш иккинчи-йилда қўл оёғи фалаж бўлиб қолган.

У киши ҳақида изланиш олиб борган Нуфайлий хижрий 173-йили оламдан ўтганлигини келтирган.

### 203. Сулаймон ибн Билол

Абу Муҳаммад ва Абу Айюб кунялари билан танилган муҳаддислардан бири. «Таймий» ва «Маданий» нисбалари бўлиб, бир пайтлар Абу Бакр Сиддиқнинг авлодлари хонадонида хизмат қилган.

Абдуллоҳ ибн Динор, Зайд ибн Аслам, Ҳусайм ибн Ирок, Абу Ҳозим ал-Аърож, Рабиъа ар-Раъй, Абу Тувола, Суҳайл ибн Абу Солиҳ ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Ҳадис ўрганган шогирдлари ушбулардир: Қаънабий, Холид ибн Мухаллад, Саид ибн Абу Марям, Абу Бакр Абдулҳамид ибн Увайс, Саид ибн Уфайр, Лувайн, Исмоил ибн Абу Увайс, Яхё ибн Яхё Тамимий ва шу кабилар.

Ибн Саъд бундай деган: «У хушсурат, доно ва ишончли ровийлардан бўлиб, Мадинада фатво айтган ва ўша ерда хароҷ ишларига бошлиқ бўлган».

Ибн Маин унинг ишончли ва солиҳ кишилардан бўлганлигини тасдиқлаган.

Ибн Ҳиббон: «Суратию сийрати гўзал тақводор ва ишончли муҳаддис бўлган» деб айтган.

Ҳижрий 172-йилда вафот этган.

### 204. Абу Маъшар Синдий

Асли Мадиналик фақиҳ Мазкур ровийнинг тўлиқ исми Абу Маъшар Нажих ибн Абдуррахмон Синдийдир.

Абу Умома ибн Саҳл билан учрашган.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Муҳаммад ибн Каъб Қуразий, Мусо ибн Ясор, Нофеъ, ибн Мункадир, Муҳаммад ибн Қайс ва бошқа кўплаб муҳаддислар.

Ушбулар у кишидан ҳадис ривоят қилганлар: ўғли Муҳаммад, шунингдек, Абдурраззоқ, Абу Нуайм, Муҳаммад ибн Баккор, Мансур ибн Абу Музоҳим ва бошқалар.

Ибн Маин унчалик кучли бўлмаганини айтган.

Имом Аҳмад: «Ғазотларга тегишли ҳадисларни яхши билган ва ростгўй бўлган. Бироқ санадни ҳар доим ҳам тўғри келтира олмаган», деб айтган.

Абу Нуаймнинг айтишича Абу Маъшар тутилиб тутилиб гапирадиган одам бўлган ва кўпинча Каъб демасдан, Қаъб деб юборадиган бўлган.

Абу Заръа ростгўй бўлганини таъкидлаган.

Имом Насоий: «Унчалик кучли бўлмаган», деган. Ҳижрий 170-йилда Рамазон ойида вафот этган.

### **205. Вухайб ибн Холид**

Отасининг исми Ажлон бўлган. Куняси Абу Бакр бўлиб Басралик Каробийсийнинг озод қилганларидан бири бўлган.

Ҳадис бобида устозлари: Мансур ибн Муътамир, Айюб, Абдуллох ибн Товус, Суҳайл ибн Абу Солиҳ ва шу табақадагилар.

Ибн Улайя, Аффон, Муслим ибн Иброҳим, Орим, Ҳудба ибн Холид ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилган.

Ибн Маҳдий айтади: «Замондошлари орасида ҳадис ва унинг ровийлари борасида кучли билимга эга бўлган».

«Айтишларича Шўбадан кейин ровийлар борасида ундан ўтадигани бўлмаган», дейди Абу Ҳотим.

Ибн Саъд: «Зиндонга тушгач кўзи кўрмайдиган бўлиб қолган. Ишончли ровийлардан бири бўлиб, ҳадисларни ёддан айтган. У Абу Авонадан кучлироқ бўлган» деб айтган.

Аҳмад ибн Ҳанбал у кишининг эллик саккиз йил умр кўрганлигини айтган.

Имом Бухорийнинг келтиришича Аҳмад ибн Абу Ражо унинг ҳижрий 165-йилда вафот этганлигини айтган.

### **206. Абу Авона**

Исми шарифи Ваззоҳ ибн Абдуллох бўлиб, Язид ибн Ато Яшқурийнинг мавлоларидан биридир. Ишончли ровийлардан бири ҳисобланади.

Ҳасан Басрий ва ибн Сирин билан учрашган.

Қатода, Ҳакам ибн Утайба, Зиёд ибн Илоқа, Абу Бишр, Симок ибн Ҳарб ва замондош уламолардан ҳадис тинглаган.

У кишидан ҳадис ривоят қилганлар: Ҳаббон ибн Ҳилол, Аффон, Саид ибн Мансур, Мусаддад, Муҳаммад ибн Абу Бакр Муқаддамий, Қутайба, Шайбон ибн Фаррух ва бошқалар.

Аффон: «Унинг ҳадислари биз учун Шўбаникидан саҳиҳроқ», деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал бундай деган: «Китобдан айтса ҳадислари саҳиҳдир. Ёддан айтганда ноаниқроқ бўлади».

Аффон унинг хотираси ҳақида яххи фикрларни билдирган.

Яҳё Қаттон: «Ҳадиси Шўба ва Суфённинг ҳадисларига ўхшамайди», деб айтган.

Аффоннинг айтишича Шўба бундай деган: «Агар Абу Авона сизларга Абу Ҳурайрадан ҳадис айтса уни тасдиқлайверинглар».

Ибн Маиннинг келтиришича Абу Авона ҳадисларни китобдан ўқигану, лекин ҳеч китобга қайд қилиб ёзмаган.

Яҳё Қаттон яна қуйидаги фикрларни билдирган: «Абу Авонанинг китоби Шўбанинг ёддан айтишидан яхшидир».

Ҳижрий 176-йили Робиул аввал ойида Басрада вафот этган.

### 207. Абдуллоҳ ибн Лаҳийъа

Отасининг исми Уқба ибн Фуръон бўлиб Миср қозиси ва катта муҳаддисларидан бири бўлган. Кунyasi Абу Абдурраҳмон. «Ҳазрабий» ва «Мисрий» нисбалари бўлган.

Ҳадис ўрганган устозлари: Ато ибн Абу Рабоҳ, Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз ал-Аърож, Амр ибн Шуайб, Мишроҳ ибн Ҳўан, Абу Юнус, Язид ибн Абу Ҳубайб, Абульасвад ва бошқалар.

Қуйидагилар ундан ҳадис ривоят қилган: ибн Муборак, ибн Ваҳб, Абу Абдурраҳмон Муқриъ, Абу Солиҳ Котиб, Қутайба, Яҳё ибн Букайр, Муҳаммад ибн Румҳ, Комил ибн Талҳа ва бошқалар. Шунингдек, ундан аввалги табақа вакилларидан Авзой, Амр ибн Ҳорис, Суфён ва Шўба.

Илми дарё бўлган. Лекин, шундай бўлсада ҳадислари унчалик пухта бўлмаган.

Аҳмад ибн Ҳанбал шундай деган: «Мисрда ибн Лаҳийъадан кўра кўп ҳадис биладиган, зеҳни ва хотираси кучлироқ ким бор экан?! Исҳоқ ибн Исонинг менга айтишича у билан бир юз олтмиш тўртинчи-йилда учрашган экан. Шунингдек, китоблари бир юз олтмиш тўққизинчи-йили ёниб кетган».

Саид ибн Абу Марям уни заиф деб билган ва ҳеч бир китоби ёниб кетмаганлигини таъкидлаган.

Абу Довуднинг келтиришича Аҳмад ибн Ҳанбал бундай деган: «Мисрда муҳаддис фақат ибн Лаҳийъадир».

Аҳмад ибн Солиҳ: «Ибн Лаҳийъанинг китоби саҳиҳдир. Шу билан бирга у кўпгина билимларга иқтидори ва қизиши бўлган» деган.

Зайд ибн Ҳубобнинг айтишича Суфён Саврий шундай деган: «Ибни Лаҳийъада асосий илмлар бор. Бизда эса иккиламчилари».

Усмон ибн Солиҳ бундай деган: «Унинг ҳовлиси ва китоблари ёниб кетган. Лекин, қоидалари сақланиб қолган. Мен Умора ибн Азийдаги китобнинг аслидан кўчириб олдим».

Яҳё Қаттон ва бошқалар унинг ҳадисларини заиф деб билганлар.

Ибн Маин ҳам унинг кучли эмаслигини айтган.

Қутайба айтади: «Китоблари ёниб кетгач эртасига Лайс унга минг динор жўнатган. У вафот қилганда эса Лайс «Унга ўхшаши йўқ эди», деб айтган».

Ибн Унайс унинг Ҳижрий 97-йилда туғилиб, 174-йилда Робиул аввал оий ўрталарида вафот этганлигини айтган.

Изланишлар шуни кўрсатадики, унинг ҳадислари ўртача «ҳасан» ҳадислар сирасига киради. Шунинг учун ҳам унинг ҳадисларини усул қоидаларига далил қилиб келтириб бўлмайди.

### **208. Қосим ибн Маън**

Мазкур ровий Набий соллоллоху алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўмиш Абдуллоҳ ибн Масъуднинг невараси бўлади. Машҳур алломалардан бири, Куфа қозиси бўлган. Куняси Абу Абдуллоҳ бўлиб, «Масъудий», «Куфий», деган нисбалари бўлган. Шунингдек, Абу Убайда ибн Маъннинг иниси ҳамдир.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Ҳусойн ибн Абдуррахмон, Абдулмалик ибн Умайр, Мансур ибн Муътамир, Ҳишом ибн Урва ва шу табақа вакиллари.

Ҳадис ўрганган шогирдлари: ибн Маҳдий, Абу Нуайм, Абдуллоҳ ибн Валид Аданий, Абу Ғассон Наҳдий ва бошқалар.

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг айтишича қозилик учун маош олмаган экан.

Абу Ҳотим айтади: «Енг кўп ҳадис ривоят қилган ва шеър биладиган зот бўлган. Араб тили ва фикҳни бошқалардан яхшироқ билган».

Ҳижрий 175-йилда вафот этган.

### **209. Бакр ибн Музор**

Такводор ва ибодатгўй, ишончли муҳаддислардан бири бўлмиш Мазкур ровийнинг куняси Абу Абдулмаликдир. Мисрда яшаган.

Туғилган санаси ҳижрий юзинчи-йилга тўғри келади.

Ҳадис ўрганган устозлари: Абу Қабил Маофирий, Язид ибн ал-Ҳод, Жаъфар ибн Рабийъа, ибн Ажлон ва шу табақадагилар.

Қуйидагилар ундан ҳадис ривоят қилган: ўғли Исъҳоқ, шунингдек, ибн Ваҳб, Қутайба, Абдуррахмон ибн Қосим ва бошқалар.

У Шураҳбил ибн Ҳасананинг мавлоларидан бири бўлган.

Ҳорис ибн Мискин айтади: «Қосим Фустот аҳлидан ҳеч кимни ундан афзал билмас эди. Мен уни ёшлигимда кўрганман. Ўғли Исъҳоқ менга «Отам гилам устида ўтирмас, доимо маҳзун ҳолда юрар, кўп гапирмас эди. Муҳаддислар келганларида уларга «Таквони ўрганинглар», дер эди», деб айтган».

Ҳижрий 174-йил Арафа куни тонгида оламдан ўтган.

### **210. Жаъфар ибн Сулаймон**

Тўлик исми Абу Сулаймон Жаъфар ибн Сулаймон Зубайи Басрий бўлиб шиаларнинг энг такводор ва парҳезкорларидан бўлган.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Собит Буноний, Абу Имрон Жавний, Язид Ришк, Молик ибн Динор, Жаъд Абу Усмон ва бошқалар.

Сайёр ибн Ҳотим, Абдурраззоқ, Қутайба, Бишр ибн Ҳилол Саввоф, Исъҳоқ ибн Абу Исроил, Мусаддад, Лувайн ва шу кабилар.

Ибн Маин уни ишончли деган.

Собит Бунонийнинг катта шогирдларидан бўлган.

Ибн Саъд: «Ишончи ровийлардан. Бироз заифлиги бор», деб айтган.

Ҳижрий 178-йилда вафот этган.

### **211. Убайдуллоҳ ибн Амр**

Юз мингдан ортиқ ҳадисларни матнлари ва ровийлари билан тўлик билган. Араб ярим ороли муфтийларидан бири ҳисобланади. Кунyasi «Абу Ваҳб» бўлиб, «Раққий», нисбаси билан танилган.

Зайд ибн Абу Унайса, Абдулмалик ибн Умайр, Айюб Сихтиёний, Абдулкарим ибн Молик каби кўплаб муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Ҳадис ўрганган шогирдлари қуйидагилар: Абдуллоҳ ибн Жаъфар Раққий, Ало ибн Ҳилол, Абу Тавба Ҳалабий, Али ибн Ҳужр, Абдулжаббор ибн Осим, Лувайн ва шу табақадагилар.

Ибн Саъд бундай деган: «У ишончи муҳаддислардан бири бўлган. Баъзан янглиш кетган жойлари бўлган. Ўз замонасида фатво беришда ҳеч ким у билан мунозара қила олмаган».

Ҳижрий 101-йилда таваллуд топиб, 180-йилда вафот этган.

### **212. Абу Ғассон Муҳаммад ибн Муторриф**

Асли Мадиналик бўлган ва ҳадис бобида «ҳофиз»лардан бири.

Муҳаммад ибн Мункадир, Ғассон ибн Атийя, Сафвон ибн Сулайм ва Абу Ҳозим ал-Аърождан ҳадис тинглаган.

У кишидан ҳадис ривоят қилганлар: олдинги табақадан Саврий, шунингдек, ибн Ваҳб, Одам ибн Абу Иёс, Али ибн Айёш Ҳимсий, Саид ибн Абу Марям, Али ибн Жаъд ва шу кабилар.

Бағдодда Махдий олдига келиб унга юксак даражада ҳурматини изҳор қилган.

Имом Аҳмад ва бошқалар уни ишончли муҳаддислардан бири эканлигини айтган.

Ҳижрий 170-йилдан олдин вафот этган.

### 213. Муовия ибн Саллом

«Хабаший» ва «Шомий» деган нисбалари бўлиб «хофиз»лардан ҳисобланади.

Отасидан, акаси Зайд ибн Салломдан, ҳамда, Зухрий, Яхё ибн Абу Касир ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Қуйидагилар у кишидан ҳадис ривоят қилган: Яхё ибн Ҳассон Таннисий, Яхё ибн Солиҳ Вуҳозий, Яхё ибн Яхё Тамимий, Абу Мусъхир Ҳассоний, Яхё ибн Бишр Ҳаририй, Марвон ибн Муҳаммад Тотарий, сўнги шогирдларидан Абу Тавба Рабиъ ибн Нофеъ Ҳалабий ва бошқалар.

Дастлаб Ҳимсада яшаган. Кейинчалик Дамшққа кўчиб ўтган.

Имом Насоий ва бошқалар уни ишончли ровийлар сафида санаган.

Ибн Маин: «Мен уни Шомликларнинг муҳаддиси деб биламан», деб айтган.

Ҳижрий 170-йилгача умр кўрган. Шу давр мобайнида Яхё ибн Яхё ва Абу Тавбалар билан учрашган.

### 214. Маҳдий ибн Маймун

Ҳадис соҳаси билимдонларидан бири. Кунyasi Абу Яхё бўлиб «Аздий», «Миъвалий» нисбалари билан машҳур бўлган.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Муҳаммад ибн Сирин, Абу Ражо Уторидий, Ғайлон ибн Жарир, Абулвозеъ Жобир ибн Амр Росибий, Ҳасан Басрий, Восил ал-Аҳдаб, Абу Уяйнанинг мавлоси Восил.

Қуръони карим ижозаси бўйича Шуайб ибн Ҳабҳобдан таълим олган.

Ушбулар у кишидан ривоят қилган: Яхё Аттор, ибн Маҳдий, Орим, Абулвалид, Абу Салама Минқорий, Ҳудба ибн Холид, Мусаддад, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Асмо ва бошқалар. Ёши катта бўлсада ундан Ҳишом ибн Ҳассон ҳам ҳадис ривоят қилган.

Шўба ва Аҳмад у кишини ишончли ровийлигини айтганлар.

Ибн Саъд уни курдлардан бўлганини айтган.

Ҳижрий 172-йилда вафот этган.



## ОЛТИНЧИ ТАБАҚА

### 215. Фузайл ибн Иёз

Пешқадам, барчага намуна бўладиган, Ислом оламида катта нуфузга эга муҳаддислардан бири саналади. Тўлиқ исми Абу Али Фузайл ибн Иёз Тамимий Ярбуий Марвазийдир.

Ҳадис ўрганган устозлари: Мансур ибн Муътамир, Баён ибн Бишр, Аббон ибн Абу Айёш, Абу Ҳорун Абдий, Ҳусойн ибн Абдуррахмон ва шу табақадаги Куфаликлар.

Қуйидагилар у зотдан ҳадис ривоят қилганлар: ибн Муборак, Яҳё Каттон, Қаънабий, Шофеий, Асад ибн Мусо, Қутайба, Бишр Ҳофий, Мусаддад, Яҳё ибн Яҳё Тамимий, Аҳмад ибн Миқдом ва бошқалар.

Маккада яшаган. У зот Аллоҳ назари тушган, ибодатгўй, тақволи, ишончли муҳаддис, мартабаси улуғ кишилардан бири ҳисобланади.

Ибн Муборак: «Ер юзида Фузайлдан афзал одам қолмади», деб айтган.

Ибн Саъд айтади: «Хуроонда туғилган. Куфада таълим олган. Сўнгра ибодатга берилиб Маккада яшаган. У ишончли, фозил, тенги йўқ муҳаддислардан биридир».

Имом Насоий ҳам у зотнинг ишончли ва омонатдор муҳаддис эканлигини айтган.

Ибн Маҳдийнинг айтишича фазилатли ва солиҳ кишилардан бўлган. Бироқ юз мингдан ортиқ ҳадис билмаган.

Ҳорун ар-Рашид бундай деган: «Моликданда хайбатлироқ, Фузайлданда тақволироқ кишини кўрмаганман».

Шарик айтади: «Барча замонда гапи олинадиган ягона устоз бўлган. Фузайл ҳам замонасининг ягона устозидир».

Иброҳим ибн Ашъаб: «Ибни Уяйна ҳазратлари Фузайл ибн Иёзнинг қўлини икки марта ўпганини кўрганман», деб айтган.

Абдуллоҳ ибн Хубайқнинг келтиришича Фузайл ибн Иёз шундай деган: «Сохта қорилардан узоқ юр. Маъқул келсанг сенда йўнг сифатлар билан сени мақтайдилар. Ёқмай қолсанг сени зараринга гапирадилар ва уларнинг гапи олинаверади».

Иброҳим ибн Шаммос Фузайл ибн Иёзнинг Самарқандда туғилиб, Абивардда улғайганини айтган.

Маълумотларга қараганда хижрий 187-йили Ашуро кунида вафот этган.

### 216. Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Абу Яҳё

Фақиҳ ва муҳаддислардан бири бўлган. Куняси Абу Исъҳоқдир. «Асламий», «Маданий» нисбалари билан машҳур бўлган.

Зухрий, ибн Мунқадир, Сафвон ибн Сулайм, Солиҳ ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Устози ибн Журайж, шу билан бирга, асосан Шофеий, Ҳасан ибн Арафа ва бошқалар у кишидан ҳадис эшитган.

Илмда пешкадамлардан бири саналган. Бироқ кўпчиликнинг фикрига кўра гапи ҳужжат ўрнида ўтмайди. Бир неча бидъатларни қилган деган айбловлар мавжуд.

Имом Шофеий у кишини ишончли деб билган ва ундан ҳадис ривоят қилган. Шу билан бирга қадарийлардан бўлганини ҳам айтиб ўтган.

Абу Ҳаммом Саккуний: «Баъзи салаф уламоларни ҳақорат қилганини эшитганман», деб айтган.

Имом Аҳмад айтади: «Жаҳмий қадарийлардан бўлган. Нима мусибат бўлса барчаси бошига тушган. Одамлар ҳадисини одатда олмаган».

Ибн Маин ва Абу Довудлар ёлғончи рофизийлардан бўлганини айтганлар.

Имом Бухорий айтади: «Жаҳмий бўлган. Ибн Муборак ва одамлар унинг ҳадисини олмаган. Шунингдек, қадарийларнинг қарашларини ёқлаган».

Ибн Адий бундай деган: «Унинг нотўғри ҳадисини учратмадим. Фақат мажхул кишилардан ҳам ҳадис ривоят қилган. «Муваатто»си Моликнинг «Муваатто»сидан анча катта».

Ҳижрий 184-йилда оламдан ўтган.

### **217. Абдурраҳмон ибн Абу аз-Зинод**

Кунyasi Абу Муҳаммад бўлиб, Мадинада яшаган машҳур муҳаддислардан бири.

Устозлари: аввало отаси, бундан ташқари Амр ибн Абу Амр, Сухайл ибн Абу Солих, Ҳишом ибн Урва ва шу табақадагилар.

Қуйидагилар у кишидан ривоят қилган: Аҳмад ибн Юнус, Саид ибн Мансур, Али ибн Ҳужр, Ҳаннод ибн Сарий ва бошқалар. Шунингдек, устози саналмиш Журайж ҳам у кишидан ҳадис ривоят қилган.

Ибн Маин: «У Ҳишом ибн Урвадан ривоят қилинган ҳадислар борасида энг ишончли ровийдир», деган.

Ибн Махдий уни ҳадиси заиф муҳаддислар қаторида санаган.

Имом Насоий ва сунан соҳиблари уни ишончли деб билганлар.

Ибн Саъд унинг фақиҳ муфтийлардан бўлганини айтган.

Абу Амр ад-Донийнинг айтишича у Куърони каримни Абу Жаъфар Қоридан китобга қараб текширтириб олган.

Ёқуб ибн Шайба айтади: «Ибни Мадинийнинг келтиришича унинг Ироқда айтган ҳадисларидан кўра Мадинада айтган ҳадислари ишончлироқ экан».

Солих Жазара бундай деган: «У отасидан ривоят қилган ҳадисларни бошқалар айтмаган».

Имом Молик унинг «Етти фақиҳлар» китобини ривоят қилганига муносабат билдириб «Улар олдида бизга йўл бўлсин» деган экан.

Ҳижрий 174-йилда Бағдодда вафот этган.

## 218. Ҳушайм ибн Башир

Тўлиқ исми Ҳушайм ибн Башир ибн Абу Хозим Қосим ибн Динордир. Ўз асрининг катта муҳаддисларидан саналган. Кунyasi Абу Муовия Воситий бўлиб, Бағдодда яшаган.

Зухрий, Амр ибн Динор, Мансур ибн Зозон, Ҳусойн ибн Абдуррахмон, Абу Бишр, Айюб Сихтиёний ва шу каби кўплаб муҳаддислардан ҳадис тинглаган.

Қуйидагилар у кишидан ҳадис ривоят қилган: Шўба, Яҳё Қаттон, ибн Махдий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Қутайба, Зиёд ибн Айюб, Ёқуб Давракий, Ҳасан ибн Арафа ва бошқалар.

Амр ибн Авн айтади: «Ҳушайм Маккада ҳаж мавсумида Зухрий, Абу Зубайр ва Амрдан ҳадис эшитган».

Ёқуб Давракий ҳазратлари Ҳушаймнинг йигирма минг ҳадис ривоят қилганини айтган.

Ваҳб ибн Жарир бундай деган: «Биз Шўбага «Ҳушаймдан ҳадис ёзаверайликми?», деб сўраганимизда у «Ҳа. Агар ибн Амрдан ҳадис ривоят қилса уни тасдиқлайверинглар», деб жавоб берди».

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Ундан тўрт-йил дарс олдим. Шу вақт мобайнида унинг ҳайбатидан фақат икки мартагина савол сўраганман. Ҳамиша ҳадис айтиб бўлгач дарров чўзиқ овозда «Лаа илааха иллаллоҳ», деб тасбеҳ айтишга тушар эди».

Ибн Махдийнинг тасдиқлашича Ҳушайм ёддан ҳадис айтиш борасида Савийдан кучли бўлган.

«Ёддан ҳадис айтишда Ҳушаймдан ўтадиганини билмайман. Фақат Суфён бўлиши мумкин» деб айтган Язид ибн Ҳорун.

Имом Аҳмад «Ҳушайм ҳадис борасида Язид ибн Абу Зиёд, Осим ибн Кулайб, Абу Холда, Али ибн Жудъондан ривоят қилмаган», деб яна бир қанча кишиларни санаган. Яъни, Ҳушайм ҳадис айтганда эшитган одамда «юқорида санаб ўтилганлардан ҳадис эшитган эканда», деган фикр пайдо қиладиган шаклда ривоят қилган. Буни истелоҳда «тадлись дейилади».

Ҳаммод ибн Зайд: «Муҳаддислар ичида ундан улуғроқ зотни кўрмаганман», деб айтган.

Абу Ҳотим бундай деган: «Унинг ростгўйлиги, омонатдорлиги ва солиҳ инсонлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас».

Ибн Муборак айтади: «Йиллар давомида кишининг зеҳни сустлашиб боради. Лекин, Ҳушаймнинг хотираси-йиллар ўтсада ўзгармаган».

Ҳушайм ҳижрий 104-йилда таваллуд топган. Бир юз саксон учинчи-йилда Шаббон ойида оламдан ўтган.

### 219. Абу ал-Ахвас

Исми Саллом ибн Сулайм ас-Сақафий бўлиб, Куфада таълим олган. Ишончли катта муҳаддислардан бири ҳисобланади.

Зиёд ибн Илоқа, Симок ибн Ҳарб, Мансур ибн Муътамир, Одам ибн Али, Абу Исъҳоқ ва шу кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Ушбулар у кишидан ҳадис тинглаган: Мусаддад, Қутайба, Халф ибн Ҳишом, Абу Шайбанинг икки ўғли бўлмиш Абу Бакр ва Усмон, Ҳаннод ибн Сарий ва бошқалар.

Сулайм Муқриънинг тоғаси бўлмиш Ҳамзадан Қуръони каримни пухталаб олган.

Ибн Маин ишончли ва кучли муҳаддис эканлигини айтган.

Ижлий айтади: «У ишончли, суннатга эргашадиган муҳаддис бўлган. Ҳовлиси муҳаддисларга тўлиб тошганида ўғлига «Қарагинда, саҳобалардан бирортасини маломат қилаётганлар бўлса ҳайдаб юборгин», дер экан».

Ривоят қилган ҳадислари тўрт минга яқин бўлган.

Молик ва Ҳаммоддан ёши кичикроқ бўлсада улар билан бир-йилда, яъни ҳижрий 179-йилда вафот этган.

### 220. Исмоил ибн Жаъфар

Катта олимлардан бири бўлиб тўлиқ исми Абу Исъҳоқ Исмоил ибн Жаъфар ибн Абу Касир ал-Ансорий Маданийдир.

Абдуллоҳ ибн Абу Касир, Ало ибн Абдуррахмон, Абу Тувола, Рабийъа ар-Раъй ва шу табақадагилардан ҳадис ривоят қилган.

Қуръони каримни аввал Шайба ибн Нисоҳдан, кейин Нофеъдан пухталаб олган.

Қуйидагилар у кишидан ҳадис ривоят қилган: Муҳаммад ибн Салом Бийкандий, Қутайба, Али ибн Ҳужр, Иброҳим ибн Абдуллоҳ Ҳаравий, Абу Ҳаммом Саккуний, Муҳаммад ибн Зунбур, Абу Умар Дуврий ва бошқалар.

Кисоий, Сулаймон ибн Довуд Ҳошимий ва Дуврий ундан қироат илмини ўрганган.

Бағдодга келиб Али ибн Маҳдийга тарбия берган.

Ибн Маин унинг ишончли ва омонатдор муҳаддис эканлигини айтган.

Ҳижрий 180-йилда оламдан ўтган.

### 221. Муфаззал ибн Фазола

Миср қозиси бўлган Мазкур ровийнинг нисбалари «Қитбоний» ва «Мисрий», бўлиб куняси Абу Муовиядир. Барчага намуна бўла оладиган пешқадам муҳаддислардан бўлган.

Ушбулардан ривоят қилган: Язид ибн Абу Хубайб, Айёш ибн Аббос Қитбоний, Ақил ибн Холид ва шу табақадагилар.

Лайснинг котиби Абу Солих, Умрийнинг котиби Закариё ибн Яҳё, Муҳаммад ибн Румҳ, Язид ибн Мавҳиб Рамлий ва бошқалар у кишидан ҳадис ривоят қилган.

Ибн Маин ва яна бир неча муҳаддислар уни ишончли деган.

Абу Довуд: «У дуоси ижобат бўладиган зот бўлган» деб айтган.

Лаҳийъа ибн Исо айтади: «Муфаззал Аллоҳга орзу қилмасликни сўраб дуо қилганида (фақат илм билан шуғулланиш туфайли) ақилдан озай деган. Қайта Аллоҳга дуо қилганидан кейин орзу қилиш хусусияти қайтган».

Ҳижрий 181-йилда етмиш тўрт ёшида оламдан ўтган.

## 222. Иброҳим ибн Саъд

Тўлиқ исми Абу Исъҳоқ Иброҳим ибн Саъд ибн Иброҳим ибн Абдуррахмон ибн Авф Маданий бўлиб катта муҳаддислардан бўлган.

Отаси Саъддан, яна Зухрий, Сафвон ибн Сулайм, Язид ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳод, Солих ибн Кайсон, ибн Исъҳоқ ва бир қанча муҳаддислардан ҳадис эшитган.

Ушбулар у кишидан ҳадис ривоят қилган: икки ўғли Ёқуб ва Саъд, Аҳмад ибн Ҳанбал, Мансур ибн Абу Музоҳим, Ҳусайн ибн Сайёр Ҳарроний ва бошқалар.

Мадинада қози бўлиб ишлаган.

Етмиш беш йил умр кўрган.

Иброҳим ибн Саъддан буюк муҳаддислар, жумладан, Шўба, Лайс ибн Саъд ҳадис ривоят қилган. Муҳаддисларнинг барчаси бир овоздан унинг гаплари ҳужжат ўрнига ўтишини айтганлар.

Иброҳим ибн Ҳамза Зубайрийнинг айтишича Иброҳим ибн Саъднинг ибн Исъҳоқдан ривоят қилган ҳадислари сони ғазотларга тегишлиларини ҳисобламаганда ўн етти минга яқин бўлган.

Ибн Ҳиббон унинг Мадинада энг ишончли ва пешво муҳаддислардан бири бўлганлигини айтган.

Ҳижрий 183 ёки 184-йилда вафот этган.

## 223. Исмоил ибн Айёш

Абу Утба Исмоил ибн Айёш ал-Ансий Ҳимсий Шомнинг буюк муҳаддисларидан бири бўлган.

Шурахбил ибн Муслим, Муҳаммад ибн Зиёд Алҳоний, Абу Тувола, Баҳир ибн Саъд, Тамим ибн Атийя, Суҳайл ибн Абу Солих ва шу табақадаги муҳаддислардан ривоят қилган.

Ҳадис ўрганган шогирдлари: Абу Мусъҳир, Абулямон, Муҳаммад ибн Баккор Райён, Довуд ибн Амр Забий, Ҳасан ибн Арафа, Усмон ибн Абу Шайба ва бошқалар. Шунингдек, олдинги табақадагилардан Аъмаш ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Халифа Мансурнинг хузурига келгач матолар хазинабони сифатида фаолият олиб борган.

Ишончли, ростгўй, сахий, илмига амал қиладиган олимлардан бири бўлган.

Абулямоннинг айтишича Исмоил унга қўшни бўлган. Кечалари ухламай намоз ўқиб чиққан. Тиловат қила туриб ҳар замонда тўхтаб тўхтаб кейин яна давом этар экан. Бу ҳақда сўраганида «Тиловат қилаётган оятимга тааллуқли бир ҳадис эсимга тушиб қолади ва мен уни қайд қилиб қўяман» деган экан.

Яхё Вуҳозий айтади: «Исмоил ибн Айёшдек меҳмондўст одамни учратмаганман. Борсак доим олдимизга кўзичоқ гўшти ва ҳолва кўяр эди».

Ибн Маин ва Фаллос Шомликлардан ривоят қилган ҳадислари ишончли эканини айтган.

Язид ибн Ҳорун бундай деган: «Ёддан ҳадис айтиш бўйича Шомликлар ичида ҳам, Ироқликлар ичида ҳам Имоил ибн Айёшдан кучлисини кўрмаганман. Саврийни лекин, билмадим».

Кўпчилик муҳаддислар унинг ўз юрти уламоларидан ривоят қилган ҳадисларини саҳиҳ, қолганларини саҳиҳ эмас деб айтганлар. Ёддан айтишига суяниб қолиши айтган ҳадисларига путур етказган бўлиши мумкин.

Имом Насоий ундан ҳадис ривоят қилган бўлса ҳам унинг ҳадисларини заиф даражада эканлигини айтган.

Аниқроқ маълумотларга қараганда ҳижрий 182-йили саксон ёшида вафот этган. Айрим манбааларда эса, бир юз саксон биринчи-йилда оламдан ўтгани қайд қилинган. Бир юз саксон олтинчи-йилда деган маълумотлар ҳам мавжуд.

## 224. Муслим ибн Холид

Ўз даврида Ҳарам имоми, буюк фақиҳлардан бири бўлган Мазкур ровийнинг куняси Абу Холид бўлиб, Махзум қабиласидан чиққан.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: ибн Абу Мулайка, ибн Шихоб, Амр ибн Динор, Зайд ибн Аслам, Ҳишом ибн Урва ва шу табақадагилар. Ибн Журайждан бир муддат дарс олиб фақиҳ бўлган ва фатво беришни бошлаган. Қуръоний шеваларни Абдуллоҳ ибн Касирдан ўрганган. Имом Шофеийга фатво беришга ижозат берган киши ҳам Абдуллоҳ ибн Касир бўлади.

У кишидан ҳадис ривоят қилганлар: Шофеий, Марвон Тотарий, Ҳумайдий, Мусаддад, Ҳакам ибн Мусо, Иброҳим ибн Мусо Ҳофиз, Ҳишом ибн Аммор ва бошқалар.

Азракийнинг таъкидлашича, Муслим ибн Холид фақиҳ, ибодатгўй, кўп рўза тутадиган зотлардан бўлган.

Ибн Маин унинг ҳадисини ривоят қилишнинг зарари йўқлигини айтган.

Ибн Адий: «Ҳадислари «ҳасан» даражасида бўлиб ривоят қилишнинг зарари йўқ деб ўйлайман», деган.



Абу Довуд ҳадислари заифлигини айтган бўлса, Бухорий ҳадислари олинмаслигини айтган. Абу Ҳотим ҳадислари хужжат ўрнига ўтмаслигини таъкидлаган.

Иброҳим Ҳарбий уни Макканинг фақиҳи, деган.

Сувайд айтади: «Қоралиги учун «Зинжий», дейилган. Ибн Саъд ва бошқалар оппоқлиги учун зиддига «Зинжий», (қоровой) дейилганини айтган».

Ҳижрий 180-йилда саксон ёшида оламдан ўтган.

### **225. Язид ибн Зурайъ**

Басралик буюк муҳаддислардан бири саналади. Куняси Абу Муовия, лақаби «Айший», нисбаси эса «Басрий», бўлган.

Айюб Сихтиёний, Холид Ҳаззо, Ҳубайб Муаллим, Ҳусайн Муаллим, Юнус, Журайрий, Рух ибн Қосимдан ҳадис ривоят қилган.

Қуйидагилар у кишидан ҳадис тинглаган: ибн Мадиний, Умайя ибн Бистом, Муҳаммад ибн Минҳол Зарир, Ҳажжожнинг иниси Муҳаммад ибн Минҳол, Аҳмад ибн Миқдом, Наср ибн Али Жаҳзамий ва бошқалар.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «У Басранинг райҳони бўлган. Ҳадис лафзларида ҳам, ёддан айтишда ҳам унга тенг келадигани бўлмаган», деб айтган.

Абу Ҳотим ҳам уни ишончли ва пешво муҳаддислардан бири бўлганини айтган.

Абу Увона айтади: «Мен Язид ибн Зурайъ билан қирқ-йил ҳамсоҳиб бўлдим. -йилдан-йилга яхшиликлари ортиб борар эди».

Бишр Ҳофий ҳазратлари деганлар: «Язид зеҳни мустаҳкам, «хофиз» эди. Унга ўхшаганини, ҳадисидек саҳиҳ бирор ҳадисни билмайман».

Яҳё Қаттон дейди: «Бу атрофда ундан ишончлироқ бирор кимса йўқ».

Наср ибн Али бундай деган: «Язид ибн Зурайъни (вафотидан сўнг) тушимда кўрдим. Унга «Аллоҳ сизга қандай муомала қилди?», деб савол бердим. У «Жаннатга кирдим», деди. Мен «Қайси амалингиз туфайли?», деганимда «Кўп ўқиган намозим сабаб», деб жавоб берди».

Ҳижрий 182-йилда саксон бир ёшида вафот этган. Отаси Убулла шахрининг ҳокими бўлган.

### **226. Абдулворис ибн Саид**

Куняси Абу Убайда бўлиб, «Анбарий» номи ила лақабланган.

Устозлари: Айюб Сихтиёний, Язид Ришк, Жаъд Абу Усмон, Шуайб ибн Ҳабҳоб, Айюб ибн Мусо ва бошқалар.

Мусаддад, Қутайба, Бишр ибн Ҳилол, Ҳумайд ибн Масъада, ўғли Абдуссамад ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилган.

Баъзи бидъатлар у кишига ҳам нисбат берилган.

Қуръони каримни Абу Амр ибн Алонинг кўригидан ўтказган.

Маҳмуд ибн Ғайлон айтади: «Абу Довудга «Нима учун Абдулворисдан ҳадис айтмайсиз?», деганимда «Амр ибн Убайднинг бир

кунини Умар Айюб, Юнус ва ибн Авндан афзал билган кишидан ҳам ҳадис айтаманми?!», деган эди».

Ҳасан ибн Рабиъ: «Биз Абдулворисдан ҳадис эшитар эдик. Намозга иқома айтилганда бориб намоз ўқиб келар эдик. Уни орқасида намоз ўқимас эдик», деб айтган.

Ибн Муборакка «Нега Абдулворисдан ривоят қилиб Амр ибн Убайддан ривоят қилмайсиз?», деб савол берилганида «Амр бидъатга чақирувчи бўлган» деб айтган экан.

Абу Умар Жармий шундай деган: «Абдулворисдек нотик фақиҳни кўрмаганман. У Ҳаммод ибн Саламадан ҳам нотикроқ бўлган».

Муҳаддис уламолар Абдулвориснинг ҳадислари хужжат бўла олишлигига ижмо қилганлар. Гарчи унда баъзи бидъат амаллар бўлсада бунга бошқаларни даъват қилмаган. Валлоҳу аълам!

Ҳижрий 102-йилда таваллуд топиб, 180-йилда Муҳаррам ойида вафот этган.

### 227. Абдулвоҳид ибн Зиёд

Ишончли муҳаддислардан бири бўлган Мазкур ровийнинг куняси Абу Бишр, бошқа бир маълумотда Абу Убайда бўлган. Лақаби «Абдий» бўлиб, нисбаси «Басрий»дир.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Кулайб ибн Воил, Ҳабиб ибн Абу Амра, Осим ал-Ахвал, Умора ибн Қаъқў, ал-Аъмаш, Мухтор ибн Фулфул ва бошқалар.

Абу Довуд, Аффон, Мусаддад, Убайдуллоҳ Қаворирий, Яхё ибн Яхё, Қутайба ва шу кабилар ундан ҳадис ривоят қилган.

Имом Аҳмад ва бошқалар ишончли ровийлар сафига киритган.

Ибн Маин эса: «Ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқ», деган.

Фаллос ва яна айримлар унинг ҳижрий 186-йилда вафот этганини айтган бўлса, имом Аҳмад бир юз саксон тўртинчи-йилдалигини таъкидлаган.

### 228. Абсар ибн Қосим

Абу Зубайд куняси билан танилган бўлиб, лақаби «Зубайдий», нисбаси «Куфий» бўлган. Ҳусоин ибн Абдуррахмон, Муторриф ибн Ториф, Муғира Забий, Ало ибн Мусайяб, Ашъас ибн Саввор ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Шогирдлари: Халаф ибн Ҳишом, Аҳмад ибн Иброҳим Мавсилий, Қутайба, Ҳаннод ибн Сарий, Абу Ҳасин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Ярбуий ва бошқалар.

Ишончли ровий эканлигини муҳаддислар, хусусан Абу Довуд айтган.

Ҳижрий 178-йилда вафот этган.

### 229. Холид ибн Абдуллох

Тўлиқ исми Абу Ҳайсам Холид ибн Абдуллох ибн Абдуррахмон ибн Язид бўлиб, Муҳаммад Воситий Таҳхоннинг отаси ҳамдир.

Устозлари: Ҳусойн ибн Абдуррахмон, Сухайл ибн Абу Солих, Журайрий, Абдулмалик ибн Абу Сулаймон, Юнус ибн Убайд, Холид Ҳаззо.

Ушбулар ундан ҳадис эшитган: ўғли Муҳаммад, шунингдек, Амр ибн Авн, Саид ибн Мансур, Мусаддад, Исъҳоқ ибн Шоҳин ва бошқалар.

Тақводор, солих ва ибодатгўй зотлардан бўлган.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтганлар: «У ишончли, динда солих кишилардан бўлган. Менга етиб келган маълумотларга қараганда Аллох учун нафсидан уч, ёки тўрт марта воз кечган ва ўз оғирлиги миқдорича кумушни садақа қилган экан».

Халифа ва Саъд унинг ҳижрий 182-йилда вафот этганлигини айтган. Абдулҳамид ибн Баён: «Ҳижрий 179-йилнинг Жумадул уло ойида оламдан ўтган», деб айтган.

### 230. Аббод ибн Аббод

Абу Муовия Аббод ибн Аббод ибн Ҳубайб ибн Муҳаллаб ибн Абу Суфра ал-Аздий Муҳаллабий ўз даврининг ишончли муҳаддисларидан бўлган.

Абу Жамра Зубайй, Ҳишом ибн Урва, Осим ал-Аҳвал ва яна бир қанча муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан ҳадис ривоят қилган ровийлар: Аҳмад ибн Ҳанбал, Қутайба, Мусаддад, ибн Маин, Аҳмад ибн Маниъ, Ҳасан ибн Арафа ва яна кўплаб муҳаддислар.

У зот ишончли, тақводор, солих муҳаддис бўлган.

Ибн Маин: «У ишончли ровийдир. Уббод ибн Аввомдан кўра ишончлироқ ва кўп ҳадис ривоят қилган» деган.

Ибн Саъд айтган: «У ишончли ровий. Айрим ҳолларда чалкашликлари ҳам бўлган».

Ёқуб ибн Шайба ҳам унинг ишончли ва ростгўй муҳаддислардан бири эканлигини таъкидлаган.

Ҳижрий 181-йилда оламдан ўтган.

### 231. Аббод ибн Аввом

Абу Саҳл Аббод ибн Аввом Воситий (Килобий) муҳаддис пешволардан бири.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Абу Молик Ашжаий, Абдуллох ибн Абу Нажих, Журайрий, Абу Исъҳоқ Шайбоний, ибн Авн ва шу табақадагилар.

Шогирдлари: Аҳмад ибн Ҳанбал, Амр Ноқид, Зиёд ибн Айюб, Ҳасан ибн Арафа, Али ибн Муслим Тусий ва бошқалар.

Абу Довуд ва бошқалар уни ишончли ровийлар қаторида санаган.

Ибн Саъд айтади: «Ҳар жабҳада барчага намуна бўлган. Шиаликка эътиқод қилгач ар-Рашид бир муддат ҳибсда сақлаб, кейин қўйиб юборади. Шундан сўнг у Бағдодга кўчиб боради».

Вакиъ ва бошқалар уни мактаганлар.

Ҳижрий 180-йилдан кейин вафот этганлиги аниқ. Бироқ ундан кейин қанча яшаганлиги тўғрисида турли фикрлар бор. Мазкур санадан уч, беш, олти, ёки етти йил яшаган деган маълумотлар бор.

### 232. Суфён ибн Уяйна

Ислом оламида катта мавқега эга, буюк алломалардан бири бўлмиш бу улуғ зотнинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Суфён ибн Уяйна ибн Маймун Ҳилолий Куфийдир. У зот Заҳҳок ибн Музоҳимнинг иниси бўлмиш Муҳаммад ибн Музоҳимнинг мавлоси бўлади.

Ҳижрий 107-йилда таваллуд топиб, ёшлигиданоқ илм олишни бошлаган.

Устозлари: Амр ибн Динор, Зухрий, Зиёд ибн Илоқа, Абу Исҳоқ, Асвад ибн Қайс, Зайд ибн Аслам, Абдуллоҳ ибн Динор, Маъсум ибн Муътамир, Абдуррахмон ибн Қосим ва бошқалар.

У кишидан ҳадис ривоят қилганлар: устозларидан Аъмаш, ибн Журайж, Шўба ва бошқалар. Шунингдек, ибн Муборак, ибн Махдий, Шофеий, Аҳмад ибн Ҳанбал, ибн Маин, ибн Роҳавайх, ибн Нумайр, Аҳмад ибн Солиҳ, Абу Ҳайсама, Фаллос, Заъфароний, Юнус ибн Абдулаъло, Саъдон ибн Наср, Али ибн Ҳарб, Муҳаммад ибн Исо ибн Ҳайён Мадоиний, Закариё ибн ЯҳёМарвазий, Аҳмад ибн Шайбон Рамлий ва бошқалар.

Муҳаддислар унинг гапларини хужжат билганлар. Сабаби ҳаж мавсумида атрофини одамлар ўраб оладиган Лақий ибн Уяйна барчага уни тавсия қилган.

У зот барча ишларда пешво, гаплари хужжат, «хофиз», илми денгиз, кадри баланд уламолардан бири бўлган.

Имом Шофеий: «Молик ва Суфён бўлмаганида Ҳижоз илмдан айрилган бўлар эди», деб айтган. Шунингдек, имом Шофеийнинг қуйидаги гаплари бор: «Моликдан ҳукмга тегишли деярли барча ҳадисларни ўргандим. Фақат, ўттизта ҳадисни бошқадан ўргандим. Ибн Уяйнадан эса олти ҳадисдан бошқа барча ҳукмга тегишли ҳадиси шарифларни ўргандим».

Ибн Махдий айтади: «Ибн Уяйна Ҳижоздаги энг олим инсон бўлган».

Имом Бухорий: «Ибн Уяйна ёддан ҳадис айтишда Ҳаммод ибн Зайддан кучли бўлган» деб айтган.

Ҳармаланинг айтишича имом Шофеий бундай деган: «Илм олиш услубида ибн Уяйнадек одамни кўрмадим. Фатво беришдан ўзини жуда ҳам тияр эди. Ҳадисни ундан бошқаси яхшироқ шарҳлаганини билмайман».

Ибн Вахб унинг тафсир борасида ҳам Беназир эканлигига иқроп бўлган.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Суннатни ундан яхшироқ биладиган одамни кўрмаганман», деб айтган.

Ибн Мадиний айтади: «Зухрийнинг шогирдлари ичида энг кучлиси ибн Уяйна бўлган».

Ижлийнинг айтишича ибн Уяйна ҳадисда ишончли бир муҳаддис бўлиб, етти минга яқин ҳадис ривоят қилган ва ҳадисларни бирор китобга ёзиб олмаган.

Ибн Маин: «Амр ибн Динордан ривоят қилинган ҳадислар ичида у орқали келгани энг ишончлисидир», деб айтган.

Суфён ибн Уяйнанинг ўзи бундай деган: «Амр ибн Динордан эшитган ҳадисларим адади Нуҳ алайҳис саломнинг қавмида яшаган-йилларичадир».

Маълумотларда келишича етмиш марта ҳаж қилган экан.

Ҳижрий 198-йилнинг Жумадул охир ойида вафот этган.

### 233. Абу Бакр ибн Айёш

Асли Куфалик бу муҳаддис Ислом дунёсида катта обрўга эга бўлган олимлардан бўлган.

Исми борасида турли фикрлар бор. Куныси билан кўпроқ машҳур бўлган. Исмини баъзилар Шўба деган бўлса, Насоий «Муҳаммад бўлган» деб айтган.

Қуръони каримни уч бора Осимнинг кўригидан ўтказган. Унинг ижозасини эса Кисоий, Яҳё Улаймий, Абу Юсуф Аъмаш ва бошқалар қўлга киритганлар.

Ушбу муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган: Исмоил Суддий, Усмон ибн Осим, Абу Исъҳоқ Сабийий, Абдулмалик ибн Умайр ва бошқалар.

У кишидан ҳадис ривоят қилганлар: ибн Муборак, Абу Довуд Таёлисий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Курайб, ибн Нумайр, Ҳасан ибн Арафа, Аҳмад ибн Абдулжаббор, Уторидий ва бошқалар.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «У ишончлидир. Баъзан янглганлар бўлсада у ҳомили Қуръон ва яхшилиқда бардавом инсондир», деб айтган.

Ибн Муборак айтади: «Абу Бакр ибн Айёшдан кўра суннатга қизиққан кишини кўрмаганман».

Ёқуб ибн Шайба бундай деган: «Абу Бакр солиҳ ва билимдон инсонлиги билан танилган. Фикҳ ва ҳадис илмида ўзига яраша обрўси бўлган. Ҳадисларида баъзан чалкашлик (истелоҳда бундай ҳадис «музтариб», дейилади) бор».

Абу Довуд уни ишончли эканлигини айтган.

Язид ибн Ҳорун уни шундай сифатлаган: «У яхшилиққа шошувчи, фазилатли инсон бўлиб, қирқ-йил мобайнида ёнбоши ерга тегмаган».



Яхё Ҳиммонийнинг айтишича Абу Бакр унга бундай деган: «Бир куни кечаси Замзамга келиб сув оламан десам бир челақ асал билан сут чиқди».

Абу Ҳишом Рифоий айтади: «Мен Абу Бакр ибн Айёшнинг «Яралмишлар тўрт тоифадир: ҳар қандай иш қилсада жоиз бўлганлари, огоҳлантирилганлари, мусаххар қилинганлар ва қисматиға гуноҳ битилганлар. Ҳар қандай ишлари айб саналмайдиганлар ҳайвонлардир. Огоҳлантирилганлар одам болаларидир. Мусаххар қилинганлар фаришталар ва қисматиға гуноҳ битилганлар шайтонлардир», деганини эшитганман».

Абу Бакр ҳижрий тўқсон олтинчи-йилда туғилган.

Ҳижрий 193-йилда Жумадул уло ойида вафот этган.

Яхё Ҳиммоний айтади: «Ўлим тўшагида ётганида йиғлаётган синглисига қараб «Нега йиғлайсан? Анави бурчакка қара. Мен у ерда Қуръони каримни ўн саккиз минг марта хатм қилганман», деган экан».

### 234. Муътамир ибн Сулаймон

Асли Басралик бўлган бу улуғ муҳаддиснинг куняси Абу Муҳаммад ва нисбаси «Таймий»дир.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган: отаси Сулаймон, Абдулмалик ибн Умайр, Мансур ибн Муътамир, Айюб Сихтиёний, Рукайн ибн Рабиъ, Лайс ибн Абу Сулайм, Амр ибн Динор Қахрамон ва бошқалар.

Ундарн ривоят қилганлар: Аҳмад, Исъҳоқ, ибн Маин, Фаллос, Халифа ибн Хайёт, Абу Курайб, Ҳасан ибн Арафа, Ёқуб Давракий ва шу кабилар.

Ҳижрий 106-йилда таваллуд топган.

Ишончли, моҳир, ибодатгўй ва тақволи киши бўлган. Ҳатто Холид: «Муътмир биз учун Сулаймон Таймийдан кам эмас», деб айтган.

Саид ибн Исо Курайзий айтади: «Заббон Талиқий ўлдирилган куни Муътамир ҳам оламдан ўтди. Одамлар «Енг ибодатли инсон билан энг моҳир кишимиздан айрилдик», дер эдилар».

Ҳижрий 187-йилнинг Сафар ойида оламдан ўтган.

### 235. Яхё ибн Закариё

Абу Саид Яхё ибн Закариё ибн Абу Зоида Ҳамдоний Водиъий юз мингдан ортиқ ҳадисни билган замонасининг ишончли муҳаддиси, фақиҳи саналган. Абу Ҳанифанинг шогирдларининг мавлоси ҳисобланади.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: отаси Закариё, Осим ал-Ахвал, Довуд ибн Абу Ҳинд, Ҳишом ибн Урва, Убайдуллоҳ ибн Умар, Лайс ибн Абу Сулайм, Абу Молик Ашжаий.

У кишидан ҳадис ривоят қилганлар: Аҳмад ибн Ҳанбал, Иброҳим ибн Мусо ал-Фарро, Абу Курайб, Зиёд ибн Айюб, Ёқуб ибн Иброҳим, Ҳасан ибн Арафа ва бошқалар.



У зот улуғ аллома ва кўплаб асарларнинг муаллифи хамдир.

Ибн Мадиний айтади: «Куфада Суфён Саврийдан кейин ундан олимроқ одам бўлмаган. Илм у замонда Яхё ибн Абу Зоидага бориб тақалган».

Ибн Уяйна бундай деган: «Ибн Муборак ва Яхё ибн Абу Зоидага ўхшаши ҳали бизни олдимизга келмаган».

Яхё Қаттон: «Куфада мен билан мунозара қилишда энг қийналадиганим ибн Абу Зоидадир», деб айтган.

Яхё ибн Закариё турли шаҳарларга қози бўлган. Ҳижрий 182-йилда вафот этгунга қадар қозилик вазифасида ишлаган. Бошқа бир маълумотда 183-йилда олтмиш уч ёшида оламдан ўтгани айтилган.

### **236. Абдулазиз ибн Абу Ҳозим**

Абу Таммом Абдулазиз ибн Абу Ҳозим Салама ибн Динор катта фақиҳ ва муҳаддислардан бўлган.

Устозлари: отаси, шунингдек, Зайд ибн Аслам, Сухайл, Ало ибн Абдуррахмон, Язид ибн ал-Ҳод, Мусо ибн Уқба ва бошқалар.

Қуйидагилар ундан ҳадис ривоят қилган: Ҳумайдий, Абу Мисъаб, Али ибн Ҳужр, Амр Ноқид, Ёқуб Даврақий, Яхё ибн Аксам ва шу кабилар.

Ибн Маин уни ростгўй муҳаддислардан бўлганини айтган.

Мисъаб ибн Зубайр айтади: «Сулаймон ибн Билол унга ўз китобларини қолдирган. Унда турганда сичқонлар уларни булғаб ташлаган эди. Тушунарли жойларини ўқир, ўқишга яроқсиз жойларини ташлаб кетар эди».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Мадинада Моликдан кейин ибн Абу Ҳозимдан фақиҳроқ одам бўлмаган», деб айтган.

Абу Ҳотим унинг Даровардийдан фақиҳроқ эканлигини айтган.

Аҳмад ибн Абу Ҳайсама айтади: «Яхё ибн Маин ҳазратлари ибн Абу Ҳозимнинг отасидан ривоят қилган ҳадислари ишончли эмаслигини айтган. Лекин, ибн Маин бунга қўшилмаган. У отасидан ривоят қилган ҳадисларида ҳам бошқаларида ҳам ишончлидир».

Кўпчилик унинг ишончли ровий эканлигини таъкидлаган ва «сиҳоҳ» муаллифлари унинг ривоятларини ҳужжат билганлар.

Ибн Ҳиббон бундай деган: «У Мадинадаги энг яхши ва ишончли ровий ҳисобланади».

Ибн Саъд унинг ҳижрий 107-йилда таваллуд топганини айтган.

Ҳижрий 184-йилда сажда қилган ҳолида вафот этган.

### **237. Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Убайд**

Асли Хуросонлик бўлган олимнинг куняси Абу Муҳаммад бўлиб, нисбаси «даровардий»дир.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Сафвон ибн Сулайм, Язид ибн ал-Ҳод, Абу Тувола, Савр ибн Зайд, Сухайл ибн Абу Солиҳ ва бошқалар.

Ундан ривоят қилганлар: олдинги табақадан Шўба ва Суфён, шунингдек, Исъҳоқ ибн Роҳавайх, Али ибн Хашрам, Аҳмад ибн Абада Забий, Ёқуб Давракий, Абу Ҳузофа Саҳмий ва ҳоказо.

Ибн Маин: «У Фулайҳдан ишончлироқ», деб айтган.

Абу Заръа унинг ёддан айтиш қобилияти султ бўлганини айтган.

Ибн Ҳиббон айтади: «У Мадина аҳлининг фақиҳларидан бири, пешво олимларидан саналади».

Маън ибн Исо: «даровардий барча мусулмонларнинг етакчиси бўлишга лойиқ», деган.

Ундан кўпчилик муҳаддислар, жумладан имом Бухорий ҳам ҳадис ривоят қилган.

Ҳижрий 187-йилда оламдан ўтган.

### **238. Абдулазиз ибн Абдуссамад**

Юз мингдан ортиқ ҳадисни ўзлаштирган бу буюк муҳаддиснинг куняси Абу Абдуссамад, нисбаси «Басрий», бўлиб, асли келиб чиқиши Тамим уруғига бориб тақалади.

Устозлари: Абу Имрон Жавний, Матар Варроқ, Мансур ибн Муътамир, Ҳусойн ибн Абдуррахмон ва бошқалар.

Ундан Аҳмад, Исъҳоқ, Зиёд ибн Яҳё Ҳассоний, Бундор, Фаллос, Ҳасан ибн Арафа ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Убайдуллоҳ Қаворирий: «Бизга «ҳофиз» Абдулазиз Амхий ҳадис айтиб берди», деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал уни ишончли ровийлар қаторида санаган.

Фаллос айтади: Мен Абдулазиз ибн Абдуссамад вафот этган куни Абдуррахмоннинг «Сизлар ўттиз-йилдан бери бундай устоздан айрилмаган эдингиз», деганини эшитганман».

Ҳижрий 187-йилда вафот этган.

### **239. Абдуссалом ибн Ҳарб**

Куняси Абу Бакр бўлиб, аввал Басрада, кейин Куфада яшаган. Абу Нуайм билан бирга савдо ишларини юритган.

Айюб Сихтиёний, Ато ибн Соиб, Холид Ҳаззо, Исъҳоқ ибн Абу Фарва ва бошқалардан ҳадис тинглаган.

Шогирдлари: Абу Бакр ибн Абу Шайба, Ҳаннод, Абу Саид ал-Ашаж, Ҳасан ибн Арафа ва бошқалар.

У ишончли, билимдон зотлардан бўлиб саҳобалар тириклигида таваллуд топган.

Абу Ҳотим ар-Розийнинг айтишича Абу Нуайм ундан минглаб ҳадисларни ёзиб олган экан.

Термизий уни юз мингдан ортиқ ҳадисни ўзлаштирган ишончли муҳаддислардан бири эканлигини айтган.

Ибн Хатибнинг келтиришича ундан ибн Исъҳоқ ҳам ҳадис ривоят қилган.

Ёқуб ибн Шайба унинг ишончли ровийлардан бири эканлигини ва ҳадислари тилга енгил эканлигини эътироф этган.

Ибн Маин: «Абдуссалом ишончлидир. Куфаликлар ҳам уни ишончли деб билади» деб айтган.

Қаворирий айтади: «Абдуссалом ибн Ҳарбнинг олдига бориб «Менга ҳадис айтсангиз. Мен ҳам Басраликман», деган эдим у «Гўё осмондан тушганман демоқчисанда», дедида менга ҳадис айтмади».

Ибн Мадинийнинг келтиришича у-йилда бир марта умумий катта масжлис ўтказиб турган.

Ҳижрий 187-йилда 96 ёшида оламдан ўтган.

#### **240. Жарир ибн Абдулҳамид**

Рай шаҳрининг муҳаддисларидан бири. Кунyasi Абу Абдуллоҳ, нисбаси «Заббий» ва «Куфий»дир. Ишончли муҳаддислардан.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: «Мансур ибн Муътамир, Хусойн ибн Абдуррахмон, Баён ибн Бишр, Суҳайл, Аъмаш ва бошқалар.

Қуръони каримни Ҳамзанинг кўригидан ўтказган.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: ибн Мадиний, Исъҳоқ, Қутайба, Юсуф ибн Мусо Қаттон, Аҳмад ибн Ҳанбал, Али ибн Ҳужр, Усмон ибн Абу Шайба, Муҳаммад ибн Ҳамид ва бошқалар.

Илмининг кўплиги, ихончли ровий эканлиги учун кўпчилик муҳаддислар атайин унинг юртига келганлар.

Ибн Маин унинг фақат беш-йил ҳадис ўрганганлигини айтган.

У ҳижрий 188-йилда Рай шаҳрида вафот этган.

#### **241. Абу Холид Аҳмар**

Абу Холид Сулаймон ибн Ҳайён ал-Аздий Куфий катта муҳаддислардандир.

Сулаймон Таймий, Лайс ибн Абу Сулайм, Ҳишом ибн Урва, Ҳумайд Тавил ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Ушбулар ундан ҳадис ривоят қилган: Аҳмад ибн Ҳанбал, ибн Нумайр, Абу Курайб, Саид ибн Ашаж, Юсуф ибн Мусо Қаттон, Исъҳоқ ибн Роҳавайх, Ҳаннод ибн Сарий, Ҳумайд ибн Рабиъ ва бошқалар.

Кўпчилик унинг ишончли ровий эканлигини айтган. Жумладан, Абу Ҳотим уни ростгўй муҳаддислигини таъкидлаган.

Ҳижрий 189-йилда вафот этган.

#### **242. Абу Исъҳоқ Фазорий**

Тўлиқ исми Абу Исъҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ҳорис ибн Асмо Фазорий Куфийдир. Ислом оламида катта олимлардан бири бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Абдулмалик ибн Умайр, Ато ибн Соиб, Суҳайл ибн Абу Солих, Убайдуллоҳ ибн Умар ва шу табақадагилар.

У кишидан ривоят қилганлар: ибн Муборак, Абдуллоҳ ибн Авн Харроз, Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Саҳм, Муҳаммад ибн Салом Бийкандий, охирги шогирдларидан Али ибн Баккор Миссий.

У киши Марвон ибн Муовия Фазорийнинг амакиваччаси ҳисобланади.

Ибн Маин унинг ишончли ровийлардан эканлигини таъкидлаган.

Фузайл ибн Иёз бундай деган: «Миссийдан санадни олий қилиш учун дарс олмаганман. Унинг олдига Абу Исҳоқни деб борганман».

Ибн Саъд: «Абу Исҳоқ ишончли, суннатни маҳкам тутган ва юрагида ўти бор довюрақлардан бўлган» деб айтган.

Абу Хотим айтади: «У Ислом оламида иқтидорли, ишончли ва омонатдор зотлардан бўлган».

Ривоят қилинишича қатл қилиниш учун тутиб келинган бир зиндик ар-Рашидга «Мингта ҳадисни қаёқдан тўқиб чиқардинг?», деганида Ҳорун унга «Сен Абу Исҳоқ Фарозий билан ибн Муборакнинг олдида ҳеч кимсан. Мен айтган ҳадисларимни улардан олганман ва бирор ҳарфига ҳам ўзгартириш киритмаганман», деган экан.

Абу Довуд Таълисий: «Абу Исҳоқ Фазорий вафот этди. Ҳолбуки, дунёда тенгсиз киши эди», деган.

Ибн Уяйна: «Аллоҳ ҳаққи, ҳеч кимни Абу Исҳоқ Фазорийдан устун деб билмайман», деб айтган.

Ибн Маҳдий бундай деган: «Шомликлардан кимки Авзой ва Абу Исҳоқни яхши кўрадиган бўлса унга ишонишинг мумкин».

Ибн Уяйнанинг айтишича Абу Исҳоқ Фазорий унга шундай деган: «Ҳоруннинг хузурига кирганимда у «Ей Абу Исҳоқ, сиз обрўли ва шарафли кишисиз», деди. Мен «Буларнинг охиратда менга фойдаси тегмайди», деб айтдим».

Абу Усома айтади: «Фузайл ибн Иёзнинг «Набий соллоллоҳу алайҳи ва салламини тушимда кўрдим. Ёнида бўш жой бор экан. Бориб ўша ерга ўтирмакчи эдим у зот «Бу Абу Исҳоқ Фазорийнинг жойи», деб айтдилар», деганини эшитганман».

Авзой: «Аллоҳ ҳаққи, Абу Исҳоқ мендан кўра афзалроқ», деб айтган.

Алий ибн Баккор бундай деб айтган: «Ибн Авн ва ундан кейингилар билан ҳам учрашганман. Уларнинг ичида Абу Исҳоқ Фазорийдан фақихроғини кўрмаганман».

У зот ҳижрий 185, айримларда 186-йилда вафот этган. Аллоҳ ўтган азизлардан рози бўлсин!

### 243. Абдуллоҳ ибн Муборак

Ислом дунёсининг фаҳри, аллома, буюк муҳаддис, тақводорлар пешвоси ҳисобланмиш Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Муборак ибн Возиҳ Ҳанзалийнинг отаси турк, онаси эса хоразмлик бўлган. Кўплаб муҳим асарларнинг муаллифи, буюк сайёҳ бўлмиш бу муборак зот тижорат билан шуғулланган.

Ҳижрий 118 ёки ундан кейинги йилда таваллуд топган. Умрини илмий сафарлар, ҳаж сафарлари ва тижорат билан ўтказган.

Ҳадис тинглаганлари: Сулаймон Таймий, Осим ал-Аҳвал, Ҳумайд Тавил, Рабиъ ибн Анас, Ҳишом ибн Урва, Журайрий, Исмоил ибн Абу Холид, Холид Ҳаззо, Бурайд ибн Абдуллоҳ ибн Абу Бурда ва бошқалар.

Ушбулар у зотдан ҳадис ривоят қилган: ибн Маҳдий, ибн Маин, Ҳиббон ибн Мусо, Абу Шайбанинг икки ўғли Абу Бакр ва Усмон, Аҳмад ибн Маниъ, Аҳмад ибн Жамил Марвазий, Ҳасан ибн Исо ибн Мосаржас, Ҳусайн ибн Ҳасан Марвазий, Ҳасан ибн Арафа ва бошқалар.

Ибн Маҳдий айтади: «Имомлар тўрттадир: Молик, Саврий, Ҳаммод ибн Зайд ва ибн Муборак». Шунингдек: «Бизга тенги йўқ бўлган ибн Муборак ҳадис айтиб берди», деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Ибн Муборакнинг замонида ундан кўра илмга чанқоқ одам бўлмаган», деб айтган.

Шўба: «Ҳадис тинглагани келганларнинг ичида ибн Муборакка ўхшашини кўрмаганмиз», деб айтган.

Абу Исҳоқ Фазорий: «Ибн Муборак мусулмонларнинг пешвосидир», деган.

Ибн Маин бундай деган: «У ишончли, бир сўзли бўлган. Ҳадис айтган китобларида йигирма минга яқин ҳадис бўлган».

Исмоил ибн Айёш: «дунёда ибн Муборакдек зот бўлмаган», деган экан.

Аббос ибн Мисъаб айтади: «Ибн Муборакнинг бир ўзида ҳадис илми, фикҳ илми, араб тили, тарих, шижоат, сахийлик, шогирдларга муҳаббат каби эзгу хислатлар жамланган бўлган».

Абу Усома: «У ҳадис илмида мўминлар амиридир», деб айтган.

Ҳасан ибн Исо ибн Мосаржаснинг келтиришича ибн Муборакнинг шогирдлари тўпланиб устозининг хислатларини эслаганларида улар қуйидагиларни санаган: фикҳ, адабиёт, наҳв, луғат, парҳезкорлик, шижоат, шоирлик, нотиклик, кечалари намоз ўқиш, ибодат, ҳаж, довюраклик, чавандозлик, бекорчи гапларни сўйламаслик, инсоф, яқинлари билан кўп тортишмаслик ва ҳоказо.

Шуайб ибн Ҳарб айтади: «Бор кучим билан тўлиқ бир-йил тиришсам ҳам ибн Муборакнинг уч кунига тенг кела олмайман».

Ибн Маин: «Ибн Муборак мусулмонларнинг энг кучли пешволаридан биридир», деб айтган.

Муҳаммад ибн Аъюннинг айтишича Фузайл бундай деган: «Каъбанинг Роббига касамки, кўзларим ибн Муборакдек одамни кўрмаган».

Наим ибн Ҳаммод: «Ибн Муборакдан кўра ақллироқ ва ибодатга берилган одамни билмайман», дея эътироф этган.

Имом Ҳокимнинг ривоят қилишича ибн Муборакнинг ўзлари бундай деган: «Саврийнинг олдига келиб «Сизга нима бўлди?», дедим. У «Беморман. Бирор дори ичиринг», деди. Аҳволи оғир эди. Мен бир бош пиёз келтиришларини буюрдим. Кейин уни иккига бўлдим ва унга



ҳидлашини айтдим. У ҳидлаб акса урди. Кейин ҳамд айтди ва ундаги ғам ташвишлар ариди. Шунда у «Бай бай, ҳам фақиҳ, ҳам табиб экансиз!», деди».

Ибн Муборак ҳазратларининг фазилатларини санасак адоғига ета олмаймиз. Тўлиқроқ маълумот учун «Тарихи Нисобур», «Тарихи Бағдод», «Тарихи Димашқ», «Хуля» ва бошқа манбааларга қаралсин.

Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Юнус айтади: «Ибн Муборак Қуръондан бироз тиловат қилди ва «Ким буни яратилган деб билса Буюк Аллоҳга кофир бўлибди», деб айтди».

У зот ҳижрий 181-йилнинг Рамазон ойида Ҳит шаҳрида оламдан ўтган. У зотдан Аллоҳ рози бўлсин!

#### 244. Исо ибн Юнус

Абу Исҳоқ Амр ибн Абдуллоҳ ҳазратларининг фарзанди бўлмиш Абу Амр Исо ибн Юнус Куфий улуғ муҳаддислардан бири бўлиб, ёшлигида Сағр қалъаси чегарасида хизмат қилган.

Бобосини ҳам кўрганлиги манбааларда қайд қилинган. Ушбулардан ҳадис тинглаган: отаси, шунингдек, Ҳишом ибн Урва, Ҳусайн Муаллим, Аъмаш, ибн Абу Холид, Журайрий, Мужолид, Закариё ибн Абу Зоида, Умар ва шу табақадагилар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: олдинги табақадан Ҳаммод ибн Салама, шунингдек, кейингилардан Исҳоқ ибн Роҳавайх, Иброҳим ибн Мусо ал-Фарро, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Суфён ибн Вакиъ, Али ибн Ҳужр, Али ибн Хашрам, Наср ибн Али, Ҳасан ибн Арафа ва бошқалар.

Ибн Мадинийдан у ҳақда сўрашганида: «Бай бай, у ишончли ва омонатдор бўлган» деб айтган.

Аҳмад ибн Жаноб айтади: «У қирқ бешта урушда қатнашган ва қирқ беш марта ҳаж қилган».

Вазир Жаъфар ибн Яҳё Бармакий бундай деган: «Қорилар ичида Исо ибн Юнусдек одамни кўрмаганман. Унга юз минг дирҳам берилганда қабул қилмай «Аллоҳ ҳаққи, суннат учун ҳақ олсам илм аҳли мендан ҳадис ўрганмай қўяди», деб айтган».

Ибн Саъд уни ишончли ва аниқ маълумотларга эга ровийлар қаторида деб билган.

Валид ибн Муслим айтади: «Авзойдан ривоят қилганлар мендан бошқачароқ лафзда айтишса парво қилмайман. Лекин, Исо ибн Юнусга келганда хушёр тортаман. Чунки, у жуда пухта ўзлаштирганини биламан». У киши бошқа араб уламоларидан, хусусан, Абу Исҳоқ Фазорий ва Мухаллад ибн Ҳусайндан афзал ҳисобланади.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аммор бундай деган: «Исонинг ривоятлари ҳужжат ўрнига ўтади. У иниси Исроилдан кўра ишончлироқдир».

Абу Заръа уни юз мингдан ортиқ ҳадис билганлар қаторида санаган.



Абдуллоҳ ибн Аҳмад айтади: «Отамдан Исо ибн Юнус ҳақида сўраган эдим «Исо ҳақида ҳам сўралар эканми?!», деди».

Аҳмад ибн Жаноб ва бир қанча олимлар унинг ҳижрий 187-йилда вафот этганини айтган. Бошқа бир маълумотда 188-йилда эканлиги айтилган. Бошқачароқ қайдлар ҳам мавжуд.

#### 245. Абдуллоҳ ибн Идрис

Тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Идрис ибн Язид ибн Абдуррахмон Авдий Куфийдир. Катта муҳаддис уламолардан бири ҳисобланади.

Устозлари: отаси, шунингдек, Суҳайл ибн Абу Солиҳ, Ҳусойн ибн Абдуррахмон, Абу Исъҳоқ Шайбоний, Ҳишом ибн Урва, Аъмаш, ибн Журайж ва бошқалар.

Молик, ибн Муборак, Аҳмад, Исъҳоқ, Яхё, Абу Шайбанинг икки ўғли, Ҳасан ибн Арафа, Абу Курайб, Аҳмад ибн Абдулжаббор, Уторидий ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилган.

Ар-Рашид уни қозиликка таклиф қилганида бундан бош тортган.

Бишр Ҳофий ҳазратлари айтади: «Фурот дарёсидан ичган бирор одам ҳали етукликка эришмаган. Фақат, Абдуллоҳ ибн Идрис бундан мустасно».

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Ибн Идрис мисли йўқ бўлган» деб айтган.

Ёқуб ибн Шайба айтади: «У ибодатгўй, фозил зот бўлган. Кўп ҳолларда Мадиналикларнинг фатвосига амал қилган ва Куфаликларнинг қарашларига унчалик қўшилмаган. У Моликнинг дўстларидан бири бўлган. Алидан ривоят қилинган маълумотда айтилишича имом Молик ўз «Муватто»сида келтирган барча ҳадисларни ибн Идрисдан эшитган экан».

Абу Ҳотим: «У ривоятлари ҳужжат бўлишда биринчи ўринда туради» деб айтган.

Ҳасан ибн Арафа Куфада унга ўхшаш зотни кўрмаганлигини эътироф этган.

Кисоий бундай деган: «Ар-Рашид менга «Кимнинг маълумотлари энг ишончли?», деди. Мен «Абдуллоҳ ибн Идрис, ундан кейин Ҳусайн Жуъфий туради» деб жавоб бердим».

Ибн Амморнинг айтишича, сўзлаганда урғуларга эътибор бермай гапирадиган одамга ибн Идрис ҳадис айтмас экан.

У зотнинг фазилатлари, ижобий тарафлари жуда кўп бўлган.

Ҳижрий 120-йилда туғилиб, 192-йилнинг Зулҳижжа ойида вафот этган.

#### 246. Ҳиқл ибн Зиёд

Дамашқлик бу улуғ зотнинг куняси Абу Абдуллоҳ бўлиб, Авзойининг котиби бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Авзойи, Ҳишом ибн Ҳассон, Мусанно ибн Сабоҳ, Талха ибн Амр Маккий ва Ҳариз ибн Усмон.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Абу Мусъҳир, Абу Солиҳ Котиб, Али ибн Хужр, Сулаймон ибн Бинти Шурахбил, Ҳишом ибн Аммор, олдинги табақадагилардан Лайс ибн Саъд ва бошқалар.

Ибн Маин: «Шомда Ҳиклдан ишончлироқ одам йўқ», деб айтган.

Марвон Тотарий бундай деган: «У Авзойни энг яхши биладиган, фатволари ва илм мажлислари борасида энг ишончли киши ҳисобланади».

Абу Мусҳир ва бошқаларнинг келтиришича, Ҳикл ҳижрий 179-йилда вафот этган.

#### **247. Ҳайсам ибн Хумайд**

Асли Ғассон қабиласидан бўлиб, фақиҳ, ҳадис илмида тенги йўқ алломалардан бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Яҳё ибн Ҳорис Замморий, Савр ибн Язид, Ало ибн Ҳорис, Мутъим ибн Микдом, Довуд ибн Абу Ҳинд, Зайд ибн Воқид ва яна кўпчилик муҳаддислар.

Шогирдлари: Абу Мусъҳир, Абу Тавба Ҳалабий, Абдуллоҳ ибн Юсуф Тиннисий, Ҳакам ибн Мусо, Муҳаммад ибн Оиз, Али ибн Хужр ва бошқалар.

Духайм бундай деган: «Макхулнинг гапига қараганда у аввалгилару охиргилар ичида энг билидон киши бўлган».

Абу Довуд Қадарий эканлигини айтиб, ишончли ровийлар қаторида санаган.

Имом Насоий: «Ҳадисларини айтишнинг зарари йўқ», деб айтган.

#### **248. Яҳё ибн Ямон**

Юз мингдан ортиқ ҳадисни ўзлаштирган ишончли муҳаддислардан бири бўлган. Куныси Абу Закариё, лақаби «Ижлий», нисбаси эса «Куфий»дир.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган: Ҳишом ибн Урва, Исмоил ибн Абу Холид, Минҳол ибн Халифа ва Саврий.

Қуръони каримни Ҳамзанинг кўригидан ўтказган.

Шогирдлари: ўғли Довуд, шунингдек, Бишр ибн Ҳорис, Абу Курайб, Суфён ибн Вакиъ, Ҳасан ибн Арафа, Али ибн Ҳарб ва бошқалар.

Ибн Мадиний: «Ростгўй ровийлардан бири бўлган. Фалаж бўлиб қолгач хотирасига бироз путур етган», деб айтган.

Вакиънинг айтишича дўстлари ичида Яҳё ибн Ямондек хотираси кучли одам бўлмаган. Бир ўтиришда беш юзта ҳадисни ёдлаб олар экан. Фақат, (ўз устида ишлаш бўлмагани учун) кейинчалик унутиб юборган.

Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ ибн Нумайр: «Тез ёд олиб тез эсдан чиқарадиган одам бўлган» деб айтган.

Аҳмад ибн Ҳанбалнинг айтишича ривоятлари ҳужжат ўрнида ўтмайди.

Ҳижрий 189-йилда вафот этган.

### 249. Яхё ибн Ҳамза

Абу Абдуллаҳмон Яхё ибн Ҳамза Ҳазрабий Баталхий Димашкий ўз диёрининг қозиси ва олими саналган.

Қуйидагилардан ривоят қилган: Урва ибн Рувайм, Амр ибн Муҳожир, Муҳаммад ибн Валид Зубайдий, Язид ибн Абу Марям, Авзойи ва бошқалар.

Шогирдлари: Абу Мусъхир Ғассоний, Муҳаммад ибн Оиз, Ҳакам ибн Мусо, Ҳишом ибн Аммор, Али ибн Ҳужр ва шу қабила.

Духайм унинг ишончли ровий эканлигини таъкидлаб: «Алий ибн Язид билан учрашганлигига ишончим комил», деб айтган.

Имом Аҳмад ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқлигини айтган.

Абу Ҳотим: «Саксон йил умр кўрган ва у ростгўйдир», деб айтган.

Қозилик вазифасида ўттиз-йилча фаолият олиб борган.

Ҳижрий 183-йилда вафот этган.

### 250. Муофий ибн Имрон

Абу Масъуд Муофий ибн Имрон ал-Аздий Мавсилий араб диёрининг катта олимларидан, пешво муҳаддислардан бири бўлган.

У кишидан ривоят қилганлар: Савр ибн Язид, Жаъфар ибн Бурқон, Ҳишом ибн Ҳассон, Ҳанзала ибн Абу Суфён, ибн Журайж, ибн Абу Аруба, Авзойи ва бошқалар.

Қуйидагилар ундан ҳадис ривоят қилган: Биш Ҳофий, Муҳаммад ибн Жаъфар Варқоний, Иброҳим ибн Абдуллоҳ Ҳаравий, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аммор, Абдуллоҳ ибн Абу Хидош ва бошқалар.

Ибн Маин ишончли муҳаддислардан бири эканлигини айтган.

Ибн Саъд: «У ишончли, фозил ва хайрихоҳ, суннатни маҳкам тутган зот бўлган» деб айтган.

Ибн Муборак ундан ҳадис айтишда: «Ўша солиҳ киши менга ҳадис айтди», деб эслаган.

Саврий уни «У уламоларнинг ёкутидир», дея сифатлаган.

Ибн Аммор: «Ундан афзал кишини кўрмаганман», деган.

Абу Закариё Язид ибн Муҳаммад ал-Аздий у кишининг таржимаи ҳоли учун «Тарих» асарида йигирма саҳифадан кўпроқ жой ажратган. Жумладан бундай дейди: «Муофийнинг парҳезкорлик, адаб, сунан, фитналар ва бошқа мавзуларга бағишланган асарлари бор».

Бишр ибн Ҳориснинг айтишича Авзойи ҳазратлари муҳаддислардан Муофий, ибн Муборак ва Мусо ибн Аъюнни санаб: «Булар инсонларнинг энг олди кишиларидир. Лекин, ҳеч кимни Мавсилийдан афзал билмайман», деб айтган.

Бишр айтади: «Ҳадис ва масалаларни ёддан айтар эди. Шодликда ҳам, қайғуда ҳам бир хил эди. Хаворижлар унинг икки фарзандини ўлдирганларда ҳам унга ҳеч нарса таъсир қилмаган. Шогирдларини тўплаб «Бу иккисидан айрилганингизга сабр қилганингиз учун Аллоҳ сизларни ажру савоблар билан сийласин», деб айтган. Унинг молу дунёси

кўп, шунинг билан бирга жуда кўп хайру саховат кўрсатар эди.-йиллик фойдаси тўпланганда шогирдларини тўплаб уларнинг хар бирига бир-йилга етадиган маблағ берар эди. Шогирдлари сони ўттиз тўртда бўлган».

Бишр Ҳофийга «Муофийга «ошиқ», бўлганмисиз дейман?», дея савол берганларида «Нега ошиқ бўлмай. Ахир, Суфён уни ёқут деб атар эдику», деб жавоб берган экан.

Ибн Аммор унинг ҳижрий 185-йилда вафот этганлигини айтган бўлса, бошқалар 184-йилдалигини келтирган. У зот олтамиш ёшлар чамасида оламдан ўтган.

### 251. Бақийя ибн Валид

Тўлиқ исми Абу Юҳмид Бақийя ибн Валид Калоий Ҳимярий Майтамий Ҳимсийдир. У киши Шом ўлкасининг буюк муҳаддисларидан саналган.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Муҳаммад ибн Зиёд Алҳоний, Зубайдий, Баҳир ибн Саъд, Абдуллоҳ ибн Умар, Савр ибн Язид ва кўплаб муҳаддислар. У киши Исъҳоқ ибн Роҳавайҳдан ҳам ривоят қилган.

Шогирдлари: Авзой, Шўба, Ҳаммодларнинг иккиси ҳам, Нуайм ибн Ҳаммод, Довуд ибн Рушайд, Али ибн Ҳужр, Амр ибн Усмон, Абу Тақий Язаний, Муҳаммад ибн Мусаффо, Абу Утба Аҳмадибн Фараж ва бошқалар.

Ибн Маин, Абу Заръа ва бошқалар: «Агар Бақийя ишончли ровийлардан ҳадис айтса унинг ривояти ҳужжат бўлади» деб айтганлар.

Ибн Муборак: «Бақийя мени жуда қийнаган. Куняларни исм, исмларни куня қилиб айтар эди», деган.

Абу Мусъҳир бундай деган: «Бақийянинг ҳадислари гулзор эмас, эҳтиёт бўлмаганлар тақводор эмас».

Имом Насоий: «Агар у «бизга ҳадис айтди», «бизга хабар беришича», деган ибораларни ишлатса ҳадислари ишончли бўлади. Агар «фалончининг бундай ривояти бор экан», деган иборани қўлласа ишончли эмас» деган.

Ҳикоя қилинишича Ҳорун ар-Рашид Бақийядан эшитган ҳадисларини ёзиб олган ва унга «Мен сизни яхши кўраман», деган экан.

Ҳажжож ибн Шоирнинг айтишича, одамлар Суфён ибн Уяйнадан Мулахнинг ривоятлари ҳақида сўрашганида Бақийядан келтирилган гапларни ҳужжат қилиб келтирган экан.

Ибн Маин айтади: «Шўба Бақийянинг олдига борганидан кейин уни мақтайдиган бўлган».

Бақийя фикҳ илмини Авзойдан ўрганган.

Имом Муслим ва сунан эгалари у зотдан ҳадис ривоят қилганлар.

Ҳижрий 197-йили вафот этган.

### 252. Али ибн Мусъхир

Мавсил (Мўсул) шаҳрининг қозиси бўлган Мазкур ровийнинг куняси Абу Ҳасан, нисбаси Қурашийдир. У киши ҳадис илмида «ҳофиз»лардан бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Довуд ибн Абу Ҳинд, Исмоил ибн Абу Холид, Абу Молик Ашжаий, Закариё ибн Абу Зоида, Осим ал-Ахвал ва бошқалар.

Шогирдлари: Бишр ибн Одам, Сувайд ибн Саъд, Абу Шайбанинг икки ўғли, Али ибн Хужр, Ҳаннод ибн Сарий ва шу қабилар.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Ҳадис борасида у Абу Муовиядан ишончлироқдир».

Ижлий: «У ҳам фақиҳ, ҳам муҳаддис бўлиб, ишончли ровийлардан биридир», деб айтган.

Аббоснинг айтишича Яҳё: «Ишончли муҳаддислардан бири бўлиб, Ирминияга қозилик қилган», деб айтган.

Ибн Нумайр: «Китоблари билан бирга дафн қилинган», деб айтган.

Ибн Маиннинг келтиришича Ирминияда кўзи оғриб қолади. Ундан олдин қози бўлган киши кўз табибига бориб «Унинг кўзини кўр қилсанг сенга пул бераман», деган экан. Шундай қилиб у Куфага кўзлари кўр ҳолда қайтган экан.

У киши ҳижрий 199-йилда вафот этган.

### 253. Умар ибн Али ибн Ато

Абу Ҳафс Умар ибн Али ибн Ато ибн Муқаддам Муқаддабий Басрийнинг Осим ва Муҳаммад исмли фарзандлари бўлиб, у киши Муҳаммад ибн Абу Бақр Муқаддабийнинг амакиси бўлади.

Ҳишом ибн Урва, Исмоил ибн Абу Холид, Абу Ҳозим Мадиний ва Холид Ҳаззодан ҳадис ривоят қилган.

Қуйидагилар у кишидан ривоят қилган: Халифа ибн Хайёт, Аҳмад ибн Абда, Фаллос, Бундор, Абу Ашъас Ижлий ва бошқалар.

Ибн Маин унинг ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқлигини айтган.

Ибн Саъд айтади: «Ривоятларида ровийларни аниқлаш жуда қийин бўлган (тадлис). Масалан, «ешитдим, бизга ҳадис айтиб берди», деб туриб, бироз сукут сақлаган ва бирдан «Ҳишом ибн Урва», деб муҳаддислар исмини санай кетган».

Ҳижрий 190-йилнинг Жумадул уло ойида вафот этган.

### 254. Қози Абу Юсуф

Тўлиқ исми Абу Юсуф Ёқуб ибн Иброҳим Ансорий Куфий бўлиб, Абу Ҳанифанинг шогирдларидан бири, аллома, Ироқнинг фақиҳларидан бири бўлган.

Ҳишом ибн Урва, Абу Исҳоқ Шайбоний, Ато ибн Соиб ва шу табақадагилардан ҳадис ривоят қилган.



Ундан куйидагилар ҳадис ривоят қилган: фақиҳ Муҳаммад ибн Ҳасан, Аҳмад ибн Ҳанбал, ибн Маин, Бишр ибн Валид, Али ибн Жаъд, Али ибн Муслим Тусий ва бошқалар.

Ёшлигидан илмий муҳитда катта бўлган. Отаси жуда фақир бўлиб, уни асосан Абу Ҳанифа таъминлаб турган.

Музаний: «Одамлар ҳадисни асосан ундан тинглаганлар» деб айтган.

Яҳё ибн Яҳё Тамимийнинг айтишича Абу Юсуф «Китоб (бир лафзда Қуръон деб келган) ва суннатга мувофиқ келсагина фатво берганман», деб айтган. Шунинг учун ҳам мусулмонлар асосан у кишига мурожаат қилганлар.

Иброҳим ибн Абу Довуд Буруллусийнинг ривоят қилишича ибн Маин бундай деган: «Асҳоби раънинг ичида (ҳанафий мазҳабини назарда тутяпти) Абу Юсуфдан кўра кўпроқ ҳадис биладигани ва ишончлиси йўқдир».

Аббоснинг келтиришича ибн Маин яна: «Абу Юсуф ҳақиқий муҳаддис ва суннатни маҳкам тутган кишидир», деб айтган.

Абу Самоанинг айтишича Абу Юсуф қозилик вазифасига киришгач ҳар куни икки юз ракаат нафл намоз ўқиган экан.

Имом Аҳмад: «Ҳадис борасида инсофли бўлган» деб айтган бўлса, Фаллос уни ростгўй деб атаган.

Ҳижрий 182-йилнинг Рабиул охир ойида 69 ёшида оламдан ўтган.

Ҳадис соҳасида энг катта устози Ҳусойн ибн Абдуррахмон бўлган. Абдуллоҳ ибн Динордан ҳадис ривоят қилган бўлсада у билан учрашмаган. Ибн Динорнинг ҳадисини бир киши орқали ривоят қилган.

### 255. Абу Муовия

Абу Муовия Муҳаммад ибн Хозим Куфий аз-Зарир Куфанинг катта муҳаддисларидан, ишончли ровийлардан ҳисобланади.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ҳишом ибн Урва, Аъмаш, Лайс ибн Абу Сулайм, Абу Исҳоқ Шайбоний, Исмиол ибн Абу Холид ва шу табақадагилар.

У кишидан Аҳмад ибн Ҳанбал, ибн Маин, Абу Ҳайсама, Ҳасан ибн Арафа, Ҳаннод, Саъдон ибн Наср, Ҳасан ибн Муҳаммад Заъфароний, Аҳмад ибн Абдулжаббор ва бошқалар ривоят қилган.

Ҳижрий 113-йилда таваллуд топган.

Абу Нуаймнинг айтишича Абу Муовияга Аъмаш «Сен хазинанинг ўзисан» деган экан.

Ривоят қилинишича Шўба агар Абу Муовиянинг олдида ҳадис айтса ундан «Шундайми, шундайми?», деб сўраб турар экан.

Абу Нуайм: «Аъмашдан Абу Муовия йигирма-йил дарс олган», деб айтган.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Ундан Аъмашнинг ҳадислари сўралганида «Унинг ҳадисларини кўп айтаверганимдан оғзимда «ачиб», қолган», дер экан. Аллоҳ ҳаққи у Қуръон ҳофизи бўлган.



Аъмашдан бошқалардан ривоят қилган ҳадисларида бироз ноаниқлик бор».

Ибн Мадиний: «Абу Муовиядан Аъмашнинг бир минг беш юзта ҳадисини ёзиб олдим», деб айтган.

Айтишларича Абу Муовияни ар-Рашид доимо яхши кўриб унга ҳурмат бажо келтирган экан.

Кўпчиликнинг фикрича у ҳижрий 195-йилда вафот этган. 194-йилда оламдан ўтган деган фикрлар ҳам бор.

### **256. Марвон ибн Муовия**

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Марвон ибн Муовия ибн Ҳорис ибн Асмо ибн Хорижа ибн Уяйна ибн Ҳисн Фазорий Куфийдир. Аввал Маккада, кейинчалик Дамашқда яшаган.

Осим Аҳвал, Ҳумайд Тавил, Абу Молик Саъд ибн Ториқ, Исмоил ибн Абу Холид, Мусо Жуханий, Муҳаммад ибн Сука ва бир неча муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан қуйидагилар ривоят қилган: Аҳмад, Исҳоқ, Абу Хайсама, Ҳусайн ибн Ҳурайс, Дуҳайм, Абу Курайб, ибн Арафа, Муҳаммад ибн Ҳишом Маллос Намирий ва бошқалар.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Ишончли, юз мингдан ортиқ ҳадисни билган. Барча ҳадисларини ёддан айтган».

Ибн Мадиний: «Машҳур муҳаддислардан айтган ҳадислари ишончли ҳисобланади», деб айтган.

«Санаддаги ровийларни тушириб қолдирадиган муҳаддис бўлган» деб айтган ибн Маин.

Маълумотларга қараганда у ҳижрий 193-йилда Зулҳижжанинг дастлабки ўн кунлигида тўсатган Макка шаҳрида вафот этган.

Айтишларича у жуда ҳам фақир бўлиб, одамлар унга ёрдам қўлини чўзиб турган.

### **257. Марвон ибн Шужо**

Абу Амр Жазарий Ҳарроний Боғдодда яшаган. Хусойф ибн Абдуррахмонни яхши таниган.

Хусойф, Иброҳим ибн Абу Абла ва Солим Афтоздан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан қуйидагилар ривоят қилган: Аҳмад ибн Ҳанбал, Сурайж ибн Юнус, Аҳмад ибн Маниъ, Абу Убайд, Ёқуб Давракий, Ҳасан ибн Арафа ва шу кабилар.

Ибн Маин ва бошқалар уни ишончли деб билган.

Халифа: «У ҳижрий 184-йилда вафот этган», деб айтган.

### 258. Абдулъяъло ибн Абдулъяъло

Олим ва Муҳаддислардан бўлган. Кунyasi Абу Муҳаммад бўлиб, нисбалари «Қураший», «Шомий» ва «Басрий», бўлган.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган: Хумайд Тавил, Журайрий, Юнус ибн Убайд, Довуд ибн Абу Ҳинд ва ҳоказо.

Шогирдлари: Исъҳоқ ибн Роҳавайх, Фаллос, Абу Бакр ибн Шайба, Наср ибн Али, Бундор ва бошқалар.

Кўпчилиқ муҳаддислар уни ишончли эканлигини айтган.

Лекин, ибн Саъд «Унчалиқ кучли бўлмаган», деб айтган.

Ҳижрий 189-йилнинг Шаъбон ойида вафот этган.

### 259. Фазл ибн Мусо

Абу Абдуллоҳ Фазл ибн Мусо Марвазий Синоний Хуросон уламоаридан бири бўлган. «Синон» бу Марвдаги қишлоқлардан бирининг номи.

Илмий сафарлари давомида қуйидаги муҳаддислардан ҳадис тинглаган: Ҳишом ибн Урва, Хусайм ибн Ирок, Исмоил ибн Абу Холид, Маъмар, Хусайн Муаллим ва шу табақадагилар.

У кишидан ҳадис эшитганлар: Исъҳоқ ибн Роҳавайх, Али ибн Ҳужр, Яҳё ибн Аксам, Ҳусайн ибн Ҳурайс, Али ибн Хашрам, Маҳмуд ибн Ғайлон, Маҳмуд ибн Одам ва бошқалар.

Абу Нуайм уни ибн Муборақдан ишончлироқ эканлигини таъкидлаган.

Вакиъ: «Мен уни яхши биламан. Ишончли ровийлардан бўлган. Суннатни маҳкам тутган» деб айтган.

Ибн Ҳиббон айтади: «Марвнинг буюқларидан, у ердаги ишончли ровийларидан бири саналган».

Исъҳоқ ибн Роҳавайх айтади: «Мен учун энг ишончли ровийлар Фазл ибн Мусо билан Яҳё ибн Яҳё бўлиб, улардан ишончли бирор муҳаддисдан ҳадис ёзмаганман».

Ҳижрий 115-йилда таваллуд топган. Хуросон вилоятига Ҳаръима ҳоким этиб тайинланган куннинг кечки қисмида, яъни 192-йил Рабиул охир ойининг 11-санасида вафот этган.

### 260. Ҳафс ибн Ғиёс

Абу Умар Нахайй Куфий ҳазратлари дастлаб Бағдодда, кейин эса Куфада қозилиқ қилган.

Ушбулардан ривоят қилган: бобоси Талқ ибн Муовия, шу билан бирга, Осим ал-Аҳвал, Лайс ибн Абу Сулайм, Ҳишом ибн Урва, Убайдуллоҳ ибн Умар ва бир қанча муҳаддислар.

Ундан ривоят қилганлар: ўғли Умар ибн Ҳафс, шунингдек, Аҳмад, Исъҳоқ, ибн Мадиний, ибн Маин, Абу Шайбанинг икки ўғли, Амр Ноқид, Ёқуб Даврақий, Ҳасан ибн Арафа, Аҳмад Уторидий ва бошқалар.

Яҳё Қатгон: «Аъмашнинг энг ишончли шогирди Ҳафсдир», деб айтган.

Сажжода айтади: «Одамларнинг «Қозилик Ҳафс ибн Ғиёс билан мукамалликка етган», деган гаплари бор».

Ҳафс ибн Ғиёснинг ўзи бундай деган: «Аллоҳ ҳаққи, ўлимтик ҳалол бўлгунига қадар қозиликка рози бўлмаганман». Вафот этганида зиммасида тўққиз юз дирҳам қарзи қолган экан.

Ибн Маиннинг келтиришича, Ҳафс Бағдод ва Куфада айтган барча ҳадисларини ёддан ривоят қилган. Бирор марта ҳам китобга қараб айтмаган. Муҳаддислар унинг ёддан айтган ҳадисларидан уч, ёки тўрт мингтасини ёзиб олганлар.

«Ҳафс ибн Ғиёс араблар ичида энг саховатпеша одам бўлган», деб айтган Муснадий.

Ҳижрий 194-йилнинг охирларида вафот этган.

### 261. Яҳё ибн Саид

Абу Саид Яҳё ибн Саид ибн Фаррух Тамимий илмда пешво, муҳаддислар йўлбошчиси бўлган.

Ҳижрий 120-йилда таваллуд топган.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис тинглаган: Ҳишом ибн Урва, Ато ибн Соиб, Ҳусайн Муаллим, Ҳусайм ибн Ирок, Ҳумайд Тавил, Сулаймон Тамимий, Яҳё Ансорий, Аъмаш ва бир қанча муҳаддислар.

Шогирдлари: ибн Махдий, Аффон, Мусаддад, Аҳмад, Исъҳоқ, Яҳё, Али, Фаллос, Бундор, Исъҳоқ Кавсаж, Муҳаммад ибн Шаддод Мисмаий ва бошқалар.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Яҳё ибн Саид Қаттонга ўхшашини кўзларим кўрмаган», деб айтган.

Ибн Маин бундай деган: «Абдуррахмон менга «Яҳё Қаттонга ўхшашини топа олмайсан», деб айтди».

Ибн Мадиний айтади: «Ровийлар борасида ундан олимроғини билмайман».

Бундор: «У ўз замонининг пешвоси ҳисобланган», деган.

Ибн Аммор айтади: «Яҳё ибн Саидга қараганимда ҳеч нарсани эплай олмаса керак деб ўйлардим. Кўринишидан савдогарларга ўхшар эди. Гапирганда эса фақиҳларни жим қилиб қўяр эди».

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Яҳё шундай деган: «Бобом ҳеч кимни мазах қилмаган. Кулмаган ҳам. Фақат табассум қилган. Ҳаммомга кирмаган. Бўёқчилик билан шуғулланган».

Ибн Маиннинг таъкидлашича Яҳё Қаттон йигирма-йил давомида Қуръони каримни ҳар кеча хатм қилиб чиққан.

Бундор: «Йигирма-йил давомида унинг ҳузурига тез тез бориб турганман. Ҳечам гуноҳ иш қилмаган деб ўйлайман», деб айтган.

Ибн Маин айтади: «Яҳё ибн Саид қирқ-йил давомида бир кун ҳам масжиддан айро яшамаган».

Ижлий бундай деган: «Ҳадисларида камчилик бўлмаган. Фақат ва фақат ишончли ровийларнинг ҳадисларини айтган».

Абу Қудома Сарахсийнинг эслашича Яхё ибн Саид бундай деган: «Мен учратган муҳаддисларнинг барчаси иймонни сўз ва амалдан иборат деб билган. Жаҳмийларни кофир санашган. Саҳобалардан биринчи Абу Бакр ва Умароларни афзал деб билганлар».

Ибн Маин айтади: «Яхё Куръон эшитганида ерга юзтубан йиқилар эди. Шунингдек, «Ҳеч қаерда ҳеч қачон бир ўзим ёлғиз қолмаганман», деб айтган. У жуда қалби юмшоқ одам бўлган. Унинг бир қўшниси урушиб уни ҳақорат қилганида йиғлаб «Мен кимман? Мен нимаман? деб ўзига савол берган одам ҳақиқий инсон бўлади» деган. Унинг ёнида доимо тасбеҳи бўлган».

Ибн Саъд уни ишончли, ривоятлари ҳужжат, қадри баланд ва омонатдор зот бўлганини айтган.

Насоий бундай деган: «Росулуллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳадислари ишониб топширилган Аллоҳнинг омонатдорлари Молик, Шўба ва Яхё Қаттондир».

Имом Аҳмад: «Ҳадисларнинг ишончилиги Яхё Қаттон туфайли юксак даражага чиққан», деб айтган.

Аффон айтади: «Бир кишининг тушида «Яхё Қаттонга ушбу хушхабарни етказ: то Қиёматга қадар унинг номи Аллоҳнинг ҳимоясида бўлади» деган башоратни эшитган экан».

У зот ҳижрий 198-йилнинг Сафар ойида вафот этган.

## 262. Муҳаммад ибн Жаъфар

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Жаъфар Ғундар Ҳузалий ишончли ва катта муҳаддислардан бири бўлган.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Ҳусайн Муаллим, Абдуллоҳ ибн Саид ибн Абу Ҳинд, Авф Аъробий, Маъмар ибн Рошид, Саид ибн Абу Аруба, асосан Шўба.

У кишидан қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: Аҳмад, Али, Исҳоқ, Яхё, Абу Хайсама, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Фаллос, Бундор, Муҳаммад ибн Мусанно, Муҳаммад ибн Валид Бусрий ва бошқалар.

Ибн Маин: «Ғундарнинг китоби энг ишончли манбаадир. Бир киши уни чалғитишга уринган. Аммо, мақсадига ета олмаган», деб айтган.

Имом Аҳмаднинг келтиришича Ғундар «Шўбадан йигирма-йил дарс олдим», деб айтган.

Ибн Маин унинг эллик-йил давомида кун ора рўза тутганини айтган.

Ибн Махдий: «Шўба тириклигидаёқ Ғундарнинг китобидан фойдаланар эдик», деб айтган.

Ғундар ҳазратлари тижорат билан шуғулланган бўлсада бу нарса у зотни илмдан чалғита олмаган.

Ҳижрий 193-йилнинг Зулқаъда ойи бошларида оламдан ўтган.

### 263. Валид ибн Муслим

Дамашқ аҳлининг катта олимларидан бири бўлган Мазкур ровийнинг куняси Абу Аббосдир.

Ҳижрий 119-йилда таваллуд топган.

Қуйидаги ровийлардан ҳадис ривоят қилган: Яҳё ибн Ҳорис Зиморий, Савр ибн Язид, ибн Ажлон, ибн Журайж, Мусанно ибн Сабоҳ, Язид ибн Абу Марям, Сафвон ибн Амр, Авзойи ва бошқа кўплаб муҳаддислар.

У кишидан ушбулар ривоят қилган: Аҳмад ибн Ҳанбал, Дуҳайм, Ҳишом ибн Аммор, Абу Хайсама, Али ибн Муҳаммад Танофисий, Касир ибн Убайд, Муҳаммад ибн Мусаффо, Маҳмуд ибн Ғайлон, Мусо ибн Омир ва бошқалар.

Ҳадисга оид, жумладан муҳаддислар тарихига оид асарлари бор.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Шомликлар ичида ундан ақиллироқ инсонни кўрмадим», деб айтган.

Ибн Жавсо айтади: «Олимлар орасида ҳалигача «Валиднинг асарларини ёзиб чиққан одам қози бўлишга лойиқ», деган гапларни эшитамиз. У етмишта китоб ёзган».

Абу Мусъҳир ва бошқалар: «Валид ровийларни атайин ноаниқ қилиб ҳадис айтган. Асосан ёлғончиларнинг ҳадисини айтганда шундай қилган» деб айтган.

Рабиъ ибн Саълаб ва Ҳишом ибн Аммор ўз ҳадисларини Валиднинг кўригидан ўтказиб олган.

Устозларидан Лайс ибн Саъд, тенгдошларидан Бақийя ва ибн Ваҳб у кишидан ҳадис ривоят қилган.

Ибн Саъд: «Валид ишончли муҳаддисдир. Унинг ҳадислари илми каби кўп бўлган» деб айтган.

Абул Ямон бундай деган: «Валид ибн Муслимдек инсонни кўрмадим».

Ибн Мадиний: «Валиддан ҳадис эшитганман. Шомликлар орасида унга ўхшашини кўрмаганман. Ҳеч ким билмайдиган саҳиҳ ҳадисларни ҳам билар экан», деган. Яна унинг қуйидаги фикрлари бор: «Валид Шомнинг арбобларидан биридир. Илмда денгиз бўлган. Ундан илм олиш бахтига муяссар бўлмаганман».

Абу Ҳотим унинг ҳадислари тўғри эканлигини айтган.

Ибн Адий уни ишончли муҳаддислар қаторида санаган.

Ҳижрий 195-йилнинг Муҳаррам ойида вафот этган.

### 264. Абдуллоҳ ибн Ваҳб

Бобосининг исми Муслим, куняси эса Абу Муҳаммад бўлган. Ўз даврининг етук уламоларидан саналган.

Ҳижрий 125-йилда таваллуд топган.

Ибн Юнус: «У ўн етти ёшидан илм олишни бошлаган. Мен уни тўйимга чақирганман», деб айтган. Шунингдек ибн Юнус бундай деган: «Ибн Ваҳб ҳам фақиҳ, ҳам муҳаддис ва ибодатгўй зот бўлган».

Ибн Ваҳб ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Юнус, ибн Журайж, Ханзала ибн Абу Суфён, Усома ибн Зайд Лайсий, Хуяй ибн Абдуллоҳ Маофирий, Умар ибн Муҳаммад Умрий, Абдулҳамид ибн Жаъфар Ансорий, Абу Сахр Хумайд ибн Зиёд, Амр ибн Ҳорис, Молик, Лайс, шунингдек Миср, Макка ва Мадинанинг кўплаб муҳаддислари.

Ундан устози Лайс, шунингдек, Асбағ ибн Фараж, Ҳармала, Аҳмад ибн Солих, Саҳнун ибн Саид, Ҳорис ибн Мискин, Абу Тохир Аҳмад ибн Сарх, Абдулмалик ибн Шуайб, Бахр ибн Наср, Иброҳим ибн Мункиз, жияни Аҳмад ибн Абдуррахмон, Рабиъ ибн Сулаймон Муродий, Юнус ибн Абдулъяъло ва бошқалар ҳадис тинглаган.

Аҳмад ибн Солих: «Ундан кўпроқ ҳадис айтганни билмайман. Юз мингта ҳадис айтган. Бизда эса етмиш минг ҳадис сақланиб қолди», деб айтган.

Холид ибн Хидош айтади: «Ибн Ваҳбга шогирдлари ўз китобининг «Қиёмат даҳшатлари» бобини ўқиб бераётган эди. У бирдан ҳушидан кетди ва то вафот этгунга қадар лом мим демади».

Ибн Ваҳб бундай деган: «Ҳишом ибн Урва масжидда ўтирган эди. Кейин унинг уйига бориб (уни кутиб турганимда) одамлар «Ухлаяпти», дейишди. Ҳажга бориб келсам у вафот этибди. Убайдуллоҳ ибн Умар (йиғлайвериб) кўзи кўр бўлиб қолган ва ҳадис айтмай қўйган экан».

Абу Заръа шундай деб эслайди: «Ибн Ваҳбнинг ўттиз минг ҳадисини текшириб чиқдим. Бирорта ҳам нотўғри ҳадисни учратмадим. У ишончли муҳаддисдир. Яхё ибн Букайрнинг «У ибн Қосимдан фақиҳроқ», деганини эшитганман».

Саҳнун айтади: «Ибн Ваҳб умрининг учдан бир қисмини чегара хизматига, яна шунча умрини инсонларга таълим беришга, қолганини ҳаж қилишга сарфлаган. Маълумотларда унинг ўттиз олти марта ҳаж қилгани келтирилган».

Молик унга мактуб юборса «Миср аҳлининг муфтийсига», деб жўнатар эди. Бошқаларга бундай қилмаган. Имом Молик олдида у билан ибн Қосим номи зикр қилинганда «Ибн Қосим фақиҳ, ибн Ваҳб олимдир», деб айтган.

Абу Тохир айтади: «Биз ибн Уяйнанинг дарсида ўтирганимизда Наий ибн Ваҳб келиб истиржо айтди ва «Мусулмонларнинг барчаси мусибатга учради. Мен учун эса бу алоҳида дард бўлди», деди».

Насоий: «Ибн Ваҳб ишончлидир. Бошқа бир ишончли муҳаддисдан ривоят қилган ҳадислари ичида нотўғрисини учратмаганман», деб айтган.

Ҳижрий 197-йилда вафот этган.

## 265. Вакиъ ибн Жарроҳ

Абу Суфён Вакиъ ибн Жарроҳ ибн Малих Руъосий Куфий ҳазратлари Ироқнинг катта муҳаддисларидан саналади. «Руъос» бу Қайс Айлоннинг уруғидир.

Бир юз йигирма тўқизинчи-йилда туғилган.



Ҳадис эшитган устозлари: Ҳишом ибн Урва, Аъмаш, Исмоил ибн Абу Холид, ибн Авн, ибн Журайж, Суфён, Авзойи ва бошқалар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: олдинги табақадан ибн Муборак, шунингдек, Аҳмад, ибн Мадиний, ибн Маин, Исъҳоқ, Зуҳайр, Абу Шайбанинг икки ўғли, Абу Курайб, Абдуллоҳ ибн Ҳошим, Али ибн Ҳарб, Иброҳим ибн Абдуллоҳ Қассор ва шу қабилар.

Отаси байтул молга раҳбар бўлган.

Ар-Рашид Куфа қозилигига Вакиъни тайинламоқчи бўлганида у бундан бош тортган.

Яҳё ибн Ямон айтади: «Суфён вафот этгач ўрнини Вакиъ эгаллади».

Қаънабий бундай деган: «Биз Ҳаммод ибн Зайднинг ҳузурида эдик. Вакиъ чиқиб кетгач шерикларимиз «У Суфённинг ҳадисларини ривоят қилган» дейишди. Шунда Ҳаммод «У Суфёндан кучлироқ», деб айтди».

Яҳё ибн Айюб Мақобирийнинг айтишича Вакиъга онасидан юз минг дирҳам мерос қолган экан.

Яҳё ибн Аксам айтади: «Вакиъ билан сафарда ҳам, юртидалигида ҳам ҳамсоҳиб бўлганман. У жуда кўп рўза тутар ва ҳар кеча Қуръонни хатм қилиб чиқар эди».

Ибн Маин: «Авзойи ўз замонасининг яғонаси бўлганидек Вакиъ ҳам ўз даврида тенги йўқ бўлган» деб айтган.

Аҳмад айтади: «Вакиъ каби ўзида бунча илми жамлаганва қувваи ҳофизаси кучли бўлган одамни кўрмаганман».

Яҳё бундай деган: «Ундан афзалини билмайман. У кечалари намоз ўқиб чиқар, доим рўза тутар, Абу Ҳанифанинг қарашларини ёқлаб фатво берар, Яҳё Қаттон ҳам Абу Ҳанифанинг фикрларини қувватлаб улар асосида фатво берар эди».

Ибн Муборак: «Мисрликларнинг бугунги кундаги арбоби ибн Жарроҳдир», деб айтган.

Саид ибн Мансур айтади: «Вакиъ Маккага келди. У семиз одам эди. Фузайл ибн Иёз унга «Сен Ироқнинг ибодатгўй одами бўлсанг, бу семизлик нимаси?», деди. У «Бу мусулмон бўлганим учун хурсандлигимдандир», деди ва уни жим қилиб қўйди».

Ибн Амморнинг эътироф этишича Вакиънинг даврида Куфада ундан кўра фақиҳроқ ва ҳадис билимдони бўлмаган.

Абу Довуд: «Вакиъ ҳечам китобга қараб ҳадис айтмаган», деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал бундай деган: «Кўзларим Вакиъга ўхшашини кўрмаган. У ёддан ҳадис айтар, фикҳ борасида ҳам билимлари жуда гўзал, шу билан бирга такводор, мужтаҳид инсон бўлган. Ҳеч кимни ғийбат қилмаган».

Яҳё ибн Ямон шундай деб айтган: «Бу ҳадис илмини ҳимоя қилиш учун Аллоҳ алоҳида инсонларни яратган. Уларни оламини яратгандаёқ кимлигини белгилаб қўйган. Вакиъ ҳам ўшандай инсонлардан бири бўлади».

Ибн Маин: «Ким Абдурраҳмонни Вакиъдан устун деб билса унга фалон фалон ва лаънат бўлсин» деб айтган.

Абу Ҳотим ҳадис илмида Вакиънинг хотираси ибн Муборакниқидан кучли бўлганини айтган.

Имом Аҳмад: «Ўзларингизга Вакиънинг асарларини ўқишни вазифа қилиб олинг», деган.

Ибн Мадиний: «Вакиъ сўзларни асл талаффузидан бошқачароқ айтар эди. Унга ўхшаб талаффуз қилсам ғалати чиқади. Масалан, «Оиша», демасдан «Айша», дер эди», деб айтган.

Вакиъ ҳазратларининг эзгу хислатлари кўп бўлган. Кўпроқ маълумотлар учун «Тарихи Димашқ», «Тарихи Бағдод» асарларига қаралсин.

Ҳижрий 197-йилда Ашуро кунида Ҳаж сафаридан қайтаётиб Файд деган шаҳарчада вафот этган.

### **266. Холид ибн Ҳорис**

Куняси Абу Усмон бўлиб, нисбаси «Хужаймий» ва «Басрий», бўлади.

Устозлари: Айюб Сихтиёний, Ҳумайд Тавил, Убайдуллоҳ ибн Умар, Ҳишом ибн Урва, ибн Авн ва шу табақадагилар.

Қуйидагилар ундан ривоят қилган: ибн Роҳавайх, Қаворирий, Фаллос, ибн Арафа, Аҳмад ибн Миқдом, Муҳаммад ибн Мусанно ва бошқалар. Устозларидан Шўба ҳам ундан ҳадис ривоят қилган.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Басрада ҳадисларнинг ишончилилик даражаси у билан энг юқори чўққига етган», деб айтган.

Абу Ҳотим ар-Розий уни ишончли ва пешво зотлардан бири бўлганини айтган.

Имом Термизий: «У ишончли ва омонатдор бўлган» деган.

Ҳижрий 186-йилда вафот этган.

### **267. Бишр ибн Муфаззал**

Абу Исмоил Бишр ибн Муфаззал ибн Лоҳиқ Рикоший буюк муҳаддислардан бўлган.

Устозлари: Сухайл ибн Абу Солих, Ҳумайд Тавил, Журайрий, Холид Ҳаззо ва шу табақадагилар.

Ушбулар ундан ҳадис ривоят қилган: ибн Мадиний, ибн Роҳавайх, Аҳмад, Наср ибн Али, Фаллос, Аҳмад ибн Миқдом ва бошқа кўплаб муҳаддислар.

Аҳмад: «У Басрадаги энг ишончли муҳаддислардан бири бўлган», деган.

Ибн Мадиний бундай деб айтган: «Ҳар кун тўрт юз ракаат намоз ўқирва кун ора рўза тутар эди».

Жаҳмийнинг номи эсланганида «Ўша кофирни эслатманглар», деган экан.

Ҳижрий 186 ёки 187-йилда вафот этган.

### 268. Муҳаммад ибн Ҳарб

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳарб Хавлоний Ҳимсий ал-Аброш фақиҳ зотлардан бўлиб, Зубайрийнинг котиби бўлган.

Зубайдий, Баҳир ибн Саъд, Муҳаммад ибн Зиёд Алхоний, Умар ибн Руба, Авзойи ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: Абу Мусъҳир, Исъҳоқ ибн Роҳавайх, Муҳаммад ибн Ваҳб ибн Атийя, Касир ибн Убайд, Абу Тақий Язаний, Муҳаммад ибн Мусаффо, Абу Утба Ҳижозий ва бошқалар.

Ибн Саъднинг келтиришича у Дамашққа қози бўлган экан.

Ибн Маин ва бошқалар уни ишончли муҳаддислардан бири эканини айтган.

Язид ибн Абдуробби унинг хижрий 194-йилда вафот этганини айтган.

### 269. Абида ибн Ҳумайд

Нисбаси «Куфий» бўлиб юз мингдан ортиқ ҳадисни ёддан билган ишончли муҳаддислардан бири бўлган.

Асвад ибн Қайс, Абдулазиз ибн Руфайъ, Абдулмалик ибн Умайр, Мансур, Аъмаш ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Қуйидаги муҳаддислар ундан ҳадис ривоят қилган: олдинги табақадагилардан Саврий, шунингдек, Аҳмад ибн Ҳанбал, Аҳмад ибн Маниъ, Ҳасан ибн Сабоҳ Баззор, Ҳасан ибн Муҳаммад Заъфароний, Амр Нокид, Муҳаммад ибн Саид ибн Ғолиб Аттор ва бошқалар.

У зот олим, муҳаддис, наҳв илми билимдони, Куръон ҳофизи бўлган. У Аминнинг мураббийси ҳамдир.

Аҳмад ва ибн Маин уни ишончли ровийлардан бири эканини айтган. Аҳмад: «Ундан дарс олишга келдик. Биз унинг ёддан айтган ҳадисларини ёзиб олар эдик. Кейин одамлар кўпайиб ундан дарс олишимиз қийинлашиб кетди. Одамлар орасида тикилинч кўпайиб кетди», деб айтган.

Ҳижрий 190-йилда саксон ёшдан ўтиб вафот этган.

### 270. Убайдуллоҳ ибн Убайдуллаҳмон

Тўлиқ исми Абу Абдуллаҳмон Убайдуллоҳ ибн Убайдуллаҳмон Ашжаий Куфийдир. Ҳадис илмида «хофиз»лардан саналади.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Исмоил ибн Абу Холид, Ҳишом ибн Урва ва бошқалар. Кейин бир муддат Саврийдан дарс олган. Бу ҳақда ўзи: «Суфёндан ўттиз минг ҳадис эшитганман» деб айтган.

Ибн Маин айтади: «Куфада Суфённи Ашжаийдан яхшироқ биладиган одам йўқ».

Шогирдлари: Яҳё ибн Одам, Абу Назр, ибн Маин, Абу Хайсама, Абу Курайб, Усмон ибн Абу Шайба, Ёқуб Даврақий ва бошқалар.

Ибн Маин: «У ихончлидир», деб айтган. Шунингдек, «Суфённи Абдуррахмон, Яхё ибн Саид, Абу Аҳмад Зубайрий, Қабиса ва Абу Хузайфадан кўра яхшироқ билган», деб айтган.

Қабиса айтади: «Саврий вафот этгач, ўрнига Ашжаий ўтирди. Шундан сўнг Ашжаий Бағдодга кўчиб кетди».

Ҳижрий 182-йилнинг бошларида вафот этган.

### **271. Абада ибн Сулаймон**

Куныси Абу Муҳаммад, лақаби «Килобий», нисбаси эса «Куфий» бўлган.

Устозлари: Осим Аҳвал, Ҳишом ибн Урва, Исмоил ибн Абу Холид ва бошқалар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: ибн Роҳавайх, Абу Хайсама, Абу Курайб, Абу Саид Ашаж ва шу кабилар.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «У жуда ҳам ишончли бўлган. Шу билан бирга солих, камбағал, эғнида арзон чопони бўлган» деб айтган.

Ҳижрий 188-йилнинг Ражаб ойида вафот этган.

### **272. Абдуррахмон ибн Муҳаммад**

Тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Зиёд Муҳорибий Куфийдир. Кўплаб ҳадисларни ёддан билган.

Ҳадисдаги устозлари: Абдулмалик ибн Умайр, Лайс ибн Абу Сулайм, Исмоил ибн Абу Холид, Фузайл ибн Ғазвон ва бошқа кўплаб муҳаддислар.

Ундан ривоят қилганлар: Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Курайб, Ҳаннод, Абу Саид Ашаж, Али ибн Ҳарб, Ҳасан ибн Арафа ва шу кабилар.

Вакиъ: «Тиволнинг ҳадислари борасида энг ишончлиси бўлган» деб айтган.

Ибн Маин уни ишончли муҳаддислар қаторида санаган.

Абу Ҳотим бундай деган: «У ростгўй бўлган. Номаълум кишилардан нотўғри ҳадисларни ривоят қилгани унинг ҳадисларига ҳам путур етказган».

Абдуллоҳ ибн Аҳмад унинг ровийларни ноаниқ қилиб ҳадис ривоят қилганини айтган.

Ҳижрий 195-йилда вафот этган.

### **273. Абу Убайда Ҳаддод**

Абдулвоҳид ибн Восил Саддусий Бағдоддаги буюк муҳаддислардан ҳисобланган.

Қуйидаги муҳаддислардан ривоят қилган: Саид ибн Абу Аруба, Уяйна ибн Абдуррахмон, Муоз ибн Ало, Шўба, Баҳз ибн Ҳаким, Авф Аъробий ва бошқалар.

Аҳмад, ибн Маин, Абу Хайсама, Амр Ноқид, Зиёд ибн Айюб ва бошқа кўплаб муҳаддислар ундан ҳадис ривоят қилган.

Яхё ибн Маин айтади: «Абу Убайда ишончли ровийлардан бўлган. Ундан ҳеч бир хато ўтганини билмайман. Ўз китобини жуда чиройли ўқиб берар эди».

Ижлий ва бошқалар уни ишончли ровийлардан эканлигини айтганлар.

Аҳмад ибн Ҳанбал бундай деган: «Абу Убайда кўп муҳаддислардан дарс олган. Китоби саҳихдир. Абу Довуд хадисни ундан яхшироқ билган».

Абу Қилоба: «Ҳижрий 190-йилда, мен туғилган куни Абу Убайда вафот этган», деган.

#### **274. Муҳаммад ибн Фузайл ибн Ғазвон**

«Зухд», «дуо» каби асарлар муаллифи бўлган мазкур ровийнинг куняси Абу Абдуррахмондир.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: отаси, Баён ибн Бишр, Иброҳим Ҳажарий, Ҳабиб ибн Абу Амра, Ҳусойн ибн Абдуррахмон, Осим ал-Аҳвал ва бош кўплаб муҳаддислар.

Ундан ривоят қилганлар: Аҳмад, Исъҳоқ, Аҳмад ибн Будаил, Ҳасан ибн Арафа, Абу Саид Ашаж, Фаллос, Али ибн Ҳарб, Аҳмад ибн Абдулжаббор Уторидий ва бошқалар.

Ҳадис илмида катта обрўга эга бўлган.

Ибн Маин ва бошқа муҳаддислар уни ишончли ровийлардан бири эканлигини айтган.

Имом Аҳмад: «Ҳадиси «ҳасан» ҳадислар сирасига киради. Ўзи шиа бўлган» деб айтган.

Абу Довуд унинг ашаддий шиалардан бўлганини айтган.

Қуръони каримни Ҳамзанинг кўригидан ўтказиб олган. Мансурдан ҳадис эшитмоқчи бўлиб ҳузурига кирганида у бемор бўлган.

Ҳижрий 190-йил, бошқа бир ривоятда 194-йилда вафот этган.

#### **275. Муҳаммад ибн Шуайб**

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Шуайб ибн Шобур Димашқий ҳазратлари Байрутда яшаган.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Урва ибн Рувайм, Яхё ибн Ҳорис Зиморий, Абу Заръа Яхё бин Абу Амр Шайбоний, Усмон ибн Абу Отика, Авзойи, Амр ибн Ҳорис Мисрий ва бошқалар.

Ундан Сулаймон ибн Абдуррахмон, Дуҳайм, Касир ибн Убайд, Муҳаммад ибн Мусаффо, Маҳмуд ибн Холид Сулабий ва бошқа кўплаб муҳаддислар ҳадис тинглаган.

Дуҳайм уни ишончли муҳаддис эканлигини айтган.

Аҳмад: «Унинг ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқ деб ўйлайман. У оқил инсон бўлган» деб айтган.

Абу Амр Доний айтади: «Қироатни Яхё Зиморийнинг кўригидан ўтказган. У Авзойининг дарс мажлисида фатво берар эди».



Ҳишом ибн Аммор унинг ҳижрий 198-йилда вафот этганини айтган. Ибн Мусаффо 199-йилда вафот этганини келтирган.

### **276. Муҳаммад ибн Салама**

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салама Ҳарроний катта муфтийлардан бири бўлган.

Тоғаси Абу Абдуррахим Холид ибн Абу Язиддан, шунингдек, Ҳусойф, ибн Ажлон, Ҳишом ибн Ҳассон, Ибн Исъҳоқ ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан Аҳмад ибн Ҳанбал, Нуфайлий, Муҳаммад ибн Сабоҳ Жаржаройи ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Ибн Саъд: «У ишончли, фозил инсон бўлиб, кўп ривоятлари ва фатволари бор», деб айтган.

Нуфайлийнинг айтишича, ҳижрий 192-йилнинг бошларида вафот этган.

### **277. Назр ибн Шумайл**

Марв аҳлининг уламоларидан бўлган Абу Ҳасан Назр ибн Шумайл Мозиний Басрий Луғавий ҳадис илмида тенги йўқ алломалардан бўлган.

Аҳмад ибн Саид Доримий айтади: «Мен унинг «Беш – ёки олти – ёшимда фитналар пайдо бўлганда отам мени Марвдан Басрага олиб борган» деганини эшитганман. Фитна вақти деб, бир юз йигирма саккизинчи-йилда Абу Муслимнинг пайдо бўлиши билан бошланган фитналарни назарда тутган».

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ҳишом ибн Урва, Ҳумайд Тавил, Исмоил ибн Абу Холид, ибн Авн, Ҳишом ибн Ҳассон ва бошқалар.

Ундан: Исъҳоқ ибн Роҳавайҳ, Исъҳоқ Кавсаж, Муҳаммад ибн Рофеъ, Абу Муҳаммад Доримий, Саид ибн Масъуд Марвазий ва бошқа кўплаб муҳаддислар ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳотим: «У ишончли ва суннатни тутган муҳаддисдир», деган.

Ибн Муборак бундай деган: «У яккаю ягонадир. Халилнинг ҳеч бир шогирди унинг яқинига ҳам йўлай олмаган».

Аббос ибн Мисъаб айтади: «У араб тили, ҳадис илмида тенги йўқ бўлган. Марв ва Хуросонда суннатга тарғиб қилган илк жонкуярлардан, Шўбадан энг кўп ҳадис ривоят қилганлардан биридир. Ундан олдин ҳеч ким бунчалик кўп китоб тасниф қилмаган. Марвда қози бўлиб ишлаган».

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Қуҳзоз бундай деб айтган: «Назр ҳижрий 203-йилнинг сўнги кунида вафот этган ва кейинги йилнинг биринчи кунида дафн қилинган».

### **278. Али ибн Осим**

Тўлиқ исми Абу Ҳасан Али ибн Осим ибн Сухайб Воситий бўлиб Ироқнинг суянган алломаларидан бўлган.

У ҳижрий 105-йилда таваллуд топган.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис тинглаган: Сухайл ибн Абу Солиҳ, Ато ибн Соиб, Язид ибн Абу Зиёд, Яхё Баккор, Баён ибн Бишр, Ҳусойн



ибн Абдуррахмон, Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Хайсам, Лайс ибн Абу Сулайм ва Ҳумайд Тавил.

Ушбулар ундан ҳадис ривоят қилган: Аҳмад, Зухалий, Абд, Ёқуб ибн Шайба, Ҳорис ибн Абу Усома ва кўплаб муҳаддислар. Олдинги табақадагилардан Язид ибн Зурайъ ҳам ривоят қилган.

Ибн Шайба: «У диндор, солиҳ, яхшиликда пешқадам, жуда тақводор киши бўлган. Кўп адашиш ва хато қилиши ҳақидаги гапларни айрим муҳаддислар инкор қилган» деб айтган.

Вакиъ бундай деган: «доимо уни яхшилик билан эсга оламиз. Саҳиҳ бўлган ҳадисларини олинглар, нотанишларини олманглар».

Алий ибн Осимнинг ўзи бундай деган: «Отам менга юз минг дирхам бериб «Юз минг ҳадисни ўрганмагунингча қайтиб кела кўрма», деб айтган».

Имом Аҳмад: «Мен унинг ҳадисини ривоят қиламан. Ундан шубҳаланмайман», деб айтган.

Яҳё ибн Жаъфар Бийкандий айтади: «Алий ибн Осимдан дарс оладиганларнинг сони ўттиз мингдан ошар эди».

Ҳижрий 201-йилда вафот этган.

### **279. Язид ибн Ҳорун**

Бобосининг исми Зозий бўлиб, куняси Абу Холид, нисбаси эса «Сулламий»дир. Юз мингдан ортиқ ҳадисни ёддан билган.

Ҳижрий 118-йилда туғилган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Осим ал-Аҳвал, Яҳё ибн Саид, Сулаймон Таймий, Журайрий, Довуд ибн Абу Ҳинд, ибн Авн ва бошқа кўплаб муҳаддислар.

Шогирдлари: Аҳмад, ибн Мадиний, Абу Хайсама, Абу Бакр ибн Абу Шайба, Абд ибн Ҳумайд, Аҳмад ибн Фурот, Абу Қилоба Рикоший, Ҳорис ибн Абу Усома, Абдуллоҳ ибн Рух Мадоиний, энг охири вафот этган шогирди Идрис ибн Жаъфар Аттор.

Ибн Мадиний: «Ёддан ҳадис айтишда Язид ибн Ҳорундан кучлисини кўрмаганман», деб айтган.

Яҳё ибн Яҳё: «Язиднинг қувваи ҳофизаси Вакиъникидан кучли бўлган» деган.

Аҳмад ибн Ҳанбал Язиднинг юз мингдан ортиқ ҳадисларни ўзлаштирган ишончли ровийлардан эканлигини айтган.

Алий ибн Шуайб бундай деган: «Мен Язиднинг «Фахрланиш эмасу, йигирма тўрт минг ҳадисни санадлари билан ёд олганман. Шомликлардан ўрганган яна йигирма минг ҳадисимни адашмасдан айтиб бера оламан» деганини эшитганман».

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Язид фақиҳ инсон бўлган. Заковати, тушунчаси ва зийраклиги ҳам бебаҳо бўлган».

Аҳмад ибн Синон: «Ундан чиройли намоз ўқийдиган одамни билмайман», деб айтган.

Осим ибн Алининг келтиришича Язид қирқ-йилдан ошиқ муддатда кечаси билан намоз ўқиб, бомдодни хуфтоннинг таҳорати билан ўқиган экан.

Яҳё ибн Абу Толиб бундай деб айтган: «Язиддан Бағдодда ҳадис эшитганман. Айтишларича унинг илм мажлисига етмиш минг одам келар экан».

Ижлий айтади: «Язид ишончли, машҳур, ибодатгўй ва намозларни гўзал адо этадиган зот бўлган. Кўзлари кўрмай қолган пайтда ҳам чошгоҳ пайтида ўн олти ракаатни шошмасдан, узун суралар билан адо қилган».

Ибн Абу Шайба: «Ёддан ҳадис айтишда Язиддан ишончлироқ одамни кўрмаганмиз», деган.

Абу Ҳотим: «Язид ишончли муҳаддисдир. Унга ўхшаган зотларнинг даражаси муҳокама қилинмайди» деб айтган.

Язид ибн Ҳоруннинг қуйидаги сўзларига эътибор беринг: «Умрим давомида фақат битта ҳадисдагина ровийларни ноаниқ қилиб кетганман. Шу туфайли мендан барака кўтарилди».

Ҳижрий 206-йилнинг Рабиул охир ойида Восит қишлоғида вафот этган.

### **280. Исъҳоқ ибн Юсуф**

Тўлиқ исми Абу Муҳаммад Исъҳоқ ибн Юсуф ибн Мирдос Қураший Воситий Азрақдир.

Аъмаш, ибн Авн, Фузайл ибн Ғазвон, Мисъар ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

У кишидан эса, Аҳмад ибн Ҳанбал, ибн Маин, Аҳмад ибн Маниъ, Муҳаммад ибн Мусанно, Саъдон ибн Наср ва бошқалар ривоят қилган.

Ибодатгўй зотлардан бўлган.

Таваллуд санаси ҳижрий 117-йилга тўғри келади.

Айтишларича йигирма-йил давомида бошини қуйи солиб юрган экан.

У зот муҳаддис Шарикни бошқалардан яхшироқ таниган. Чунки, ундан энг кўп ҳадис ривоят қилган шогирдларининг бири бўлган.

Қуръони каримни Ҳамзанинг кўригидан ўтказган.

Ҳижрий 195-йилда оламдан ўтган.

### **281. Абдулваҳҳоб**

Абу Муҳаммад Абдулваҳҳоб ибн Абдулмажид ибн Солт ибн Убайдуллоҳ ибн Ҳакам ибн Абу Ос Сақафий Басрий катта муҳаддислардан бўлган.

Айюб Сихтиёний, Молик ибн Динор, Холид Ҳаззо, Ҳумайд Тавил ва шу табақадагилардан ҳадис тинглаган.

Ушбулар ундан ривоят қилган: Аҳмад ибн Ҳанбал, ибн Роҳавайҳ, Фаллос, Бундор, Ҳафс Раболий, Ҳасан ибн Арафа ва бошқалар.

Ишончли, пешво ва кадри баланд зотлардан бўлган.

Фаллоснинг айтишича Абдулваҳҳобнинг-йиллик даромади қирқминг динор атрофида бўлиб ҳаммасини муҳаддислар учун инфоқ қилиб юборар экан.

Ибн Мадиний ва Яҳё уни ишончли ровийлар қаторида санаган.

Қутайба: «Тўртта фақиҳ зотларга ўхшашини кўрмаганман. Улар: Молик, Лайс, Уббод ибн Уббод ва Абдулваҳҳоб Сақафий», деган.

Ибн Мадиний бундай деб айтган: «дунёда Яҳё ибн Саиднинг китоби Абдулваҳҳобнинг китобидан ишончлироқ эмас».

У зот ҳижрий 194-йилда саксон тўрт ёшида оламдан ўтган.

### 282. Абу Усома

Абу Усома Ҳаммод ибн Усома Куфий ишончли муҳаддислардан бири ҳисобланган.

У Ҳишом ибн Урва, Язид ибн Абдуллоҳ, Баҳз ибн Ҳақим, Аъмаш, Журайрий ва шу табақадагилардан ҳадис ривоят қилган.

Қуйидаги муҳаддислар ундан ҳадис ривоят қилганлар: ибн Маҳдий, Аҳмад, Исъҳоқ, Али, Кавсаж, Аҳмад Даврақий, Салама ибн Шабиб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мухарримий, Ҳасан ибн Али ибн Аффон ва бошқалар.

«Модомики Ҳишом ибн Урвадан ривоят қилар экан Куфадаги энг ишончли ва билимдон киши ҳисобланади», деб айтган Аҳмад ибн Ҳанбал.

Ибн Фурот унинг Ҳишомдан олти юз минг ҳадис ўрганганини айтган.

Аҳмад: «У ишончли муҳаддислардан бири бўлиб хато қилмаган», деган.

Мушқудона унинг «Шу икки бармоғим билан юз мингта ҳадисни ёзиб олганман», деган гапини келтирган.

Ибн Аммор айтади: «Саврийнинг даврида Абу Усома ҳақиқий ибодатгўй зотлардан бири бўлган».

Абу Усома саксон йил умр кўрган ва ҳижрий 201-йилнинг Зулқаъда ойида вафот этган.

### 283. Муҳаммад ибн Бишр

Куныси Абу Абдуллоҳ, лақаби «Абдий» ва нисбаси «Куфий»дир.

Ҳишом ибн Урва, Исмоил ибн Абу Холид, Убайдуллоҳ ибн Умар, Закариё ибн Абу Зоида кабилардан ҳадис ривоят қилган.

У зотдан эса, Али, Исъҳоқ, Абу Курайб, Абд, ибн Фурот, Муҳаммад ибн Осим Сақафий ва яна бир қанча муҳаддислар ҳадис ривоят қилган.

Абу Убайд Ожуррий айтади: «Абу Довуддан Муҳаммад ибн Бишрнинг ибн Абу Арубдан эшитган ҳадислари ҳақида сораганимда «У Куфадаги энг ишончли муҳаддисдир», деб айтди».

Ибн Маин ва бошқалар уни ишончли ровий эканини таъкидлаган.

Ҳижрий 203-йилда вафот этган.

#### 284. Исмоил ибн Улайя

Тўлиқ исми Абу Бишр Исмоил ибн Иброҳим ибн Миқсам Асдий бўлиб, Улайя онасининг исмидир. Катта алломалардан бири бўлган.

Ушбу муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган: Айюб Сихтиёний, ибн Жудьон, Муҳаммад ибн Мункадир, Абдуллоҳ ибн Абу Нажих, Журайрий, Ато ибн Соиб, Ҳумайд ва бошқалар.

Ушбулар ундан ривоят қилган: устозларидан ибн Журайж ва Шўба, ҳамда, ибн Махдий, ибн Мадиний, Аҳмад, Исъҳоқ, Бундор, Мусо ибн Саҳл Вашшо ва бошқалар.

Ҳижрий 110-йилда таваллуд топган.

Ўзининг эътироф этишича, энг катта устозларидан бўлган ибн Мункадирдан тўртта ҳадис тинглаган экан.

Ғундар: «Ҳадиснинг ичида катта бўлдим. Бу соҳада ибн Улайядан ҳеч ким устун қўйилмайди», деб айтган.

Абу Довуд бундай деган: «Ибн Улайя билан Бишр ибн Муфаззалдан бошқа муҳаддис борки барчаси хатодан холи эмас».

Ибн Маин: «Ибн Улайя ишончли, парҳезкор ва тақволи бўлган», деб айтган.

Шўба уни «муҳаддислар султони», дея атаган.

Ҳижрий 193-йилнинг Зулқаъда ойида вафот этган.

#### 285. Анас ибн Иёз

Абу Замра Анас ибн Иёз Лайсий Маданий ҳазратлари Мадинаи мунавварадаги ишончли муҳаддислардан саналган.

Туғилган санаси ҳижрий 104-йилга тўғри келади.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Абу Ҳозим ал-Аъраж, Сафвон ибн Сулайм, Рабиа ар-Раъй, Суҳайл ибн Абу Солиҳ, Ҳишом ибн Урва, Шарик ибн Абу Намир ва бошқалар.

Ундан қуйидаги муҳаддислар ҳадис ривоят қилган: ибн Мадиний, Аҳмад ибн Ҳанбал, Аҳмад ибн Солиҳ, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулҳакам ва яна бир қанча ровийлар. Олдинги табақадагилардан эса унинг ҳадисини Бақийя ибн Валид ривоят қилган.

Юнус ибн Абдулъяъло айтади: «Ундан хулқи гўзалроқ, илмда бағрикенгроқ одамни кўрмаганман. Бизга «Сизларга бир марта ҳадис айтишим учун бор будимни сўрашса ҳам берган бўлардим», деб айтар эди».

Абу Заръа ва Насоий унинг ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқлигини айтган.

Ҳижрий 200-йилда оламдан ўтган.

### 286. Муҳаммад ибн Абу Адий

Абу Амр Муҳаммад ибн Иброҳим ишончли муҳаддислардан ҳисобланган. Абу Адий бу отасининг куняси эканлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам мавжуд.

Хумайд Тавил, Довуд ибн Абу Ҳинд, ибн Авн, Афв Аъробий, Хусайн Муаллим ва шу табақадагилардан ҳадис ривоят қилган.

Аҳмад ибн Ҳанбал, Фаллос, Бундор, Муҳаммад ибн Мусанно, Ҳасан Заъфароний ва бошқалар у зотдан ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳотим ар-Розий ва бошқалар уни ишончли эканини айтган.

Ҳижрий 194-йилда вафот этган.

### 287. Муоз ибн Муоз

Абу Мусанно Муоз ибн Муоз ибн Наср ибн Ҳассон Анбарий Тамимий Басрий катта олимлардан биридир.

Қуйидагилардан ҳадис тинглаган: Сулаймон Таймий, Хумайд Тавил, Баҳз ибн Ҳаким, ибн Авн, Авф ибн Абу Жамила, Муҳаммад ибн Амр, Шўба ва бошқалар.

Шогирдлари: икки ўғли Убайдуллоҳ ва Мусанно, шу билан бирга, Аҳмад, Исъҳоқ, Бундор, Абдуллоҳ ибн Ҳошим Тусий, Саъдон ибн Наср ва яна кўплаб муҳаддислар.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Басрада ҳадисларнинг ишончилилик даражаси у туфайли юксак даражага чиққан. Ундан оқилроқ одамни учратмаганман».

Яҳё Қаттон бундай деган: «Басрада ҳам, Куфада ҳам, Ҳижозда ҳам Муоз ибн Муоздан ишончлироқ муҳаддис бўлмаган. У мен тарафда бўлса қолганларга унча парво қилмайман. У мендан икки ойлик катта бўлиб, бир юз ўн тўққизинчи-йилнинг охирларида туғилган».

Марвазийнинг айтишича Абу Абдуллоҳ бундай деб айтган: «Муоз ибн Муоз ҳадис илмида кўзларни қувонтирадиган одамдир».

Ҳижрий 196-йилнинг Рабиул охир ойида вафот этган.

### 288. Муоз ибн Ҳишом

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муоз ибн Ҳишом Дастувойий Басрий бўлиб ишончли муҳаддис ҳисобланган.

Отасидан, ибн Авн, Ашъас Ҳумроний ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса, Аҳмад, Исъҳоқ, Али, Бундор, Фаллос ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Барча китобларда унинг ҳадислари хужжат ўрнида ўтишлиги айтилган.

Аббос ибн Абдулазим: «У отасидан ўн минг ҳадис ўрганган», деган.

Ибн Адий: «Баъзан ривоятларида янглишлар бўлиб турган. Уни ишончли муҳаддислардан деб ўйлайман», деб айтган.

Ҳижрий 200-йилда оламдан ўтган.

### 289. Яхё ибн Саид

Тўлиқ исми Абу Айюб Яхё ибн Саид ибн Аббон ибн Саид ибн Ос ибн Абу Ухайха Саид ибн Ос ибн Умайя Қураший Умавий Куфийдир.

Қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Яхё ибн Саид Ансорий, Ҳишом ибн Урва, Бурайд ибн Абдуллоҳ ибн Абу Бурда, Аъмаш, ибн Исъҳоқ ва бошқалар.

У кишидан ривоят қилганлар: «Маъғозий», муаллифи ва ўғли бўлмиш Саид ибн Яхё, шунингдек, Аҳмад ибн Ҳанбал, Сурайж ибн Юнус, Ҳумайд ибн Рабиъ ва бошқа кўплаб муҳаддислар.

Аҳмад: «Унда Аъмашнинг ровийлари тушиб қолган ҳадислари бор. Лекин, ривоят қилишнинг зарари йўқ», деб айтган.

Ибн Маин айтади: «У ишончли муҳаддисдир. Бағдодда яшаган. Лақаби «Туя» бўлган».

Ҳижрий 194-йилнинг Шаъбон ойида вафот этган.

### 290. Яхё ибн Сулайм

Абу Закариё Яхё ибн Сулайм Қураший Тоифий Ҳаззо Харроз юз мингдан ортиқ ҳадисларни ўзлаштирган бўлиб, Маккада яшаган.

Исмоил ибн Умайя, Мусо ибн Уқба, Абдуллоҳ ибн Усмон ибн Хусайм, Убайдуллоҳ ибн Умар, ибн Журайж ва бошқа бир неча муҳаддислардан дарс олган.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Шофеий, ибн Роҳавайх, Али ибн Муслим Тусий, ибн Арафа ва Ҳасан Заъфароний.

Аҳмад ибн Ҳанбал ундан битта ҳадис тинглаган.

Ибн Саъд унинг кўп ҳадис ривоят қилувчи ишончли муҳаддислардан эканлигини айтган.

Шофеий бундай деб айтган: «Яхё ибн Сулайм фозил киши бўлиб, биз уни абдоллардан бири бўлган деб ҳисоблаймиз. Эшагига минса унга «ҳихъ демас эди. «Лаа илааха иллаллоҳ», деб юргизар эди».

Баззийнинг келтиришича, Яхё ибн Сулайм ҳижрий 195-йилда вафот этган.

### 291. Юнус ибн Букайр

Абу Бакр Юнус ибн Букайр ибн Восил Шайбоний Куфий ҳаммолчилик билан шуғулланган.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган: Аъмаш, Ҳишом ибн Урва, Умар ибн Зар, ибн Исъҳоқ, Каҳмас ибн Ҳасан ва бошқалар.

Ушбулар ундан ривоят қилган: ўғли Абдуллоҳ, шунингдек, ибн Маин, Абу Курайб, ибн Нумайр. Абу Саид ал-Ашаж, Муҳаммад ибн Усмон ибн Киром, Аҳмад ибн Абдулжаббор Уторидий ва шу каби кўплаб ҳадис билимдонлари.

Ибн Маин уни ростгўй муҳаддис эканлигини эътироф этган.

Абу Ҳотим унинг ҳадисларини барчаси тўғри эканлигини айтган бўлса, Абу Довуд: «Ҳадислари хужжат бўла олмайди», деб айтган.



Имом Муслим унинг ривоятларини келтирган. Имом Бухорий эса хужжат ўрнида келтирган.

Мутайяннинг айтишича у зот ҳижрий 199-йилда вафот этган.

### **292. Шужо ибн Валид**

Куныси Абу Бадр, нисбаси «Куфий»дир. Солиҳ кишилардан бўлган.

Ато ибн Соиб, Муғира ибн Миқсам, Қобус ибн Абу Забён, Ҳусойф, Аъмаш, Ҳишом ибн Урва каби кўплаб муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Шогирдлари: ўғли Абу Ҳаммом, яна Аҳмад, Исъҳоқ, Яҳё, Али, Абу Бакр Соғоний, Яҳё ибн Абу Толиб ва бошқалар. Имом Аҳмад унинг ростгўй ровийлардан бири бўлганини таъкидлаган.

Ибн Саъд: «Абу Бадр кўп нафл намоз ўқийдиган, тақволи киши бўлган» деб айтган.

Саврий бундай деган: «Куфада Абу Бадрдан кўра ибодатгўй одам йўқ».

Аҳмад ибн Зуҳайр ва бошқа муҳаддисларнинг келтиришича Яҳё ибн Маин унинг ишончли ровий эканини айтган экан.

Бироқ Абу Ҳотим: «Ҳадиси бироз бўшроқ» деб айтган.

У зот ҳижрий 204-йилда вафот этган.

### **293. Абдуллоҳ ибн Нумайр**

Тўлиқ исми Абу Ҳишом Абдуллоҳ ибн Нумайр Ҳамдоний Хорифий Куфий бўлиб, Ҳофиз Кабир Муҳаммаднинг отаси ҳисобланади.

Устозлари: Ҳишом ибн Урва, Аъмаш, Ашъаб ибн Саввор, Исмоил ибн Абу Холид, Язид ибн Абу Зиёд, Убайдуллоҳ ибн Умар ва бошқалар.

Аҳмад, ибн Маин, Исъҳоқ Кавсаж, Аҳмад ибн Фурот, Ҳасан ибн Али ибн Аффон ва яна бир неча муҳаддислар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Ибн Маин ва яна кўплаб муҳаддислар уни ишончли ровийлардан бири ҳисоблаганлар.

Ҳадис илмида ўзига яраша катта обрўга эга бўлган.

Ҳижрий 199-йилда саксон тўрт ёшида оламдан ўтган.

### **294. Абдуррахмон ибн Маҳдий**

Куныси Абу Саид, нисбаси «Басрий»дир. Ҳадис илмида тенги йўқ алломалардан бири бўлган.

Ҳижрий 135-йилда таваллуд топган.

Айман ибн Нобил, Ҳишом Дастувоий, Муовия ибн Солиҳ, Абу Халда, Шўба, Суфён каби муҳаддислардан ҳадис тинглаган.

Ушбулар ундан ҳадис ривоят қилган: ибн Муборак, Аҳмад, Исъҳоқ, ибн Мадиний, Бундор, Абдуррахмон Руста, Муҳаммад ибн Яҳё, Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Мансур Ҳорисий ва бошқалар.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «У Яҳё Қаттондан фақиҳроқ бўлган. Шунингдек, Вакиъдан ишончлироқдир. Чунки, у асри саодатга яқинроқ

бўлган. Саврий билан элликка яқин ҳадисда ривоят шакли турлича бўлган. Текшириб кўрганимизда кўпроқ Абдуррахмон ҳақ бўлиб чиққан» деб айтган.

Айюб ибн Мутаваккил: «динни ҳам, дунёни ҳам кўрмоқчи бўлсак Абдуррахмон ибн Маҳдийнинг ҳовлисига борар эдик», деган.

Муҳаммад ибн Абу Бакр Муқаддабий айтади: «Олдин эшитган нарсаларини ҳам, эшитмаган нарсаларини ҳам, одамларнинг гапларини ҳам эслаб қолишда Абдуррахмон ибн Маҳдийдан кучлироғини кўрмаганман».

Яҳё ибн Саиддан ишончлироқ бўлиб ҳадисларини Суфённинг кўригидан ўтказиб олган.

Қаворирий: «У Али ибн Маҳдийга йигирма минг ҳадисни ёддан айтиб ёздирган», деган.

Убайдуллоҳ ибн Саид бундай деган: «Мен ибн Маҳдийнинг «Киши ҳадисларни саҳиҳидан саҳиҳ эмасларини ажрата билмаганича имомликка ярамайди», деганини эшитганман».

Ибн Мадийний: «Каъбатуллоҳ ёнида туриб қасам ичишга тўғри келса Абдуррахмонга ўхшашини кўрмаганман, деб қасам ичаман» деб айтган. Шунингдек, «Етти фақиҳларни яхши танийдиганлар ушбулардир: Зухрий, ундан кейин Молик, кейин ибн Маҳдий», деб айтар экан.

Ибн Мадийнийнинг қуйидаги сўзлари ҳам бор: «Абдуррахмоннинг ҳадис борасидаги илмлари мўъжизанинг ўзи».

Нуайм ибн Ҳаммод айтади: «Ибн Маҳдийга «Ёлғон ҳадис тўқиганларни қаердан биласиз?», деганимда «Худди табиб жиннини таниганидек», деб жавоб берди».

Ибн Нумайр ҳазратлари ибн Маҳдийнинг «Ҳадисни билиш Аллоҳдан бўлган илҳом билан бўлади» деган гапларини келтирган.

Абдуррахмон ибн Маҳдий фақиҳ, фатвода адашмайдиган ва қадри баланд зот бўлган.

Ҳижрий 198-йилнинг Жумадул охир ойида вафот этган.

Вафот этганда отаси тирик бўлган ва ортидан бир неча фарзандлар қолган.

## 295. Маън ибн Исо

Абу Яҳё Маън ибн Исо Маданий Қаззоз ишончли муҳаддислардан бўлган.

Ибн Абу Зиъб, Муовия ибн Солиҳ, Молик, Мусо ибн Али ва бир қанча муҳаддислардан ҳадис олган.

Абу Хайсама, Ҳорун Ҳаммол, Юнус ибн Абдулъяъло ва яна бир қанча муҳаддислар ундан ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳотим: «У мен учун ибн Ваҳбдан кўра афзалроқдир. У Моликнинг шогирдлари ичида энг ишончлисидир», деб айтган.

Ҳижрий 198-йилнинг Шаввол ойида вафот этган.

### 296. Муҳаммад ибн Убайд

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Убайд ибн Абу Умайя Ийёдий Куфий Танофасий ал-Аҳдабдир.

Ҳижрий 127-йилда таваллуд топган.

Ҳишом ибн Урва, Аъмаш, Исмоил, Убайдуллоҳ, ибн Исҳоқ ва Мисъар кабилардан ҳадис тинглаган.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: ўз иниси Яъло, Аҳмад, ибн Маин, Исҳоқ, Абу Шайбанинг икки ўғли, Аббос Дуврий, Аҳмад ибн Фурот ва бошқалар.

Бир муддат Бағдодда яшаган бўлиб ишончли ровийлардан бўлган. Яъло ундан тўққиз ёш катта бўлган. Мазкур маълумотни Абу Умайя Тарсусий Яълодан ривоят қилган.

Асрам айтади: «Абу Абдуллоҳдан Яъло, Муҳаммад ва Умар ҳақида сўраганимда уларни ишончли муҳаддислардан эканлигини айтди».

Ибн Маиндан Убайднинг уч ўғли ҳақида сўралганида учовларини ҳам ишончли эканини айтиб «Енг ишончлиси Яълодир», деган.

Улар ҳақида ибн Аммор эса қуйидаги фикрларни билдирган: «Барчаси ишончли. Ёддан ҳадис айтишда энг кучлиси Яъло, ҳадисда энг кўп маълумотга эгаси Муҳаммад ал-Аҳдабдир. Умар эса уларнинг устози ҳисобланади».

Ёқуб Садусий бундай деган: «Ийёднинг мавлоси бўлмиш Муҳаммад ибн Убайд Бағдодда бир муддат яшаган. Сўнгра Куфага қайтиб ҳижрий 204-йилда вафот этган. Усмонни жуда ҳам ҳурмат қилган. Одатда Куфаликларга хос бўлмаган бу хислат. Чунки, Куфаликлар асосан Алини афзал билган. Ёки уларни бирдек деб билганлар. Али ибн Мадинийнинг олдида Муҳаммад ибн Убайд зикр қилинганда «У жуда хушсурат бўлган», деганини эшитганман».

Ижлий: «Куфалик ишончли муҳаддислардан бўлган. Тўрт минга яқин ҳадислари бўлиб, ҳаммасини ёддан айтган» деган.

Ибн Саъд бундай деган: «Ишончли ровийлардан бўлиб жуда кўп ҳадис билган. Суннатни маҳкам тутган. Ҳижрий 204-йилда вафот этган».

Халифа ва Мутайян унинг 205-йилда оламдан ўтганини айтган.

### 297. Яъло ибн Убайд

Юқорида зикри ўтган Муҳаммаднинг акаси бўлиб, кунyasi Абу Юсуф, нисбаси Танофасийдир.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Яҳё Ансорий, Абу Ҳайён Яҳё ибн Саид Таймий, Абдулмалик ибн Абу Сулаймон, Закриё ибн Абу Зоида, Аъмаш ва шу табақадагилар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Исҳоқ ибн Роҳавайҳ, ибн Нумайр, Маҳмуд ибн Ғайлон, Муҳаммад ибн Яҳё, Абд ибн Хумайд, Аҳмад ибн Фурот, Али ибн Ҳарб ва бошқалар.

Аҳмад ибн Ҳанбал: «Ҳадислари саҳиҳ солиҳ инсонлардан бўлган» деб айтган.

Ибн Маин уни ишончли ровийлар қаторига қўшган.

Саид ибн Айюб айтади: «Яъло аксар ҳадисларини ёддан айтган. Ёки, ўзининг ҳадисларини ёддан айтган. Лекин, бу борада Вакиъга етадигани бўлмаган».

Абу Ҳотим: «Отасининг ҳадислари борасида ака укалари ичида энг ишончлиси бўлган» деган.

Аҳмад ибн Юнус бундай деган: «Яъло ибн Убайддан афзал одамни билмайман. Ўз илми билан Аллоҳнинг розилигини кўзлайдиган энг яхши одам ҳам Яъло бўлган».

Ибн Фурот: «Яълонинг кулганини кўрмаганман», деб айтган.

Ибн Саъднинг айтишига қараганда Яъло ибн Убайд ҳижрий 209-йил Шаввол ойининг 5-санасида вафот этган.

### **298. Ваҳб ибн Жарир**

Абу Аббос Ваҳб ибн Жарир ибн Ҳозим ал-Аздий юз мингдан орттиқ ҳадисни пухта эгаллаган муҳаддислардан бири бўлган.

Отасидан, ҳамда Ҳишом ибн Ҳассон, ибн Авн, Қурра, Шўба ва бошқалардан ҳадис тинглаган.

Шогирдлари: Аҳмад, Исъҳоқ, ибн Мадиний, Абу Хайсама, Амр ибн Али, Муҳаммад ибн Рофеъ, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Аввом ва бошқалар.

Ибн Маин уни ишончли ровийлардан эканлигини айтган.

Ижлий: «Басранинг ишончли ровийсидир. Аффон ҳам уни яхши кўрган. Ҳаждан қайтаётиб оламдан ўтган», деб айтган.

Ибн Саъд унинг ҳижрий 206-йилда вафот этганини айтган. 210-йилда деганлар ҳам бор.

### **299. Абдуллоҳ ибн Довуд**

Тўлиқ исми Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн Довуд ибн Омир Ҳамдоний Шаббий Куфий бўлиб, Басрадаги Хурайба номли маҳаллада яшаган.

Ҳишом ибн Урва, Аъмаш, Савр ибн Язид, ибн Журайж, Авзой ва шу табақадагилардан ҳадис тинглаган.

Ушбулар ундан ҳадис ривоят қилган: устозларидан Ҳасан ибн Солиҳ ва ибн Уяйна, шунингдек, Мусаддад, Бундор, Фаллос, Кудаймий, Бишр ибн Мусо ва бошқалар.

Ибн Саъд: «У ишончли, ибодатли ва художўй бўлган» деб айтган.

Ибн Маин эса унинг ишончли ва омонатдор эканлигини айтган.

Айтишларича Вакиъ: «Абдуллоҳ ибн Довуднинг юзига қараш ибодатдир», деб айтган экан.

Абдуллоҳ ибн Довуднинг ўзи бундай деган экан: «Кошки девордаги бир ғишт бўлиб қолсам. Жаннатга қачон қираман мен?».

Умрининг охирларида ҳадис айтмай қўйган экан. Шунинг учун ҳам Бухорий ундан эмас, шогирдларидан ҳадис ривоят қилган.

Ҳижрий 213-йилнинг Шаввол ойида вафот этган.

### 300. Бишр ибн Умар

Куняси Абу Муҳаммад, лақаби «Заҳроний», нисбаси эса «Басрий», бўлган.

Қуйидагилардан ҳадис тинглаган: Икрима ибн Аммор, Шўба, Осим ибн Муҳаммад Умарий, Ҳаммом ибн Яҳё, Молик ва шу табақадагилар.

У кишидан Исъҳоқ ибн Роҳавайх, Исъҳоқ Кавсаж, Зуҳалий, Наср ибн Али, Муҳаммад ибн Яҳё Қутайи қабилар ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳотим: «У ростгўйдир», дея таъкидлаган.

Ибн Саъд унинг ишончли эканлигини айтиб, ҳижрий 207-йилнинг бошларида вафот этганини келтирган. Бошқа муаррихлар эса 206-йилнинг охирида оламдан ўтганини айтганлар.

### 301. Ёқуб ибн Иброҳим

Абу Юсуф Ёқуб ибн Иброҳим ибн Саъд Зухрий Маданий Бағдодда яшаган.

Отасидан, яна Осим ибн Муҳаммад Умарий, Муҳаммад ибн Ахий аз-Зухрий, Шўба, Лайс ва шу қабилардан ҳадис ривоят қилган.

Шогирдлари: Аҳмад, Исъҳоқ, Абд, Зуҳалий, Аббос, Ёқуб ибн Шайба, Абу Бакр Сағғоний ва бошқалар.

Ибн Саъд унга нисбатан шундай фикрларни билдирган: «У ишончли, кадри баланд, Фазлнинг ҳадислари борасида, ҳамда тақво ва ҳадис ривоятида ҳам акаси Саъдан кучли бўлган».

Ибн Маин ва яна бир қанча муҳаддислар ҳам уни ишончли ровийлар сирасига киритган.

Вазир Ҳасан ибн Саҳлнинг хузурида ҳижрий 208-йилнинг Шаввол ойида вафот этган.

### 302. Абдулваҳҳоб ибн Ато

Куняси Абу Наср, лақаби «Хаффоф», бўлиб Басра уламоларидан бири бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ҳумайд, Холид Ҳаззо, Журайрий, Сулаймон Таймий, Муҳаммад ибн Амр ва ибн Авндан. Саид ибн Абу Арубанинг катта шогирдларидан бири ҳисобланади. Қироатни эса Абу Амр ибн Алодан ўрганган.

Ундан ривоят қилганлар: Аҳмад, Заъфароний, Аббос Дуврий, Амр Нокид, Ҳорис ибн Абу Усома, Яҳё ибн Абу Толиб ва бошқалар.

Ибн Саъд: «У кўп ҳадис билган, асосан ибн Абу Арубанинг шогирди сифатида танилган», деб айтган.

Ибн Маин ва Дорақутний уни ишончли муҳаддис эканлигини айтган.

Имом Бухорий: «Унчалик кучли бўлмаган», деб айтган.

Имом Аҳмад унинг Саидни яхши таниганлигини айтган. Бошқаларнинг у ҳақда солих, яхши, кўп йиғлайдиган одам бўлганлиги ҳақидаги маълумотлари ҳам бор.

Ҳижрий 204-йилнинг охирларида вафот этган. Айримлар 206-йилда оламдан ўтганини айтган.

### 303. Абдуррахмон ибн Ғазвон

Абу Нуҳ Хузойй «Курод» номи билан машҳур бўлган.

Авф, Юнус ибн Абу Исҳоқ, Шўба ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Аҳмад, ибн Маин, Жузжоний, Абу Бакр Соғоний, Ҳорис Тамимий ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилган.

Ибн Мадиний ва бошқалар уни ишончли ровийлардан эканлигини айтган.

Доимо ёддан ҳадис айтган.

Ҳижрий 207-йилда вафот этган.

### 304. Умар ибн Ҳорун

Абу Ҳафс Умар ибн Ҳорун Сақафий ҳазратлари Хуросоннинг олимларидан бири бўлган.

Ибн Журайж, Савр ибн Язид, ибн Абу Аруба, Авзойй, Шўба кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Шогирдлари: Аффон, Қутайба, Аҳмад, Наср ибн Али, Сурайж ибн Юнус ва бошқалар.

Хатибнинг келтиришича Умар ибн Ҳорун ҳақида Абу Осим бундай деган экан: «Умар бизни наздимизда ҳадис олишда ибн Муборакдан кучли бўлган».

Маррузий айтади: «Умар ибн Ҳорундан Абу Абдуллоҳ ҳақида сўрашганида «Бир нарса дея олмайман. Мен ундан кўп ҳадис ёзиб олганман», деган экан. Унга «Ибн Маҳдий билан бўлиб ўтган воқеасига нима дейсиз?», дейилганида «Ибн Маҳдийдан савол сўраб турган» деган экан».

Аҳмад ибн Сайёр: «У кўп ҳадис ўрганган. Қутайба уни кўкларга кўтарар ва унинг ишончли муҳаддис эканини айтар эди», деб айтган.

Унинг ҳадисларини ибн Хузайма ўзининг «Саҳих»ида, Ҳоким ўзининг «Мустадрок»ида ривоят қилган. Ибн Маин ҳам ривоят қилган. Шундай бўлсада бир ўринда «Ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқ», деб айтган.

Абу Довуд уни ишончли эмаслигини айтган. Насойй ва яна бошқа муҳаддислар унинг ҳадисларини ривоят қилмаган маъқул деб билганлар.

Қироатлар борасида моҳир олимлардан бўлган.

Ҳижрий 194-йилда вафот этган.

### 305. Баҳз ибн Асад

Тўлиқ исми Абул Асвад Баҳз ибн Асад Амхий Басрий ишончли ровий бўлган ва у Муаллонинг иниси бўлади.

Шўба, Язид ибн Иброҳим Тустарий, Абу Бакр Наҳшалий ва Ҳаммод ибн Саламадан ҳадис ўрганган.



Ундан ҳадис тинглаганлар: Аҳмад, Бундор, Аҳмад ибн Синон, Абдуллоҳ ибн Ҳошим Тусий, Абдурраҳмон ибн Бишр Абдий ва бошқалар.

Абдурраҳмон ибн Бишр: «Баҳздан кўра яхшироқ одамни кўрмаганман», деб айтган.

Ҳижрий 197-йилда вафот этган.

### **306. Азҳар ибн Саъд**

Куныси Абу Бакр, нисбаси эса «Боҳилий»дир. Катта муҳаддислардан бири бўлган.

Сулаймон Таймий, Юнус ибн Убайд, ибн Авн кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: ибн Мадиний, Исъҳоқ, бундор, Зухалий, Аббос Дуврий, ибн Фурот ва бошқалар. Олдинги табақадагилардан ибн Муборак ва яна бир неча уламолар.

Катта муҳаддислардан бири бўлган. Устози бўлмиш ибн Авннинг ўғитини олган.

Ҳижрий 203-йилда тўқсон тўрт ёшида оламдан ўтган.

### **307. Абдуллоҳ ибн Бакр**

Асли Басралик Абу Ваҳб кейинчалик Бағдодда яшаган.

Абу Бакр ибн Ҳабиб, Ҳумайд Тавил, ибн Авн, Ҳишом ибн Ҳассон, Ҳотим ибн Абу Сағира кабилардан ҳадис эшитган.

Шогирдлари: Аҳмад, ибн Мадиний, ибн Абу Шайба, Абдуллоҳ ибн Нумайр Марвазий, Ҳорис ибн Абу Усома, Муҳаммад ибн Фараж ал-Азрақ ва бошқалар.

Имом Аҳмад ва кўпчилик муҳаддислар уни ишончли муҳаддислардан бўлганини айтган.

Ҳадис ва фикҳ илмида Беназир бўлган. Отаси ҳам араб тилининг моҳир билимдони бўлган.

Абдуллоҳ ибн Бакр саксон ёшдан ўтиб ҳижрий 208-йилнинг бошларида вафот этган.

### **308. Абдуссамад ибн Абдулворис**

Абу Саҳл Абдуссамад ибн Абдулворис ибн Саид Тамимий Басранинг муҳаддисларидан бири.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: отаси, шунингдек, Ҳишом Дастувоий, Икрима ибн Аммор, Раба ибн Гулсум, Ҳарб ибн Маймун, Ҳарб ибн Абу Олия, Ҳарб ибн Шаддод ва бошқалар.

Ундан қуйидагилар ривоят қилган: ибн Маин, ибн Роҳавайх, Бундор Зухалий, Абд ва ўғли Абдулворис ибн Абдуссамад.

Абу Ҳотим уни ростгўй ровийлардан эканини айтган.

Ибн Саъднинг келтиришича у зот ҳижрий 207-йилда вафот этган.

### 309. Абдулмалик ибн Амр

Асли Басралик Мазкур ровийнинг тўлиқ исми Абу Омир Абдулмалик ибн Амр Қайсий Ақадийдир.

Устозлари: Курра ибн Холид, Афлах ибн Хумайд, Закариё ибн Исъҳоқ, Айман ибн Нобил, Шўба ва шу табақадагилар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Аҳмад, Исъҳоқ, Зухайр, Исъҳоқ Кавсаж, Аҳмад ибн Фурот, Муҳаммад ибн Шаддод Мисмаий, Зухалий, Кудаймий ва бошқалар.

Басралик машҳур муҳаддислардан бири бўлган.

Имом Насоий уни ишончли ва омонатдор ровийлардан бири эканини айтган.

Ибн Саъднинг келтиришича, ҳижрий 204-йилда вафот этган.

### 310. Муҳаммад ибн Исмоил ибн Муслим

Абу Исмоил Муҳаммад ибн Исмоил ибн Муслим ибн Абу Фудайк Динор Дийлий Маданий юз мингдан ортиқ ҳадисни матн ва санадлари билан тўлиқ ёддан билган.

Салама ибн Вардон, ибн Абу Зиъб, Заҳҳок ибн Усмон, Иброҳим ибн Фазл ва бошқа кўплаб муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Шогирдлари: Аҳмад ибн Азҳар, Салама ибн Шабиб, Абд ибн Хумайд, Абу Утба, Аҳмад ибн Фараж, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулҳаким, Ҳусайн ибн Исо Бистомий ва бошқалар.

Айтишларича агар имом Шофеий «Бизга ибн Абу Зиъбдан ишончли одамнинг айтишича», деб айтсалар «ишончли одам», деб ибн Абу Фудайкни назарда тутган бўлар экан.

Абу Довуд: «У Муҳаммад ибн Амр ибн Алқамадан битта ҳадис эшитган», деган.

Кўпчилик унинг ишончли эканини айтган бўлса, ибн Саъд ҳадислари ҳужжат бўлмаслигини айтган.

Имом Бухорий унинг ҳижрий 200-йилда вафот этганини айтган.

### 311. Ҳишом ибн Юсуф

Абу Абдуррахмон Ҳишом ибн Юсуф Санъоний Санъонинг қозиси бўлган.

Ибн Журайж, Маъмар, Қосим ибн Файёз ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан куйидагилар ривоят қилган: ибн Мадиний, Иброҳим ибн Мусо Фарро, Исъҳоқ, ибн Маин, Абдуллоҳ Муснадий ва бошқалар.

Ибн Маиннинг айтишича у ибн Журайждан ривоят қилинган ҳадислар борасида Абдурраззоқдан кўра ишончлироқ экан.

Абу Ҳотим унинг ишончли ва зеҳни ўткирлигини айтган.

Абу Заръа: «Унинг китоби ҳадис борасида энг ишончли манбаадир», деб айтган.

Ҳижрий 197-йилда вафот этган.

### 312. Яхё ибн Зурайс

Куныси Абу Закариё бўлиб Раъй шахрининг қозиси бўлган.

Ибн Журайж, Муҳаммад ибн Исъҳоқ, Икрима ибн Аммор, Суфён, Зоида ва шу кабилардан ҳадис эшитган.

Ундан эса ибн Маин, ибн Роҳавайх, Муҳаммад ибн Хумайд, Исъҳоқ ибн Файз ва бошқалар ривоят қилган.

Ибн Маин уни ишончли муҳаддислар қаторида санаган.

Абу Ҳотимнинг келтиришича у Ҳаммоддан ўн мингта ҳадис ўрганган экан.

Вакиъ бундай деган: «Ҳадис ёд олганлар ичида энг кучлисидир. Иккитагина ҳадисни чалкаштирган».

Иброҳим ибн Мусо: «Ҳадис илмини ундан ўргандик», деб айтган.

### 313. Ҳусайн Жуъфий

Абу Али Ҳусайн ибн Али ибн Валид Жуъфий қори, ибодатгўй ва муҳаддис бўлган.

Қуръони каримни Ҳамзанинг кўригидан ўтказган.

Абу Амр ибн Ало, Аъмаш, Жаъфар ибн Бурқон ва Суфён кабилардан ҳадис тинглаган.

Шогирдлари: Аҳмад, Исъҳоқ, Яхё, ибн Фурот, Абд, Аббос Дуврий, Муҳаммад ибн Осим ва бошқалар.

Ибн Маин каби муҳаддислар уни ишончли ровий эканлигини айтган.

Муҳаммад ибн Рофеъ: «У Куфа аҳлининг энг ибодатгўй кишисидир», деб айтган.

Қутайба айтади: «Ибн Уяйнага «Ҳусайн келди», дейилганида ўрнидан сакраб турган экан. У келгач кўлидан ўпиб «Енг афзал киши келди. Афзал бўлса шунчалик бўлар», деган экан».

Яхё ибн Яхё НИСобурий: «Агар абдоллардан бирортаси қолган бўлса у аниқ Ҳусайн Жуъфийдир», деган экан.

Ижлий бундай деган: «У ишончли ровий бўлган. Ундан афзал кишини кўрмаганман. Доимо одамлар хурмати устида кўрганман уни. Хушсурат, турли кийимларни кийиб юрадиган одам бўлган».

Ҳижрий 204-йилда саксон тўрт ёшида вафот этган.

### 314. Равҳ ибн Убода

Абу Муҳаммад Ранҳ ибн Убода ибн Ало ибн Ҳассон Қайсий Басрий кўп ҳадисларни пухта ўзлаштирган муҳаддислардан биридир.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: ибн Авн, Ҳусайн Муаллим, ибн Абу Аруба ва шу кабилар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Аҳмад, Исъҳоқ, Бундор, Исъҳоқ Кавсаж, Бишр ибн Мусо ва бошқалар.

Кудаймий бундай деган: «Мен Али ибн Мадинийнинг «Равҳнинг юз мингдан ортиқ ҳадисини кўрганман ва улардан ўнг мингтасини ёзиб олганман», деганини эшитганман».

Ёқуб ибн Шайба айтади: «Равҳ доим одамлар орасини ислоҳ қилиб юрар, аслзода улуғлардан, кўп ҳадис биладиган кишилардан эди. Ибн Мадийнинг «Модомики ҳадис айтар экан бундан ғафлатта бўлмаслик керак», деганини эшитганман».

Хатиб: «Сунан, аҳкомларга оид китоблар ёзган. Тафсирга оид маълумотлари ҳам бор. У ишончли муҳаддислардан бўлган» деб айтган.

Аҳмад ибн Фурот айтади: «Равҳни ўн икки киши ёмон отлик қилишмоқчи бўлганлар. Лекин бунга ҳеч бири эриша олмаган».

Насоий: «Унинг ҳадислари унчалик кучли бўлмаган», деб айтган.

Ҳижрий 205-йилнинг Жумадул уло ойида саксон ёшлардан ўтиб вафот этган.

### **315. Ҳажжож ибн Муҳаммад**

Абу Муҳаммад Миссий ал-Аъвар асли Термизлик бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: ибн Журайж, Амр ибн Зар, Ҳариз ибн Усмон ва шу кабилар.

Ундан ҳадис тинглаганлар: Аҳмад, Заъфароний, Ҳилол ибн Ало, Юсуф ибн Саид ибн Муслим ва бошқалар.

Абу Довуд айтади: «Менга етиб келган хабарларга кўра ибн Маин ундан эллик мингта ҳадисни ёзиб олган экан».

Ибн Маин: «У ибн Журайжнинг шогирдлари ичида энг ишончлиларидан биридир», деб айтган.

Аҳмад: «Унинг хотираси жуда кучли, ҳадислари саҳиҳ, бирор ҳарфга ҳам адашмайдиган, қадри баланд киши бўлган», деб айтган.

Иброҳим ибн Абдуллоҳ: «Ҳажжож ибн Муҳаммаднинг уйқуси уйғоқликдаги Абдурраззоқдан ишончлироқдир», деб айтган.

Ҳижрий 206-йилнинг Рабиул аввал ойида вафот этган.

### **316. Абдуррахмон ибн Қосим**

Абу Абдуллоҳ Утакий Миср диёрининг фақиҳларидан бўлган.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис эшитган: Молик ибн Анас, Абдуррахмон ибн Шурайх, Бакр ибн Музор ва Нофеть ибн Абу Нуайм.

Шогирдлари: Асбағ ибн Фараж, Ҳорис ибн Мискин, Исо ибн Масруд, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулҳакам ва бошқалар.

Илм талабида маблағни аямаган экан.

Насоий: «Ишончли, омонатдор уламолардан бири бўлган», деган.

Ибн Қосимнинг айтишича у киши ақил бовар қилмас даражада зухду таквога берилган экан.

Ҳорис ибн Мискин айтади: «Мен унинг «Аллоҳим, дунёни менга йўлатмагин, мени ҳам унга йўлатмагин» деб дуо қилганини эшитганман».

Ҳижрий 191-йилнинг Сафар ойида эллик саккиз ёшида оламдан ўтган.

### 317. Зайд ибн Хубоб

Абу Хусайн Зайд ибн Хубоб Уклий Куфий ҳадис илмида катта олимлардан бири бўлган.

Қурра ибн Холид, Айман ибн Нобил кабилардан ҳадис тинглаган.

Ундан Аҳмад, Муҳаммад ибн Рофеъ, Салама ибн Шабиб, Яҳё ибн Абу Толиб кабилар ҳадис ривоят қилган.

Ибн Мадиний ҳамда бошқа муҳаддислар уни ишончли ровий деб билганлар.

Имом Аҳмад бундай деган: «У муҳаддис, обрўли, илмий сафарларга кўп чиқадиган инсон бўлган. Йўқчиликка ҳам сабр қила билган. Ҳадис эшитиш учун Андалусга борган. Ундан шу ерда ва Куфада ҳадис ёзиб олганман. Андалусга Муовия ибн Солихнинг ҳадисини эшитиш учун борган. Зайд ундан ҳадисни Маккада тинглаган».

Зайддан ёши катта бўлсада Язид ибн Ҳорун ундан ҳадис тинглаган. Шунингдек, ибн Ваҳб ҳам.

Мутайян унинг ҳижрий 203-йилда вафот этганини айтган.

### 318. Саид ибн Омир

Абу Муҳаммад Саид ибн Омир Зубайи Басрий муҳаддис олимлардан бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ҳабиб ибн Шаҳид, Юнус ибн Убайд, Муҳаммад ибн Амр ва ибн Абу Аруба.

Аҳмад, Исҳоқ, ибн Маин, Абд, Ҳорис ибн Абу Усома кабилар ундан ҳадис эшитган.

Яҳё Қатгон айтади: «У қирқ-йилдан бери Миср шайхидир. Мен унинг қўшниларига ҳавас қиламан».

Ибн Фурот: «Басрада унга ўхшашини учратмаганман», деб айтган.

Аҳмад: «Ундан ва Хусайн Жуъфийдан афзалини кўрмаганман», деган.

Абу Ҳотим унинг ростгўй бўлсада баъзан янглганларини айтган бўлса, ибн Маин уни ишончли ва омонатдор муҳаддислар сафига қўшган.

Маълумотларга қараганда у ҳижрий 208-йилнинг Шаввол ойида 86 ёшида вафот этган.

### 319. Абу Довуд Таёлисий

Сулаймон ибн Довуд ибн Жоруд Таёлисий Басрий асли форслардан бўлган.

У ибн Авн, Айман ибн Нобил, Ҳишом Дастувоий, Шўба каби муҳаддислардан ҳадис эшитган.

Ундан ривоят қилганлар: Аҳмад, Фаллос, Бундор, ибн Фурот, Аббос Дуврий ва бошқалар.

Фаллос ва ибн Мадиний: «Ёддан ҳадис айтишда ундан кучлисини кўрмаганмиз», деб айтган.

Ибн Маҳдий: «У энг ростгўй инсондир», деган.

Вакиъ: «Узун ҳадисни ёдлаб қолишда Абу Довуддан кучлиси қолмади», деб айтган. Ўзига бу гап етиб борганда: «Қисқасини ҳам», деган экан.

Умар ибн Шабба: «Муҳаддислар Абу Довуднинг ёддан айтган ҳадисларидан қирқ мингтасини ёзиб олган», деб айтган.

Қувваи ҳофизасига ишониб кўп ҳадисларни чалкаштириб юборган деган гаплар ҳам бор.

Ҳижрий 204-йилда саксон ёшларда оламдан ўтган.

### **320. Бишр ибн Сарий**

Абу Амр Басрий «Афвах» лақаби билан машҳур бўлган бўлиб, Маккада яшаган.

Мисъар, Суфён, Зоида, Ҳаммод ибн Салама кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Аҳмад ибн Ҳанбал, ибн Мадиний, Фаллос ва бир неча муҳаддислар ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Аҳмад: «Ҳадисни тўғри эслаб қоладиган, жуда хотираси кучли инсон бўлган», деб айтган.

Абу Ҳотим: «У ишонсли ва солиҳ киши бўлган» деган.

Ибн Маин ҳам уни ишончли ровийлардан деб билган.

Аввал жаҳмийлардан бўлиб кейин бу қарашидан қайтган деган маълумотлар ҳам бор.

Ҳижрий 195 ёки 196-йилда вафот этган.

### **321. Замра ибн Рабиа**

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Замра ибн Рабиа Қураший бўлиб солиҳ зотлардан бири бўлган.

Иброҳим ибн Абу Абла, ибн Шавзаб, Авзой, Али ибн Абу Ҳамала кабилардан ҳадис тинглаган.

Ундан эса Дуҳайм, Амр ибн Усмон, Абу Умайр Исо ибн Наҳҳос ва бошқа кўплаб муҳаддислар ҳадис ривоят қилганлар.

Ибн Маин ва бошқа муҳаддислар уни ишончли эканини айтганлар.

Имом Аҳмад: «У мен учун Бақийядан афзалроқ», деб айтган.

Одам бундай деган: «Бошидаги илмини кўрган одам ундан оқилроқ киши йўқлигига ишончи комил бўлади».

Ибн Саъд айтади: «У ишончли, омонатдор ва яхши инсондир. Яқинида ундан афзал киши бўлмаган».

Ҳижрий 202-йилнинг Рамазон ойида саксон ёшида вафот этган.

Ибн Юнус: «У ўз даврининг фақиҳи бўлган» деб айтган.



### 322. Қосим ибн Язид

Нисбаси «Мавсилий», бўлиб юртининг олим ва зоҳид кишиларидан бўлган.

Ибн Абу Зиъб, Савр ибн Язид, Ҳариз ибн Усмон ва Саврийдан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аммор, Али ибн Ҳарб ва яна бир қанча муҳаддислар ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳотимнинг наздида у ишончли муҳаддислардан бири саналган.

Язид ибн Муҳаммад Аздий айтади: «Тақводор, тарки дунёчи бўлиб Суфённинг шогирдларидан бири саналган. Ҳадисларни ёддан биладиган ва улардан ҳукм олишни яхши билган одам бўлган».

Ҳижрий 194-йилда вафот этган.

### 323. Убайдуллоҳ ибн Мусо

Абу Муҳаммад Убайдуллоҳ ибн Мусо Абсий муҳаддис зотлардан бири бўлган.

Ҳижрий 120-йилдан кейин туғилган. Вакиънинг замондошларидан ҳисобланади. Охирроқда келтираётганимизни сабаби эса вафоти эътиборидандир.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Ҳишом ибн Урва, Исмоил ибн Абу Холид. Аъмаш, ибн Журайж, Ҳанзала ибн Абу Суфён, Авзой ва шу табақадагилар.

Қироатни Ҳамзада ўрганган.

Имом Бухорий ундан бевосита ҳадис ривоят қилган. Бошқалар, шунингдек Бухорийнинг ўзи ҳам билвосита ривоят қилган.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Аҳмад, Исъҳоқ, Яхё, ибн Абу Шайба, Аббос Дуврий, Доримий, Ҳорис Тамимий, Кудаймий ва бошқалар.

Ибн Маин уни ишончли эканини айтган.

Яхши амалларга тарғиб қилишга айтган ҳадислари учун Аҳмад ибн Ҳанбал бироз танқид қилганлар.

Абу Ҳотим: «У ишончли ва ростгўйдир. Абу Нуайм эса ундан ишончлироқ бўлган. Исроил борасида эса ораларида Убайдуллоҳ кучлироқ бўлган», деб айтган.

Ижлий айтади: «Қуръон борасида унга етадигани бўлмаган. Бош кўтариб юрганини кўрмаганман. Кулганини ҳам одамлар кўрмаган».

Абу Довуд: «У ашаддий шиалардан бири бўлган», деб айтган.

Аҳмад ибн Юсуф Суллабий: «Мен ундан ўттиз мингта ҳадис ёзиб олганман», деб айтган.

Ибн Саъднинг айтишича у ҳижрий 213-йилнинг Зулқаъда ойида вафот этган.

### 324. Исъҳок ибн Сулаймон ар-Розий

Куныси Абу Яҳё, нисбаси эса «Куфий»дир.

Ҳанзала ибн Абу Суфён, ибн Абу Зиъб, Ҳариз ибн Усмон кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан Аҳмад ибн Ҳанбал ва Муҳаммад ибн Рофеъ ҳадис ривоят қилган.

У зот ишончли, ривоятлари хужжат, зоҳид, солиҳ ва нафси синик инсонлардан бўлган.

Ибн Фурот айтади: «Ҳадис айтаётганда бир бола кулиб юборган эди уни ҳайдаб юборди. Айтишларича абдоллардан бўлган экан».

Ишоқ Кавсаж: «Камтарин бўлган. Доимо йиғлаб юрган», деб айтган.

Айримлар ҳижрий 199-йилда вафот этганини айтса, айримлар икки юзинчи-йил эканини таъкидлаган.

### 325. Абу Аҳмад Зубайрий

Тўлиқ исми Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Умар Зубайрий Асадий Куфийдир.

Юнус ибн Абу Исъҳок, Исо ибн Таҳмон, Фитр, Суфён кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Қуйидагилар ундан ҳадис тинглаган: Аҳмад, Маҳмуд ибн Ғайлон, Аҳмад ибн Фурот, Муҳаммад ибн Рофеъ ва бошқалар.

Абу Аҳмаднинг ўзи бундай деган: «Мендан Суфённинг китобини ўғирлаб кетишса парво қилмайман. Чунки, мен унинг ҳаммасини ёдлаб олганман».

Бундор: «Ёддан ҳадис айтишда Абу Аҳмаддан кучли муҳаддисни кўрмаганман», деган.

Ижлий: «Ишончли шиалардан бўлган» деб айтган.

Абу Ҳотим айтади: «Кўп ҳадисларни ёддан билган, обид ва мужтаҳид бўлган. Шу билан бирга ривоятида чалкашликлар ҳам бор».

Айтишларича жуда кўп рўза тутадиган инсон бўлган экан.

Аҳмад унинг ҳижрий 202-йилда Аҳводда вафот этганини айтган.

### 326. Яҳё ибн Одам

Абу Закариё Яҳё ибн Одам Кураший кўп асарларнинг муаллифи ҳисобланади.

Юнус ибн Абу Исъҳок, Исо ибн Таҳмон, Мисъар, Саврий кабилар ундан ҳадис ривоят қилган.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Аҳмад, Исъҳок, Яҳё, Абд, Ҳасан ибн Али ибн Аффон ва бошқалар.

Ибн Маин ва Насоий уни ишончли ровийлигини айтган.

Абу Довуд уни яккаю ягона эканлигини айтган.

Ёқуб ибн Шайба айтади: «У ишончли, фақиҳ кишидир. Али ибн Абдуллоҳнинг «Аллоҳ Яҳё ибн Одамни раҳмат қилган бўлсин. Қандай илмлари бор эдия!», деб уни кўкларга кўтарганини кўрганман».

Абу Усома: «Яхё ибн Одам доимо Шаъбийни эслаб юрар эди», деб айтган.

Ҳижрий 203-йилнинг Рабиул аввал ойида вафот этган.

### 327. Абу Назр

Ҳошим ибн Қосим Хурсоний Бағдодий катта муҳаддислардан биридир.

Шўба, ибн Абу Зиъб, Ҳариз ибн Усмон ва шу табақадагилардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан ривоят қилганлар: Аҳмад, Исъҳоқ, Абд, Аббос Дуврий, ибн Фурот ва бошқалар.

Аҳмад: «У яхшиликка буюриб, ёмонликдан бошқаларни қайтарар эди», деб айтган.

Ибн Мадиний унинг ишончли эканини айтган.

Маълумотларга қараганда бир юз ўттиз тўртинчи-йилда таваллуд топган.

Аниқроқ маълумотларга қараганда, ҳижрий 207-йилнинг Зулқаъда ойида вафот этган.

### 328. Муҳаммад ибн Идрис

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофеъ ибн Соиб ибн Убайд ибн Абдуязид ибн Ҳошим ибн Муттолиб ибн Абдуманоф ибн Қусой ибн Килоб Қураший Муттолибий Шофеий Маккийдир. Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва салламнинг насабларидан, суннатларини тирилтирганлардан биридир.

Ҳижрий 150-йилда Ғазода туғилган. Сутдан ажрагач Маккага олиб кетилган ва ўша ерда улғайган. Ўша ерда илк таълимни олиб Муслим ибн Холид Занжийнинг қўлида фақиҳ бўлган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: амакиси Муҳаммад ибн Али, шунингдек, Абдулазиз Можишун, имом Молик, Исмоил ибн Жаъфар, ибн Уяйна, Иброҳим ибн Абу Яхё ва бошқалар.

Шогирдлари: Аҳмад, Ҳумайдий, Абу Убайд, Бувайтий, Абу Савр, Рабиъ Муродий, Заъфароний ва бошқалар.

Камон отишда Қурайшликлар орасида моҳир бўлган. Ҳар ўнтадан ўнтаси нишонга теккан. Дастлаб камонбозлик, шеър, луғат, тарих соҳасида моҳир бўлган ва кейинчалик фикҳ ва ҳадис илми билан машғул бўлган.

Қуръони каримни Макка қориси Исмоил ибн Қустонтиндан ўрганган. Рамазон ойида олтмиш марта хатм қилар эканлар. Кейин «Муватто»ни ёд олиб буни Моликка айтган. Йигирма ёшида Муслим ибн Холид фатво айтишига изн берган.

Фақиҳ Муҳаммад ибн Ҳасандан жуда кўп нарсаларни ўрганган.

Бу маълумотларни ибн Абу Ҳотим ҳазратлари Рабиъдан ривоят қилган.

Зеҳну заковати кучли бўлса ҳам ёддан ҳадис айтишга ёрдам бериши учун хотира кучайтирадиган дармонларни истеъмол қилар эди. Шунинг натижасида касалликка ҳам чалинган.

Исҳоқ ибн Роҳавайҳ айтади: «Маккада Аҳмад ибн Ҳанбал менга «Бу ёққа кел, сенга умрингда кўрмаган бир инсонни кўрсатаман» деб мени Шофеийнинг олдига олиб борди».

Абу Савр: «Шофеийдек инсонни кўрмаганман. Унинг ўзи ҳам ўзига ўхшашини кўрмаган», деб айтган.

Ҳармала айтади: «Шофеийнинг «Бағдодда менга «ҳадис ҳимоячиси», деб аташар эди», деганини эшитганман».

Фазл ибн Зиёд бундай деган: «Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Сиёҳ ва қалам тутган одам борки унинг бўйнида Шофеийнинг ҳаққи бор», деганини эшитганман».

Ибн Роҳавайҳ: «Шофеий тенги йўқдир. Раъй билан гапирганларга кўпроқ эргашган ва камроқ хато қилган», деган.

Абу Довуд: «Шофеийнинг хато ҳадис айтганини билмайман», деб айтган.

Имом Шофеий айтганлар: «Агар саҳиҳ ҳадис мени айтганларимга хилоф келса гапимни деворга улоқтиринглар».

Рабиънинг айтишича у зот бундай деб айтган: «Агар саҳиҳ ҳадисни ривоят қилган бўлсам ақлимни йўқотмаганимга гувоҳ бўлмагунингизгача унга амал қилмайман».

У зотнинг фазилатлари кўп бўлиб «Тарихи ибн Асокир» каби катта китоблардан тўлиқ маълумот олиш мумкин.

Ҳижрий 204-йилнинг Шаъбон ойида Мисрда вафот этган. Мисрга ҳижрий 199-йилда борган.

### 329. Абдурраззоқ ибн Ҳаммом

Абу Бакр Абдурраззоқ ибн Ҳаммом ибн Нофеъ Ҳимярий жуда кўп асарларнинг ҳаммуаллифи ҳисобланади.

Убайдуллоҳ ибн Умар (ундан озгина), ибн Журайж, Савр ибн Язид, Маъмар, Авзой, Саврий кабилардан ҳадис ривоят қилган. Шомга тижорат сафари билан бориб ўша ерда катта уламолардан дарс олган.

Ундан ривоят қилганлар: Аҳмад, Исҳоқ, ибн Маин, Зухалий, Аҳмад ибн Солих, Рамодий, Исҳоқ Дабарий ва бошқалар.

Ўзи Маъмардан етти-йил дарс олганини айтган.

Аҳмад: «У Маъмарнинг ҳадисларини ёддан айтар эди», деб айтган.

Кўпчилик муҳаддислар унинг ишончли ровийлардан бири бўлганини айтиб ўтган.

Фақат ўзи ривоят қилган ҳадислари ҳам бор. Айримлар уни шиаликда айблаган. Лекин, у ашаддий шиалардан бўлмаган. Шунчаки, Алини яхши кўриб, уни ўлдирганларни ёмон кўрар эди.

Салама ибн Шабиб айтади: «Абдурраззоқнинг «Аллоҳ ҳаққи, Алини Абу Бакр ва Умардан афзал билмаганман», деганини эшитганман».

Абдурраззоқ саксон беш йил умр кўрган.

Ибн Саъднинг айтишича у хижрий 211-йилнинг Шаввол ойи ўрталарида Яманда вафот этган.

### **330. Асвад ибн Омир**

Куняси Абу Абдуррахмон бўлиб катта муҳаддислардан бири.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Ҳишом ибн Ҳассон, Талха ибн Амр, Шўба, Саврий, Жарир ибн Ҳозим ва шу табақадагилар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Аҳмад, Али, Абу Савр, Аҳмад ибн Халил Буржулоний, Ҳорис ибн Абу Усома, Абу Муҳаммад Доримий ва бошқалар. Олдинги табақадан Бақийя ҳам ундан ҳадис ривоят қилган.

Алий ва бошқалар уни ишончли деган.

Ҳижрий 208-йилнинг бошларида Бағдодда вафот этган.

### **331. Ҳасан ибн Мусо Ашяб**

Куняси Абу Али, нисбаси эса «Бағдодий»дир.

Мўсул, Табаристон ва Ҳимс шаҳарларига қози бўлган. Қадри баланд зотлардан бўлган.

Ибн Абу Зиъб, Ҳариз ибн Усмон, Шўба, икки Ҳаммод ва шу кабилардан ҳадис тинглаган.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Аҳмад, Абу Хайсама, Жузжоний, Ҳажжож ибн Шоир, Абд ибн Ҳумайд, Бишр ибн Мусо, Исъҳоқ Ҳарбий ва шу кабилар.

Ибн Маин ва бошқалар уни ишончли ровий эканини айтган.

Ибн Аммор айтади: «Бизнинг Мўсулда тижоратимиз бор эди. Насоролар тўпланиб тижорат биносини ўзлариники қилиб олиш мақсадида Ашябга юз минг маблағ тўплашди. У: «Пулни гувоҳларнинг бирига беринглар», деди. Улар масжидга тўплангач «Уларга бино берилмаслигига ҳукм қилдим. Гувоҳ бўлинглар», деган эди насоролар қочиб кетишди ва пулларини ўзларига қайтариб берди».

Абу Ҳотим: «Раъй шаҳрида жанозасига қатнашганман» деб айтган.

Ибн Саъд унинг хижрий 209-йилда Раъй шаҳрида вафот этганини айтган.

### **332. Абу Осим**

Абу Осим Заҳҳок ибн Мухлад Шайбоний Басрий Ислом оламида юқори мавқега эга олимлардан бири ҳисобланади.

Ушбулардан ҳадис эшитган: Жаъфар ибн Муҳаммад, Язид ибн Убайд, Сулаймон Таймий, ибн Журайж, Баҳз ибн Ҳаким ва бошқа катта муҳаддислар. Вафот санаси уни Вакиъ қаторида зикр қилинмаслигига сабаб бўлди.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Аҳмад, Бундор, Доримий, Бухорий, Ҳорис ибн Абу Усома, Абу Муслим Кажжий ва бошқалар.

Ақлу заковати туфайли унинг «Набил» (буюк) деган лақаби бўлган.

Ҳамиша ёддан ҳадис айтган экан.

Умар ибн Шабба: «Мен унга ўхшаш муҳаддисни умрим бўйи учратмаганман», деб айтган.

Имом Бухорий ва яна бир қанча муҳаддисларнинг айтишича у «Гийбат ўз эгасига зарар беришини билганимдан бери ҳеч кимни гийбат қилмадим», деб айтган.

Абу Довуд: «У энг ишончли бўлган минга яқин ҳадисларини ёддан айтар эди», деган.

Хатибнинг келтиришича у Жаъфар ибн Муҳаммаддан фақат битта ҳадис ривоят қилган экан.

Ибн Саъд айтади: «У ишончли ва фақиҳ инсон бўлган. Ҳижрий 212-йилда Зулҳижжа ойининг 15-санасида Басрада вафот этган».

### 333. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ

Тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мусанно ибн Абдуллоҳ ибн Анас ибн Молик ибн Назр Ансорий бўлиб, Басранинг шайхи ва қозиси бўлган.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Сулаймон Таймий, Ҳумайд, ибн Авн, Журайрий, ибн Журайж, ибн Абу Аруба ва бошқалар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Бухорий, Аҳмад, Яхё, Бундор, Саммавайх, Абу Ҳотим, Қози Исмоил, энг охирги шогирдларидан Абу Муслим Кажжий ва шу кабилар.

Ибн Маин ва бошқалар уни ишончли ровийлар қаторида келтирганлар.

Абу Ҳотим айтади: «Уч кишинигина ҳақиқий пешво деб биламан. Улар: Аҳмад, Ансорий ва Сулаймон ибн Довуд Ҳошимий».

Сожий бундай деган: «У буюк олимлардан бўлиб, аҳли раъйлардан ҳисобланган. Лекин, ҳадис борасида Яхё Қаттондек қахрамон бўлмаган».

Ансорийнинг ўзи бундай деб айтган: «Мен ҳижрий 118-йилда туғилганман. Подшоҳнинг олдига ҳечам ўзим хохлаб кирмаганман».

Ибн Саъднинг айтишича, у ҳижрий 215-йилнинг Ражаб ойида вафот этган.

### 334. Абдуллоҳ ибн Язид

Кунyasi Абу Абдуррахмон, лақаби «Умарий», нисбаси эса «Адавий», бўлган. Ислом оламида номи чиққан алломалардан ҳисобланади.

Ҳижрий 120-йилларда таваллуд топган.

Ибн Авн, Абу Ҳанифа, Каҳмас, Шўба, Ифрикий, Саид ибн Абу Айюб, Ҳармала ибн Имрон, Яхё ибн Айюб ва шу кабилардан ҳадис эшитган.

Нофеъ ва бошқалардан кироат илмларини ўрганган. Ҳадис ва кироат илмида тенги йўқ бўлган.

Шогирдлари: Бухорий, Аҳмад, Исҳоқ, Аббос Дуврий, Ҳорис ибн Муҳаммад, Бишр ибн Мусо ва бошқалар.

Насоий ва бошқалар уни ишончли муҳаддис эканлигини айтган.



Муҳаммад ибн Осим айтади: «Муқриънинг «Мен тўксон ёшдан ўтган одамман. Басрада Қуръондан ўттиз олти-йил, бу ер- Маккада эса ўттиз беш-йил дарс берганман», деганини эшитганман».

Ҳижрий 213-йилда вафот этган.

### 335. Абдулқуддус

Абу Муғира Хавлоний Ҳимсий ҳазратлари Шомнинг буюк муҳаддиси саналган.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган: Сафвон ибн Амр, Ҳариз ибн Усмон, Артоҳ ибн Мунзир, Авзойи, Абдуллоҳ ибн Ало ибн Забр ва шу табақадагилар.

Шогирдлари: Аҳмад, Бухорий, Зухалий, Абу Муҳаммад Доримий, Муҳаммад ибн Авн ва бошқалар.

Ишончли уламолардан бири бўлган.

Ибн Занжавайҳ: «Абу Муғирадан кўра нафси синикроқ одамни кўрмаганман», деб айтган.

Имом Бухорий айтади: «У ҳижрий 212-йил Ҳимсада вафот этган. Унинг жанозасини Аҳмад ибн Ҳанбал ўқиган».

### 336. Марвон ибн Муҳаммад

Абу Бакр Марвон ибн Муҳаммад Димашқий Тотарий тижорат билан ҳам шуғулланган.

Муовия ибн Саллом, Абдуллоҳ ибн Ало, Саид ибн Абдулазиз, Молик кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса қуйидагилар ривоят қилган: Абу Муҳаммад Доримий, Аҳмад ибн Азҳар, Маҳмуд ибн Холид ва бошқалар.

Абу Ҳотим уни ишончли муҳаддислардан деб билган.

Аҳмад ибн Ҳанбал унинг илмини мақтаб, жумладан бундай деган: «У ҳақиқий муҳаддисдир».

Аҳмад ибн Абу Ҳаворий: «Шомликлар ичида Марвон ибн Муҳаммаддан яхшироқ одамни кўрмаганман», деган экан. Шунингдек унинг қуйидаги гаплари ҳам бор: «Мен унинг «Муҳаддис учун уч нарса муҳим. Улар: рўстгўйлик, хотира ва китобининг ишончли экани. Агар шулардан иккитаси: ростғойлик ва китобининг саҳиҳлиги бўлса ҳам зарар қилмайди. Чунки, хотираси сустрлашса китобидан қараб олади», деганини эшитганман».

Ҳижрий 210-йилда вафот этган.

### 337. Юнус ибн Муҳаммад Муаддиб

Бағдоднинг катта муҳаддисларидан бўлган.

Шайбон Нахвий, Ҳаммод ибн Салама, Фулайҳ ибн Сулаймон кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Шогирдлари: Аҳмад, ибн Мадиний, Рамодий, Ҳорис ибн Абу Усома ва бошқалар.

Ибн Маин кабилар уни ишончли эканини айтган.

Ҳижрий 208-йилнинг Сафар ойида вафот этган. Унинг неча йил умр кўрганлиги ҳақида маълумот берилмаган.

### **338. Ҳафс ибн Абдуллоҳ**

Бобосининг исми Рошид бўлган. У зот Найсобурнинг қозиси ва катта муҳаддисларидан бўлган.

Иброҳим ибн Таҳмондан кўп ҳадис эшитган. Илмий сафар қилиб Юнус ибн Абу Исҳоқ, ибн Абу Зиъб, Умар ибн Зар, Саврий кабилардан ҳадис эшитган.

Шогирдлари: ўғли Аҳмад, шунингдек, Қатан ибн Иброҳим, Муҳаммад ибн Ақил, охири вафот этган шогирдларидан Амр Қашмард ва бошқалар.

Имом Насоий унинг ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқлигини айтган.

Муҳаммад ибн Ақил айтади: «Бизга йигирма-йил ҳадис билан ҳукм чиқарган. Ҳечам раъй билан ҳукм чиқармаган».

Аҳмад бундай деган: «Отам (ҳижрий) 209-йилнинг Шаббон ойида вафот этган».

### **339. Али ибн Ҳасан ибн Шақиқ**

Куняси Абу Абдурахмон бўлиб Марв шаҳрининг катта муҳаддисларидан бўлган.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Ҳусайн ибн Воқид, Абу Ҳамза Суккарий, Абу Муниб Убайдуллоҳ Атакий, Иброҳим ибн Таҳмон, Исроил ва Қайс ибн Рабиъ.

Ундан ривоят қилган муҳаддислар: имом Бухорий (қолганлар билвосита ривоят қилган), Аҳмад, ибн Маин, Аҳмад ибн Сайёр, Аббос Дуврий, ўғли Муҳаммад ибн Али ва бошқалар.

Аҳмад: «Унинг ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқ. Муржиаликдан қайтган», деган.

Ибн Маин айтади: «У Хуросон тарафдан келган энг афзал кишидир. Ибн Муборак борасида энг ишончли одам бўлган. Ундан кўп марта китобларини эшитган».

Аббос ибн Мисъаб бундай деган: «Илми денгиз бўлган. Абдуллоҳнинг китоблари борасида энг ишончлиси бўлган. Дастлаб аҳли китоблар билан мунозара қиладиган даъватчи бўлган. Таврот ва Инжилни ёзиб чиққан. Сўнгра ҳадис айтиш билан машғул бўлган».

98 йил умр кўриб, ҳижрий 215-йилда вафот этган.

### **340. Абу Комил**

Музаффар ибн Мудрик аввал Хуросонда, кейинчалик Бағдодда яшаган.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган: Шайбон Наҳвий, Осим ибн Муҳаммад Умарий, Абдулазиз Можишун, Ҳаммод ибн Салама ва шу табақадагилардан. Шўба билан учрашмаган.

Аҳмад, ибн Маин, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мухарримий кабилар ундан ҳадис ривоят қилган.

Аҳмад айтади: «Бу ерларда ҳақиқий муҳаддислар: Абу Комил, Абу Салама Ҳузойй, Ҳайсам ибн Жамилдир. Шуларнинг ичида ёддан ҳадис бўйича Ҳайсам энг кучлиси бўлган. Абу Комил энг ишончлиси бўлган. Унинг ўткир ақли, виқори ва ҳайбати бор эди».

Ибн Маин бундай деган: «Бу обрўни мен ундан олганман. У солих киши бўлиб, унга ўхшашини жуда кам кўрганман».

Абу Ҳайсама: «У бизнинг наздимизда Вакиъдан кам бўлмаган», деб айтган.

Абу Довуд унинг ишончли ровийлардан эканлигини таъкидлаган.

Имом Насойй эса: «У ишончли ва омонатдор муҳаддис бўлган» деб айтган.

Ёш оламдан ўтгани учун номи машҳур бўлмаган.

Иброҳим Ҳарбийнинг айтишича, у ҳижрий 207-йилда оламдан ўтган.

### 341. Абу Убайда

Абу Убайда Маъмар ибн Мусанно Таймий Басрий кўплаб китобларнинг муаллифи ҳисобланади.

Ҳишом ибн Урва ва Абу Амр ибн Алодан ҳадис ривоят қилган.

Ундан ҳадис тинглаганлар: ибн Мадиний, Умар ибн Шабба, Абу Усмон Мозиний, Абу Айно ва бошқалар.

Жоҳиз: «Ер юзида ҳам, ичида ҳам Абу Убайдадек барча илмларни ўзида жамлаган одам бўлмаган», деб айтган.

Ибн Мадиний у кишига таъриф бериб, ривоятлари саҳиҳ эканлигини айтган.

Ҳижрий 210-йилда вафот этган. 209-йилда деганлар ҳам бор.

### 342. Яҳё ибн Зиёд Фарро

Буюк тарихчи олим, аллома ва араб тили билимдони бўлган Мазкур ровий ҳадис илмида ҳам юксак мақомга эга зотлардандир. Барча асарларини ёддан айтиб ёздирган.

Ҳижрий 207-йили олтмиш уч ёшида Маккадан қайтаётиб, йўлда вафот этган.

### 343. Абу Нуайм

Абу Нуайм Фазл ибн Дукайн (Дукайннинг асли исми Амр ибн Ҳаммоддир) Куфий Мулоий тижорат билан ҳам шуғулланган. Талҳа ибн Убайдуллоҳ Таймийнинг мавлоларидан бири бўлган.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Аъмаш, Закариё ибн Абу Зоида, Умар ибн Зар, Шўба ва бошқалар.

Ундан ривоят қилган муҳаддислар: Аҳмад, Исъҳоқ, ибн Маин, Зуҳалий, Бухорий, Доримий, Муҳаммад ибн Жаъфар Қаттот ва яна бир

қанча мухаддислар. Олдинги табакадагилардан ибн Муборак ҳам ривоят қилган.

Ҳанбал айтади: «Абу Нуайм «Саврий ҳадис ёзиб олган мухаддисларнинг юздан ортиғидан мен ҳам ҳадис ёзиб олганман», деб айтган».

Аҳмад: «У Вакиъдан камроқ хато қилган», деган. Шунингдек, «Ровийлар, уларнинг насаблари борасида олим киши бўлган. Вакиъ эса ундан фақиҳроқ бўлган» деб айтган.

Абу Заръа Димашқий айтади: «Мен ибн Маиннинг «Абу Нуайм ва Аффондан ишончлироқ ровийни кўрмаганман», деб айтганини эшитганман».

Аҳмад ибн Солиҳ: «Абу Нуаймдан ростғойроқ мухаддисни кўрмаганман», деб айтган.

Ёқуб Фасавий бундай деган: «Мухаддислар бир овоздан Абу Нуаймнинг энг ишончли ровийлардан эканлигини эътироф этганлар».

Абу Ҳотим унинг юз мингдан ортиқ ҳадисни билган моҳир ровийлардан эканини айтган.

Мухаммад ибн Абдулвахҳоб Фарро: «Биз Абу Нуаймнинг ҳайбатидан подшоҳникидан ҳам кўпроқ қўрқар эдик», деб айтган.

Яхё Қаттон айтади: «Агар бу кўзи ноқис мен билан бир фикрда бўлса қолганларга парво қилмайман».

Ҳижрий 130-йилда туғилиб, 219-йилнинг Шаъбон ойида вафот этган.

#### **344. Мухаммад ибн Юсуф**

Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Юсуф ибн Воқид Забий Фирёбий Туркий Шом диёрининг шайхларидан бўлиб, Фаластин шаҳарларидан бири бўлмиш Қайсорияда яшаган.

Умар ибн Зар, Авзойи, Саврий, Жарир ибн Ҳозим ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Ундан ҳадис тинглаганлар: Бухорий, ибн Вора, Аббос Туркуфий, Абдуллоҳ ибн Мухаммад ибн Саид ибн Абу Марям ва бошқалар.

Имом Бухорий: «Ўз замонининг энг афзал кишиси бўлган» деб айтган.

Ибн Занжавайх: «Ундан такводор одамни кўрмаганман», деб айтган.

Мухаммад ибн Саҳл ибн Аскар айтади: «Биз билан Фирёбий ҳам Аллоҳдан ёмғир сўради. Ёмғир ёғгунига қадар қўлини туширмади».

Доракутний бундай деган: «У Саврийдан ривоят қилинган ҳадислар борасида фазилатли ва такводор бўлгани учун Қабисадан олдин туради».

Ҳижрий 212-йилнинг бошларида вафот этган. Аҳмад ибн Ҳанбал ундан ҳадис эшитиш учун йўлга чиққан бўлган. Унинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитгач, Ҳимедан ортга қайтган экан.

### 345. Яхё ибн Исъҳоқ

Кунияси Абу Закариё бўлиб, жуда кўп илмий сафарларга чиққан.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ҳаммод ибн Салама, Аббон ибн Язид, Саид ибн Абдулазиз, Яхё ибн Айюб Мисрий, Мусо ибн Улай ва шу табақадагилар.

Ундан ҳадис тинглаганлар: Аҳмад, Ҳорун Ҳаммо, Аҳмад ибн Зухайр, Бишр ибн Мусо, Ҳорис ибн Муҳаммад ва бошқалар.

Аҳмад: «У солиҳ ва ишончли шайхлардан бўлган» деб айтган.

Ибн Саъд унинг ишончли муҳаддис эканини, ҳамда, ҳадисларини ёддан айтганини келтирган.

Ҳижрий 210-йилнинг Шаббон ойида вафот этган.

### 346. Муалло ибн Мансур

Абу Яъло Муалло ибн Мансур ар-Розий Бағдодий буюк фақиҳ ва муҳаддислардан бўлган.

Молик, Сулаймон ибн Билол, Лайс, Шарик кабилардан ҳадис тинглаган.

Ундан ҳадис ривоят қилган муҳаддислар: Абу Савр, Абу Хайсама, Рамодий, Аббос Дуврий ва бошқалар.

Ибн Маин ва яна бир қанча муҳаддислар уни ишончли ровийлардан бири эканини айтганлар.

Ижлий айтади: «У ишончли ва тенгсиз, суннатни маҳкам тутган зотлардан бўлган. Бир неча бор қози бўлишга ундашган бўлса ҳам бундан бош тортган».

Ёқуб Саддусий: «У ишончли, моҳир ва фақиҳ киши бўлган», деган.

Ибн Адий унинг инкор этиладиган ҳадисини кўрмаганини эътироф этган.

Ибн Саъд унинг ҳижрий 211-йилда вафот этганини айтган.

### 347. Усмон ибн Умар

Абу Муҳаммад Усмон ибн Умар ибн Форис Басрий юз мингдан ортиқ ҳадисни ёддан билган.

Ушбулардан ҳадис ривоят қилган: Ҳишом ибн Ҳассон, Юнус ибн Язид Айлий, Усома ибн Зайд Лайсий, ибн Абу Зиъб, Шўба ва бошқалар.

Шогирдлари: Аҳмад, Исъҳоқ, Абу Хайсама, Фаллос, Рамодий, Аббос Дуврий, Кудаймий ва бошқалар.

Аҳмад: «У ишончли, солиҳ кишилардан бўлган», деб айтган.

Ижлий: «Ишончли ва моҳир киши бўлган», деб айтган.

Ҳижрий 209-йилнинг Рабиул аввал ойида вафот этган.

### 348. Маккий ибн Иброҳим

Тўлиқ исми Абу Сакан Маккий ибн Иброҳим Тамимий Ҳанзалий Балхий бўлиб, Хуросоннинг катта уламоларидан бири бўлган.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис эшитган: Язид ибн Абу Убайд, Жаъфар Содик, Баҳз ибн Ҳаким, Абу Ҳанифа, Ҳишом ибн Ҳассон, ибн Журайж ва бошқалар.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Бухорий, Аҳмад, ибн Маин, Зухалий, Аббос Дуврий, Кудаймий, ва бошқалар. Шулар ичида охири вафот этгани Муаммар ибн Муҳаммад Муаммар Балхий ҳисобланади.

Абдуссамад ибн Фазл айтади: «Унинг «Олтмиш марта ҳаж қилганман. Олтмишта аёлга уйланганман. Ўн ёшдан ўтгач ўн еттита тобейлардан ҳадис ёзиб олганман», деганини эшитганман».

Ибн Саъд уни ишончли ва машҳур ровийлардан бўлганини айтган. Шунингдек, Дорақутний: «Ишончли ва омонатдор бўлган» деб айтган. Насоий эса: «Ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқ», деб айтган.

Маккийнинг ўзи айтганидек, ҳижрий 126-йилда туғилган. 17 ёшида илм ўрганишни бошлаган.

Ибн Саъд: «У ҳижрий 215-йилнинг Шаъбон ойида Балхда вафот этган», деб айтган.

### **349. Ҳусайн ибн Муҳаммад**

Абу Аҳмад Ҳусайн ибн Муҳаммад Маррузий Муаддиб ҳазратлари Бағдодда яшаган.

Қуйидаги муҳаддислардан ҳадис тинглаган: Жарир ибн Ҳозим, Исроил, ибн Абу Зиъб, Шайбон, Абу Ҳассон Муҳаммад ибн Муторриф.

Ундан ҳадис ривоят қилганлар: Аҳмад, Яхё, Абу Хайсама, Аббос Дуврий, Иброҳим Ҳарбий, Ҳанбал ва бир неча муҳаддислар. Олдинги табақадаги муҳаддислардан сафардоши Абдуррахмон ибн Маҳдий ҳам ундан ҳадис ривоят қилган.

Ибн Саъд ва бошқалар уни ишончли деб билган.

Имом Насоий эса: «Унинг ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқ», деб айтган.

Мутайяннинг айтишича, у ҳижрий 214-йилда вафот этган.

### **350. Қабиса ибн Уқба**

Тўлиқ исми Абу Омир Қабиса ибн Уқба ибн Муҳаммад Сувоий Куфийдир. Кўп ҳадис билган катта муҳаддислардан бири ҳисобланади.

Ушбулардан ҳадис тинглаган: Шўба, Саврий, Исроил, Варко, Фитр ибн Халифа ва Мисъар. Исо ибн Таҳмондан ҳам ҳадис эшитган.

Ундан ривоят қилганлар: Бухорий, Абд ибн Ҳумайд, Абу Заръа, Абу Бакр Сағғоний, Ҳорис ибн Абу Усома ва бошқалар.

Аҳмад ибн Ҳанбал айтади: «Қабиса ишончли муҳаддис ва солиҳ киши бўлган. Унинг ҳадисларини ривоят қилишнинг зарари йўқ. Унда йўқ илмнинг ўзи йўқ. Лекин, у ривоятларни кўп чалкаштирган».

Абдуллоҳ ибн Аҳмад бундай деган: «Отам Абу Ҳузайфа Наҳдийни эслаб «Суфёндан ривоят қилган ҳадислар борасида Қабиса ундан анча ишончли бўлган», деганини эшитганман».



Ибн Маин: «Қабиса барча ривоятлар бўйича ишончлидир. Лекин, Суфёндан ривоят қилган ҳадислари унчалик кучли эмас. Чунки, ундан жуда ёшлигида ҳадис эшитган», деб айтган.

Фасавий айтади: «Мен Қабисанинг «Суфён билан фарз намозини бирга ўқиганман», деганини эшитганман».

Ибн Нумайр шундай деб айтган: «Агар Қабиса бизга Нахайининг ҳадисларини айтса биз уни қабул қилар эдик».

Абу Заръадан Қабиса ва Абу Нуайм ҳақида сўрашганида «Афзали Қабисадир. Абу Нуайм эса моҳирроқ бўлган» деган экан.

Абу Ҳотим бундай деган: «Муҳаддислар ичида Қабисадан афзалини кўрмадим. У ҳадисни ёдлаб олар ва айтиб беришда бирорта ҳарфга ҳам адашмас эди. Абу Нуайм ҳазратлари ҳам Саврийнинг ҳадисида адашмаган. Бундан ташқари, Шарик борасида Яҳё Ҳиммоний ва Али ибн Жаъд ҳам тенги йўқ бўлган».

Исҳоқ ибн Сайёр: «Ровийлар ичида Қабисадан хотираси кучлисини кўрмаганман», деган.

Ҳижрий 215-йилда саксон ёшлар чамасида оламдан ўтган.